

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ  
ТАҲЛИЛИ**

**UZBEK LAW REVIEW**

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА  
УЗБЕКИСТАНА**

<b>ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ</b>	<b>SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL</b>	<b>НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ</b>
--------------------------------------	----------------------------------------------	--------------------------------------------

---

---

**2019  
№1**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**БОШ МУҲАРРИР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – юридик фанлари доктори, профессор.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:**

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Рахимов Фахри Хайдарович** – ю.ф.д., профессор.  
**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Оқолов Омонбой** – ю.ф.д., профессор.  
**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – ю.ф.д., доцент.  
**Эсанова Замира Нормуратовна** – ю.ф.д., профессор.  
**Шодманов Фурқат Юсупович** – ю.ф.д., профессор.  
**Самарходжаев Ботир Билялович** – ю.ф.д., профессор.  
**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – ю.ф.д., доцент.  
**Эргашев Восит Ёқубович** – ю.ф.н., доцент.  
**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – ю.ф.д., профессор.  
**Файзиёв Шухрат Хасанович** – ю.ф.д., профессор.  
**Махкамов Отабек Мухтарович** – ю.ф.д.  
**Зуфаров Рустам Ахмедович** – ю.ф.д., профессор.  
**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – ю.ф.д., профессор.  
**Тошев Бобоқул Норқобилович** – ю.ф.д., профессор.  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – ю.ф.д., доцент.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади: <b>Гулямов Саид Саидахарович,</b> <b>Рустамбеков Исламбек Рустамбекович</b> ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36
"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги <a href="http://www.lawreview.uz">www.lawreview.uz</a> сайтида жойлаштирилган.
<b>Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.</b>

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.  
 2019 йилда нашр этилди.  
 Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**  
 Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**  
 Техник муҳаррир: **Ш. Ҳўжаев**  
 Лицензия № 02-0074  
 Босишга рухсат этилди – 15.04.2019  
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 5  
 «IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди  
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
ЖУРНАЛ**

**1/2019**

**МУНДАРИЖА**

**ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ**

**М.Нажимов**  
 Ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлили.....5

**Ш.Сайдуллаев**  
 Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг методологик муаммолари .....8

**А.Эранов**  
 Маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг судгача бўлган тартибини такомиллаштириш маъмурий адлияни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида .....11

**А.Бабаджанов**  
 Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини ривожлантириш масалалари.....15

**М.Таджибаева**  
 Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати Ислом ҳуқуқи таълимотларида.....18

**Х.Турдиев**  
 Ижро ҳокимиятининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш масалалари .....22

**Б.Норматов**  
 Солиқ текширувларининг назарий-ҳуқуқий асослари ва ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари .....25

**ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ**

**Д.Қараходжаева**  
 Хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг янги механизмлари инвестиция иқлимини яхшилаш асоси сифатида .....34

**Ш.Рўзиназаров**  
 Эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий омиллари.....36

**Д.Ҳабибуллаев**  
 Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларининг ижроси – фуқаролик процессининг якуний босқичи.....43

**У.Шарахметова**  
 Оила қонунчилигининг сохта никоҳга оид нормаларини такомиллаштириш масалалари .....45

**М.Болтаев, Ш.Исмоилов**  
 Бизнес ва меҳнат: ўзаро муносабатлар таҳлили .....48

**С.Юсупов**  
 Хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўламини ошириш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболи сифатида .....53

**И.Якубова**  
 Тасвирга бўлган ҳуқуқ – шахсий номулкий ҳуқуқнинг ажралмас таркибий қисми сифатида.....56

**А.Жумагулов**  
 Инвестиция фондларининг тарихий ривожланиш босқичлари.....59

**М.Рахимов**  
 Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: ақш тажрибаси.....62

**Ш.Хўжаев**  
 Некоторые вопросы правового регулирования деятельности филиалов иностранных банков в Республике Узбекистан.....65

**Г.Мамараимова**  
 Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ишларини кўришда эр-хотинни ўзаро яраштириш чораларини қўллаш .....68

**ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ**

**М.Ўразалиев**  
 Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида .....72

**Д.Камалова**  
 Тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилиш: муаммо ва ечим .....75

**ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

**Н.Раҳманкулова**  
 Ўзбекистон Республикаси халқаро хусусий ҳуқуқ автоном кодификациясида комплекслилик тамойилини амалга ошириш механизми .....79

**И.Рустамбеков**  
 Медиациянинг моҳияти ва ўзига ҳос жиҳатлари.....84

**Э.Ахунджанов**  
 Халқаро тижорат арбитражларида низоларни кўришда арбитраж келишувининг моҳияти.....87

**Ш.Ходжимуротов**  
 Lex Sportiva: спорт бошқарувида янги концепция.....91

**EDITORIAL BOARD**

**GENERAL MANAGER:**

**Dr. Gulyamov Said** – Professor, Doctor of Sciences in Law.

**MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:**

**Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rakhimov Fakhri** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Adilkhodjaeva Surayo** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Okyulov Omonboy** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Imomov Nurillo** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Esanova Zamira** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Shodmanov Furqat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Samarkhodjaev Botir** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mrs. Shamukhamedova Zamira** – associate professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Ergashev Vosit** – associate professor, candidate of sciences in law

**Mr. Kholmuminov Jumanazar** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Fayziev Shukhrat** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Makhkamov Otabek** – doctor of sciences in Law.

**Mr. Zufarov Rustam** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Mukhitdinov Fakhridin** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Toshev Bobokul** – professor, doctor of sciences in Law.

**Mr. Rustambekov Islambek** – associate professor, doctor of sciences in Law.

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Said,**  
**Mr. Rustambekov Islambek**  
35, Sayilgoh Street, Tashkent,  
TSUL, Department of "International commercial Law",  
Council of Young Scientists  
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at [www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz)

**The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.**

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2019.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**

Publishing editor: **N.Niyazova**

Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 15.04.2019

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

**SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL**

**1/2019**

**CONTENTS**

**STATE LAW AND MANAGEMENT**

<b>M.Najimov</b> Analysis of the Issues of Improving the Organizational and Legal Framework of Law Enforcement and Interpretation .....	<b>5</b>
<b>Sh.Saydullaev</b> Methodological Problems of Identification of Gaps in Acts of Legislation.....	<b>8</b>
<b>A.Eranov</b> Improving Pre-trial Administrative Affairs as an Important Direction of Development of Administrative Justice .....	<b>11</b>
<b>A.Babadjanov</b> Issues of improving the participation of political parties in the activities of local authorities .....	<b>15</b>
<b>M.Tadjibaeva</b> Legal Status in Islamic Law Protection of Water Resources and Their Use .....	<b>18</b>
<b>H.Turdiyev</b> The Issues of the Improvement of the Executive Law-making Activity .....	<b>22</b>
<b>B.Normatov</b> Theoretical and Legal Basis of Tax Audit and Problems of Legal Regulation.....	<b>25</b>

**CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS**

<b>D.Karakhodjaeva</b> New Mechanisms for the Protection of Private Property as Basis of Improvement of the Investment Climate .....	<b>34</b>
<b>Sh.Ruzinazarov</b> Organizational and Legal Aspects of Increasing Investment Attractiveness in Free Economic Zones.....	<b>36</b>
<b>D.Habibullaev</b> The Final Stage of the Civil Process – the Execution of Judicial Acts in Civil Cases.....	<b>43</b>
<b>U.Sharahmetova</b> Improvement of Family Law Relating to Fictitious Marriage.....	<b>45</b>
<b>M.Boltaev, Sh.Ismoilov</b> Business and Labor: Analysis of Mutual Relations.....	<b>48</b>
<b>S.Yusupov</b> Increasing the Scale of Attracting Foreign Investment as a Prospect for the Country's Economic Development.....	<b>53</b>
<b>I.Yakubova</b> The Right to Image – Integral Part of Private Non-Property Rights.....	<b>56</b>
<b>A.Jumagulov</b> Stages of the Historical Development of Investment Funds .....	<b>59</b>
<b>M.Rahimov</b> Protecting of Employee Rights: US Experience.....	<b>62</b>
<b>Sh.Hujaev</b> Some Issues of Legal Regulation of Activity of Foreign Bank's Branches in the Republic of Uzbekistan .....	<b>65</b>
<b>G.Mamaraimova</b> The Application by Measures of Measures for the Conciliation of Husbands when Considering Barrierways.....	<b>68</b>

**CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS**

<b>M.Uraziliev</b> Physical or Mental Coercion or Threat as a Circumstance Precluding Crime.....	<b>72</b>
<b>D.Kamalova</b> Qualification of Uncompleted Crimes: Problems and their Solutions.....	<b>75</b>

**INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS**

<b>Sh.Rahmankulova</b> The Mechanism of Realization of Principles of Complexity on Complex Autonomous Codification on International Private Law .....	<b>79</b>
<b>I.Rustambekov</b> Essence and Features of Mediation .....	<b>84</b>
<b>E.Akhundjanov</b> The essence of the Arbitration Agreement in Disputes in International Commercial Arbitrations.....	<b>87</b>
<b>Sh.Hodjimurotov</b> Lex Sportiva: New Concept in Sports Governance.....	<b>91</b>

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**

**Гулямов Саид Саидахарович** – доктор юридических наук, профессор.

**ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:**

**Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – д.ю.н., профессор.

**Рахимов Фахри Хайдарович** – д.ю.н., профессор.

**Адилходжаева Сурайё Махкамовна** – д.ю.н., профессор.

**Оқюлов Омонбой** – д.ю.н., профессор.

**Имомов Нурилло Файзуллаевич** – д.ю.н., доцент.

**Эсанова Замира Нормуратовна** – д.ю.н., профессор.

**Шодманов Фурқат Юсупович** – д.ю.н., профессор.

**Самарходжаев Ботир Билялович** – д.ю.н., профессор.

**Шамухамедова Замира Шаисламовна** – д.ю.н., доцент.

**Эргашев Восит Ёқубович** – к.ю.н., доцент.

**Холмўминов Жуманазар Тоштемирович** – д.ю.н., профессор.

**Файзиёв Шухрат Хасанович** – д.ю.н., профессор.

**Махкамов Отабек Мухтарович** – д.ю.н.

**Зуфаров Рустам Ахмедович** – д.ю.н., профессор.

**Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович** – д.ю.н., профессор.

**Тошев Бобоқул Норқобилович** – д.ю.н., профессор.

**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович** – д.ю.н., доцент.

Для получения информации просим обращаться:

**Гулямов Саид Саидахарович,**  
**Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**  
ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право.  
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,  
ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:  
[www.lawreview.uz](http://www.lawreview.uz)

**Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.**

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2019 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**

Издательский редактор: **Н.Ниязова**

Технический редактор: **Ш.Хужаев**

Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 15.04.2019 г.

Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ  
ЖУРНАЛ**

**1/2019**

**СОДЕРЖАНИЕ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ**

<b>М.Нажимов</b> Анализ вопросов совершенствования организационно-правовых основ применения и толкования права.....	<b>5</b>
<b>Ш.Сайдуллаев</b> Методологические проблемы выявления пробелов в законодательных актах.....	<b>8</b>
<b>А.Эранов</b> Совершенствование порядка досудебного рассмотрения административных дел как важное направление развития административной юстиции.....	<b>11</b>
<b>А.Бабаджанов</b> Вопросы совершенствования участие политических партий в деятельности органах местной власти.....	<b>15</b>
<b>М.Таджибаева</b> Правовое состояние в Исламском праве охрана водных ресурсов и их использования.....	<b>18</b>
<b>Х.Турдиев</b> Вопросы совершенствования участия исполнительной власти в правотворческой деятельности.....	<b>22</b>
<b>Б.Норматов</b> Теоретико-правовые основы налоговой проверки и проблемы правового регулирования.....	<b>25</b>

**ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС**

<b>Д.Караходжаева</b> Новые механизмы защиты частной собственности как основа улучшения инвестиционного климата.....	<b>34</b>
<b>Ш.Рузиназаров</b> Организационно-правовые аспекты повышения инвестиционной привлекательности в свободных экономических зонах.....	<b>36</b>
<b>Д.Хабидуллаев</b> Заключительная стадия гражданского процесса – исполнение судебных актов по гражданским делам.....	<b>43</b>
<b>У.Шарахметова</b> Совершенствование норм семейного законодательства, касающихся фиктивного брака.....	<b>45</b>
<b>М.Болтаев, Ш.Исмоилов</b> Бизнес и труд: анализ взаимного отношения.....	<b>48</b>
<b>С.Юсупов</b> Увеличение масштабов привлечения иностранных инвестиций как перспектива экономического развития страны.....	<b>53</b>
<b>И.Якубова</b> Право на изображение – неотъемлемая часть личного неимущественного права.....	<b>56</b>
<b>А.Жумагулов</b> Этапы исторического развития инвестиционных фондов.....	<b>59</b>
<b>М.Рахимов</b> Защита трудовых прав работников: опыт США.....	<b>62</b>
<b>Ш.Хужаев</b> Некоторые вопросы правового регулирования деятельности филиалов иностранных банков в Республике Узбекистан.....	<b>65</b>
<b>Г.Мамараимова</b> Применение судами мер по примирению супругов при рассмотрении бракоразводных дел.....	<b>68</b>

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС**

<b>М.Уразалиев</b> Физическое или психическое принуждение либо угроза как обстоятельство исключающее преступность.....	<b>72</b>
<b>Д.Камалова</b> Квалификация неоконченных преступлений: проблемы и пути их решения.....	<b>75</b>

**МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ**

<b>Ш.Рахманкулова</b> Механизм реализации принципа комплексности в комплексной автономной кодификации международного частного права Республики Узбекистан.....	<b>79</b>
<b>И.Рустамбеков</b> Сущность и особенности медиации.....	<b>84</b>
<b>Э.Ахунджанов</b> Сущность арбитражного соглашения при рассмотрении споров в международных коммерческих арбитражах.....	<b>87</b>
<b>Ш.Ходжимуротов</b> Lex Sportiva: новая концепция в спортивном управлении.....	<b>91</b>

**М.К. Нажимов,**  
ТДЮУ кафедра профессори,  
юридик фанлар номзоди

## ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ ВА ШАРҲЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлаш фаолиятининг самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** шарҳлаш, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқни қўллаш, юридик техник нормалар, ҳуқуқ манбалари, халқаро шартномалар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норма ижодкорлиги.

**Аннотация:** в данной статье проанализированы теоретико-организационные вопросы правоприменения и толкования норм права. Также разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию правовых основ обеспечения эффективности правоприменения и толкования норм права.

**Ключевые слова:** толкование, толкование норм права, правоприменение, юридико-технические нормы, источники права, международные соглашения, нормативно-правовые акты, нормотворчество.

**Annotation:** this article analyzes theoretical-organizational aspects of application of law and interpretation of legal norms. In addition, offers and recommendations on improving legal frameworks in providing effectiveness of application of law and interpretation of legal norms were worked out.

**Key words:** interpretation, interpretation of law, application of law, judicial-technique norms, sources of law, international agreements, legal acts, lawmaking,

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва ўз истиқлол ҳамда тараққиёт йўлини танлаши мавжуд ижтимоий муносабатлар тизимида қатор ўзгаришларни юзага келтирди. Шу жиҳатдан олганда, бундай ўзгаришларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуққа ва унинг манбалари (шакллари)га таъсири натижаларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш масалаларини шарҳлаш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан изоҳлаб бериш ва тўғридан тўғри амал қиладиган, оддий фуқароларнинг англаши ва тушуниши учун қулай бўлган ва иложи борича қўшимча қонун ости ҳужжати қабул қилиш талаб қилинмайдиган қонунларни ишлаб чиқиш механизмларини илмий назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда ҳуқуқшунос олимлар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, “қонун ости ҳужжатларини қабул қилиш амалиётидан воз кечиш ва тўғридан тўғри қўлланадиган қонунлар қабул қилиш вақти келди. ...Бу борада зудлик билан ўз аҳамиятини йўқотган қонунлар рўйхатини шакллантиришимиз, амалдаги мавжуд муаммоларни чуқур ва танқидий равишда ўрганиб, энг

илғор халқаро тажрибалар асосида тўғридан-тўғри амалиётга қўлланадиган қонунлар қабул қилишимиз лозим. ... ҳар бир қонун ёки қарорнинг яратилиши соҳадаги мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этилиши, хорижий илғор тажрибаларни ўрганиши, бир сўз билан айтганда, машаққатли меҳнатни талаб этади”[1].

Ҳеч кимга сир эмаски, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳуқуқшуносликка оид кўпдан-кўп тушунча ва атамаларни қайта идрок этиш ва қадриятларимизни янгидан баҳолашни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ҳуқуқнинг мазмун ва моҳиятини айнан шундай тушуниш юқорида таъкидланганидек, унинг ифода этиш шакллари (манбаларини), уларни тегишли ҳуқуқий вазиятларга нисбатан қўллаш жараёнида шарҳлаш масалаларини янгича, яъни ижтимоий воқелик талабларидан келиб чиққан ҳолда англашни тақозо этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ ва тўғри англаши ҳамда татбиқ этилиши мамлакатда жамият манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий тартиботни юзага келишига замин яратади. Қонунчилик жараёни, қонунчилик тизими, юридик техника билан боғлиқ алоҳида муаммолар ҳуқуқ назариясига оид тадқиқотларда муайян даражада ўрганилган бўлсада, ҳуқуқни қўллаш жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш масалалари миллий юридик фанимизда кам ўрганилган мавзу ҳисобланади. Бундан ташқари, тадқиқотчилар орасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни шарҳлаш терминларининг илмий мазмунини белгилашда яқдил ёндашувлар мавжуд эмас.

Бугунги кунда ҳуқуқни амалга ошириш механизмларининг ривожланиши кўп жиҳатдан миллий ҳуқуқий тизимнинг дунёда кечаётган глобаллашув жараёнларига боғлиқлиги билан тавсифланади. Мамлакатимизда бир томондан ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий қадриятларини ва ҳуқуқ манбалари тизимини моделлаштириш услубларини ўзлаштириш жараёни кетаётган бўлса, иккинчи томондан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини конвергенция жараёнларидан ҳимоя қилиш, ундаги мамлакатнинг жуғрофий, этник, маънавий-руҳий ва омиллари билан боғлиқ хусусиятларни сақлаб қолиш тенденциялари кечаётганлигини кўришимиз мумкин. Фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакат ҳаётида демократик қадриятларни қарор топтириш ҳамда жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, халқаро конвенциялар ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа нормаларининг амалдаги ижросини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ижросини таъминлаш деганда, давлатнинг олий вакиллик органи томонидан ратификация қилинган ёки бошқача тарзда мажбурият сифатида қабул қилинган халқаро шартномаларда белгиланган нормаларнинг бевосита ёки билвосита амалда тўлиқ қўлланилиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, халқаро шартномалар томонидан у ёки бу муносабатлар тўғридан-тўғри ёки бошқа ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солиниши ва уни тегишли давлат органлари томонидан таъминланиши халқаро шартномалар амалда тўлиқ ижро этилишини билдиради.

Халқаро ҳуқуқнинг энг муҳим манбалари сифатида халқаро ҳуқуқий шартномалар, битимлар, ҳужжатлар,

конвенциялар, декларациялар фақат давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги хилма-хил сиёсий (дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳужум қилмаслик, қурол-сизланиш тўғрисидаги) ва иқтисодий (савдо, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, қарзлар, кредитлар ва бошқалар тўғрисидаги) масалаларни тартибга солибгина қолмай, балки бирон-бир соҳада қонунчиликни ривожлантиришнинг умумий мақсадларини белгилайди, тартибга солиш тамойилларини шакллантиради, ҳуқуқий андозаларни жорий этади, тавсиялар беради. Шу боис маданияти юксак ривожланган барча мамлакатларда халқаро ҳуқуқ устуворлигининг эътироф этилиши бежиз эмас<sup>[2]</sup>. Халқаро шартнома нормаларининг Ўзбекистон Республикасида бевосита қўлланишини халқаро шартномада миллий қонунчиликдагига нисбатан бошқача ҳолат назарда тутилган ва миллий қонунчиликда ушбу ҳуқуқий муносабат бевосита тартибга солинмаган ҳолларда, давлатимиз бу турдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган халқаро шартномаларга аъзо бўлган бўлса, шундагина халқаро шартнома нормалари қўлланиши каби ҳолатларида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг ижросини таъминлашдаги муаммолар энг аввало, уларни ташқи ифода этиш ва ҳуқуқ манбаси сифатида белгилаш ҳамда уларни тўғри ва мукамал шарҳлаш билан боғлиқдир. Мамлакатимизда ушбу нормаларни қўллашда асосий муаммо уларнинг ҳуқуқ манбаси сифатидаги мақоми аниқ ифодаланмаганлигидадир. Шуниси қизиқарлики, илмий адабиётларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг аҳамиятини ёки уни миллий ҳуқуқий тизимда уйғунлаштиришни инкор қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратмайсиз. Агар муаммони тушунишни янада соддалаштирадиган бўлсак, у қуйидагича намоён бўлади, яъни кўпчилик халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва тамойилларини тан олади, лекин ҳеч ким уни қай тартибда ва қайси асосларда қўллаш мумкинлиги тўғрисида аниқ фикрни илгари сурмайди.

**Халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллашга оид масалаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги ҳулосага келиш мумкин:**

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини бевосита ҳуқуқ манбаси сифатида эътироф этмасда, уларнинг устуворлигини тан олади. Бундан шу нарса англашиладики, улар Ўзбекистон Республикасида қўлланилиши ва муҳофаза этилиши лозим.

**Иккинчидан**, конституциявий қоидадан шундай ҳулосага келиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ нормалари нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши лозим бўлган қоидадир, балки улар кўпроқ намуна-нормалар (худди фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги тамойили каби) сифатида майдонга чиқади. Бундай мазмунда халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларини ҳуқуқни бевосита қўллаш жараёнида эмас, балки ҳуқуқни ташкил этиш учунгина ҳуқуқ манбаси сифатида эътироф этиш мумкин. Юқоридаги ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимида ушбу нормаларнинг мақоми масаласи фақат жорий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига мослаштириш билан чекланади.

**Учинчидан**, миллий қонунчилигимизда халқаро шартномаларни ҳуқуқ манбаси сифатида қўллаш бўйича алоҳида нормалар мавжуд эмас. Яъни, тегишли муносабатлар вужудга келганда мамлакатимиз давлат органлари томонидан халқаро шартномаларни алоҳида тартибда қўллаш ҳоллари кузатиб келинмайди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нормаларнинг устуворлиги тан олинади. Хусусан, мамлакатимизда фуқаролик қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар ҳамда битимларга нисбатан қуйидаги нормалар белгиланган, яъни агар халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилиши белгиланган.

**Тўртинчидан**, мамлакатимиз ҳуқуқ манбалари тизимида халқаро ҳуқуқ нормалари каби, ҳуқуқий одатнинг ҳам мақоми ва қўллаш механизмлари аниқ кўрсатилган деб бўлмайди. Тўғри қонунчиликнинг қатор соҳаларида хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Иш муомаласи одатлари. Маҳаллий одат ва анъаналар” деб номланувчи 6-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 8-моддасида ҳуқуқий одатларни қўллаш билан боғлиқ масалалар умумий тартибда ўз ифодасини топган. Лекин, ушбу ҳуқуқ соҳаларининг амалиётида ҳуқуқий одатни ҳуқуқ манбаси сифатида қўлланилганлиги тўғрисида аниқ статистик маълумотлар мавжуд эмас. Бундан шундай ҳулосага келиш мумкинки, бугунги кунда ҳуқуқий воқелигимизда ҳуқуқий одатларни қўллашнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва қоидалари ўз ифодасини топмаган. Ҳолбуки, миллий ҳуқуқий тизимимизнинг кўп минг йиллик тарихи ҳуқуқий одат нормалари асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг алоҳида аҳамият касб этишидан гувоҳлик беради. Бизнинг фикримизча, қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда ва бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмни ўзида ифодалаган ҳуқуқий одат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бу борадаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, мазкур қонун ҳужжатларида одат ва анъаналар билан тартибга солинадиган муносабатлар тизими ва ушбу соҳада иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми алоҳида тартибда белгилаб қўйилади.

**Бешинчидан**, жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда норматив шартномаларни қўллашнинг аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, норматив шартнома тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб қилиш икки ёки ундан ортиқ субъектлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа муайян бир соҳаларда тузиладиган норматив шартномаларнинг алоҳида таомилларини белгилаб беради.

Шунингдек, фан ва техника тараққиёти ҳамда инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликнинг муайян даражада ўзгариши ҳуқуқ манбалари тизимида техник характерга эга бўлган қоидаларнинг тобора кенг ўрин эгаллашига олиб келди ва ўз-ўзидан ҳуқуқшунослар олдида ушбу нормаларнинг ҳуқуқ манбаси сифатидаги юридик табиати билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш

долзарб вазифалардан бири сифатида майдонга чиқди. Ўз ўрнида мазкур ҳолат ҳуқуқ тизимида техник мазмунга эга бўлган юридик нормалар ҳам мавжуд эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларнинг келиб чиқишига туртки бўлди. Юридик адабиётларда мазкур нормаларни ифодалашда “табиий нормалар”, “техник-юридик нормалар”, “юридик-техник нормалар”, “ижтимоий-техник нормалар”, “техник-ҳуқуқий нормалар” каби турли хил атамалар қўлланила бошланди [3].

Таъкидлаш жоизки, муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишда юридик-техник нормаларини ҳуқуқ манбаси сифатида қўллаш ва шарҳлаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида белгилаб қўйилмаган. Фикримизча, мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари, уларни қабул қилиш тартиби, иерархияси каби масалаларни ўзида акс эттирган ушбу қонунда норматив характерга эга бўлган юридик-техник ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб қўйилмаслиги уларни қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу жиҳатдан олганда, ҳуқуқ субъектлари билан ташқи олам объектлари ўртасидаги муносабатларни техник тартибга солишнинг табиатига бўлган ёндашувларни тубдан ўзгартириш, яъни уни техник тартибга солишнинг махсус тури сифатида, юридик-техник нормаларни эса ҳуқуқ манбаларидан бири, деб тан олиш лозим.

2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири олдинги таҳрирдан ҳажми ҳамда мазмуни жиҳатидан ҳам тубдан фарқ қилади. У ўз ичига нафақат янги моддаларни қамраб олди, балки бугунги куннинг воқелигидан келиб чиқиб, олдинги таҳрирнинг кўплаб қоидаларини тўлдирди, бойитди ва янги мазмун берди.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида урғу бериб айтишни жоиз деб биламиз, яъни мазкур қонунда кодекс ва конституциявий қонунлар ҳамда Президент томонидан қабул қилинадиган фармонлар ва қарорларнинг махсус тушунчалари ва ҳуқуқий тавсифи ўз ифодасини топмаган. Зеро, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати масалалари аниқ белгилаб қўйилмаслиги оқибатида жамиятдаги турли хил муносабатларни тартибга солишда турли хил муаммолар юзага келиши мумкин.

Ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар терминлари бўйича турлича талқин этиш ҳолатлари мавжуд эканлигини қайд этиш жоиз. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5505-сон Фармони тўғри таъкидланганидек, “умумий тусга эга бўлган қонунлар кўплиги, шунингдек уларни амалга оширишнинг муайян механизмисиз айрим қарорларнинг қабул қилиниши, умуман давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, ижтимоий муносабатларни асосан қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солишга олиб келмоқда<sup>[4]</sup>”.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, белгиланган кенг қўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом

этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

**Ҳуқуқни шарҳлашда ҳуқуқий терминология бир хилда идрок этилишини таъминлашга кўмаклашувчи қуйидагилар таклиф қилинади:**

– юридик атама ва унга мувофиқ келувчи ҳуқуқий таъриф барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир хилда талқин қилиниши лозим;

– қонун ости ҳужжатларининг атамалари ва таърифлари қонунларда мустаҳкамланган тушунчалар билан мувофиқ келиши даркор;

– қонунчилик терминологияси Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро ҳужжатлар терминологиясига зид бўлмаслигини таъминлаш лозим;

– юридик атамалар ҳаммага маълум тушунчаларни умумий муомалада ишлатиладиган сўз бутунлай бошқача, ўзгартирилган маънода намоён бўладиган даражада қўлланилишига йўл қўймаслик керак;

– ҳуқуқий тушунчаларни жорий этишда сўзларнинг хоссаларини ёдда тутиш ва ҳуқуқий конструкциялар матнни тузишда улардан тўғри фойдаланиш, матнни ҳуқуқ нормалари маъносини тушунишга халақит бериши мумкин бўлган синонимлар, нисбий тушунчалар билан тўлдириб юбормаслик лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қонунни шарҳлашга оид фаолияти самарадорлик даражасини янада ошириш мақсадида, Конституциявий судга қонунларнинг конституциявийлигини текшириш ва уларни шарҳлашни сўраб мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар таркибини кенгайтириш, фуқароларнинг мазкур судга мурожаат этиш ҳуқуқини қонун йўли билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамланишига, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалишига ҳамда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг самарадорлигини ва ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар руйхати

1. <http://uza.uz/oz/pol>
2. itics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018
3. Ислотов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 664.
4. Теория государства и права/ под ред. проф. В.М.Корельского и проф. В.Д.Перевалова.-2-е изд., изм. и доп. – М.: “Норма”, 2003. – С250; Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеев ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Проф.Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. – Б.68.; Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдди. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – Б 28.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ – 5505-сон Фармони// Национальная база данных законодательства, 09.08.2018 г., № 06/18/5505/1639

**Ш.А. Сайдуллаев**  
ТДЮУ кафедра мудири,  
юридик фанлар номзоди, доцент

### ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ БЎШЛИҚЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** мақолада қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этиш билан боғлиқ илмий-назарий масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, унда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш усуллари ва субъектлари доираси, улар томонидан амалга ошириладиган фаолият йўналишлари кўриб чиқилган. Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг методологик муаммоларига оид хулосалар ишлаб чиқилган.

**Асосий сўзлар:** қонун ҳужжатлари, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, ҳуқуқ нормаси, норма ижодкорлиги, формал-юридик метод

**Аннотация:** в статье анализируются научно-теоретические вопросы выявления и устранения пробелов в законодательных актах. Рассмотрены методы и круг субъектов по выявлению пробелов в законодательных актах и направления их деятельности. Предложены выводы по методологическим проблемам выявления пробелов в законодательстве.

**Ключевые слова:** законодательные акты, пробелы в законодательных актах, норма права, нормотворчество, формально-юридический метод.

**Annotation:** the article analyzes the scientific and theoretical issues of identifying and eliminating gaps in acts of legislation. The methods and range of subjects to identify gaps in the legislation and the directions of their activities are reviewed. The conclusions on methodological problems of identifying gaps in the legislation are suggested..

**Keywords:** acts of legislation, gaps in acts of legislation, norms of law, norm-making, formal-legal method.

Ижтимоий воқелик тез суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги кунда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларнинг келиб чиқиши объектив ҳолатдир. Бинобарин, бундай шароитда мавжуд муносабатлар янгича тус олади ҳамда янги муносабатлар вужудга келади. Улар эса, ўз навбатида ҳуқуқий тартибга солинишни талаб этади. Шу жиҳатдан олганда, норма ижодкори бўшлиқлар келиб чиқишининг олдини олиш учун ижтимоий муносабатларни доимий равишда кузатиб, зарур ҳолларда уларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириб бориши лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Зеро, ислохотлар самараси қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг мукамаллиги, ўзаро мувофиқлиги ва нуқсонсиз ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ. Соҳадаги мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони қонунчилик тизимини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди [1].

Шу ўринда, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни аниқлаш нима учун талаб этилади, деган савол туғилади. Бизнинг фикримизча, бунинг ўзига хос бир қатор объектив сабаблари мавжуд. Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни бартараф этиш билан боғлиқ фаолият уни аниқлагандан кейин амалга ошириладиган жараён ҳисобланади. Аввало, бўшлиқ аниқлаб олинади, таҳлил қилинади ва шундан сўнггина уни бартараф этиш чоралари кўрилади.

Албатта, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқни аниқлаш, уни махсус қидиришни аниқлашмайди. У амалиётда ваколатли шахс томонидан муайян масалани ҳал этиш вақтида келиб чиқади, яъни бунда ваколатли шахс ҳуқуқни қўллаш жараёнида тегишли қонунчилик ҳужжатларида ечимини топиши лозим бўлган масалалар тўлиқ кўрсатиб берилмаганлигига тўқнаш келади.

Ҳуқуқшунослик фани тарихи ва назариясини тадқиқ қилар эканмиз, бунда бўшлиқларнинг тушунчаси ва белгиларини ўрганиш доимо амалий характерга эга бўлган вазифалар, яъни бўшлиқларни аниқлаш методлари ва уларни тўлдириш усуллари ишлаб чиқиш зарурати билан боғлиқлигини кўрамыз. Ўз ўрнида, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг амалий аҳамияти, ўрганилаётган муаммонинг барча жиҳатлари тизимида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида жиддий мунозара келтириб чиқармайдиган ягона масаласи эканлигини эътироф этиш жоиз [2].

Тегишли адабиётларнинг таҳлили, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг муайян методларидан фойдаланиш орқали қуйидагиларга эришиш мумкинлигини кўрсатади:

1) муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бўшлиқ мавжуд, деган нотўғри хулосага келиш ҳамда бунинг оқибатида уни асосиз тўлдиришнинг олди олинади;

2) ҳуқуқни қўлловчи органлар томонидан бўшлиқларни тўлдириш имкониятининг мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

3) ижтимоий муносабатлар ривожланишининг мавжуд даражаси билан боғлиқ ҳолда тегишли қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этишнинг объектив зарурати бор ёки йўқлиги тўғрисидаги масала ҳал этилади;

4) муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида янги ҳуқуқий конструкцияларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ вазифаларни режалаштиришда бўшлиқларни бартараф этиш заруратининг мавжудлигига оид масалалар кўриб чиқилади [3].

Шу ўринда ҳуқуқшунос олим В.В.Лазаревнинг юқоридаги масалалар юзасидан қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, унинг фикрича, агар қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш билан уларни ҳуқуқни қўллаш жараёнида енгиб ўтиш ёки бартараф этиш масалалари аҳамиятига қараб таққосланадиган бўлса, бунда асосий эътибор айнан бўшлиқларни аниқлаш вазифасига қаратилиши лозим. Чунки, ушбу масаланинг ижобий ҳал этилиши, ўз навбатида, қонунийликка риоя этиш ҳамда ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган фаолиятни тўғри йўналишда боришини таъминлаш нуқтаи назаридан бирламчи аҳамият касб этади.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги масалаларни аниқлаш методларига келадиган бўлсак, бунда бўшлиқларни



тўлдиришда муайян механизмлардан фойдаланишнинг қанчалик тўғри бўлишига оид ҳолатлар юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг ёндашувлари турлича эканлигини кўрамыз. Бунда бўшлиқларни аниқлаш методлари энг аввало, норма ижодкорининг бўшлиқ ҳодисаси моҳияти ва ушбу ҳодисанинг турли хил шаклларига оид масалаларни қай даражада тушуниши ва ҳал этишига боғлиқ. Бизнинг фикримизча, айнан ушбу ҳолатлар бўшлиқларни аниқлаш методларини ҳуқуқшунослик методологияси катеориал аппаратининг таркибий элементи сифатида тавсифлашга асос бўлади.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, бўшлиқларни амалдаги, қонуний жиҳатдан расмийлаштирилган ва ҳуқуқий доирага кирувчи соҳалардан (тегишли қонуннинг умумий қоидалари мазмунида назарда тутилган бўлсада, лекин унинг аниқ нормаси билан белгиланмаган ҳолатларда) излаш лозим. Бу борада Д.Б.Абушенконинг фикрича, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши лозим бўлган муносабатлар доирасининг амалда тегишли ҳуқуқ нормалари билан қамраб олинган муносабатлар мажмудан ҳажм жиҳатидан ошиб кетган ҳолатларда намоён бўлади [4].

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш муаммоларини ҳал этиш борасида ҳуқуқшунос олим В.К. Забигайло ҳам ўзига хос ёндашувни илгари суради. Хусусан, унинг фикрича, бўшлиқлар ҳақида фақат амалдаги қонунчиликнинг мазмунидан муайян ижтимоий муносабатлар тартибга солиниши лозимлиги кўриниб турган бўлсада, айрим сабабларга кўра қонуншунос томонидан уларнинг тартибга солинмаганлиги аён бўлган ҳолатларда сўз юритиш мумкин [5].

Юридик адабиётларда ҳуқуқдаги бўшлиқларни аниқлаш субъектлари доираси ҳамда ушбу жараённинг йўналишлари юзасидан ҳам турли хил ёндашувлар мавжуд. Фикримизча, бу борадаги баҳсли мунозараларнинг келиб чиқшини олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш жараёнини бир бирига узвий боғлиқ бўлган иккита босқичга, яъни бўшлиқларни кўрсатиш ва уларни ўрнатишга ажратиш мақсадга мувофиқдир [6]. Чунки, бўшлиқлар нафақат норма ижодкори, суд ёки бошқа ҳуқуқни қўлловчи орган, балки барча манфаатдор субъектлар, ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар ёхуд оддий фуқаролар томонидан ҳам аниқланиб кўрсатилиши мумкин. Бунда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш ким томонидан амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этмайдигандек бўлиб кўринсада (гарчи, бўшлиқларни бошқа субъектлар эмас, айнан норма ижодкори томонидан ўз вақтида аниқланиши ва тезликда бартараф этилиши мақсадга мувофиқ бўлсада), турли хил субъектлар томонидан бўшлиқларни аниқлаш фактининг юридик аҳамиятига қараб, уларни бир биридан жиддий фарқ қилишини айтиб ўтиш жоиз. Албатта, ҳуқуқшунос олимлар томонидан аниқланган бўшлиқлар юридик аҳамиятга эга бўлмайди, балки у илмий таҳлил объекти сифатида намоён бўлади, ҳуқуқ ижодкори томонидан бўшлиқларни аниқлаш эса муайян юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Юқоридагилар билан бирга, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш органларининг ваколатлар доираси ва функцияларидаги мавжуд фарқлардан келиб чиқиб, улар томонидан бўшлиқларни аниқлаш фактларининг юридик

аҳамиятида ҳам ўзига хос хусусиятлар борлигини қайд этиш жоиз. Ушбу ҳолатни эътиборга олмаслик, фикримизча, мазкур органлар ваколатлар доираси ва функцияларини тенглаштиришга олиб келади.

Демак, қонунчиликдаги бўшлиқларни кўрсатиш – бу жорий қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларнинг тўлиқ эмаслиги тўғрисида мулоҳаза юритишнинг дастлабки босқичи бўлиб, у ҳар қандай субъект томонидан амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, ушбу фаолият норма ижодкорига муайян қонунчилик ҳужжатида бўшлиқнинг мавжуд эканлиги тўғрисида хабар бериш сифатидагина баҳоланиши лозим. Шу ўринда, мазкур қоида истисносиз барча ҳуқуқ соҳалари ҳамда қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни енгиб ўтиш методларига нисбатан умумий аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш жоиз.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқ мавжуд эканлигини аниқлаш борасидаги жараённинг муҳим шакли – бу уни ўрнатиш ҳисобланади. Бўшлиқларни ўрнатиш билан боғлиқ фаолият ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш ва тегишли ҳуқуқ нормаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга ваколатли бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни кўрсатиш уларни ўрнатишдан фарқли равишда, қонунларда белгилаб қўйилган айрим ҳолатлардан ташқари, уни енгиб ўтишга нисбатан тегишли субъектлар учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқармайди. Норма ижодкори томонидан бўшлиқни ўрнатишнинг мантикий натижаси эса, мазкур бўшлиқни бартараф этиш билан боғлиқдир. Миллий қонунчилигимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш ваколати берилган органлар доираси қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, улар бевосита ўзлари томонидан аниқланган бўшлиқларни ўрнатиш орқали уларни бартараф этиш борасида муайян фаолиятни амалга оширадilar.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашда ҳамда уларни бартараф этишда асосий ўринни ҳуқуқни қўлловчи органлар, хусусан, судларга бериш лозимлиги тўғрисидаги айрим олимларнинг қарашларини қисман тўғри эканлигини эътироф этиш билан бирга, муайян соҳада бўшлиқнинг мавжудлигини кўрсатиб ўтиш ҳам муҳим аҳамият касб этишини қайд этиш лозим. Чунки, норма ижодкори бўшлиқларни ўрнатиш жараёнида кўпроқ ундаги техник, лингвистик ёки номувофиқлик ҳолатларини бартараф этишга эътибор қаратади. Қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар ва бошқа субъектлар томонидан кўрсатиб ўтилиши жараёнида нафақат юқоридаги ҳолатлар, балки ушбу ҳодисанинг келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари, бартараф этишнинг муқобил шакллари, кутилаётган натижалар каби бир қатор масалалар ҳам таҳлил этилади.

Ҳуқуқшунос олим В.В.Лазаревнинг фикрича, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаш жараёнида юқорида қайд этиб ўтилган субъектлар томонидан қуйидаги масалалар таҳлил этилиши лозим:

- а) амалдаги ҳуқуқ тизимининг мазмуни;
- б) у ёки бу ҳужжатнинг қабул қилинишига сабаб бўлган ёки қабул қилинишини талаб қилувчи моддий ижтимоий муносабатлар;
- в) муайян ҳужжатни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган иродавий муносабатлар (масалан, қонун

ижодкорлиги ташаббуси субъектлари билан қонун ижодкори ўртасидаги муносабатлар);

г) давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти;

д) ҳуқуқни қўллаш амалиёти;

е) ҳуқуқий онг.

Дарҳақиқат, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар тўлиқ таҳлил этилсагина қонун ҳужжатларидаги бўшлиқнинг ҳақиқатда мавжудлиги ёки йўқлиги юзасидан аниқ жавоб олиш ва шу асосда уларни самарали енгиб ўтиш ёки бартараф этиш мумкин бўлади.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрнатиш, ўз навбатида, тегишли норматив материални мукамал ўзлаштиришни талаб этади. Ҳуқуқ нормаларининг бошқа ижтимоий нормалардан фарқли жиҳатларидан бири, унинг формал (расман) аниқлиги ҳисобланади. Бинобарин, мантиқий кетма-кетлик, аниқлик ва асосланганлик ҳуқуқ тизимининг бутун мазмунига сингдирилган бўлади. Мантиқий асосланганлик, ўз навбатида, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг қуйидаги талабларга жавоб беришини назарда тутаяди:

1) қонунчиликнинг умумий тамойиллари ва мақсадидан келиб чиқиши;

2) бошқа норматив ҳужжатларга зид келмаслиги;

3) ҳуқуқ нормаларининг тузилиш хусусиятларини эътиборга олинганлиги;

4) муайян ҳуқуқ институти, ҳуқуқ соҳаси ва бутун ҳуқуқ тизимининг бошқа нормалари билан функционал алоқадорликда бўлиши ва бошқалар.

Тегишли ҳуқуқ нормаларининг юқоридаги талабларга жавоб бермаслиги, ўз навбатида қонунчиликда муайян бўшлиқнинг мавжудлигидан далолат беради.

Миллий қонунчилигимизда шундай нормалар борки, улар ўзининг сукути билан муайян фактлар юзасидан масалаларни ечишнинг йўллари кўрсатиб беради.

Шу жиҳатдан олганда, бўшлиқларни ўрнатиш жараёнида биринчидан, “қонуннинг сукути” муайян ижтимоий муносабатларни қонуншунос томонидан тегишли норма билан тартибга солинмаганлиги, унинг тартибга солиш доирасидан ташқаридаги фактларни ҳал қилишга нисбатан салбий муносабатда эканлигини аниқлаш лозим [7]. Иккинчидан, агар шундай бўлса, амалиёт жараёнида аниқланган ҳолатларни тартибга солишни инкор қиладиган ижобий нормаларни ўрнатишга эҳтиёж бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак бўлади. Ўз ўрнида, юқорида таъкидланган ҳар иккала натижага қарши хулоса бериш орқали эришиш мумкинлигини қайд этиш жоиз. Қарши хулоса бериш худди аналогия каби қонун талабларига том маънода формал-мантиқий хулоса беришга асосланмасдан, балки таҳлил қилинаётган норманинг мазмунига эътиборни қаратади. Шу билан бирга, аналогиядан фарқли ўлароқ, қарши хулоса бериш баҳоланаётган ҳолатларнинг ўхшашлигидан эмас, балки уларнинг бир-биридан фарқ қилишидан келиб чиқади.

Амалий жиҳатдан, у қуйидагича намоён бўлади, яъни тадқиқотчи ҳуқуқ нормасида назарда тутилган ва назарда тутилмаган ҳолатларни бир бирига қиёслайди, ҳар бирининг мазмунини аниқлайди ҳамда уларнинг ўхшашлиги ёки ўхшаш эмаслиги тўғрисида хулосага келади. Биринчи ҳолатда, у аналогия асосида тегишли ҳолатда бўшлиқ мавжудлиги тўғрисида, иккинчи ҳолатда эса, қарши хулоса бериш асосида масалани

салбий ҳал этиш ҳақида фикрга келади. Ушбу методни қўллаш механизмини қуйидаги мисолда кўриб чиқиш мумкин: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари белгилаб қўйилган. Унинг биринчи бандига кўра ходимни технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатиш мумкин [8]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу нормада корхонанинг қайта ташкил этилиши ёки бошқа қорхона билан қўшилиши натижасида ходимларни ишдан бўшатиш масаласи қонуншунос эътиборидан четда қолган. Ўз навбатида, корхонанинг қайта ташкил этилиши ёки бошқа қорхона билан қўшилиши штатлар сонининг қисқаришига олиб келмаса бундай ҳолатни унинг тугатилиши, деб ҳисоблаб бўлмайди. Ўз-ўзидан қорхона маъмурияти бундай ҳолатларда юқорида кўзда тутилган норма билан ходимни ишдан бўшатишга ҳақли эмас. Ушбу ўринда, қонуншунос ўзининг сукути билан қорхоналарнинг қайта ташкил этилиши ёки қўшилишини ишдан бўшатиш учун юридик аҳамиятга эга бўлмаган факт, деб ҳисоблаб, бу борада бўшлиқнинг мавжудлигини инкор этган.

Қарши хулоса бериш усулини қўллаш ҳуқуқни қўлловчини бевосита бўшлиқ мавжудлиги фактига тўқнаш келтиради. Масалан, амалиётга мурожаат қиладиган бўлсак, “Суд ўзининг ноқонуний қарорини юқори турувчи суднинг иштироки-таъсирисиз бекор қилиши мумкинми?” ёки “Ҳоким ўзининг чиқарган қарорини қонунга зид эканлигини аниқлагандан сўнг ўзи бекор қилиш ваколатига эгами?” – деган бир қатор саволлар келиб чиқиши мумкин. Бундай ҳолатларда бўшлиқни аниқлаш ва тўлдириш учун қарши хулоса бериш усули муҳим аҳамият касб этади.

Қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашнинг методологик муаммоларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

биринчидан, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар ҳодисасининг мазмун ва моҳияти ҳамда унинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этишда нафақат ҳуқуқшунослик, балки бошқа ижтимоий фанларнинг методларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлаш жараёнида бир бирига узвий боғлиқ бўлган иккита босқичга, яъни бўшлиқларни кўрсатиш ва уларни ўрнатишга ажратиш лозим. Чунки, бўшлиқлар нафақат ҳуқуқ ижодкори, суд ёки бошқа ҳуқуқни қўлловчи орган, балки барча манфаатдор субъектлар, ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар ёхуд оддий фуқаролар томонидан ҳам аниқланиб кўрсатилиши мумкин;

учинчидан, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни аниқлашда асосан формал-юридик ва конкрет-социологик методларидан фойдаланилади. Формал-юридик метод амалдаги ҳуқуқ тизимининг мазмунини ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш билан боғлиқ махсус воситалар йиғиндисини англатади. Формал-юридик метод асосида ҳуқуқдаги бўшлиқни аниқлаш учун грамматик, мантиқий, тизимли ва тарихий-сиёсий шарҳлаш усулларини биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқдир;

тўртинчидан, янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш заруратини белгилловчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа асосларни аниқлашга конкрет-социологик метод тушунчаси билан қамраб олинган усул ва воситаларнинг йиғиндисидан фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Ўз навбатида, мазкур усуллар доирасига кузатиш; статистик маълумотларни таҳлил этиш; ижтимоий фикрни аниқлаш; эксперимент ўтказишлар киради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5505-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.
2. Лазарев В.В. О видах пробелов в праве // Правоведение. – Л.: Изд-во Ленингр. ун-та, 1969, № 6. – С.30; Скакун О.Ф. Теория государства и права. – Харьков: Эспада, 2007. – 839 с.; Петров А. А., Тихонравов Е. Ю. Пробелы и коллизии в праве. – Москва: Проспект, 2017. – 80 с. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – 181 б.
3. Лихачев В.Н. Установление пробелов в современном международном праве. - Казань: Изд-во Казан. ун-та, 1989. – С.7; Спектор Е.И. Пробелы в законодательстве и пути их преодоления. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2003. – 21 с.; Уранский Ф.Р. Пробелы в праве и способы их восполнения в правоприменительной деятельности. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – 22 с.
4. Абушенко Д.Б. Судебное усмотрение в гражданском и арбитражном процессе. - М.: Норма, 2002. – С.110.
5. Забигаило В.К. Проблема “пробелов в праве”. К критике буржуазной теории. - Киев: Наукова думка, 1974. – 135 с.
6. Нажимов М.К. Норма ижодкорлиги. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б.94.
7. Германов А. В. Молчание законодателя и пробел в гражданском процессуальном праве // Право: современные тенденции: материалы II Междунар. науч. конф. – Уфа, 2014. – С. 92.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон.

**А.Эранов,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси,  
тингловчиси,

#### МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШНИНГ СУДГАЧА БЎЛГАН ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАЪМУРИЙ АДЛИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

**Аннотация:** Мазкур мақолада маъмурий ишларни кўришнинг судгача бўлган тартибини қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари, унинг аҳамияти ва маъмурий ишлар бўйича адолатли қарор чиқариш масалалари таҳлил этилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** адолат, қонун, судгача кўриб чиқиш тартиби, қарор, маъмурий ишлар.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы положительные и отрицательные стороны применения порядка досудебного рассмотрения административного дела, его значение и вопросы принятия справедливого решения по административному делу, разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** справедливость, закон, порядок досудебного рассмотрения, решение, административные дела.

**Annotation:** This article analyzes the positive and negative aspects of the application of the order of pre-trial consideration of the administrative case, its importance and issues of a fair decision on the administrative case, developed proposals and recommendations.

**Key words:** justice, law, pre-trial procedure, decision, administrative cases.

Мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан тараққий этиши кўп жиҳатдан давлат томонидан ўрнатилган адолатли қонунлар ҳамда жамиятдаги юксак қонунийлик даражаси билан боғлиқ. Юртимизда амалда олиб борилаётган жадал ислохотлар даврида иқтисодиётни ривожлантириш ва бунинг учун зарур бўлиб ҳисобланган инвестицияларнинг жалб этилиши ҳам қонунлар билан белгиланган ҳуқуқларни самарали тарзда амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши кафолатланганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, қонунлар билан қулай шарт-шароит яратилганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари сўзсиз ижро этилиши ҳамда агарда маъмурий органлар ўз ваколатларини суистеъмол қилган тақдирда қисқа муддатларда ҳолисона текширув орқали ҳуқуқлар ҳимояси кафолатланганлиги каби факторлар мамлакатни инвестицион жозибаторлигидаги асосий критериялардан бири бўлиб ҳисобланади. Хусусан, 2012 йилда Германия-Чехия савдо-саноат палатаси томонидан ўтказилган сўровнома натижасида ҳуқуқий барқарорлик инвесторлар учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жой танлашдаги энг асосий фактор эканлиги аниқланган. Жумладан, Чехия давлатининг маҳаллий ҳуқуқ тизимининг барқарорлигига ишончининг йўқолиши натижасида мамлакат инвестициявий жозибаторлиги марказий ва шарқий Европанинг бошқа давлатларига нисбатан сезиларли даражада пасайган [1].

Мамлакатимизда ҳам тараққий этган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, ривожланиш учун мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база ҳамда кафолатланган сифатли ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, оммавий-ҳуқуқий низоларни самарали ҳал этиш ва мансабдор шахсларнинг қонунлар ва ўрнатилган тартиб қоидаларга қатъий риоя этишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди. Бироқ мазкур соҳадаги таҳлиллар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ҳажми йил сайин ошиб бораётганлиги ҳамда ушбу низоларни судгача ҳамда судда ҳал этилиши тартибининг такомиллаштириш зарур эканлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида ҳам маъмурий адлия тизимини ривожлантириш давлат бошқаруви тизимини тубдан ислох қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифаларидан бири эканлиги қайд қилинган [2]. Шунга кўра, маъмурий адлия тизимини ривожлантириш, хусусан, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистондаги мазкур соҳадаги амалда мавжуд муаммоларни таҳлил қилган ҳолда оммавий-ҳуқуқий низоларни судгача ҳал этиш тартибини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни юқори турувчи ёки махсус ваколатли орган, комиссиялар, кенгашлар (кейинги ўринларда ваколатли орган) томонидан судгача кўриб чиқиш тартибини жорий этилиши юзасидан турли хорижий мамлакатларда турлича ёндашув ва амалиётлар мавжуд. Хусусан, низолаштирилган маъмурий актни судгача ваколатли орган томонидан кўриб чиқиши керакми? Ушбу саволга жавоб топиш учун мазкур борадаги хорижий давлатларда шакллланган амалиёт ва қарашлар асосида таҳлиллар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, Озарбайжон ва Арманистон каби давлатларда маъмурий ишларни судда кўриб чиқиши учун ваколатли органларда дастлабки тарзда кўриб чиқиш талаб этилмайди. Латвия (Латвия Маъмурий-процессуал қонунининг 78-моддаси) ва Германия Федератив Республикасининг айрим субъектларида (Германия Маъмурий-процессуал кодексининг 68-моддаси) эса аксинча, аризачи судга мурожаат қилишдан олдин тегишли масала ваколатли органда кўриб чиқиши шарт. Шу билан бирга, маъмурий ишни кўриб чиқишни дастлаб судгача тартибда кўриб чиқиш ёки бевосита судда амалга оширишни аризачининг ихтиёрига қолдирилиши эса Ўзбекистон ва Болгария (Болгария Маъмурий-

процессуал кодексининг 81-моддаси) каби давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топган [3].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий ишларни кўришнинг судгача бўлган тартибини қўллашнинг ижобий ва салбий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Маъмурий ишларни судгача кўриб чиқишидаги салбий жиҳатлар:

**1. Ишларни кўриб чиқиш ҳамда якуний қарор қабул қилиш жараёнининг чўзилиши хавфининг юзага келиши.**

Ақсарият ҳолатларда маъмурий ишларни судгача кўриб чиқиш натижасида аризачи талабларининг қаноатлантирилмаслиги аризачининг судга мурожаат қилишига ҳамда ишни кўриб чиқиш жараёнининг чўзилишига олиб келиши мумкин. Яъни маъмурий ишларни судгача кўриб чиқиш муайян тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Масалан, Германияда ушбу муддат 10 кундан 1 ойгачани ташкил этади [4]. Ушбу муддат ичида ариза топширилаётган орган томонидан низоли бевосита ўзи ёки юқори турувчи (ваколатли) орган томонидан кўриб чиқиши тўғрисидаги масалалар ҳам ҳал этилади. Хусусан, агарда тегишли орган аризачининг талаблари ўринли деган фикрда бўлса, маъмурий ишни бевосита ўзи кўриб чиқиб ҳал этиши мумкин. Аксинча, аризачининг талаблари ноўринлиги эътироф этилса, иш тегишли материаллар билан биргаликда ваколатли органга кўриб чиқиш юборилади.

**2. Аризачининг талаблари ақсарият ҳолатларда қаноатлантирилмаслиги**

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, маъмурий иш юзасидан аризачининг талаблари ақсарият ҳолатларда қаноатлантирилмайди. Масалан, Германияда қаноатлантириш даражаси 10 % ни ташкил этади [5]. Бироқ ушбу ҳолат Германия давлат ташкилотларида қонунларга риоя этиш даражаси юқори эканлиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан бирга, талаблар қаноатлантирилмасида қабул қилинган қорорлар юқори таъсирчанликка эга. Хусусан, ушбу соҳадаги статистик маълумотлар маъмурий иш судгача тартибда кўриб чиқиши натижасида қабул қилинган қарорлар юзасидан ақсарият ҳолатларда судга мурожаат қилинмаслигини кўрсатмоқда [6]. Бу эса мурожаат юзасидан асослантирилган қарор тўғри қабул қилинганлигига аризачилар томонидан ишонч ҳосил қилинганлигини кўрсатади.

Маъмурий ишларни судгача кўриб чиқишидаги ижобий жиҳатлар:

**1. Қарорнинг мақсадга мувофиқлигини текшириш имконининг мавжудлиги**

Суд органларидан фарқли ўлароқ ваколатли органларда маъмурий ишни кўриб чиқиш жараёнида қабул қилинган қарорнинг нафақат қонунийлигини, балки, мақсадга мувофиқлигини ҳам ўрганиб чиқиш имконияти мавжуд. Бундан кўринадики, маъмурий ишни судгача кўриб чиқиш ишни судда кўриб чиқишга нисбатан кенгроқ доирани қамраб олади. Ҳокимиятлар бўлиниш принципига мувофиқ судларда маъмурий органлар томонидан қабул қилинган қарорнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконияти мавжуд эмас [7]. Ваколатли органлар томонидан эса қабул қилинган қарор ташкилотнинг умумий вазифа, функция ва тамойилларига қанчалик мос келиши ҳамда қабул қилинган қарорнинг натижадорлик ва самарадорлик жиҳатларига ҳам баҳо бериш имконияти мавжуд.

## 2. Судлардаги иш юкламасининг камайишига олиб келади.

Маъмурий ишни судгача кўриб чиқилиши “филтър” вазифасини ўтайди ҳамда муайян даражада иш судгача етиб боришининг олдини олади. Натижада судларда кўриб чиқиладиган маъмурий ишлар сони камайишига эришилади. Маъмурий орган томонидан кўриб чиқилган ва қаноатлантирилган ҳар бир муурожаатни судга етиб бормаслиги кафолатланади. Ҳаттоки муурожаат қаноатлантирилмаган тақдирда ҳам аксарият ҳолатларда аризачи судга муурожаат қилиш фикридан қайтади. Мазкур тартибнинг бўлмаслиги эса аксинча судларда иш юкламасининг ошишига олиб келади. Масалан, Германия Федератив Республикасининг судгача кўриб чиқиш тартиби бекор қилинган субъектларида судлардаги иш ҳажми қарийб 150 % га ошган [8]. Ушбу ҳолат ўз навбатида судларда ишларни кўриб чиқилиши сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Яъни иш ҳажми қанчалик кўп бўлса, суд органларида ишни шунчалик мукамал ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имконинини камайтиради.

## 3. Ваколатли орган назорат функциясини мустақамланишига ҳамда жавобгарлигини оширишга хизмат қилади

Маъмурий органлар тузилмаси иерархик тартибда шакллантирилганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, юқори турувчи орган қуйи тузилмаларга топшириқ ва кўрсатмалар бериш билан бир қаторда уларнинг фаолиятини мунтазам назорат қилиб боришлари ҳам керак. Судгача тартибнинг мажбурий тартибда амалга оширилиши эса юқори турувчи органда қуйи турувчи тузилмалар фаолиятидаги муаммо ва камчиликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор бўлиш имкониятини таъминлайди. Шу билан бирга, юқори турувчи орган томонидан қуйи тузилмалар фаолиятини тартибга солиш жараёнида тегишли камчиликларни таҳлил қилиш, “оқ доғлар”ни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш имконини беради. Бундан ташқари, тегишли маъмурий иш келгусида судда кўриб чиқилиши эҳтимолини инобатга олган ҳолда юқори турувчи органнинг қарор қабул қилишдаги жавобгарлиги оширилишига эришилади. Яъни нафақат иш юзасидан бирламчи қарор қабул қилган орган, балки юқори турувчи органнинг мансабдор шахслари ҳам судьянинг қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда айбдор мансабдор шахсларнинг тегишли жавобгарлиги масаласини ҳал этиш тўғрисида хусусий ажрим киритиш ваколати билан ҳисоблашишга мажбур бўлади.

## 4. Кўриб чиқиш муддатларининг тезлиги

Амалиётдан маълумки, одатда маъмурий иш судда кўриб чиқилишига нисбатан ваколатли орган томонидан тезроқ кўриб чиқилади. Ушбу ҳолат ваколатли орган ушбу соҳада мукамал билим ва тажрибага эга мутахассисларга эгаллиги, суддаги каби процессуал тартиблар мавжуд эмаслиги ҳамда аввал бошидан “ишнинг ичига кирган” ходимлар мавжудлиги билан изоҳланади. Маъмурий иш суд томонидан иш юритувча қабул қилинганда эса судьянинг ишнинг моҳиятига тўлиқ етишига муайян муддат ва тегишли мутахассисларни жалб этилиши талаб қилиниши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам маъмурий ишни судгача тартибда кўриб чиқишда қисқа муддатларда қарор қабул қилиш имкони мавжуд.

## 5. Маъмурий ишни ушбу тартибда кўриб чиқиш судга нисбатан тежамкорлиги

Ҳамма вақт ишни судга қадар кўриб чиқиб ҳал этилиши ортиқча харажатларнинг олдини олади ҳамда ишни судда кўриб чиқишга нисбатан камхарж бўлади. Судда ишни кўриб чиқишда ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг суддаги иштироки билан боғлиқ харажатлар, ҳужжатлардан нусха олиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бошқа харажатлар қилинади. Иш судгача ҳал этилганда эса ушбу каби ортиқча харажатларнинг олди олинади.

## 6. Маъмурий органларда қонунийлик даражасининг ошишига хизмат қилади

Маъмурий қарор юзасидан шикоят билан муурожаат қилган ҳар бир фуқаро қабул қилинган қарорни асослилиги, қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги юзасидан низолашади. Маъмурий орган эса қарор тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ишнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра асослаши, лозим бўлса, тушунтириб бериши шарт. Ҳар бир бундай шикоят эса маъмурий органнинг қарор қабул қилишда қонун ҳужжатлари ва ҳақиқий иш ҳолатларига таяниши юзасидан масъулияти ҳамда ҳушёрлигини ошишига хизмат қилади.

Берлин шаҳри маъмурий суди президенти Эрна Виктория Ксальтер маъмурий ишни судгача кўриб чиқишнинг (шикоят бўйича иш юритиш) контрол, иш ҳажмини камайтириш ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш каби учта асосий функцияси мавжудлигини эътироф этади [9]. Унга кўра:

1) контрол функцияси бошқарув органларини ўз-ўзини назорат қилишига хизмат қилади. Бу эса уларга ишнинг ҳақиқий ва ҳуқуқий ҳолатларини яна бир бор текшириш ҳамда нотўғри маъмурий қарорни тез ва оддий усулда бекор қилиш имконини беришини англатади.

2) иш ҳажмини камайтириш функциясида эса судларда иш ҳажмининг камайиши назарда тутилади.

3) ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси эса ишни судга нисбатан кенгроқ қамровда ўрганиш имкониятининг мавжудлиги билан изоҳланади. Яъни юқорида таъкидланганидек, ишни нафақат қонунийлик жиҳатидан, балки мақсадга мувофиқлиги юзасидан ҳам ўрганиб чиқилади.

Юқоридагилардан кўринадики, маъмурий ишларни судгача тартибда кўриб чиқиш ушбу соҳада иш сифатининг сезиларли даражада яхшиланишига, энг асосийси фуқароларни давлат органлари фаолиятдан розилиги ҳиссини ошишига хизмат қилади. Қолаверса, давлат томонидан ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан манфаатга эришилади.

Мамлакатимизда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2019 йил 8 январдан эътиборан кучга қиради)га мувофиқ маъмурий шикоят бўйича иш юритиш тартиби белгиланган. Хусусан, мазкур Қонуннинг 67-моддасида “агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юқори турувчи маъмурий орган ёки бошқа ваколатли орган маъмурий шикоят бўйича ўттиз иш кунини ичиди қарор қабул қилиши шарт” деб белгиланган [10]. Бироқ ушбу ҳолат кўпинча шикоят бўйича қарор қабул қилиш муддатининг асоссиз чўзилишига олиб келади. Бизнингча, Қонуннинг 36-моддасида келтирилган қоида, яъни, “маъмурий орган мумкин қадар қисқа муддатларда” жумласини Қонуннинг 67-моддасида ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқ [11]. Шу билан бирга, Қонунда маъмурий ишни дастлабки

тарзда кўриб чиқиш муддатлари учун ҳам ўттиз иш куни ва шикоят тартибда иш юритиш учун ҳам ўттиз иш куни белгиланган. Албатта, ушбу муддатлар умумий ва қонундаги истиснолар назарда тутилган (агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса). Бироқ ушбу норма айрим органлар томонидан келгусида маъмурий шикоят бўйича иш юритишда нооқилона муддатлар белгиланишига асос бўлиши мумкин. Бинобарин, аксарият ҳолатларда ваколатли орган маъмурий иш бўйича шикоятни кўриб чиқишда ишни бошидан кўриб чиқмайди, балки, қуйи турувчи орган томонидан қабул қилинган қарорни тўғри эканлиги масаласини ўрганиб чиқади холос. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда аниқ белгиланмаганлиги туфайли кўпинча юқори турувчи орган томонидан қуйи орган томонидан қабул қилинган қарорнинг мақсадга мувофиқлиги ўрганиш масаласи ҳам очиқ қолдирилиши мумкин. Бундан ташқари, юқорида қайд қилинганидек, аризачи маъмурий қарор юзасидан ўз ихтиёрига кўра судга ёхуд ваколатли органга мурожаат қилиши мумкин. Бироқ агарда фуқаро тўғридан-тўғри судга мурожаат қилган тақдирда мавжуд қонунбузилиш ҳолати бўйича юқори турувчи органнинг беҳабар қолиши, қарорни тўғрлигини текшириш масъулиятининг камайиши ва тизимдаги тегишли камчиликларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг белгиланган фаолиятининг сусайиши хавфи келиб чиқади. Қолаверса, фуқаро учун ҳам маъмурий иш юзасидан қарор оқилона муддатларда қабул қилинмаслиги эҳтимоли мавжуд.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистонда маъмурий адлия тизимини янада такомиллаштириш юзасидан қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар тақлиф этилади:

- маъмурий қарор юзасидан судга мурожаат қилишдан аввал белгиланган тартибда тегишли орган ёки юқори турувчи (ваколатли) органга шикоят қилишни мажбурийлигини ўрнатиш (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш);

- маъмурий шикоят бўйича иш юритишнинг оқилона (қисқа) муддатларини белгилаш бўйича “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли қўшимчалар киритиш. Ҳар бир маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган қарор хусусиятига кўра максимал даражада қисқа муддатлар ўрнатишини назорат қилиш;

- юқорида қайд қилинган Қонунга тегишли қўшимчаларни киритиш орқали маъмурий органга шикоят бўйича иш юритишда қабул қилинган қарорнинг мақсадга мувофиқлигини мажбурий тартибда ўрганиб чиқиш мажбуриятини юклаш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки қайд қилинган тақлифлар асосида Ўзбекистонда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш фуқароларимиз ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилинишига ва мамлакатимиз инвестициявий жозибдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда турли соҳаларни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш бугунги давр талабидир.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Ральф Дифенбах. Преимущества административной подсудности для экономического развития и инвестиции. Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». – Москва, 2014. – С.182.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5185-сон Фармони.

3. Маттиас Хартвиг. Предварительное производство – аргументы за и против. Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». Москва, 2014. – С. 338.

4. Маттиас Хартвиг. Предварительное производство – аргументы за и против. Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». Москва, 2014. – С. 338.

5. Breuer R. Verwaltungsrechtsschutz und Widerspruchsverfahren, in: Manssen, Jachmann, Gropl. Nach geltendem Verfassungsrecht, Stuttgart. Мюнхен, 2009. – Б.93.

6. Германия статистикаси фақат 20 % талаби қаноатлантирилмаган аризачиларгина судга мурожаат қилишларини кўрсатмоқда. Biermann H, Das Widerspruchsverfahren unter Reformdruck, Die öffentliche Verwaltung, 2009. – Б 395, 401.

7. Маттиас Хартвиг. Предварительное производство – аргументы за и против. Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». – Москва, 2014. – С. 341.

8. Biermann H, Das Widerspruchsverfahren unter Reformdruck, Die öffentliche Verwaltung, 2009. – Б 395, 402.

9. Эрнэ Виктория Ксальтер. Оспаривания административного акта досудебном порядке. Ежегодник публичного права – 2014: «Административное право: сравнительно-правовые подходы». – Москва, 2014. – С. 344.

10. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

11. Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.01.2018 й., 03/18/457/0525-сон.

**А.Д.Бабаджанов,**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси

## МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партия гуруҳлари иштирокининг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, улар фаолиятидаги муаммолар ёритилиб, маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари Кенгашлари, партия, партия гуруҳлари, сессия, депутат, ҳоким, қарор.

**Аннотация:** в статье освещены теоретические и организационно-правовые аспекты участия политических партий в деятельности представительных органов власти на местах, проблемы в их деятельности, разработаны предложения по расширению прав партийных групп местных Кенгашов и повышению их эффективности.

**Ключевые слова:** органы государственной власти на местах, Кенгаш народных депутатов, партия, партийная группа, сессия, депутат, хоким, решение.

**Annotation:** article analysis the theoretical, organizational and legal aspects of participation of political parties in activity of local representative government bodies, problems in their activity, works out suggestion on expansion of rights of party groups of local Kengashs and increase of their efficiency.

**Key words:** local public authorities, Kengash of deputies of people's, party, party group, session, deputy, khokim, decision.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9200дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадрларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль уйнамоқда. Айниқса, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг таъсири ёққол намён бўлмоқда.

Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида “сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг родини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш” [1]нинг алоҳида белгиланганлиги сиёсий тизим муносабатларида сифат ўзгаришига олиб келмоқда. Ўз навбатида, мазкур жараённинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланган кўппартиявийлик тизими бугунги кунда изчил ривож топмоқда.

Сиёсий партияларнинг ислохотлар жараёнидаги жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишдаги роли ва аҳамияти кучайиб бормоқда.

Партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамланмоқда, уларнинг халқ орасидаги обрўси ортиб, давлат аҳамиятига молик қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш дастурлари, жумладан, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиётини жорий этиш [2] сиёсий партиялар, уларнинг вакиллик органларидаги бирлашмаларига давлат бошқарувида иштирок этиш учун кенг имкониятлар беради. Ушбу имкониятлар сиёсий партияларнинг фуқаролар манфаатларни рўёбга чиқариш борасида масъулиятини ҳам кучайтиради.

Ҳуқуқшунос олим И.Р.Беков тўғри қайд этганидек, “Сиёсий плюрализм ва кўппартиявийлик жамият ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ушбу қонданинг Конституция даражасида мустаҳкамланиши сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги воситачилик роли, конституциявий-ҳуқуқий мақоми олий даражада эътироф этилганлигини англатади” [3, 6-бет]. Бироқ сиёсий партия фақат парламент даражасида фаол бўлишининг ўзи етарли эмас, албатта. Чунки ислохотлар нафақат марказда, балки маҳаллий даражада ҳам самарали амалга ошмоғи лозим. Бунинг учун сиёсий партиялар маҳаллий кенгашлар ишини самарали ташкил этишда фаол иштирок этиши лозим. Айниқса, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий ижро органлари раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш йўли билан улар фаолиятини баҳолашнинг янги тизими жорий этилиши шароитида маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлиги ва масъулияти ошиб бормоқда.

Айтиш жоизки, жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари ислохоти ўз ичига нафақат марказдан айрим бошқарув функцияларни жойлардаги органларга ўтказиш ва уларнинг бошқарув соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтиришигина назарда тутиб қолмай, балки айна пайтда, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш” [4] ни ҳам тақозо этади. Бу эса маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ва уни таъминлаш механизмида муайян ислохотларни ҳам талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган маҳаллий вакиллик институтининг қонулар ижросини таъминлашдаги роли ва масъулияти масаласи бугунги кунда маъмурий ислохотлар самарадорлигининг муҳим кўсаткичидир. Бу масалага эътибор, қонуларнинг ижросини таъминлашда, давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар талабларини ҳаётга татбиқ этишда маҳаллий ҳокимлик институтининг ўрни жуда муҳим ва масъулиятли эканлиги ҳамда ҳозирги кунда улар олдида турган вазифаларнинг ўта муҳимлиги билан изоҳланади. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимлик тизимида баҳо беришда унинг ижро ва вакиллик ҳокимият тармоқларига алоҳида-алоҳида ёндашув лозим.

Эътироф этиш керакки, маҳаллий ижро ҳокимияти тармоғи муайян тараққиёт босқичларини босиб ўтди ва

амалда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу ҳақда профессор М.Ахмедшаева тўғри таъкидлаганидек, “Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳокимлик институтининг жорий этилиши ушбу тизимнинг янада демократлашувини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаш зарур. Ҳокимлик институти ва уни шакллантириш тартиби ўтган давр ичида ўзининг анча самарали механизм эканлигини кўрсатди. Ҳокимлар фаолиятининг яққабошчиликка асосланиши уларнинг масъуллигини оширишга ва маҳаллий бошқарувнинг самарадорлигини, тезкорлигини таъминлашга хизмат қилишга қаратилган” [5, 108-бет]. Эришилган ижобий натижаларга қарамасдан, маҳаллий даражада ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг комплекс тизими шаклланмаганлиги, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ўртасида ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳамда депутатлик ва жамоатчилик назорати таъсирининг етарли таъсирга эга эмаслиги ушбу йўналишда қилинадиган ишлар кўплигидан далолат беради.

Қонунчиликка кўра, ижро ҳокимиятининг маҳаллий органлари бўлган ҳокимликларнинг вилоят бўғинига ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тақдимиға биоан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари бўлган партиявий гуруҳлар билан маслаҳатлашган ҳолда тайинланадиган ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тасдиқланадиган ҳокимлар бошчилик қилади [6]. Маҳаллий ижро ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар иштирокининг таъминланганлиги ижро ҳокимияти тизимига улкан масъулият юклайди.

2019 йилги Давлат дастурида вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиётини жорий этишнинг назарда тутилаётганлиги маҳаллий вакиллик органларига билдирилган улкан ишонч ҳисобланади [7]. Ўйлаيمизки, мазкур тартибнинг жорий этилиши маҳаллий ижро ҳокимияти хизматчиларининг масъулиятини оширишга ва жойларда ижро интизомининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, сўнги йилларда Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари янада кенгайиб бормоқда. Буни қуйидагиларда ҳам кўриш мумкин:

биринчидан, Кенгаш ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитади. Илгари Кенгаш ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш билангина чекланган. Эндиликда Кенгашларнинг назорат ваколати доираси кенгайди;

иккинчидан, Кенгашлар тегишли прокурорлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади. Бу эса мазкур тармоқларда маҳаллий вакиллик назорати

ўрнатилишига ва тегишли раҳбарларнинг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади;

учинчидан, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ва ҳокимиятининг учинчи тармоғи саналган судлар ўртасида муносабатларнинг процессуал тартиби ўрнатилди. Яъни, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари бир йилда камида бир марта ўз мажлисида вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисларининг тегишли суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитади. Халқ депутатлари Кенгашининг мазкур масала юзасидан қарори Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига юборилади [8]. Бу эса маҳаллий вакиллик органлари ва маҳаллий судлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаб, суд органлари фаолиятида қонунийликни янада кучайтиришга муайян даражада таъмир кўрсатмай қолмайди.

Қайд этиш ўринлики, юқоридаги яратилган имкониятлардан қанчалик самарали фойдаланилаётганлиги жамоатчилик тузилмалари томонидан таҳлил этиб борилиши лозим. Қайд этиш жоизки, сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб, жойлардаги муҳим муаммоларга ўз вақтида эътибор қаратиши ва уларни кенгаш сессияси ёки доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиш ташаббуси билан чиқиши, яъни масаланинг ечимини топишда бевосита иштирок этишида муайян муаммолар мавжуд. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай дейди, “Мамлакатимиз вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қатор дастурлар қабул қилинди. Лекин бу дастурларни тайёрлашда жойлардаги партия гуруҳлари қай даражада иштирок этмоқда? Афсуски, ушбу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Ваҳоланки, партиялар айнан шундай дастурлар орқали ўз сайловчиларини безовта қилаётган муаммоларга ечим топиши, шунинг ҳисобидан электорати сафини кенгайтириши мумкин” [9]. Дарҳақиқат, сайланган депутатлар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашлар ваколатларидан самарали фойдаланишлари лозим.

Яна бир масала. Ҳозирга қадар маҳаллий кенгашлардаги партиялар иштирокининг муҳим шакли Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳисобланади. Афсуски, партия гуруҳлари ўзларига тақдим этилган ҳуқуқлардан етарлича фойдаланмасдан келишмоқда. Ҳуқуқшунос олим А.Махмудов қайд этишича, “Аксарият маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш, сўров билан мурожаат қилиш ва вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонирқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқидан умуман фойдаланилмаган” [10, 16-бет]. Бундан кўринадики, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларига ҳуқуқларнинг тақдим этилишининг ўзигина етарли эмас. Балки ушбу тизимни ҳаракатга келтирадиган бутун механизмни такомиллаштириш зарур.



Ҳуқуқий амалиётда эксперимент ўтказиш усули ҳам мавжудки, бу орқали ижобий, янги ғоялар муайян ҳудудларда татбиқ этилиб, кейинчалик ижобий натижа кўрсатган тажриба оммалаштирилади. Бугунги кунда маҳаллий бошқарув тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўтказилаётган эксперимент усули Тошкент шаҳрида ўтказилаётганлиги таҳсинга лойиқ. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги “Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [11]. Фармонга мувофиқ, 2018 йил 15 августдан 2019 йил 15 августгача Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича эксперимент ўтказилади ва мазкур ҳужжат асосида Тошкент шаҳар ҳокимиятига бизнес юритиш учун энг мақбул шарт-шароитлар ва қулай инвестиция муҳитини яратиш, туманлар кесимида Тошкент шаҳрининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шунингдек иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлаш учун зарур ташкилий тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Қайд этиш ўринлики, мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар фақатгина ижро ҳокимияти зиммасидаги вазифа бўлмасдан унда маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари ҳам фаол иштирок этишлари лозим. Яъни, улар қонуний ваколатларидан фойдаланган ҳолда Фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишлари, ижро самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилишлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий бошқарувга оид ислохотлар фақат иқтисодий чора-тадбирлар билан чекланмайди, албатта. Бунда Тошкент шаҳри ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти самарадорлигини кучайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Профессор О.Хусановнинг қайд этишича, мазкур Кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни таъминлаш назарда тутилмоқда: “Давлат муассасаси сифатида доимий асосда фаолият юритувчи, тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молияланувчи Тошкент шаҳри ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари котибиятларини ташкил қилиш; халқ депутатлари Кенгашлари котибияти таркибини тасдиқлаш; котибиятга раҳбарлик қилишни халқ депутатлари Кенгашлари депутатлардан бирининг зиммасига юклатиш; котибият таркибини халқ депутатлари Кенгаши депутатлари таркибидан шакллантириш; котибият зиммасига тегишли халқ депутатлари Кенгашининг жорий фаолиятини таъминлаш бўйича мажбуриятларни юклаш” [12, 17-бет]. Ўйлаймизки, мазкур режанинг амалга оширилиши Кенгашлар ишини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Шу ўринда депутатлик назорати ва Кенгаш назорати шаклларига қисқача тўхталиш жоиз. Мазкур назорат шакллари амалда қўлланилсада, унинг таснифи, назорат шакллари турлари ва уларнинг қонунчилик асослари етарлича шаклланмаганлиги уларни турлича талқин қилишга сабаб бўлмоқда. Бизнингча, уларни айнан бир хил, деб баҳолаш ноўрин бўлади. Зеро, депутатлик назорати яқка депутат томонидан омалга оширилиб, депутат олдида қўйган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилади. Кенгаш назорати Кенгашда муҳокама этилиб, кўпчилик овоз билан назоратга олинган масала юзасидан ўтказилади. Ҳуқуқшунос олим А.Махмудов томонидан

“Кенгаш сўрови” каби янги депутатлик назорати шаклини жорий этиш [13, 19-бет] бўйича билдирган фикрини қўллаб-қувватлаймиз. Лекин “Кенгаш сўрови”ни депутатлик назорати шакли сифатида белгилаш мунозарали ҳисобланади. Бинобарин, депутатлик ва Кенгаш назорати таъсирчанлигини оширмасдан, маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда таъминлаш имконсиздир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар иштирокини фаоллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни жоиз деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, янги ташкил этиладиган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашида тузиладиган депутатлар гуруҳи ўз вакили Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эга эканлигини белгилаш. Ўз навбатида, Кенгаш раиси ўринбосарини сайлаш учун қоида тариқасида, депутатлар гуруҳининг раҳбари номзодини киритиш тартибини жорий этиш;

иккинчидан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Қонунида депутатлик назорати ва маҳаллий Кенгаш назорати шакллари батафсилроқ тартибга солиш. Айниқса, “маҳаллий Кенгаш назорати”ни алоҳида назорат шакли сифатида белгилаб, унинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш лозим;

учинчидан, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланган депутатларнинг халқ депутатлари Кенгаши сессияларидаги ҳуқуқларини кенгайтириш;

тўртинчидан, маҳаллий Кенгашлар веб-сайтларида “Депутатлик сўровига жавоблар” рўқини ташкил этиб, унда ҳудудлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари томонидан мутасадди тузилмаларга юборилган депутатлик сўровлари юзасидан амалга оширилган ишлар мисолида таҳлилий мақолалар бериб бориш.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари назорат ваколатларини кучайтириш унда партиялар гуруҳлари иштирокини кенгайтириш ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни, шунингдек фуқароларни қийнаётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий бази-си, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон.
3. Беков И.Р. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар: Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 6.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ–5185-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 979-модда.

5. Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимияти / Масъул муҳаррир: ю.ф.д. проф. З.М.Исломово – Тошкент: ТДҶОИ, 2013. – Б. 108.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига) Ўзбекистон Республикаси Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2011 йил, 16-сон, 159-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон.

9. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 13 июль.

10. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. ... фал. докт. дисс. Автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 16.

11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2018 й., 06/18/5511/1761-сон.

12. Хусанов О.Т. Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент. – Тошкент: Жамият ва бошқарув. – 2018. – № 3. – Б. 17.

13. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш: Юрид. фан. ... фал. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 19.

**М. Таджибаева**

ТДҶОУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

### СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТАЪЛИМОТЛАРИДА

**Аннотация:** сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, аҳолининг сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда ислом ҳуқуқи нормалари бирламчи амалий-ҳуқуқий кўмак вазифасини ўтаган. Ушбу ҳуқуқий тизим сув ресурсларидан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, сувни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш, сув манбаларини муҳофаза қилиш, шунингдек сувнинг санитар ҳолатини яхшилашда алоҳида роль ўйнаган. Ушбу мақолада сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг Ислом ҳуқуқи нормалари билан тартибга солиниш масалалари баён этилган

**Калит сўзлар:** сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ширб, қариз, сув манбалари-сабиллар, ҳулъа

**Abstract:** the norms of Islamic law are the main practical and legal support for the protection and use of water resources and the problems of water resources of the population. This legal system plays a special role in the use of water resources, their management, economy and rational use of water, protection of water sources, as well as improving the sanitary conditions of water. This article examines the regulation of the protection and use of water resources by the norms of Islamic law.

**Keywords:** Protection of water resources, shirb, kariz, water resources - sabils, hul'a

**Аннотация:** нормы исламского права являются основной практической и правовой поддержкой для защиты и использования водных ресурсов и проблем водных ресурсов населения. Эта правовая система играет особую роль в использовании водных ресурсов, управлении ими, экономии и рациональном использовании воды, охране источников воды, а также улучшении санитарных условий воды. В этой статье рассматриваются вопросы регулирования охраны и использования водных ресурсов нормами исламского права.

**Ключевые слова:** Защита водных ресурсов, ширб, қариз, водные ресурсы – сабили, хулъа

Ислом ҳуқуқи назариясида сувдан фойдаланиш ҳуқуқи “ширб” (Ширб – сувдан тегадиган улуш, яъни ҳар бир жон эгасининг одам, ҳайвон, ўсимликнинг сувдан фойдаланадиган ҳаққи.) деб аталади. Ўрта асрларда Марказий Осиё мамлакатларида сув муносабатлари ислом ҳуқуқи ва одат нормалари билан тартибга солинган. VII–XII асрларда ислом ҳуқуқшунослигининг ривожланиши бир нечта ҳуқуқий мактабларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу мактабларнинг ҳар бири ўз таълимотида сув муносабатлари ва уларнинг бошқарув муаммосига алоҳида ўрин ажратган.

Ўрта Осиёда мавжуд бўлган ислом ҳуқуқининг Ханафий мактаби ўз таълимотида сув ресурсларидан фойдаланишни, унинг тақсимоти муаммоларига эътибор қаратиб, уларни ечиш йўлларини атрофлича кўрсатиб берган. Ислом ҳуқуқи нормаларининг тизимлаштирилган мажмуи ҳисобланган Бурхониддин ал Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида сув

муносабатлари, суғориш, сув тақсимоли механизми ва сувга эгалик қилиш турларига бағишланган алоҳида боб мавжуд бўлиб ундаги қоидалар Туркистонни Чор Россияси таркибига қўшилгунга қадар амалда бўлиб, минтақадаги ҳуқуқий масалалар, жумладан, сув муносабатларини тартибга солишда назарий ва амалий манба бўлиб келган.

Шунингдек, Убайдулло ибн Маҳмуднинг “**Мухтасарул виқоя**” асари “Ҳидоя” асарига шарҳ сифатида ёзилган бўлиб, унда нафақат “Ҳидоя”даги масалалар, балки бутун шарият қонунларига қисқа ва ихчам шаклдаги шарҳлар жамланган. Сув, суғориш қоидалари ва сувдан фойдаланишга оид қонунлар мажмуаси ҳам ушбу манбада ўз аксини топган.

IX асрда Хуросон ноиб Абдулла ибн Тохир (830–844) даврида сув муносабатларини тартибга соладиан “**Китоб ал куний**” ( Каризлар ҳақидаги китоб (кариз – ер ости каналлари), бу китоб қоидалари барча сув муносабатларига қўлланилган) номи билан аталган ислом ҳуқуқи уламоларининг шаръий қонунлари мажмуаси ишлаб чиқилган. Ушбу Кодекс нормалари ҳам минг йилдан ошиқ давр мобайнида сув муносабатларини тартибга солишда қўлланиб келинган. Бундан ташқари сувга эгалик қилиш ҳуқуқи Усманийлар империясининг Фуқаролик кодекси ҳисобланган “Мажалла” қонунлар тўпламининг 92 та моддасида кенг ёритилган.

Исломда сув ва сув муносабатларини ўрганиш жараёнида сувларнинг манбасига қараб уларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқланган. Бунга асосланиб Ҳанафия мактаби вакиллари сувдан истеъмол қилиш ва фойдаланиш тартибини тўрт турга ажратишган.

Булар, биринчидан, **Денгиз ва катта дарёлар суви**. Барчага ушбу сув манбаларидан истеъмол қилиш ва ундан фойдаланиши мумкин бўлган “Агар кимдир денгиздан ўз ерига ариқ қовлаб келса, унга ҳеч ким қаршилиқ қилмаслиги лозим. Чунки, денгиз суви ҳамма учун қуёш ёки ой нури ёхуд ҳаво каби умумийдир.” [1, 455-бет] Бунда сувдан фойдаланувчи шахс ўз эҳтиёжи учун чегараланмаган тарзда сувдан фойдаланади. Аммо, баъзи ҳолларда сув истеъмолчисининг белгиланган тартибда дарёлардаги сувни олган ҳолда (масалан, ўз ерига сув олиб бориш мақсадида) фойдаланишлари чегаралаб қўйилган. Чунки, бу баъзи бир хил офатлар (масалан, сув тошқини хавфи каби) натижасида бошқаларнинг ерига зиён етказиши мумкин, деб ҳисобланган;

Иккинчидан, **Умумий эгаликда бўлган дарё ва каналлар суви**. Табиий кичик сув ҳавзалари, шунингдек, сунъий сув ҳавзалари умумий эгаликдаги сув объектлари бўлиб, улардан барчанинг фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд ҳисобланган. Ислом ҳуқуқи назариясига асосан умумий эгалик мулкдаги сувлардан суғориш ва бошқа мақсадда фойдаланишни ҳеч кимнинг чегаралашга ҳаққи бўлмаган. Чунки, сув Аллоҳнинг инъоми бўлиб, шарият қонунларига кўра, инсонларда ўсимликка ва оловга чексиз эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлгани каби сувдан ҳам шу тариқа фойдаланилади. Яъни сув умумий ресурс ҳисобланиб, ҳар бир инсон ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга, аммо ундан фойдаланиш натижасида сув ҳавзасининг қирғоқлари бузилиб, тошқинларга сабаб бўлмаслиги, бошқаларга зарар етказмаслиги лозим бўлган. Бурхониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асарида белгиланган қоидага кўра, “Ҳамманинг қудуқ, ариқ ёки сув ҳавзаларидан сув ичишга, шунингдек ўз жониворларига сув беришга ҳаққи бор” [1, 455 - бет].

Учинчидан, **Хусусий эгаликда бўлган канал ва ариқлар суви ҳамда алоҳида турган ва шахсий ерларда жойлашган кичик қўл ва дарёлар**. Ислом шаръиятида сув жамиятга тегишли бўлиб, ҳеч кимнинг унга эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмасдан, фақат агар ўша сувни ушбу жойга ўз меҳнати ёки маблағи билан келтирган кишидагина эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлган.

Ислом ҳуқуқи назариясида сув муносабатларини тартибга солиш масалалари ер муносабатлари ва ер мулкчилиги масалалари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Масалан, бўш ётган ерда қудуқ қазиган киши қудуқ ён атрофидаги ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиб, унинг хўжайинига айланади [3, 238-бет]. Шунингдек, Фиқҳ олимларининг фикрига кўра, агар қудуқдан сув қўл ёки ҳайвон ёрдамида тортиб олинса, ушбу қудуқ эгаси қудуқдан ҳар бир тарафга 26.2 метр масофадаги ерга эгалик қилади. Агар киши сув манбасини қазиса, ушбу манба атрофида 330 метр ер унга тегишли бўлади ва ҳеч ким манба эгаси рухсатсиз канал ёки ариқча қазий ҳуқуқига эга бўлмайди [2, 59-бет].

“Қазилган қудуқлар сув сақлаш учун қазилмайди ва шунинг учун ундаги сув бирор кишига мулк сифатида тегишли бўла олмайди” [1, 455-бет]. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, қудуқнинг ўзи маълум бир шахсга тегишли бўлгани билан ундаги сув барчага тегишли бўлиб ундан фақат истеъмол қилиш ҳуқуқи берилади. Демак, сув ҳавзалари: ариқ, қудуқ ва бошқаларга эгалик қилиш мумкин бўлсада, бошқаларга ушбу сув манбасидан сув ичишни ва ўз жониворларига сув беришини маън эга олмайди.

Аммо сув объектларидаги сув миқдори чекланганлиги учун ҳам бундай сувлардан чексиз фойдаланиш ҳуқуқи фақатгина унга эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлган шахсларда бўлади. “Агарда кимдир ушбу ариқдан ёки сув ҳавзасидан ўз ерига сув олиб бормоқчи бўлса ушбу ариқ эгалари бунга тўсқинлик қилишлари мумкин. Чунки, акс ҳолда уларнинг эгалик қилиш ҳуқуқлари бузилган бўлади” [1, 456-бет]. Суви фақат маълум жамоа аъзолари ўртасида бўлинган сув ҳавзаларидан ушбу жамоа аъзоси бўлмаган кишининг уларнинг розилигисиз ўша сувдан суғориш, тегирмон мақсадларида ёки ўз ерига сув қазий келтиришга ҳақли ҳисобланмаган.

Ислом ҳуқуқида, шунингдек, биргина сув ҳавзасидан бўлак бошқа яқин атрофда сув бўлмаган ҳолатларда сувдан истеъмол қилиш ёки ундан фойдаланиш тартиблари ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра яқин атрофда ҳеч кимнинг эгалик ҳуқуқи бўлмаган сув ҳавзаси бўлса, у ҳолда шу ердаги бошқа қудуққа ёки булоқ каби сув ҳавзасига эгалик қилувчи шахс бошқаларга ушбу сувдан фойдаланишни тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга ҳисобланган. Лекин агарда ушбу сув ҳавзасидан бошқа яқин атрофда сув манбаси бўлмаса, унда ушбу ҳавза эгаси чанқаган кишига ўзи ичиш учун сув олиб келиб бериши ёки унга фақат сув ҳавзаси бўйига зарар етказмаган ҳолда ўзи бориб ичиши шарти билан рухсат бериши керак, деб белгиланган. Бу борада бошқа фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра агар сув эгаси қудуқни ўз ерида қазиган бўлса, бундай қила олади. Агар бу қудуқни очиқ далада қазиган бўлса, унда ҳеч кимни бу сувдан ичишга тақиқлаб қўя олмайди. Чунки, очиқ дала жамоа мулкидир. Қудуқ жамоа фойдаланиши ва солиқ олиши мақсадида қазилган экан, демак бу қаршилиқларсиз сув ичиш ҳуқуқини рад этмайди [1, 456-бет].

Ислом ҳуқуқида сувни ичиш учун истеъмол қилиш муҳим сервитутлардан бири бўлган ва бу сувга эгалик ҳуқуқининг қандай бўлишига қарамай истеъмол қилиш имконини берган. Бу ҳолида қонун нормалари билан ҳимояланган бўлиб, агарда сувга боришга қандайдир чегирма ёки тўсиқ бўлганда барча қўлдан келган воситалар, шунингдек қурол ишлатиш ҳолатини ҳам оқлаган. [1, 456-бет] Масалан, қудуқ эгаси чанқоғи натижасида ўзи ёки жонзод-ҳайвони нобуд бўлиши эҳтимоли мавжуд бўлган кишининг сув ичишига тўсиқлик қилса, бу киши қудуқ эгасига қарши қурол ишлатиши мумкин бўлган. Боиси исломда сув барчаники, ундан чанқоғни қондириш учун фойдаланиш ҳуқуқи ҳамма учун баробар бўлиб, қудуқ эгасининг эса барчага тегишли сувдан чанқоғ қондириш учун бермаслиги бу инсон ҳаётига хавф солиш билан баробар ҳисобланган. Бошқа фикрларга кўра, чанқоғтан одамга сув бермаган одамга қарши қурол ишлатиб бўлмайди. Фақат калтак ишлатиш мумкин [1, 456-бет] Чунки сувни беришда тўсиқлик қилиш бу қонунбузарликдир. Қонунни бузган кишини эса калтаклаш жазо ўринини босади.

Ўзининг ҳолатидан ортиқ сувни ушлаб турган кишининг бу ҳаракати гуноҳ ва жиноят саналганлигига Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ушбу ҳадисни далил сифатида кўриш мумкин: Расулulloҳ (с.а.в.) “Уч тоифа киши борки, қиёмат куни Аллоҳ уларга назар солмайди ҳамда улар учун аламли азоб бордир. (Улардан бири) саҳродалик пайтида ортиқча суви бўла туриб, уни бошқаларга бермаган одамдир. Аллоҳ уларга шундай дейди: “Мен сизларга бугун ўз меҳрибонлигимни кўрсатмайман. Чунки сизлар шу кунгача ўзингиздаги ортиқча сувни бировлардан аяб, бермай келдингиз”[4, 51-бет].

Тўртинчидан, **Идишларда сақланадиган сувлар.** Сув сақлаш учун мўлжалланган, истеъмол ва одатий фойдаланиш учун сув ҳавзаларидан олинган сувлар. Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асаридан бу турдаги сувлар шахсий мулк ҳисобланган. “Сув ҳавзадан олиниб алоҳида сақлансагина, шахсий мулкка айланади (отилган кийик каби: кийик ўзи ўтлаб юрса, у ҳеч кимники эмас, отилгач у овчиникидир)” [1, 456-бет]. Демак бошқаларнинг бу сувда ҳаққи бўлмайди. “Шунга қарамай бу сувдан барча фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасмикан деган савол туғилади. Чунки, исломда сувдан барчанинг фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд. Шу боис агар сув етишмовчилиги вақтида кимдир ушбу сувдан ўғирласа, унинг қўли кесилмайди” [1, 456-бет].

Аммо сув бирон бир идишда бўлса унда чанқаган киши қурол ишлатмасдан фақатгина сувни унинг эгаси рухсати билангина сўраб истеъмол қила олиши мумкин.

Ислом ҳуқуқида суғориш билан боғлиқ муносабатлар ҳам ҳуқуқийлаштирилган. Унга кўра сувни одамлар аввало истеъмол учун фойдаланиб, кейингина ундан суғориш ишларида қўллашлари лозим бўлган. Кимдир ўзининг уйи олдидаги дарахт ва экинларни суғоришни истаса, у бу мақсад учун бировнинг ариғидан сув олишга ҳақли бўлган [1,456-бет]. Чунки шариат нормалари сувни ишлатишда катта эркинлик берган. Одат ҳуқуқига кўра эса сувни ишлатишга тўсиқлик қилиш “шармандалик ҳаракати” деб тан олинган. Аммо бу сувни олиш учун аввало ушбу ариқни, қудуқни эгасидан рухсат сўраш даркор, чунки сув ҳавзаси эгаси тақиқлаш ҳуқуқи мавжуддир. Ариқ эгаси агар ўзи истаса, сувни бошқа бировга бера

олади. Чунки, сув унинг мулкидир ва мулкни тортиқ этиш бу одатий ҳолдир [1, 456-бет].

Ислом оламида сув билан боғлиқ бўлган технологияларга ҳам катта аҳамият берилган. Ўша даврларда қурилган канал, канат, чархпалак ва бошқа сув инфраструктура иншоотларидан ҳозиргача фойдаланиб келинади. Ўша даврда сув санъат ва архитектурага ҳам катта таъсир этган бўлиб сув манбалари мавжуд ерларда шаҳарлар барпо этилган (Ўрта асрларда сув манбалари - сабиллар кенг тарқалган бўлган. Сабил бу сув манбаи атрофида қурилган иншоот бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам сув манбаи ҳам билим манбаси вазифасини бажарган. Яъни сабилларда мактаблар ташкил этилган. Сабил ўз замонининг бой инсонлари эҳсонлари ҳисобига қурилиб биринчи қаватида халққа сув манбаи вазифасини бажарган фавворалар бўлган, иккинчи қаватида эса болалар учун мактаблар (Сабил куттаб) ташкил этилган). Бу даврда, айниқса, янги сув иншоотларини қуриш, сув манбалари сонини кўпайтириш ишлари қўллаб – қувватланган. Аммо гидротехник иншоот қуриш йўли билан мавжуд сувдан фойдаланиш тартиби ўзгартирилса ва бу ҳолат қолган сувдан фойдаланувчиларга зарар етказса ёки кишиларнинг сувга нисбатан ҳиссасини камайтирса, у ҳолда бундай қурилиш ишлари тақиқланган. Агарда ушбу иншоотларнинг қурилиши бошқа кишиларга ҳеч қандай зарар олиб келмаса, бу кишилар ушбу иншоотни қуришини тўсиқлик қилишга ҳақли бўлишмаган.

Янги сув ҳавзалари ёки иншоотларини қуриш катта меҳнат ва сарф-ҳаражатни талаб этгани учун ҳам жамиятда моддий ва пул ресурсларига эга бўлган йирик ер эгаларининг хусусий ташаббуси ортиб борган. Улар янги ариқларни қазиш ва суғориш тизимларини таъмирлаш ишларини ташкил этишган ва бу уларга ер ва сувдан фойдаланишда устунлик ҳуқуқини берган.

Ўрта асрларда сувнинг софлигини таъминлаш, ундан оқилана фойдаланиш ишлари аҳолининг санитария ҳолатини яхшиланишини чуқур англаган ҳолда сув манбаларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш борасида кўплаб тадбирлар олиб борилган. Бунда, айниқса, ариқларни (канал) қазиш ва тозалаш ишлари муҳим аҳамият касб этган. Ислом ҳуқуқида сув ва сув иншоотларининг тозаланиши таъминлаш ҳам ҳуқуқийлаштирилган бўлиб, жамиятнинг ҳар бир аъзоси бундай ишларда масъул ҳисобланган. Ариқ ва канал каби сув иншоотлари уч тоифага бўлинган. Бу эса уларни тозалаш ва таъмирлаш ишларининг тартибларини белгилашда асосий восита бўлиб хизмат қилган. 1. Ҳеч кимга тегишли бўлмаган ва уларнинг сувлари ҳеч ким орасида бўлинмаган улкан ариқлар; 2. Бирор кимга тегишли бўлган ва суви эгалик қилувчи шахслар орасида бўлинган, аммо бу йирик ариқларда қайиқлар сузиши мумкин бўлган; 3. Бирор кимга тегишли бўлган ва суви эгалик қилувчи шахслар орасида бўлинган, аммо бу йирик ариқларда қайиқлар сузиши мумкин бўлмаган [1, 456-бет].

Жамоанинг катта ариқлари тозалаш ва тўғирлаш ишлари жамоа ғазнаси “Байт ул-мол”даги маблағ эвазига олиб борилган. Биринчи тоифадаги, яъни ҳеч кимга тегишли бўлмаган ариқлар тозаланиши лозим бўлган ҳолатда бўлса, уни тозалаш ушбу иш юклатилган бошлиқ – жамоа сардори зиммасида бўлган. У тозалов ишларини жамоавий ғазна ҳисобидан ёки тозалаш ишлари кишилар фойдасига

қилинаётган бўлса, жамоа мулки ҳисобига амалга оширилиши таъминланган. (Ушбу харажатларни қоплаш учун маблағлар киши бошига қўйиладиган солиқлардан ташкил топган фонд ҳисобига амалга оширилади, аммо эҳсон ва ушр (даромаднинг ўндан бири миқдоридан олинмаган солиқ)дан ташкил топган фонд ҳисобидан ишлатилмайди, чунки ушбу фонд маблағи фақатгина камбағалларга ёрдам бериш учунгина ишлатилади. Биринчи фонд маблағлари эса захира сифатида фавқулодда пайдо бўлган харажатларни қоплаш учун ишлатилади.)

Агар жамоа ғазнасида етарли даражада маблағ бўлмаса, ҳашар ёрдамида таъмирлаш ишлари олиб борилган. Жамиятнинг юқори қатламидаги кишилар, амалдор ва бойлар ҳашар ишларини керакли маблағ билан таъминлаб, харажатларни ўз зиммаларига олишлари зарур ҳисобланган. Оддий аҳоли эса ҳашар ишларида меҳнатлари билан қатнашишган. Ҳашар ишларига жисмонан лойиқ кишиларгина жалб этилиши керак бўлган.

Бирор бир эгалик остидаги ариқлар эса эгалари ҳисобидан жамоа ғазнасида ҳеч қандай ёрдамсиз тозаланиши керак бўлиб, уларни тозалаш унга эгалик қилувчи шахслар зиммасида бўлган. “Агар эгаларидан бирор-бири тозалашдан бўйин тортса, жамоа сардори уни тозалашда қатнашишда бошқа эгалари зарар кўрмаслиги мақсадида мажбурлаши мумкин. Агар эгалик қилувчи шахслардан бири ариқ бўйини бўлажак тошқинни, қўшни ерларни сув босишини, шунингдек йўл бузилишининг олдини олиш мақсадида таъмирламоқчи бўлса, жамоа сардори ариқнинг бошқа эгаларини ҳам бу ишда қатнашишга мажбурлаши мумкин” [1, 457-бет].

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ислом шариатида сувнинг нафақат покликнинг асоси, санитар хусусиятга эга омил сифатида ҳар бир инсоннинг сув билан покланиб, озода ҳолатда юриши зарур саналиши билан бирга сув манбаларининг тозаланиши таъминлаш, сув ҳавзаларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, сувни ҳар хил чиқит ва чиқиндилар билан булғанган кишиларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари каби сувга нисбатан муҳофаза ишлари олиб борилган.

Сугориш тизимлари ва сугориш учун сув манбааларининг мавжудлиги ўлпон ва солиқларни аниқлашда катта ёрдам берган. Солиқ ҳуқуқий муносабатларга кўра сувни қандай мақсадларга хизмат қилишига қараб икки турга бўлишган. Сувга доир ҳукуматнинг аҳоли билан солиқ ҳуқуқий муносабатларида “ўнлик солиғини тўловчи сув” ибораси ишлатилиб унга ёмғир суви, кудуқлар суви, фонтанлар суви ва аниқ бир кишининг эгалигида бўлмаган бошқа сувлар кирган. Шунингдек, жисмоний шахсларнинг эгалигида бўлган сунъий каналлар, каризлар (водопроводлар) суви “ўлпон тўловчи сув” ҳисобланган. Агар ер унумдорлиги хусусий мулк ҳисобланган сувга боғлиқ бўлса, бу ерларда “ўнлик солиғи” тўланган. Агар бу ернинг ўзида хусусий мулк бўлган сув манбаи бўлса, бу ерлардан ҳар хил ўлпонлар тўланган [2, 61-бет].

Ислом ҳуқуқида сув ер каби жамоа мулки ҳам, хусусий мулк ҳам бўла олган. Юқорида келтирганимиздек, сув манбасининг хусусий мулк бўлиб, унга эгалик қилиниши учун ўз меҳнати ёки маблағи билан келтирилган ёки барпо этилган бўлиши лозим ҳисобланган. “Мухтасар ул-виқоя”да келтирилишича, бўш ётган ерларни сугорган одам ушбу ерларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин

бўлади. Ва аксинча, агар киши уч йил мобайнида бўш ётган ерни сугора олмаса ва ишлов беролмаса, ҳукумат бу ерни ундан олиб бошқа бир кишига беришга ҳақли ҳисобланган.

Ислом ҳуқуқи сувга эгалик ҳуқуқини ерга эгалик ҳуқуқи билан бирга ва ерсиз тан олган. Сувга эгалик ҳуқуқи мерос сифатида қолдирилган, аммо у сотиш, ҳады қилиш, вос кечиш натижасида сотишга бериш ва эҳсон сифатида берилмаган. Шунингдек, тинчлик битимида бадал, хулъа учун ҳақ (\*Хулъа – никоҳни бекор қилиш тури бўлиб, бунда никоҳни бекор қилиш учун эрнинг аёлига бериладиган маълум бир ҳақ ҳисобланади. Сувга эгалик ҳуқуқи хулъа сифатида берилмайди. Агарда аёл никоҳни бекор қилиш ҳақида музокаралар натижасида ҳақ сифатида сув ҳуқуқини таклиф этса, эркак буни рад этиши лозим. Аёл эса унинг ўрнига турмуш қурилганда эр аёлига тухфа этган барча сарпа-сепни олишга ҳақлидир [1]. Бу ерда қонун шундан келиб чиқадики, сувга эгалик қилиш ҳуқуқи эгалик қилинадиган сувнинг аниқ ҳажмини белгилаб бермайди), келинга куёвдан сарпа, марҳум инсоннинг қарзига тўлов сифатида ҳам берилиши мумкин бўлмаган.

Сув билан боғлиқ олди-сотди шартномаси ноқонуний ҳисобланган (Ширб моддий мулк ҳисобланмагани учун бу ҳолатда олди сотди шартномасининг объекти ноаниқ бўлган. Чунки, сувни миқдоран ўлчаш қийинчилик туғдирган). Ислом ҳуқуқи назариясида сув ҳуқуқини сотиш икки хил вазиятда қонуний ҳисобланиши мумкин бўлган: сувни ер билан сотилиши талаб этилганда;

Сув эгаси ер эгаси билан келишиб, унга сувга ҳам эгалик ҳуқуқи берилган ва бу ҳолатда ер нархининг қанчалик кўтарилганлигини билиш мумкин бўлган. Ушбу янги нархни аввалги нарх билан фарқи сув ҳуқуқи нархига тенг бўлган.

Сувга эгалик қилувчи шахснинг ерга эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлмаса ҳам, ўша ердаги сув манбасига эгалиги тан олинган. Ўз ерини сотган киши ўша ердаги сувга нисбатан эгалик ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин бўлган. Баъзан сув эгасининг ер мулкдоридан эгалик ҳуқуқлари устун турган. Масалан, агар кимнингдир бошқа бир кишининг шахсий еридан оқиб ўтаётган ариқчага эгалик ҳуқуқи бўлса ва ер эгаси ушбу ариқчага ўз еридан оқмаслигини талаб этса ва ушбу ариқчага эгаликни даъво этса, унга бундай қилишга йўл қўймаслик лозим. Ариқча ўзининг эски йўли бўйича оқиши керак. Ариқча ўзининг эски йўли бўйича оқаётган ҳолатида бир кишининг мулки ҳисобланиб бу кишининг ҳаққи ер эгасининг ҳаққидан устундир [1, 457-бет].

Сув манбаси бир неча шахслар ўртасидаги хусусий мулк ҳисобланса, сувга нисбатан ҳисса тўғрисида низоли вазиятларда ҳар бир эгалик қилувчи шахсларнинг ерларига мутаносиб равишда сув ҳам тақсимланган. “Сувга эгалик қилиш ҳуқуқидан мақсад ерларни сугориш экан, демак ҳар бир эгалик қилувчи ўзига тегишли бўлган ердан келиб чиққан ҳолда сувга эгалик қилиши лозим” [1, 458-бет].

Демак, ислом ҳуқуқида сув эгалик қилувчиларнинг ҳуқуқлари тенг бўлган ва албатта сувга доир муносабатларда уларнинг розиликлари ва қаршиликлари инобатга олиниши шарт ҳисобланган.

Ислом мамлакатларида сув масалаларини бошқаришда ҳукмдор томонидан тайинланган мансабдор шахс – “мироб” (сувни бошқарувчи) мажбурияти аҳамиятли ҳисобланган. Унинг

мажбуриятларига каналларни йиллик таъмирлаш ва тозалаш ишлари, сув тақсимотида ҳажмларни аниқлаш ва бошқа масалалар кирган. Шунингдек, улар сув бериш ва ушбу сувни аҳоли томонидан олиш кетма-кетлик тартибини бошқарган. Ушбу мансабдор шахсни молиявий таъминлаш аҳоли зиммасига юклатилган. Иш ҳаққини мириблар дон ва бошқа озиқ-овқат билан олишган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, сув муносабатлари ислом ҳуқуқи билан алоҳида тартибга солинган ва норматив-ҳуқуқий аҳамияти юқори даражада бўлган. Шунинг билан бирга, ўша даврда ислом қонунчилиги ҳамда минтақа аҳолиси қадриятларининг устувор тамойилларини ўзида ифодалаган одат ҳуқуқининг кенг тарқалиши ҳам минтақадаги сув муносабатларини бошқариш ва тартибга солишда алоҳида аҳамият касб этиб келган. Бу эса аҳолининг сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишда амалий-ҳуқуқий кўмак вазифасини ўтаган. Умуман олганда ушбу ҳуқуқий тизим сувдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, уни тежаш ва оқилона фойдаланиш, сув манбаларини муҳофаза қилиш, шунингдек сувнинг санитар ҳолатини яхшилашда алоҳида роль ўйнаган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Бурхануддин Маргинани. Хидоя. Коментарии мусульманского права. Част 2. III-IV Тома. – Москва: Волтерс клувер, 2010. – 808 с.
2. Шарль Р. Мусульманское право. – Москва, 1958. – 142
3. Мухтасар (шариит қонунларига қисқача шарҳ). – Тошкент: Чўлпон, 1994.
4. Саҳиҳи муслим (биринчи китоб). Абу Ҳусайн Муслим ибн Ҳаллож ибн Муслим. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com). 2007 йил.

**Х.Турдиев,**

ТДЮУ ўқитувчиси, мустақил изланувчи

### ИЖРО ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ижро ҳокимиятининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган. Муаллиф бу борадаги миллий ва хорижий қонунчиликни таҳлил этиш, миллий ва хорижий олимларнинг фикрларини ўрганиш асосида ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилади. Мақолада амалга оширилган таҳлиллар асосида мазкур соҳани такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ижро ҳокимияти, парламент, ҳукумат, ҳуқуқ ижодкорлиги, ваколатли қонунчилик.

**Аннотация:** в данной статье анализируется участие в правотворческой деятельности исполнительной власти и ее особенности в разделении властей. Автор пытается раскрыть особенности правотворческой деятельности исполнительной власти на основе анализа, изучения идей отечественных и зарубежных ученых и законодательства. На основании проведенного в статье исследования предложены рекомендации по совершенствованию данной сферы.

**Ключевые слова:** принцип разделения властей, исполнительная власть, парламент, правительство, правотворчество, делегированное законодательство.

**Annotation:** this article analyzes the law-making activity and specific features of the executive branch in the system of separation of powers. The author tries to disclose the peculiarities of the government's law-making activity on the basis of the analysis of national and foreign law, the study of the opinions of national and foreign scientists. Based on the analysis carried out in the article proposed suggestions for the improvement of the area.

**Key words:** separation of powers, executive power, parliament, government, law-making, delegated legislation.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83 ҳамда 98-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга ҳамда у конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади

деб белгиланган [1]. Давлат ҳокимияти тизимида ижро ҳокимиятининг ролини белгилашда ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига оид муносабатларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга ошириш орқали ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайди ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан ўрнатилган қоидаларни ижро этилишини амалда таъминлайди. Шу боис Вазирлар Маҳкамаси олий вакиллик органи бўлмиш Олий Мажлис билан доимий равишда алоқада бўлади. Бу алоқа, биринчидан, қонун лойиҳаларини қонунчилик ташаббуси тартибда киритиш орқали амалга оширилса, иккинчидан, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш орқали ўзига хос муносабат вужудга келади [2, 127-бет]. Парламент ва ҳукуматнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳамкорлик йўналишларини қуйидаги шаклларда таҳлил қилишимиз мумкин: парламент томонидан ҳукуматни шакллантириш мақсадида бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, парламент назоратини амалга ошириш ҳамда ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлик масалалари, қонун ижодкорлиги жараёнида парламент ва ҳукуматнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Шу нуқтаи назардан мазкур муносабатларда ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат қонун нормаларини ижро этиш юзасидан ҳуқуқий ҳужжатлар яратади. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фаолияти қонун устунлиги принципини татбиқ этишга қаратилган бўлиб, муҳим аҳамият касб этади. Бунинг объектив сабаб ва омили мавжуд. Ижро ҳокимияти тизимига қараганда марказий давлат бошқаруви органлари ижтимоий ҳаётнинг муҳим соҳалари ёки масалалари бўйича давлат бошқарувини олиб боради. Мазкур давлат органлари ўзлари масъул бўлган соҳа ва масала юзасидан ҳуқуқий тартибга солиниши лозим бўлган ижтимоий муносабатларга кундалик бошқарув фаолиятига дуч келишади. Шу боис ҳам ҳукумат турли соҳаларга оид кўпчилик қонун лойиҳаларининг ташаббускори сифатида ўзини кўрсатади [3, 261-бет]. Ҳукумат қабул қиладиган ҳужжатлардан фақатгина қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳисобланган ҳужжатлари қарорлар шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлари фармойишлар шаклида қабул қилинади. Қайд этиш жоизки, Ҳукумат ўз фаолиятида қонунларнинг ижросини таъминлашга асосий эътиборни қаратади бу ўз ўрнида қонун устунлигини таъминлаш ҳамда давлат органлари фаолиятини уйғунлашган ҳолда ҳамда мувофиқлашувига хизмат қилади. Вазирлар Маҳкамаси қарорлар ва фармойишларининг қонун ости характери яққол кўзга ташланади. Уларни тартибга солиш ва амал қилиш доираси жуда кенг бўлиб, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилади ва аксарият ҳолларда қонунлар, Президент фармон ва қарорларига мувофиқ ҳамда уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинади. Шунингдек, баъзи ҳолларда Президентнинг ҳуқуқий ҳужжатлари тўғридан-тўғри Вазирлар Маҳкамаси

қарорлари ва фармойишларининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин [4].

Таъкидлаш ўринлики, ижро этувчи ҳокимият фаолиятини ўрганиш бугунги кунда алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ижро этувчи ҳокимият қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижросини таъминлар экан, шу жараёнда ўзи ҳам давлатнинг қонун ижодкорлиги ҳуқуқидан, рағбатлантириш ва давлат мажбурлов ҳуқуқидан фойдаланади [5, 12-бет]. Ҳукумат ҳужжатлари билан боғлиқ муносабатларда хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган институтлардан бири – ваколатли қонунчилик (delegated legislation)дир [6]. Унинг моҳияти шундаки, ҳуқуқ ижодкорлигининг бир тури бўлиб, қонунчилик органи томонидан берилган махсус ваколатлар асосида давлат бошлиғи ёки ижро ҳокимияти органлари томонидан қонун қабул қилинишидир. Бу шуни англатадики, парламент томонидан ҳукумат ёки бошқа бир давлат органига қонунчилик ваколатлари берилиши натижасида мазкур органлар томонидан қонун кучига эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиқарилишида намоён бўлади.

Бугунги кунда мазкур институт у ёки бу шаклда АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швеция, Мексика, Франция, Португалия, Испания, Италия Қозоғистон, Туркменистон каби бир қатор хорижий мамлакатларда қўлланиб келинмоқда. Қоида тариқасида ваколатли қонунчилик тақсмоти кўп ҳолларда ҳукуматга тўғри келади. Баъзи мамлакатлар Испания (82-модданинг 3-қисми), Франция (38-модда) конституцияларида ҳукумат қонунчилик ваколати тақдим этиладиган ягона органдир. Юридик адабиётларда ваколатли қонунчиликнинг салбий ва ижобий томонлари хусусида турли хил мунозаралар мавжудлиги намоён бўлади.

Биринчи ёндашув мазмунини шундан иборатки, унга мувофиқ, ваколатли қонунчилик ҳокимиятлар бўлиниши тизимида қонунчилик ва ижро тизими мувозанатини бузади [7, 12-бет];

Иккинчи ёндашув ваколатли қонунчиликнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижобий ўринларини эътироф этади [8, 25-бет];

Учинчи ёндашув кескин рад этиш ва шартсиз қабул қилишнинг “оралиқ” шаклидир. Мазкур ёндашув тарафдорлари ваколатли қонунчиликни муҳим институтлигини инкор этмасдан, унинг салбий томонларини бартараф этиш учун суд ёки бошқа самарали назорат усулларини қўллаш лозимлиги таъкидланади [9, 26-бет]. Бизнинг фикримизча, ваколатли қонунчиликни ҳокимиятлар бўлиниши принципини бузилиши сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки муайян соҳаларда ҳукуматнинг қонун ижодкорлиги олий қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланиши ҳамда қатъий парламент ва суд назорати амалга оширилиши мазкур принципнинг умумий руҳига мос келади. Шунингдек, кўплаб хорижий давлатларнинг амалдаги тажрибаси ижро ҳокимияти органларининг фаолияти фақатгина қонунларни ижро этишдан иборат эмаслигидан далолат беради. Мазкур органлар давлат функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ турли хил бошқарув фаолиятини амалга оширадилар. Зеро мутлақ кўпчилик давлатларда қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш – жуда узоқ жараён. Шу боис парламент томонидан жамиятдаги барча ўзгаришларни кузатиб бориш ва бу борада тезда ўз муносабатини билдириш мураккабдир. Амалдаги қонунчиликда вужудга келувчи ҳуқуқдаги бўшлиқлар

ваколатли қонунчилик институтини қўллаган ҳолда мунтазам равишда ҳодисаларни кузатиб бориш имкониятига эга ҳукумат томонидан муваффақиятли ҳал этилади [10, 134-бет]. Умуман олганда, хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам давлат бошқарувида оид ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда ҳам сон, ҳам самара жиҳатдан ҳукумат ҳуқуқий ҳужжатлари муҳим ўрин тутди. “Ижро ҳокимияти органларининг ҳужжатлари ўз хусусиятига кўра мамлакатнинг бутун ҳудудида мажбурий хусусиятга эга бўлиб, у миллий ҳуқуқнинг муҳим манбалари сирасига киради” [11, 44-бет].

Ваколатли қонунчилик институтини юртимизда энг аввало илғор хорижий тажриба асосида чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш ҳамда мазкур амалиётларни ижобий жиҳатларини миллий қонунчилигимизга жорий этиш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилигимизда давлат ҳокимиятининг тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланиши белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиниши белгиланган. Ўзбекистон ҳокимиятлар бўлиниши принципа қатъий амал қилади. Бироқ ваколатли қонунчилик институтини жорий этиш ҳокимиятлар бўлиниши принципи мазмунига таъсир этмайди, аксинча, парламент ва ҳукумат муносабатларини ўзаро уйғун ҳолатда фаолият юритишини ҳамда бу икки органларнинг ҳамкорлигининг янги босқичга олиб чиқишига имкон яратади. Шунингдек, бу институт Ҳукуматнинг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги масъулиятини ва жавобгарлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. “Зеро ҳукумат ўзи ўтказаятган сиёсат учун қандай қонунчилик таъминоти зарурлигини ва қонунларни ўзгартиришда қандай эҳтиёжлар мавжудлигини ҳокимиятнинг бошқа субъектларига қараганда яхшироқ билади. Ижро ҳокимияти сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун кўпроқ имконият ва ресурсларга эга. Шу сабабли, бошқа хорижий давлатлар сингари, Ўзбекистонда ҳам қонун ижодкорлиги борасида ишларда ҳукумат фаол иштирок этиши табиий” [12, 8-бет].

Хулоса қилиб айтганда юқорида таъкидлаб ўтилган ваколатли қонунчилик институти бир қатор ривожланган демократик давлатларда самарали қўллаб келинмоқда. Юртимизда мазкур институтни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ҳамда миллий қонунчилигимизда жорий этиш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистонда Ҳукуматга бу ваколатни тақдим этилиши белгилаб олинган режалар бажарилишини танқидий таҳлил қилишга, қатъий тартиб-интизомни ўрнатишга, Ҳукуматда ҳам унинг аъзоларида ҳам шахсий жавобгарликни янада ошишига хизмат қилади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 39-сон, 457-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон

2. Хошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 127.

3. Ахмедшаева М.А. Давлат ҳокимият тизимида ижро ҳокимияти. Юрид. фан. докт. ... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 261.

4. file:///C:/Users/acer/Downloads/vazirlar\_mahkamasi\_ning\_huquq\_izhodkorligi\_faoliyatida\_davlat\_boshligi\_ishtirokining\_oziga\_xos\_hususiyaatlari..pdf

5. Нуридудлаев А.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий ҳуқуқий мақоми: Ўқув қўлланма. / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, доцент У.Мухаммедов. – Т.: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 12.

6. Ваколатли қонунчилик хорижий мамлакатларда дастлабки қонунчилик “primary legislation”, иккинчи даражали қонунчилик “secondary legislation” деб ҳам номланади. Мазкур турдаги қонунчилик одатда парламент томонидан ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ваколатини бирор – бир органга асосан Ҳукуматга беришни назарда тутди.

7. Государственное право Германии: в 2 т.: сокр. пер. нем. – М., 1994.

8. Боботов С.В. Введение в правовую систему США. – М., 1997.

9. Фридмен Л. Введение в американское право. – М., 1993.

10. Дзыбова С.Г. Институт делегированного законодательства // Вестник Адыгейского государственного университета. 2006. –№2. –С.131-134.

11. Хошимхонов А.М. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари. Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – Б. 43-44.

12. Жабборов С. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси “Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари” кўмитаси раисининг ўринбосари. “Икки палатали парламент шароитида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари” // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2006. –№ 2.7. – Б.8.



Б.А. Норматов,  
ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

### СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** муаллиф ушбу мақолада солиқ текширувлари тарихи, солиқ текширувларига оид тушунчалар, солиқ текширувлари бўйича қонунчиликнинг ривожланиши ва солиқ текширувларининг шакл ва усулларини таҳлил қилиб ёритган.

**Калит сўзлар:** солиқлар, солиқ сиёсати, солиқ механизми, солиқ қонунчилиги, солиқ назорати, солиқ текшируви, солиқ текшируви шакли, солиқ текшируви усули ва солиқ органлари.

**Аннотация:** в этой статье автор проанализировал историю налоговых проверок, понятия относящиеся к налоговым проверкам, развитие законодательства о налоговых проверках и формы и методы налоговых проверок.

**Ключевые слова:** налоги, налоговая политика, налоговый механизм, налоговое законодательство, налоговый контроль, налоговая проверка, форма налоговой проверки, метод налоговой проверки и налоговые органы.

**Abstract:** In this article the author analyzed the history of tax audits, concepts related to tax audits, the development of legislation on tax audits and forms and methods of tax audits.

**Keywords:** taxes, tax policy, tax mechanism, tax legislation, tax control, tax audit, form of tax audit, method of tax audit and tax authorities.

Солиқ текширувлари солиқ ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Солиқ ҳуқуқининг дастабки концептуал асослари 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган бўлиб, унинг 123-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилиши, солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли эканлиги, шунингдек 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур эканлиги таъкидланган.[1] Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг[2] 9-моддасида солиқ тизими Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона эканлиги белгиланган. Демак, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзининг солиқ тизими ва солиқ сиёсатини мустақил белгилайди.

Ўтган давр мобайнида солиқ тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш борасида бир қатор ислохотлар ўтказилди. Хусусан, 1990 йил охирида солиқ органлари тизимини барпо этиш учун дастабки кадамлар қўйилди. 1990 йил 17 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Давлат бош молия-солиқ бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 383-сон қарори қабул қилинди. Республика Олий Кенгаши 1991 йил 14 июнда “Ўзбекистон Республикаси солиқ органлари тўғрисида”ги низомни тасдиқлади ва 1991

йил 12 августда Вазирлар Маҳкамасининг 217-сон билан “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 1991 йил 12 августдан солиқ органларининг мустақил давлат солиқ хизмати сифатидаги фаолияти бошланди. Республика давлат бошқарувининг мазкур тузилмаси 1994 йил 18 январгача, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат бош солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига айлантирилганга қадар фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 18 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши масалалари тўғрисида”ги 114-сон қарорига билан Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, Давлат солиқ қўмитаси солиқ ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш соҳасида давлат назорати органи эканлиги белгиланди.[3]

Шу билан Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг бир қисми бўлган солиқ органларининг тизими шаклланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Давлат божхона қўмитаси ташкил этилди, яъни солиқ ва божхона фаолияти функциялари ажратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-л-сон Қонуни қабул қилинди [4].

Солиқ тизимининг таркибий қисми сифатида солиқ қонунчилиги аста-секинлик билан ривожланиб борди. Хусусан, 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилинди. Бундан ташқари, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида қарори ҳамда йил дастурлари бўйича фармонлари солиқ тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ – 5308-сонли Фармонида[5] тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилиниши белгиланди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ – 5635-сон Фармонида[6] солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилгани[7] қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ – 5468-сон Фармонида[8] солиқ назоратининг шакл ва механизмларини, шу

жумладан солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ таъминларни янада тўлиқ қамраб олиш ва ҳисобини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига такомиллаштириш солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида[9] солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, шунингдек тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида солиққа тортишни такомиллаштириш юзасидан солиқ қонунчилигини танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиққа тортиш базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш, ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш, шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шу нуқтаи-назардан солиқ тизимида солиқ назорати шакли сифатида солиқ текширувларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда солиқ ҳуқуқи институтлари тадқиқот объекти сифатида кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Л.Б.Хван томонидан – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, Б.Ю.Сирожов томонидан - Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган солиқни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, Е.С.Канъязов томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ назоратини амалга оширишнинг маъмурий-ҳуқуқий муаммолари, Э.Т.Хожиев томонидан – Ўзбекистон Республикасида солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик масалалари, Б.Э.Ражабов томонидан – Ўзбекистон Республикасида мол-мулк солиғини тартибга солиш ва О.М.Махкамов томонидан – Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

МДҲ мамлакатларида солиқ ҳуқуқининг институтлари тадқиқот объекти сифатида бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Хусусан, Е.В.Килникарова, И.А.Куприянова, И.И.Лайченкова, С.П.Пепеляев, А.А.Тадеев, В.А.Парыгина, ва И.И.Кучеровалар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Шунингдек, солиқ назорати ва солиқ текширувлари тадқиқот объекти сифатида А.М.Полтева, Т.А.Гусеева, Д.Е.Нелюбин, А.В.Уткин, М.А.Суворов, Е.А.Пузырова, М.Н.Садчиков, С.А.Шарников ва Т.Ю.Курбановлар томонидан тадқиқ қилинган.

Солиқ ҳуқуқи институтлари тадқиқот объекти сифатида кўпгина хорижий олимлар томонидан, хусусан, Jennifer Clare, Francisco Saffie, David John ва Robert Attila томонидан ўрганилган.Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикасида солиқ ҳуқуқи ва халқаро солиқ ҳуқуқидан келиб чиқиб, солиқ текширувлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаганлиги ушбу мавзуда илмий тадқиқот олиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Солиқ текширувлари институти солиқ назоратининг бир шакли сифатида солиқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Кишилик жамиятида давлатнинг пайдо бўлиши билан солиқлар пайдо бўлган. Чунки давлатнинг мавжуд бўлиши, аввало, унинг иқтисодий таъминоти бўлган солиқларга таянган. Мазкур масала юзасидан ҳуқуқ соҳаси олимларининг турли хил қарашлари мавжуд бўлиб, Д.Шаулов ва У.Канларнинг фикрига кўра солиқлар тўғрисида тушунчанинг пайдо бўлиши эраимиздан аввалги биринчи минг йилликка бориб тақалади. Ўша вақтда Марказий Осиё ҳудудида қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашмалари пайдо бўлган эди.[10] Ф.Исаеванинг фикрига кўра солиқларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўринга чиқишига, авваламбор, давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлиниши, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган [11].

Давлатнинг мавжуд бўлишининг зарурий элементи унинг иқтисодиёти молиявий манбалар билан таъминланганлиги билан белгиланади. Л.Хваннинг фикрига кўра иқтисодиётнинг давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиши давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш усули ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир [12].

А.Жўраевнинг фикрича, солиқларнинг амал қилиши объектив заруратдир, ҳозирга қадар давлатнинг функцияларини бажариш учун лозим бўлган молиявий маблағларни шакллантиришнинг солиқлардан бошқа усули жаҳон амалиётида қўлланилган эмас. Демак, ҳукмрон куч сифатида давлат мавжуд экан, молиялаштириш усули сифатида солиқлар амал қилади [13].

С.Мансуров ва Э.Шодмоновларнинг фикрича, солиқлар ўзининг кўп асрлик тараққиёти даврида кўпгина босқичларни босиб ўтган. Унинг юзага келиши билан изоҳлансада, ижтимоий тараққиётнинг дастлабки даврида йиғимлар, қурбонлик қилиш ёки хизматлар кўрсатиш қабилар амал қилган. Қадимги Римда солиққа тортиш мақсадида аҳолини рўйхатга олиш, мулкларни баҳолашни амалга ошириш билан бирга солиқларни тўлиқ йиғилишига жавобгар шахсларнинг табақаланган тизими ва солиқ йиғиш механизми шакллантирилган [14].

Демак, солиқлар давлатнинг шаклланиши билан вужудга келган ва солиқларни йиғиш устидан давлат ўз назоратини ўрнатган ҳамда давлат назоратининг бир тури сифатида солиқ назорати ажралиб чиққан. Давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ушбу муносабатлар аста-секинлик билан ривожланиб бориши ва натижада давлат билан аҳоли ўртасидаги ушбу жараёнларни ўрганувчи алоҳида ҳуқуқ фани – солиқ ҳуқуқи пайдо бўлди.

Л.Хваннинг таъкидлашича, солиқ ҳуқуқининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамиятнинг демократлашуви, ҳуқуқий давлат ғояси билан боғлиқдир. Солиқ солиш ҳуқуқий табиат нуқтаи назаридан ижтимоий ишлаб чиқариш билан давлат ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солиш, уларни муайян доирага киритиш чора-тадбиридир. Солиқ ҳуқуқининг

асосий вазифаси мулкчилик ҳуқуқини давлатнинг ноқонуний ва чекланмаган даъво-талабларидан ҳимоялаш, солиқ тўловчи билан давлат манфаатлари мувозанатини сақлаб туришдир [15].

Солиқ назоратининг бир шакли сифатида солиқ текширувларининг пайдо бўлиши солиқларнинг жорий этилиши билан бирга вужудга келган бўлиб, давлатнинг мавжуд бўлиши учун зарур молиявий маблағни таъминлаб туриш жараёнларини бошқаришнинг шакли сифатида намоён бўлади. Чунки солиқларнинг жорий этилиши солиқларни ундириш жараёнини ҳаракатга келтиради, солиқларни ундириш жараёни эса, ўз навбатида, солиқ текшируви жараёнларини ҳаракатга келтиради.

Солиқ текширувлари институтини тадқиқ этиш жараёнида солиқ текширувларининг моҳиятини тўлиқ тушуниш учун “солиқ тизими”, “солиқ сиёсати”, “солиқ механизми”, “солиқ қонунчилиги”, “солиқ назорати”, “солиқлар” ва “текшириш” каби тушунчаларни таҳлил қилиш лозим бўлади. Чунки ушбу тушунчалар солиқ текширувларининг юридик табиати ва моҳиятини тўғри тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам беради. Ушбу тушунчалар тўғрисида юридик адабиётларда ва ҳуқуқ соҳаси олимлари томонидан келтирилган турли хилдаги таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Хусусан, Д.Шаулов ва У.Канлар таъкидлашicha солиқ тизими – тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар оладиган даромадлардан давлат солиқ идоралари ундирадиган солиқлар мажмуи, шунингдек солиқ солиш усуллари ва қоидаларидир [16]. С.Мансуров ва Э.Шодмоновларнинг фикрига кўра солиқ сиёсати – ички ва ташқи иқтисодий ижтимоий ва сиёсий аҳолини эътиборга олган ҳолда давлатнинг солиқ муносабатларини ташкил этиш борасида кўраётган чора ва тадбирлар йиғиндисидан иборат [17].

Бундан ташқари, Т.Тошмуродовнинг фикрига кўра солиқ механизми – давлат солиқ сиёсатини рўёбга чиқариш мақсадида жорий қилинган солиқ олиш тадбирлари; давлат миқёсида жорий қилинган солиқ модели, тизими ва сиёсати ёрдамида амалга ошириладиган ишлар мажмуи; қонунда белгиланган солиқ турлари, ставкалари, имтиёзларининг амалда қўлланилиши [18]. Юридик адабиётларимизда солиқ қонунчилиги – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг йиғиндиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа солиқ тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат [19] эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, Т.Тошмуродовнинг фикрига кўра солиқ назорати – юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш устидан олиб бориладиган назорат [20], Е.Каньязовнинг таъкидига кўра эса солиқ назорати – алоҳида ташкилий-ҳуқуқий механизм сифатида ўзаро боғлиқ элементлар тизими бўлиб, ўзида солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича мажбурий шахсларнинг керакли ҳуққ-атворини таъминлашни ифода этади [21].

Э.Ҳожиёв ўз навбатида солиқлар – қадимий иқтисодий ва ҳуқуқий категориялардан бири эканлиги, улар давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни юзага келтириб, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланувчи ҳаракатчан тизим ҳисобланишини, [22] О.Махкамов эса солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар юридик ҳамда жисмоний шахслардан

қонунда белгиланган тартибда ундириладиган мажбурий тўловлар бўлиб, улар давлат вужудга келган пайдодан ҳозирга қадар жамиятдаги иқтисодий муносабатларнинг зарур бўғини ҳисобланиши, давлат қурилиши ва бошқаруви шаклларининг ривожланиши ва ўзгариши ҳар доим солиқ тизимнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлишини [23] таъкидлайди.

И.Эргашев эса солиқлар – давлат томонидан халқ эҳтиёжлари учун сарфланадиган маблағларнинг асосий манбаи бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий эҳтиёжларини ва давлат қурилиш, шунингдек иқтисодиётни барқарорлаштириш, жамиятни демократлаштириш, аҳолининг эркин фаровон турмуш тарзини барпо этиш учун сарфланадиган, давлат бюджети даромадларини шакллантириш мақсадида жамғарилувчи мажбурий тўлов эканлигини [24] айтиб ўтади. Юридик адабиётларда текшириш тушунчасига ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан ўз фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши [25] деб таъриф келтириб ўтилади.

Бизнинг фикримизча, солиқ текширувлари – солиқ органлари томонидан солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир-ҳаракатлар йиғиндиси.

Солиқ текширувлари бўйича солиқ қонунчилигининг ривожланиши. Биринчи босқич 1990-1997 йилларда мамлакатимизда текширишларни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 10 декабрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида текширишларни тартибга солиш тўғрисида”ги 696-сон Фармонида асосан қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг фаолияти фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва тафтиш органлари иштирокида амалдаги қонунларга мувофиқ текширилиши белгиланди [26]. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 февралдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини ҳар жиҳатдан текширишларни ўзаро мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида”ги низом қабул қилинди. Ушбу низомга кўра савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини текшириш солиқ органлари бошлиқлари томонидан тасдиқланган режага кўра молия органлари иштирокида амалга оширилиши; режадан ташқари текширишлар директив органлар, мансабдор шахсларнинг расмий хабарлари, фуқароларнинг аризаларига кўра амалга оширилиши белгиланди. Шунингдек, ушбу низомда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари фаолиятини текширишнинг қуйидаги йўллари белгиланди: ҳисобот ва балансларни, фойда (даромад) солиқлари бўйича солиқ солинадиган база ва солиқ солинадиган бошқа объектларнинг тўғри ҳисобланганлигини жойларга чиқмай ва ҳужжатли текшириш; товар-моддий бойликларни ашёвий рўйхатдан ўтказиш (ҳақиқий мавжуд бўлган товарлар ва пул тушумлари, уларнинг

товарларнинг кирим қилинганлиги ҳақидаги ҳужжатларга мувофиқлиги, касса операциялари қоидаларига риоя қилиниши ва ҳоказолар); молиявий-хўжалик фаолиятни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тафтиш қилиш; идоровий ашёлар рўйхати ва молиявий тафтишнинг ишончлилигини режадан ташқари текшириш; харидорлар ва буюртмачиларни алдаш (ҳақидан, вазнидан, ўлчовидан уриб қолиш, кўрсатилган ҳолис хизматлар учун ноқонуний пул ундириш) ҳолларини аниқлаш мақсадида текшириб кўриш учун харид қилиш; товарларнинг сифат сертификатлари ва сотилаётган товар ва кўрсатилаётган хизматларнинг келиб чиқиши ҳақидаги ҳужжатларнинг, савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берадиган рухсатнома (лицензия) ларнинг мавжудлигини (қийматга шу хизматлар баҳоси ва тарифларида ҳисобга олинган бажарилмаган ишлар ёки тўлиқ ҳажмда бажарилмаган ишларнинг киритилганлигини) аниқлаш; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида зарур ашёлар, ускуналар текшириш-касса аппаратлари, оғирлик ўлчови асбоблари (уларнинг тамғаланиши), нарх кўрсаткичлари, таомномалар борлигини, товарларни сотиш меъёрларига риоя қилинишини аниқлаш; товарлар, кўрсатиладиган хизматларни ҳисобга олиш шакллари ва ҳисобот иш қоғозларининг мавжудлигини аниқлаш [27].

Шундан сўнг текширишларни мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1503-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра хўжалик юритувчи субъектлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ҳамда тафтиш этишга доир барча ишларни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси зиммасига юкланди ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тузилди, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини қонунчилик нормаларида белгиланган ҳуқуқларга мувофиқ амалга ошириладиган текширишларнинг ҳаммаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишилган ҳолдагина ўтказилиши белгиланди [28].

Биринчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу даврда Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятини текширишга ваколатли давлат органлари тизими шакллантирилди, шунингдек текширишларнинг ҳуқуқий асослари яратилди ҳамда текширишларни мувофиқлаштириш учун алоҳида кенгаш ташкил этилди.

Иккинчи босқич 1997 – 2007 йиллар. Биринчи бор 1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси[29] қабул қилинди. Ушбу кодекснинг 12-моддасида солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари сифатида солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш масалаларини текшириш учун солиқ органларининг мансабдор шахсларини даромад олиш ёки солиқ солиш объектларининг сақланиши билан боғлиқ бинолар ва жойларга киришига рухсат бериш мажбурияти юклатилди.

Бундан ташқари, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 474-сон Қонуни[30] қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра

давлат солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳужжатлари, шартномалари (контрактлари), режалари, сметалари, даромадлар ҳақидаги декларациялари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини текшириш; текширув вақтида юзага келадиган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва ахборотлар олиш; савдо қоидаларига, товарларни бериш ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш; юридик ва жисмоний шахсларнинг қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, даромад олиш учун фойдаланиладиган ёхуд солиққа тортиш объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш бинолари, омборхоналар, савдо ва бошқа биноларни ҳамда жойларни текшириш; бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни текширув тариқасида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни рўйхат қилиш каби ваколатлари белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 717-сон Қонуни[31] қабул қилинди. Ушбу қонунга кўра текшириш – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши; тафтиш эса – молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш; муқобил текшириш – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув ва назорат тартибидан текшириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш эканлиги мустаҳкамланди.

Шунингдек, ушбу қонунда режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда; назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда; фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда; санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда ўтказилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3665-сон Фармони[32] қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч

йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилиши; янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиklarининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3619-сон Фармони[33] қабул қилиниб, унда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилиши; назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўлиши ва муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилиши белгиланди.

Шунинг билан бирга, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги Низом[34] қабул қилинди. Ушбу низомга кўра юридик шахслар фаолиятини режали ва режадан ташқари текширишнинг тартиби белгиланди.

Иккинчи босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу даврда солиқ текширувларининг шакллари ва усуллари, ўтказиш муддатлари ҳамда режали ва режадан ташқари текширувларнинг ҳуқуқий асослари белгиланди.

Учинчи босқич 2007 – 2016 йиллар. 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси[35] қабул қилинди. Унинг 85-моддасида солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текшириш эканлиги, шунингдек солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилиши яъни солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш ва **қисқа муддатли текширув** эса солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текшируви эканлиги белгиланди.

Шунингдек, ушбу кодексда солиқ текширувлари режали, режадан ташқари ва муқобил текширув усулида амалга оширилиши белгиланди. Унга кўра молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) - текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширув эканлиги; молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) юридик шахс тугатилаётганда ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда, давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда ўтказилиши, шунингдек, муқобил текширув – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув шаклида ўтказилиши белгиланди.

Шунингдек, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2007 йил 23 августдаги 1-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисидаги низом[36] тасдиқланди. Ушбу низомга кўра яқка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолияти солиқ ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши; савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан назорат-касса машинаси, ҳисоб терминаллари қўлланилиши, сотилаётган мажбурий сертификатланадиган товарларга мувофиқлик сертификатлари, ўлчов асбобларида белгиланган тамгалари мавжудлиги; пул маблағлари ҳисобини юритиш ва муомалалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши; буюмларда Давлат асиллик тамғаси ўрни ва лицензияланадиган фаолият билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида текширилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4296-сон Фармони[37] қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланиши, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан

ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу даврда солиқ текширувлари институти Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига алоҳида боб сифатида мустаҳкамланди, шунингдек солиқ текширувларнинг режали ва режадан ташқари ўтказиш тартиби ва солиқ даврийлиги каби тушунчалар белгиланди.

Тўртинчи босқич 2016-2019 йиллар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4848-сон Фармони [38] қабул қилинди. Ушбу фармонга биноан 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди ва молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари йўл қўйилган қонунбузарликларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишидан озод этилиши ҳамда қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом[39] ва Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 14 мартдаги 1-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятида текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом[40] тасдиқланди.

2018 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига[41] бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Унинг 85-моддасида солиқ текшируви тушунчаси ва шакллари аниқлик киритилди. Унга кўра, солиқ текшируви – давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текшириш эканлиги; солиқ текшируви солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилиши; солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун

ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш, қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текшируви эканлиги белгиланди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 86-моддасида солиқ текширувларининг қуйидаги турлари таснифланди: тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар.

Ушбу моддага кўра тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар киради:

1) солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш);

2) жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисидаги муурожаатлари асосида ўтказиладиган текшириш ёки тавakkалчиликини таҳлил этиш натижаларининг яқунлари бўйича давлат солиқ хизмати органлари ташаббусига кўра текшириш.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар жумласига қуйидагилар киради:

1) юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текшириш ҳамда фаолияти тугатилаётганда ягона солиқ тўловини тўловчи бўлган яқка тартибдаги тадбиркорни текшириш;

2) тегишли рухсатномаларсиз алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилинишини текшириш;

3) қалбаки акциз маркали ёки акциз маркаси мавжуд бўлмаган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ёки реализация қилинишини текшириш;

4) таққиланган товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарилиши ва реализация қилиниши фактларига барҳам бериш бўйича текшириш;

5) ўз фаолиятини расман тўхтатиб турган давр мобайнида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни давом эттираётган жисмоний шахснинг фаолиятини текшириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5490-сон Фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга кўра тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширувлар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган назорат тартибидаги текширувлар бекор қилинди, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб, текширувни ташаббус қилишни назарда тутувчи

“хавфни таҳлил этиш” тизими натижалари асосида амалга оширилиши; назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинishi шартлиги ва текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланиши белгиланди.

Шунингдек, ушбу фармоннинг иловасида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар турлари сифатида:

1) Қонунчилик бузилиш фактлари бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг риск-анализ натижалари яқунлари бўйича назорат қилувчи органлар ташаббуси билан ўтказиладиган текширув.

Молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш куйидаги:

1) Молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ қонунчилигини мунтазам бузиш;

2) Энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридаги суммадан ортиқ солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатлари;

3) Давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган устав фондига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилиги бузилиш ҳолатлари аниқланганда ўтказилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5690-сон Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилига назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиши вазифаси юклатилди.

Ушбу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, ушбу даврда тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинди, режали ва режадан ташқари текширувлар тушунчалари ўз аҳамиятини йўқотди ҳамда муқобил ва назорат тартибидаги текширувлар тури бекор бўлди. Шунингдек, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган дастаб прокуратура органларига сўнгра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил зиммасига юклатилди.

Мавжуд илмий муаммолар. Ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикасида солиқ ҳуқуқи институтлари тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлишига қарамадан солиқ текширувлари институтига тегишли бўлган бир қатор зарурий тушунча ва принциплар илмий таҳлил қилинмаган ва ўзининг илмий ечимини топмаган. Хусусан, илмий тадқиқот ишларида “солиқ текширувларининг мақсади”, “молия-ҳўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви”, “молия-ҳўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви”, “молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ

бўлмаган текширув” ва “солиқ текширувларининг принциплари” каби тушунчаларнинг илмий таърифлари келтириб ўтилмаган. Бундан ташқари, “молия-ҳўжалик фаолияти текшируви” ва “қисқа муддатли текширув” каби тушунчаларнинг таърифи тўлиқ эмас. Натижада солиқ текширувларига оид айрим ижтимоий муносабатларни тўғри тушуниш ва юридик таҳлил қилишда муаммолар вужудга келмоқда. Шунинг билан бирга, солиқ текширувида оид тушунчалар ифодаланган ҳуқуқ нормаларини тушуниш, шарҳлаш ва қўллаш жараёнларида қийинчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, солиқ текширувларидан кўзланган мақсад, текширишнинг вазифа ва функциялари, текширишнинг шакл ва усуллари, текшириш муддати ва текшириш вақти, текширув асослари ва текшириш даврийлиги каби тушунчаларни илмий тадқиқ қилиш зарурати юзага келмоқда.

Қонунчиликдаги мавжуд муаммолар. Ҳозирга қадар солиқ текширувлари институтини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинишига қарамадан, солиқ текширувларига оид мавжуд қонунчилигимизда бир қатор камчилик ва муаммолар учрайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 14-бобининг 88-моддасида солиқ тўловчи молия-ҳўжалик фаолиятининг текширувини ўтказиш (тафтиш қилиш) учун тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг текширувини ўтказишга розилиги ва давлат солиқ хизмати органининг буйруғи асос бўлиши белгиланган. Аммо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг розилигини олиш учун зарур ҳолатлар белгиланмаган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, солиқ тўловчи молия-ҳўжалик фаолияти текширувини ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан қилинадиган ҳаракат (ҳаракатчилик) ёки солиқ қонунчилиги бузилиш ҳолатлари мавжуд бўлиши лозим. Ушбу ҳолатлар эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5490-сон Фармонининг 1-иловасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ қонунчилигини мунтазам бузиш; энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан ортиқ суммадаги солиқ қонунчилиги бузилиши ва давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган устав фондига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари молия-ҳўжалик фаолиятининг текширувини ўтказишга асос бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида режали ва режадан ташқари текширувлар турлари бекор бўлиб, ўрнига тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишувга кўра ўтказиладиган текширувлар ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органи хабардор қилиш тартибида ўтказиладиган текширувлар тарзида ўзгартириш киритилган бўлишига қарамадан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 90-моддасида солиқ текширувларнинг даврийлиги бўйича солиқ тўловчилар молия-ҳўжалик фаолиятининг **режали** солиқ

текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя этаётган солиқ тўловчилар молия-хўжалик фаолиятининг **режали** солиқ текширувлари эса икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилиши каби ҳуқуқ нормалари ўзгармасдан қолган ва, шунинг билан бирга ушбу 90-модда нормалари солиқ текширувларининг турлари ва шаклларига зид келмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Солиқ текширувлари деб номланган 14-бобида солиқ текширувларини ўтказиш муддатлари белгиланган бўлишига қарамасдан, солиқ текширувларини ўтказиш вақти ва давомийлиги каби ҳуқуқ нормалари белгиланмаган. Бу эса солиқ текширувлари қонуний ва адолатли ўтказилишига салбий таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу жараёнлар ўз навбатида жамиятнинг барча соҳасида, хусусан, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни аниқ ва адолатли ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади. Зеро, давлатнинг фуқаронинг фаолиятини назорат қилиш ваколатлари аниқ қонунчилик нормалари билан чегараланмаслиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келади. Давлат назоратининг бир тури сифатида солиқ назорати солиқ органлари томонидан солиқ тўловчи фаолиятининг қонунийлиги устидан кузатиб туриш ҳисобланади. Солиқ текширувлари эса давлатнинг ўз ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қонунийлигини текшириш ҳисобланади. Солиқ текширувларининг қонуний ва адолатли ҳуқуқий тартибга солишни тадбиркорликнинг ривожланишига асос бўлади. Солиқ текширувининг етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги ушбу жараёнларнинг ноқонуний ва адолатсиз ўтказилишига ҳамда коррупциянинг вужудга келишига олиб келади. Бу эса фуқароларда тадбиркорлик ташаббуси суниси ва тадбиркорликнинг ривожланмаслигига сабаб бўлади. Юқорида таҳлил қилинган фикрлардан келиб чиқиб, куйидаги ҳулосаларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот олиб бориш лозим. Хусусан, солиқ текшируви институтини илмий тадқиқ қилиш, авваламбор, солиқ текшируви тушунчаси, солиқ текширувининг мақсади, солиқ текширувининг вазифалари, солиқ текширувининг турлари, солиқ текширувининг шакллари ва солиқ текшируви қонунчилигининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш лозим;

**иккинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Солиқ текшируви институтида “солиқ текшируви мақсади”, “солиқ текширувининг принциплари”, “солиқ текшируви ўтказувчи субъектнинг ҳуқуқий мақоми”, “солиқ текшируви вақти” ва “солиқ текшируви давомийлиги” каби ҳуқуқ нормалари билан тўлдириш лозим.

**учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Солиқ текширувлари деб номланган 14-боб нормаларини солиқ текширувларини тартибга

солишга қаратилган қонуности ҳужжатлари (Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 5490-сон Фармони)да белгиланган ҳуқуқ нормаларини ҳисобга олган ҳолда тизимлаштириш лозим. Ушбу тизимлаштириш қонун ҳужжатларидаги тақрорланишларни олдини олади ва Солиқ кодекси нормаларининг устунигини таъминлайди.

**тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг Солиқ текширувлари деб номланган 14-боб нормаларида ўз кўчини йўқотган режали ва режадан ташқари текширув тушунчаларини чиқариб ташлаш лозим.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига куйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамиз:**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 85-моддаси 1-қисмига:

*солиқ текшируви – солиқ органлари томонидан Солиқ кодексига белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган тадбир-ҳаракатлар йиғиндиси.*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 88-моддаси 1-қисмининг 1-бандига:

*Молия йили давомида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ қонунчилигини мунтазам бузиш; энг кам ойлик иш ҳақининг 100 барабаридаги сўммадан ортиқ солиқ қонунчилиги бузилиши ва давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган устас фондига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ қонунчилиги бузилиш ҳолатлари аниқланганлиги бўйича тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органнинг текширувини ўтказишга розилиги, ушбу розиликда текшириладиган объектнинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширувнинг мақсади, текширув ўтказиш муддатлари ва уни асословчи сабаблар кўрсатилади.*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 89-моддасига:

*Солиқ текширувларини ўтказиш вақти кундузги вақтда соат 9-00 дан 18-00 гача оралиқни ташкил этади.*

*Солиқ текширувларининг кунлик давомийлиги 8 соатни ташкил этади.*

*Солиқ текширувларини ўтказиш вақти ва давомийлигига риоя қилмаган шахслар қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.*

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й
2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 03/19/526/2701-сон, 21.03.2019 й.
3. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. – 1999. – Б.152-153.
4. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. – 1999. – Б.153



5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон
8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2018 й., 06/18/5468/1420-сон
9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон
10. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. – Б.11.
11. Исаева Ф.Б. Солиқ ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ. 2017. – Б.16.
12. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Дарслик – Тошкент: ТДЮИ. 2001. – Б.16.
13. Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Норма” нашриёти. 2009. – Б.6-7.
14. Мансуров С.М. Шодмонов Э.Ш. Солиқ сиёсати ва солиқ тизими. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2004. – Б.5.
15. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Дарслик – Тошкент: ТДЮИ. 2001. – Б.17.
16. Шаулов Д.И., Кан У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. – Б.152.
17. Мансуров С.М., Шодмонов Э.Ш. Солиқ сиёсати ва солиқ тизими. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ. 2004. – Б.16.
18. Тошмуродов Т. Солиқлар: изоҳли луғат. – Тошкент: Меҳнат. 2003. – б. 114.
19. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат. 2009. – Б.406.
20. Тошмуродов Т. Солиқлар: изоҳли луғат. – Тошкент: Меҳнат. 2003. –б. 140.
21. Каньязов Е.С. Административно-правовые проблемы осуществления налогового контроля в Республике Узбекистан. Автореферат дисс...кан.юр.н. – Тошкент. – 2005. – С.3.
22. Хожиев Э.Т. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик. Юр.фан.ном...диссертация. – Тошкент – 2006. – Б.12.
23. Маҳкамов О.М. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Ю.фан.док...диссертацияси. – Тошкент. – 2015. – Б.16.
24. Эргашев И.А., Давронов С.Р. Солиққа оид қонун ҳужжатларини бузганлик учун юридик жавобгарлиқнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асослари. Монография. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – Б.7.
25. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т.: Адолат, 2009. – Б.448.
26. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. – № 11-12. – 399-модда.
27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 февралдаги 67-сон қарори
28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 102-модда;
29. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – № 9-сон. – 241-модда.
30. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – № 9. – 232-модда.
31. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999. – № 1. – 8-модда.
32. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда.
33. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда.
34. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 168-модда.
35. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда.
36. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 370-модда.
37. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.
38. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 467-модда.
39. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 347-модда.
40. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 348-модда.
41. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/526/2701-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон.

**Д.М.Караходжаева,**  
Заведующая кафедры Бизнес право ТГЮУ,  
д.ю.н., профессор

## НОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ЗАЩИТЫ ЧАСТНОЙ СОБСТВЕННОСТИ КАК ОСНОВА УЛУЧШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА

**Аннотация:** Мазкур мақолада инвестиция иқлими ни яхшилаш шароитида хусусий мулк ҳуқуқий кафолатларининг моҳияти, мулкдорлар ҳуқуқини судда ҳимоя қилиш масалалари таҳлил этилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хусусий мулк, ҳимоя, ҳуқуқий механизм, инвестиция иқлими, кафолатлар.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы сущность правовых гарантий частной собственности в условиях улучшения инвестиционного климата, вопросы судебной защиты прав собственников, разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** частная собственность, защита, правовой механизм, инвестиционный климат, гарантии.

**Annotation:** This article analyzes the essence of legal guarantees of private property in the conditions of improving the investment climate, the issues of judicial protection of the rights of owners, developed proposals and recommendations.

**Key words:** private property, protection, legal mechanism, investment climate, guarantees.

В республике последовательно реализуются меры, направленные на дальнейшее укрепление правовых механизмов защиты и гарантий неприкосновенности частной собственности, ликвидации бюрократических преград на пути развития предпринимательства, улучшения инвестиционного климата и деловой среды.

Частная собственность является основой развития предпринимательства и в связи с этим занимает особое место в системе рыночных отношений.

Основы современной категории собственности заложило принятие Узбекистаном Закона "О собственности в Республике Узбекистан" 31 октября 1990 г.

Конституция Республики Узбекистан от 8 декабря 1992 года закрепила экономическую основу нашего государства, которую составляет собственность в ее различных формах. Согласно Конституции, государство гарантирует равноправие и правовую защиту всех форм собственности, в том числе и частной собственности (ст.53); им же устанавливается и само понятие собственности в субъективном смысле (ст.54).

Конституция Республики Узбекистан и Закон "О собственности в Республике Узбекистан", в последующем проводились в жизнь посредством реализации комплекса экономико-правовых мер и принятия ряда нормативных актов. В числе таковых следует упомянуть Закон о защите частной собственности и гарантиях прав собственников от 24 сентября 2012 года, призванной регулировать отношения в области защиты частной собственности и гарантий прав собственников предпринимателей.

В частности, в законе помимо общих гарантий, таких как «стоимость и количество объектов права частной собственности не ограничивается», «частная соб-

ственность неприкосновенна и защищается государством», «государство создает все необходимые условия для обеспечения сохранности частной собственности и ее приумножения, «собственник может быть лишен своего имущества только в случаях и порядке, предусмотренных законом», предусмотрены и специальные гарантии защиты права частной собственности.

Так, согласно ст.6 Закона государство гарантирует восстановление нарушенного права частной собственности и его судебную защиту. Ущерб, причиненный собственнику, подлежит возмещению в полном объеме причинившим его лицом в соответствии с законодательством.

Более того, статья 7 Закона утверждает, что во взаимоотношениях собственника с государственными органами действует принцип приоритета прав собственника, в соответствии с которым все неустраняемые противоречия и неясности законодательства, возникающие в связи с осуществлением права частной собственности, толкуются в пользу собственника.

Если второй раздел данного закона посвящен способам защиты право частной собственности и возмещению убытков, причиненных государственными и иными органами или органами самоуправления граждан, то третий раздел закона характеризует гарантии прав собственников применительно для каждого отдельного случая (при изъятии имущества путем обращения взыскания на него, при национализации, конфискации и реквизиции имущества, при прекращении права собственности на имущество, которое в соответствии с законом не может принадлежать ему, при прекращении права собственности, не направленного непосредственно на изъятие имущества).

Определенный в Законе Республики Узбекистан «О защите частной собственности и гарантиях прав собственников» и являющийся новеллой для гражданского законодательства, статья 24 Закона, предусматривает недопустимость пересмотра и отмены результатов приватизации имущества. Частная собственность, возникшая в процессе приватизации государственного имущества, неприкосновенна. Результаты приватизации пересмотра и отмене не подлежат.

Помимо этого, отдельно стоит заострить внимание на Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан» от 1 августа 2018 г. за №УП-5495, в котором был реализован ряд мер, направленных на либерализацию экономики и обеспечения защиты, имущественных прав как отечественных, так и зарубежных инвесторов. Было обозначено внедрение новых механизмов по предоставлению земельных участков: долгосрочная аренда участка сроком до 50 лет для несельскохозяйственной деятельности, реализация права постоянного владения участка для строительства объектов недвижимости. В обеспечение положений данного Указа планируется разработка и принятие порядка предоставления в аренду земельных участков, а также внедрение права частной собственности на земельные участки с выработкой правовых механизмов введения их в гражданский оборот.

Далее, учитывая изменения в рыночной сфере, а также динамику развития инвестиционной привлекательности нашей страны в последние годы, нельзя не затронуть такой аспект как **институт права собственности на землю**. Происходящие в стране реформы

направлены на привлечение технологий, развитие инноваций, освоение капиталов. Однако, важно понимать, что зачастую при реализации крупных проектов важен не только операционный доход, но и капитализация бизнеса, которая полноценно не возможна без привязки недвижимости к земельному участку. Рыночная экономика поставила также вопрос о рассмотрении земельных участков в качестве основного вида недвижимости.

Очевидно, что с момента изначально принятой позиции законодателя, не допускающей частной собственности на землю, прошло много лет. Конструкция частной собственности на землю в реалиях современного Узбекистана полагает быть уместным как минимум переосмыслить, изучить зарубежный опыт и рассмотреть возможность частичного применения позитивных решений из опыта зарубежных стран.

Более того, за весь период развития независимого Узбекистан отдельные шаги в этом направлении были сделаны. Так, в 2006 году была предпринята попытка провести второй этап приватизации. Принят указ Президента от 24.07.2006 года №УП-3780 «О приватизации земельных участков, занятых зданиями и сооружениями юридических лиц и граждан». Планировалось предоставить право собственности на участки, занятые зданиями, сооружениями и объектами производственной инфраструктуры, а также индивидуальными домами граждан. Однако практических шагов за этим не последовало.

Еще ранее проводилась приватизация объектов торговли и сферы услуг вместе с земельными участками, на которых они размещены. Это проводилось в соответствии с действующим ранее Законом «О земле» (утратившим в последующем силу) и постановлением Кабинета Министров от 11.04.1995 года №126 «О порядке реализации в частную собственность объектов торговли и сферы обслуживания вместе с земельными участками, на которых они размещены, и земельных участков в пожизненное наследуемое владение». В результате, в принятом позднее Земельном Кодексе (ст.18) отразили право собственности на земельные участки за юридическими и физическими лицами, участвовавшими в этой приватизации.

В качестве актуального примера можно привести ситуацию с реформами в сфере туризма, инвесторами в гостиничной сфере, где сейчас правительством рассматривается вопрос о возможной льготе предоставления земельного участка, на котором располагается гостиничный комплекс в частную собственность.

Учитывая изменения в рыночной сфере, а также динамику развития инвестиционной привлекательности нашей страны в последние годы, необходимо отметить о предполагаемых реформах в сфере укрепления частной собственности, и совершенствования ее нормативно-правовой базы.

3 мая 2019 года Сенат Олий Мажлиса Узбекистана одобрил закон «О приватизации земельных участков несельскохозяйственного назначения». Объектами приватизации земельных участков теперь могут выступать, в том числе и участки, на которых расположены принадлежащие юридическим лицам на праве собственности или приватизируемые ими здания и сооружения, объекты производственной инфраструктуры, а также прилегающие к ним земельные участки, в размерах, необходимых для осуществления производственной деятельности. Законом закрепляется, что приватизированные земельные участки — это частная

собственность и объекты гражданского оборота, а право собственности на землю неприкосновенно и защищается государством. Что касается граждан, то они будут вправе приватизировать земельные участки, выделенные им для индивидуального жилищного строительства и обслуживания жилого дома.

Еще одним важным компонентом, является **единство и стабильность судебной практики по делам о защите права собственности и других вещных прав**. Недостаточно установить законодательные позиции, важно обеспечить их единообразное применение, особенно в динамических условиях развития социальных ситуаций. Каждая из таких «жизнейских» ситуаций индивидуальна, а позиция закона - едина.

Принимая во внимание значимость инновационных методов решения возникающих сложностей, серьезным подспорьем в обеспечении защиты права собственности и других вещных прав может послужить **система электронного судопроизводства**, позволяющая осуществлять публикации судебных актов на соответствующем официальном ресурсе в сети Интернет. Эта система позволит анализировать различные судебные акты широкому кругу специалистов, будь то ученые, практикующие юристы, так и физические и юридические лица, заинтересованные в защите своих прав по схожим ситуациям. Такая электронная система позволит определить, насколько решение по конкретному делу отклоняется от решений других судов по аналогичным, что облегчит обжалование и будет способствовать обеспечению единства судебной практики.

Следовательно, переосмысление института частной собственности на землю, соответствуют современным тенденциям регулирования рыночных отношений и благоприятно скажется на улучшение инвестиционного климата.

Ш.Рузиназаров,  
ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси профессори,  
ю.ф.д.

### ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналарда инвестиция фаолияти жозибадорлигини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Унда эркин иқтисодий зонага оид қонунчилик моҳияти тавсифланган. Мавзуни тадқиқ этиш натижасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича асослантирилган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар:** эркин иқтисодий зона, кичик саноат зонаси, инвестиция фаолияти, қонунчилик асослари, инвестиция лойиҳаси.

**Аннотация:** в данной статье анализируются специфика осуществления инвестиционной деятельности и их законодательных основ. В нём освещены сущность нормативно-правовых основ свободных экономических зон. В результате проведенных исследований разработаны обоснованные выводы и предложения по совершенствованию правового регулирования инвестиционной деятельности в свободных экономических зонах.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, малые промышленные зоны, инвестиционная деятельность, законодательные основы, инвестиционные проекты.

**Annotation:** this article analyzes the specifics of investment activities and their legislative foundations. It highlights the essence of the legal framework of free economic zones. As a result of the research, substantiated conclusions and proposals for improving the legal regulation of investment activities in free economic zones have been developed.

**Keywords:** free economic zones, small industrial zones, investment activities, legislative framework, investment projects.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришда, айниқса, инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутди. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг энг муҳим омиллари сирасига ҳудудларни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, маҳаллий ҳом ашё ва материаллар асосида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий рақамли технологияларни қўллаш, яъни инновацион усуллар асосида ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ва унинг жозибадорлигини ошириш кабилар қиради.

Давлатимизда эркин иқтисодий зоналар нисбатан янги институт бўлсада, у ўзининг афзаллигини кўрсатди десак, муболага бўлмайди. Айниқса, ҳудудларни ривожлантириш, жойларда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳит жозибадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш эркин иқтисодий зоналарни самарали ташкил этишга узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги [1] Фармоннинг 3.2 бандига мувофиқ таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш борасидаги вазифалар сифатида фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технологиялар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили ва амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги [2, 17-бет] Фармоннинг 3.8 кичик бўлими 120-бандида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш кўрсатиб ўтилган. Лойиҳада эркин иқтисодий зоналар бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш асосида “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу қонунни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сон Фармони ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги қонун нормалари кўзда тутилиши ҳақида аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, ҳудудларда замонавий ишлаб чиқаришни ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари бўйича лойиҳаларини давлат ижтимоий шериклик муносабатларини кучайтириш орқали тўлиқ амалга оширишлари зарур. Биз Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро молиявий институтлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларида тузилган шартнома ва келишувларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз [3, 77-бет].

Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги Халқаро конвенцияга (Брюсель 14 июн 1983 йил) (Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги 687-1 сонли қарорига мувофиқ қўшилган) кўра товарларнинг баёни ва кодлаштиришнинг гармонизацияланган тизими товар позицияси, субпозицияни ўз ичига олган, цифрлаштирилган код, гуруҳ ва субпозициялар бўлимларга ажратилган, гармонизация тизимини шарҳлаш учун туркумлашнинг асосий қоидаларидан иборат бўлган Номенклатура тушунилади.

“Божхона иттифоқи ва ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисида”ги шартнома (Москва 1999 йил 26 февраль) Ўзбекистон Республикаси мазкур шартномага Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 13 октябрдаги

ЎРҚ – 61-сон Қонунига мувофиқ қўшилган. Ушбу шартномада товарларнинг эркин савдоси режими белгилаб қўйилган. Унинг 8-моддасига кўра, ўзаро савдо бўйича томонлар эркин савдо тўғрисидаги томонларнинг амалдаги икки томонлама ва кўп томонлама келишувларига мувофиқ товарларни олиб қўймасдан ва чекламасдан эркин савдонинг режимида товарларни реализация қилишни таъминлайди, шунингдек шартномада товарларни эркин савдо режимида амалда бўлишининг мақсади эътироф этилган (Шартноманинг 9-моддаси). Эркин иқтисодий зона ҳудудларни ривожлантириш мақсадида минтақани жадал ижтимоий иқтисодий тараққий эттиришга ғоятда катта туртки берадиган тан олинган алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Божхона тартиб – таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш (гармонизацияси) бўйича Халқаро конвенцияга (Киота 1973 йил 18 май) эркин зона (ёки франка зона) деганда мамлакат ҳудудининг қисми бўлиб, миллий божхона чегарасидан ташқарида жойлашган товар объекти сифатида қаралади, шу сабабли улар одатдаги божхона назоратига ва солиққа тортилмаслиги тушунилади. Бошқача айтганда бу – эркин иқтисодий зона махсус амалдаги режимга эга бўлган давлат ҳудудининг қисмидир. Бу режим махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниб қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олиши билан тавсифланади; божхона тартибга солиниши; солиққа тортилиши; лицензиялаш; виза расмийлаштируви; банк фаолияти; мулк ва гаров муносабатлари (шу жумладан ерга нисбатан мулк ҳуқуқига ҳам тааллуқли); концессияларни тақдим этилиши, эркин зона бошқаруви ва ҳ.к.

Хорижий давлатлар амалиётида эркин иқтисодий зоналар турли хил номларда фаолият юритади, хусусан, божхона зонаси, божсиз зоналар, бождан эркин зоналар, эркин экспорт зонаси, экспорт ишлаб чиқариш зонаси, эркин ишлаб чиқариш зоналари, иқтисодий қулай зоналар, биргаликдаги тадбиркорлик зонаси, техник иқтисодий ривожланиш зонаси, илмий sanoat зонаси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин [4, 117-бет]. Дарҳақиқат, қандай турдаги эркин иқтисодий зона бўлишидан қатъи назар, давлат ҳудудининг таркибига қиради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш муайян босқичларда амалга оширилиши ўзининг натижасини беради. Булар замонавий инфратузилмаларни ташкил этиш, ҳамкор ва ишончли чет эл инвесторларини танлаш, уларнинг ихтисослашув йўналишларини аниқлаш, давлат томонидан тартибга солишининг самарали усулларини қўллаш, давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш, чет эл капиталини қайта инвестиция бўйича шарт-шароитларини яратиш ва ҳ.к.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш давлат ва инвестор учун ҳар томонлама манфаатлидир. Давлат томонидан эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, товар (ишлаб, хизматлар) ишлаб чиқариш соҳасида илғор рақамли технологияларни қўллаш, юқори малакали ходимлар учун янги иш ўринларини яратиш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш, менежмент ва меҳнатни ташкил қилишининг янги иш услубларини ўзлаштириш мақсадига йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Эркин иқтисодий зонага инвесторлар корпусини жалб қилиш энг аввало улар учун янги бозорларни ўзлаштириш, импорт ва экспорт учун божхона тўловлари харажатларини камайтириш, мавжуд инфратузилмадан самарали ва оқилона фойдаланиш имконияти вужудга келиши, арзон ишчи кучидан фойдаланишга шароит яратиш, маъмурий ғов ва тўсиқларни камайтириш имкониятига эга бўлиши ва ҳудудларни ривожлантиришга боғлиқ омилларга бевосита алоқадордир.

Эркин иқтисодий зонани инновацион рақамли ҳудуд деб эътироф этиш ҳам мумкин. Чунки унда янги замонавий инновация ютуқларини кенг қўллаш ҳудудни инновацион ва рақамли ривожлантишининг муҳим шarti ҳисобланади. Бундай ҳудуд ўз навбатида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун муҳит яратади. Эркин иқтисодий зонада инновацион тадбиркорлик ҳамда давлат ва хусусий шерикликни ривожлантириш баробарида ҳудудда нафақат миллий, балки хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини уйғунлаштириш учун шароит вужудга келади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудини ривожлантириш бевосита хўжалик ихтисослашувига ҳам боғлиқ. Шу сабабли эркин иқтисодий зоналарни ихтисослаштиришни бир қатор йўналишларини таъкидлаш жоиз. Булар жумласига савдо (эркин божхона эркин порт, савдо ишлаб чиқариш) сервис (афшор, банк ва суғурта хизмати, сайёҳлик хизмати), sanoat ишлаб чиқариш (импорт ўрнини босувчи, экспорт ишлаб чиқариш, sanoat ва илмий sanoat парклар) техник тадбиқ этиладиган (технопарк, технополислар, инновация марказлари) комплекс (мажмуавий) (эркин тадбиркорлик зоналари, махсус иқтисодий зоналар, махсус режимдаги ҳудуд) кабиларни киритиш мумкин. Қайд этилган хўжалик ихтисослашувига замонавий эркин иқтисодий зоналарнинг барча жиҳатларини қамраб олмайди. Эркин иқтисодий зоналарни техник тадбиқ этиш билан узвий боғлиқликни назарда тутсақ, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, яъни технопарклар, технополис, янги ва юқори технологияларни ривожлантириш борасида АҚШ, Япония ва Хитой тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналарда давлат ва хусусий шерикликни таъминланиши ҳудудда инновацион рақамли тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларини кенг жорий этишга ёрдам беради. Айниқса, эркин иқтисодий зона ҳудудида миллий ва хорижий илмий ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш, илм-фан ютуқларини тижорийлаштириш, инновацион рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш ҳисобига рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини беради. Давлат томонидан эркин иқтисодий зона ҳудудида инфратузилма объектларини қуришга хусусий секторни кенг жалб этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ва эркин иқтисодий зоналарни янада такомиллаштириш объектив заруратдир. Эркин иқтисодий зона ҳудудларига ИТ технологияларини жорий этиш инновацион технология индустриясини ўз ичига олган хусусий сектор субъектлари инновацион ишлаб чиқариш кучларининг марказлашувини таъминланиши давлат ва хусусий шериклик асосида ҳудудни ривожлантиришга шароит яратади [5]. Эркин иқтисодий зоналар тадбиркорлар ва инвесторларнинг самарали фаолият юритиши учун кенг имконият яратади. Айниқса, улар учун махсус

ҳуқуқий режимни ўрнатилганлиги товар бозорларида фаол иштирок этишни таъминлайди.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ҳуқуқий мақоми 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонун [6] билан белгиланади, Эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталлини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зоналар тузишнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши минтақани жадал суръатлар билан ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, айтиш мумкинки, катта миқдордаги капитал маблағларни жалб этишни талаб этади. Бунда нафақат эркин иқтисодий зонада фаолият юритадиган давлат, балки чет эл мамлакатларининг, халқаро молия институтларининг капиталидан фойдаланишни тақозо этади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакат ҳудудига янги замонавий рақамли технологияларни киритиш, инновацион ғоялар асосида ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан самарали ташкил этишга шароит яратилади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналарда илғор ва замонавий бошқарув тажрибасини жорий этиш ҳисобига ҳудудни ривожлантиришга муваффақ бўлинади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг характерли тавсифи асосан учта муҳим омил билан белгиланади, биринчидан, ҳудуди аниқ чегаралар билан белгиланган бўлади. Иккинчидан, ҳудудда махсус ҳуқуқий тартибот амал қилади; учинчидан, ажратилган ҳудудни мақоми махсус бўлиб ва маъмурий ҳудудлардан ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ имтиёз ва преференциялар даражасига қараб фарқланади. Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ўзига хос жиҳатлари бир қатор ҳуқуқий омиллар билан боғлиқ, улар жумласига, уларни тузишнинг махсус тартиби белгиланганлиги, фаолиятнинг йўналишига қараб бир қатор турларга эга эканлиги ва уларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми мавжудлиги билан тавсифланади. Эркин иқтисодий зонада фаолият юритадиган юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда кафолатларининг белгилаб қўйилганлигини ҳудудни махсус дастур асосида ривожлантириш зарурияти мавжудлиги билан изоҳланади. Бундай дастур нафақат ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини яратишни, балки алоҳида ҳуқуқий тартиботни ўз ичига қамраб оладиган комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлиши мумкин. Айниқса, ҳудудда алоҳида божхона, валюта тартиботи, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар мавжудлиги, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконияти, унда фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларга катта имконият яратади. Бошқача айтганда, ҳудудни ривожлантириш дастурларини рўйбга чиқаришни ташкилий ҳуқуқий тартиботлари улар иқтисодий манфаатдорлигини оширишга замин ҳозирлайди. Эркин иқтисодий зоналарнинг фаолиятини ташкил этиш омил ва хусусиятлари уларнинг мустақил бюджетга эга бўлишида, эркин иқтисодий зонага кириш, чиқиш ва унинг ҳудудда бўлишнинг соддалаштирилган тартиби, эркин иқтисодий зоналар қатнашчилари инвестицияларини ва

таваккалчиликларини суғурта қилиш кафолатларини яратилганлиги ҳам, ўз навбатида, ҳудудни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Эркин иқтисодий зоналарни бошқариш тизимининг ўзига хослиги, давлат мулк ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари, ушбу зона ҳудудидаги хўжалик фаолияти қатнашчилари рўйхатдан ўтказиш дирекция томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ масалалар улар ҳуқуқий мақомининг муҳим белгилари ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зонани тузиш тартиби ва асослари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилади. Эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур зонани ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади. Эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади [7].

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби ва асослари нафақат устувор қонунчилик, балки қонуности ҳужжатлари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги “Ангрен эркин иқтисодий зонаси ҳудудида резинотехника буюмлари заводи қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [8], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [9], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [10] қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Андижон-фарм” эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисидаги Фармони [11], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги [12], 2012 йил 29 майдаги “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги [13], 2017 йил 10 апрелдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [14], 2018 йил 15 майдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги [15], 2018 йил 20 августдаги “Балиқ ишлаб чиқарувчи” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [16] 2018 йил 16 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ – 3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [17] қарорлари шулар жумласидандир.

2018 йил 16 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик

саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ – 3356-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [18] қарорига кўра, эркин иқтисодий зоналар тўғрисида низом тасдиқланди. Ушбу Низомнинг 2-бандига кўра, эркин иқтисодий зона – минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги ПФ–5600-сон “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилганлигига, маъмурий функцияларни номарказлаштириш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизми соддалаштирилганлигига эътибор қаратилган.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилади.

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили яқунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган кўлдорда экспорт қилиш белгиланди. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Марказнинг амалга оширилаётган лойиҳалар бизнес-режалари ёки уларнинг техник-иқтисодий асосномалари бўйича хулосалар бериш муддатлари йигирма календарь кундан ошмаслиги лозим. Маъмурий кенгашлар томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқиш муддати

Марказ томонидан хулоса бериш жараёни билан бирга ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг божхона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича Марказнинг хулоса бериш муддати ўн беш календарь кундан ошмаслиги лозим. Эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга татбиқ этилади.

Мазкур Фармонга мувофиқ, “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” ДУКнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансига “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини давлат улуши сифатида, шунингдек “Навоий” эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш; “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан маркетинг, консалтинг, логистика, коммунал-маиший, меҳмонхона, таълим, суғурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш; “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида соддалаштирилган виза режими ва ҳодимларни, шу жумладан чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш; эркин иқтисодий зона қатнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекциясига қатнашчини кузатиш ва талабгорнинг малака талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилди; “Навоий” эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси лойиҳаларни жойлаштириш шартларини бажармаган тақдирда у билан тузилган шартномани фақатгина суд тартибида бекор қилиш тартибини ўрнатиш; “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида чет эл фуқаролари учун қулай яшаш ва меҳнат шароитларини яратиш кўзда тутилди.

Эркин иқтисодий зонада инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда унда инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар муҳим тутади. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили асосида инвесторлар учун мўътадил ҳуқуқий режимнинг айрим ўзига хос хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Бундай ҳуқуқий режим, *биринчидан*, солиқ ва божхона режими, *иккинчидан*, фуқароларнинг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ҳамда бўлишнинг соддалаштирилган имтиёзли шартлар, *учинчидан*, эркин иқтисодий зонада фаолият юритувчи фуқароларнинг меҳнат муносабатлари, *тўртинчидан*, эркин иқтисодий зонадаги субъектларнинг молия-кредит фаолияти билан боғлиқ кафолатларни қамраб олиш мумкин. Эркин иқтисодий зоналарда тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ҳуқуқий режимдан қўзланган асосий мақсад инвестицияни жалб қилиш учун инвесторларга муносиб шарт-шароит яратиш, ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш, инновацион рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали эркин иқтисодий зона ҳудудини ҳар томонлама ижтимоий-иқтисодий жадаллаштиришдан иборат.

Мамлакатимизда инвесторлар учун давлат томонидан берилган имтиёз ва кафолатлар қонун ҳужжатларида ифодасини топган. Энг муҳими, инвесторлар нафақат амалдаги имтиёз ва кафолатлардан, балки мамлакатда инвестициявий жозибдорликнинг самарадорлигини оширишга қаратилган кўшимча кафолатлардан фойдаланиш имконияти ҳам яратилган. Бундай рағбатлантирувчи ҳуқуқий омиллар инвесторларни жалб қилиш кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибдорлигини оширишда бир қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим. Биринчидан, ҳар бир иқтисодий зонани ривожлантиришнинг келажак дастурларидан келиб чиқиб, унинг ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг хусусиятларини инобатга олиш лозим. Иккинчидан, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибдорлигини ошириш мақсадида рақобатни ривожлантириш, экспортбop товар, ишлар ва хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигига эришиш зарур. Учинчидан, эркин иқтисодий зонада рақамли инвестициявий муҳитни яратиш мақсадида технологик ва инновацион тадбиркорлик фаолиятини яратиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Тўртинчидан, давлат томонидан рақамли инвестицияни ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида рақамли инвестицияга асосланган юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли имтиёз ва кафолатларни назарда тутадиган рағбатлантирувчи нормалар ролини оширишга оид норма ижодкорлигининг истиқболларини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бешинчидан, кичик саноат зоналарида илғор нанотехнологияларни қўллаш ва унда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг рақамли инвестицияни шакллантириш борасидаги амалий кўникмаларни ошириш чораларини кўриш ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан ҳисобланади. Кичик саноат зонасида инвестициявий жозибдорликнинг самарадорлигини назарда тутган ҳолда унда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига давлат хизматини кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш, айниқса, бизнес субъектларига юридик хизмат кўрсатишнинг замонавий инновацион усул ва воситаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Олтинчидан, кичик саноат зоналарини ихтисослаштириш йўналишларидан келиб чиқиб, ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини инобатга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кичик саноат зоналарда инвестицияларни кенг жалб қилиш учун маркетинг стратегиясини рўёбга чиқариш чораларини кўриш зарур.

Эркин иқтисодий зоналарнинг турли типлардан иборат бўлишига қарамай улар учун характерли бўлган умумий белги ва хусусиятларни ҳам эътироф этиш жоиз, яъни эркин иқтисодий зона қайси турда бўлишидан қатъи назар, муайян ҳудудда ташкил этилади. Бу ҳудуд мамлакатнинг бошқа минтақаларига қараганда махсус режимга эга бўлиш билан бир қаторда, молиявий- иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий имтиёзли хусусиятга эга бўлади. Эркин иқтисодий зона маъмурий кенгаши ҳудудни бошқариш ва кўплаб иқтисодий масалаларни ҳал қилиш бўйича мустақил қарорлар қабул қилишга ҳақли бўлади. Энг муҳими,

эркин иқтисодий зона ҳукумат томонидан қўллаб қувватланган ва барқарор давлат кафолатлари тизими яратилган тақдирда у ўз олдига қўйган вазифа ва функциясини бажаришга қодир бўлади. Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, эркин иқтисодий зонада тадбиркорлик ва инвестиция фаолияти ихтисослашувини амалга ошириш имконияти яратилади. Барча ҳудудларни эркин иқтисодий зоналарга ажратиш имконияти ҳам чегараланган. Шу боис, ҳар бир давлат эркин иқтисодий зона ҳудудини танлашда жуда кўплаб ижтимоий иқтисодий омилларни инобатга олади. Шу боис, эркин иқтисодий зона ҳудудини ривожлантиришга нафақат чет эл инвестицияси, балки миллий тадбиркорлик субъектлари жалб қилиниши мумкин. Эркин иқтисодий зоналарни хусусиятлари кўплаб бундай режимга эга бўлган ҳудудлар билан ўхшаш белгиларга эга. Эркин иқтисодий зоналарни белгиларига кўра у муайян давлат ҳудудида ташкил этилган ва аниқ маъмурий чегаралари белгиланган бўлади. Эркин иқтисодий зона ҳудудларида махсус божсиз ва савдо режимига эга бўлган ҳолда функционал фаолиятини амалга оширади; унинг ҳудудига чет эл инвестициялари жалб этилади; ҳудудда товарларни экспорт қилиш учун шароит яратилди; унинг ҳудудида фаолият юритадиган чет эл инвесторлари давлат томонидан кафолатланган солиқ, божхона ва бошқа молиявий имтиёزلардан фойдаланади; эркин иқтисодий зона ҳудудини давлат ва хусусий шериклиги асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти мавжуд бўлади; унинг ҳудудида юқори инновацион рақамли технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш орқали ҳаридоргир ва рақобатбарош маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш учун шароит вужудга келтиради; аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринлари яратилиб улар бандлигига эришилади; замонавий бошқарув тажрибасини татбиқ этишга муваффақ бўлинади.

Эркин иқтисодий зоналар билан кичик саноат зоналар ҳуқуқий мақоми жиҳатдан фарқланади. Кичик саноат зонаси муайян ер участкасини қамраб олган ҳудуд, алоҳида ҳолларда муҳандислик-техник коммуникациялар билан таъминланган ишлаб чиқариш майдони ҳисобланади. Кичик саноат зоналарининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги [19] қарор билан белгиланади. Кичик саноат зоналари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли ташкилотларининг фойдаланилмаётган ҳудудларида ташкил этилади. Бир кичик саноат зонада бир қанча фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш ҳудудлари, давлат мулкчилигидаги амалда фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларини бирлаштиришга йўл қўйилади бунда улар орасидаги масофа 500 метргача бўлиши лозим. Мамлакатимиз кичик саноат зоналарида фаолият кўрсатадиган корхоналарга киритиладиган инвестициялар ҳажмига қараб солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда переференциялар қўлланилишидан ташқари у ерда фаолият кўрсатаётган корхоналарга барча қулай шарт-шароит яратилмоқда. Жумладан, кичик саноат зонасида фаолият кўрсатувчи субъектлар 2 йил барча



солиқлардан озод этилган. Шунингдек, йиллик пул айланмаси энг кам иш ҳақининг 2 минг бараваридан кам бўлмаганда ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг камида 30 фоизи миқдорида экспорт қилинганда мазкур корхона қўшимча яна 2 йилга солиқдан озод этилиши белгилаб қўйилди [20].

Кичик саноат зонаси қатнашчилари танлов асосида фаолиятини амалга оширади. Танлов ҳақидаги маълумотда ер участкалари, ишлаб чиқариш майдонлари номи, сони, тавсифи, улар жойлашган ери ва муҳандислик-техник коммуникацияларининг мавжудлиги, кичик саноат зонасининг фаолият йўналиши, янги иш ўринларининг минимал миқдоридаги сони, буюртмаларини қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда), танлов комиссияси номи манзили, почта манзили, телефони, телефакс, электрон почтаси ва ҳ.к кўрсатилади. Танлов ғолиби аниқлангандан сўнг уларни жойлаштириш масаласи ҳал этилади, яъни кичик саноат зонаси дирекцияси билан келишув тузилади, унда келишув предмети, лойиҳани амалга ошириш, бажариш ҳажми, тури ва бажариш жадвали (шу жумладан янги иш ўринларини яратиш, кичик саноат зона фаолиятини бошлаш пайтида янги ишга қабул қилинаётганлар ҳам инobatга олинади), келишувни бекор қилиш тартиби, низоларни ҳал қилиш тартиби, шунингдек тарафларнинг келишуви бўйича лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин. Келишув тузилгандан сўнг 3 кун ичида ҳоким лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади. Башарти танлов, предмети, кичик саноат ҳудудидаги ишлаб чиқариш майдонларини узоқ муддатли ижарага олиш билан боғлиқ бўлса, ижарага берувчи дирекция ва танлов ғолиби ўртасида ишлаб чиқариш майдонини 10 йилгача узоқ йиллик ижара шартномаси тузилади. Дарҳақиқат, кичик саноат зонаси мақоми эркин иқтисодий зоналарда юридик ва жисмоний шахсларни фаолиятини ташкил этишдан фарқ қилади. Кичик саноат зоналари энди ривожланаётганини назарда тутсақ, улар фаолиятини тизимли ўрганиш соҳага оид қонун ҳужжатлари нормаларини амалиётда қўллаш масалаларини тадқиқ этиш қолаверса, бу борадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инobatга олиб, кичик саноат зоналарининг рақамли иқтисодиётдаги ролини янада ошириш лозим.

Илмий ва тизимли таҳлил натижасида қуйидаги бир қатор ҳулоса ва тақлифлар асослаб берилди:

Биринчидан, махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини махсус ҳуқуқий тартибга солиш асослари шакллантирилаётгани боис, унинг устувор ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар ҳақида”ги ва “Кичик саноат зоналари тўғрисида”ги қонунларининг қабул қилини бу борада қонунчиликни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига ҳамоҳангдир. Қолаверса, хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаларига ҳам мос келади. Энг муҳими соҳага оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш борасидаги вазифаларни ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, миллий қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб, инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини “Инвестициявий фаолиятни ташкилий, илмий-услугий ва ахборот билан таъминлаш. Инвесторларнинг малакасини ва ҳуқуқий билимини ошириш” деб номланган боб билан

тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда унда қуйидаги нормаларни назарда тутиш лозим:

“Инвестиция фаолиятини ташкилий, илмий ва услубий таъминлаш” мақсадида Инвестиция фаолиятини ташкилий ва илмий, услубий таъминлаш тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади; Инвестиция фаолиятини илмий-услугий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарув миллий агентлиги ва Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади; Инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг идоралараро хусусиятга эга бўлган энг муҳим масалаларини кўриб чиқиш ваколатли давлат органи зиммасига юклатилади.

Учинчидан, инвестиция фаолияти субъектларининг рақамли инвестиция бўйича малакаси ва ҳуқуқий билимини оширишни назарда тутиб, ваколатли давлат органи инвестиция фаолияти субъектларининг рақамли технология бўйича малакаси ва ҳуқуқий билимини ошириш шарт. Инвесторларнинг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Малака ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув курсларидан ўтаётган инвесторларга ўқишнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади” деган нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, эркин иқтисодий зоналарда инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш даражаси, минтақада инвестициявий инфратузилмнинг ҳолати ва демография даражаси билан боғлиқ омиллар ҳам муҳим ўрин тутди. Энг муҳими, ҳуқуқий жиҳатдан инвесторга тегишли имтиёз ва кафолатларнинг яратилиши инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади. Шу сабабли инвестиция ҳуқуқи асосларини тизимли ўрганиш, халқаро инвестиция ҳуқуқи оид дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш, инвестицияга оид қонунларга шарҳ тайёрлаш, инвестицияга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиботини тизимли амалга ошириш, “Инвестицияга оид халқаро ва минтақавий стандартларни” ва соҳага оид техник тартибга солиш ҳужжатларининг моҳиятини ўрганишни тизимли ташкил этиш, юридик ва иқтисодий таълим муассасаларида инвестиция ҳуқуқини ўрганишни махсус дастурлар асосида ўқитишнинг самарадорлигини ошириш чораларини кўриш, инновацион рақамли инвестицион тадбиркорлик ўқув марказларини ташкил этиш, эркин иқтисодий зоналар инвестиция жозибадорлигини рейтингини белгилаш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш лозим.

Бешинчидан, эркин иқтисодий зоналарда инвестициявий жозибадорликни оширида бизнес юритишнинг халқаро ва минтақавий стандартларни инobatга олиш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ихтисослаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини инobatга олиб, инвестицияни жалб қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, эркин иқтисодий зоналар маъмурий бошқарув органларининг инвестор-хорижий фуқароларнинг уй-жой ва бошқа ижтимоий муаммоларини комплекс ҳал қилиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарув агентлигида эркин иқтисодий зона ишлари бўйича махсус бошқарма ташкил этиш лозим.

Хусусан, Хитойда эркин иқтисодий зона маъмурий бошқарувнинг олий органи бўлиб, Хитой давлат кенгашининг ЭИЗ ишлари бўйича Канцелярия ҳисобланади. Шунингдек, эркин иқтисодий зонада ишловчи хорижий ходимлар ва раҳбарларга солиқ имтиёзларини жорий этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Корея давлатида чет эл инвестицияси корхоналарида фаолият юритадиган хорижий ходимлар ва раҳбарлар ва чет эл фирмасининг корейс филиаллари ходимлари ҳам бундай солиқ имтиёзларидан фойдаланади. Улар умумий даромддан ёки солиқ ставкаси миқдоридан келиб чиққан ҳолда имтиёзли ҳуқуқдан бирини танлашлари мумкин.

Зеро, тегишли давлат органлари ходимлари, тадбиркорлик субъектларининг, айниқса, инвесторларнинг инвестиция қонун ҳужжатларини амалиётга қўллаш бўйича ҳуқуқий моҳиятини ошириш, ўз навбатида, ҳудудларда замонавий рақамли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, эркин иқтисодий зоналарга оид қонун ҳужжатлари ривожланишининг янги тенденциялари мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ва инвестиция муҳити ва жозибдорлигини оширишда муҳим ҳуқуқий кафолат ҳисобланади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Адолат, 2018. –17 б.

2. ҚХММБ, 18.01.2019 йил, 06/19/5635/2502-сон.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 64-65 ва 77.

4. Самарходжаев Б.Б. Инвестиция ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2014. – 117 б.

5. Макаров И.Н. Территория инновация: свободный инвестиционный зона как среда реализация государственно – частного партнерства // Креативный экономика. 2009 –№4. Том.3. –С.87-92. <https://creativeconomu.ru//4001>.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 39-сон, 424-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-модда;

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 51-сон, 602-модда; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ – 4986-сонли Фармони таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 12-сон, 182-модда

9. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 798-модда;

10. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2017 й.

11. <https://nrm.uz>.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 мартдаги 155-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 13-сон, 207-модда

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 22-сон, 243-модда; 2013 й., 35-сон, 469-модда; 2017 й., 1-сон, 12-модда; 13-сон, 207-модда; 15-сон, 252-модда, 18.01.2018 й., 09/18/29/0587-сон)

14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 252-модда,

15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2018 й., 09/18/365/1235-сон

16. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.08.2018 й., 09/18/677/1781-сон

17. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2018 й., 09/18/29/0587-сон, 21.05.2018 й., 09/18/365/1235-сон, 20.08.2018 й., 09/18/677/1781-сон)

18. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2018 й., 09/18/29/0587-сон, 21.05.2018 й., 09/18/365/1235-сон, 20.08.2018 й., 09/18/677/1781-сон

19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 1-сон, 10-модда, 2016 йил 17-сон, 176-модда; 18-сон, 197-модда; 2017 йил 33-сон, 863-модда;

20. Кичик саноат зоналари илфोर технологик ишлаб чиқариш марказлари // [parlament.gov.uz](http://parlament.gov.uz)

**Д.Ю.Хабибуллаев,**  
ТДЮУ “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий  
процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

### ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ХУЖЖАТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ – ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИНИНГ ЯКУНИЙ БОСҚИЧИ

**Аннотация:** мазкур мақолада суд ҳужжатлари ижроси фуқаролик процессининг охириги босқичи эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар, суд қарорларини ижро этишда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** ижро ҳужжати, ижро муддатлари, мажбурий ижро, суд ҳужжати

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы об исполнении судебных актов как заключительной стадии гражданского процесса, о проблемах, возникающих при исполнении судебных решений, а также даны рекомендации и предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** исполнительные документы, сроки исполнения, обязательное исполнение, судебный документ.

**Annotation:** the article deals with the issues of the execution of judicial acts as the final stage of the civil process, the problems arising during the execution of court decisions are also given recommendations and suggestions for their elimination.

**Key words:** executive documents, deadlines, compulsory execution, judicial document.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислоҳотлар натижасида суд қарорларини ижро этиш соҳаси ривожланиши ва янада такомиллашиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, 2001 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда суд тизимини янада ислоҳ қилиш, суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3016-сон қарори ва 2018 йил

22 январда янги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг қабул қилиниши суд ҳужжатларини ижро этишнинг процессуал механизмларини такомиллаштиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларининг ижроси фуқаролик процессининг якуний босқичи ҳисобланиши тўғрисида юридик адабиётларда бир қатор фикрлар мавжуд.

Масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Шорахметов фикрича, одил судловлиқни амалга ошириш мақсадида фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини кўриқлаш мақсадида чиқарилган қарорларни ижро этиш фуқаролик процессининг якунловчи босқичидир [1, 903-бет].

Ҳуқуқшунос олима З.Эсанова фикрича, фуқаролик процессуал қонунчилик нафақат фуқаролик ишларини

кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ муносабатларни, балки суд ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш масалаларини ҳам тартибга солади. Унинг фикрича, ижро ишини юритиш босқичининг мақсади – қонунда белгиланган тартиб-қоидаларга асосан, суд ва бошқа органлар қарорларини ихтиёрий ва мажбурий ижро этиш усуллари орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган [2, 315-бет].

Ҳуқуқшунос олимлар В.Ярков, Д.Я.Малешинлар ҳам суд қарорларини ижро этиш фуқаролик процессининг сўнгги босқичи эканлигини таъкидлаб ўтадилар [3, 607-626 бетлар].

Ҳуқуқшунос олима У.Тухташева томонидан ҳам барча фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган суд қарорларининг ижро этилиши зарурий ва якуний босқич сифатида эътироф этилади [4, 227-бет].

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, суд ҳужжатларини ижро этиш фуқаролик процессининг якунловчи босқичи эканлигини куйидагиларда кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига алоҳида “Суд ҳужжатларининг ижроси” деб номланган 5-бўлимнинг мавжудлиги, ушбу бўлимда суд ҳужжатларини ижрога қаратиш, ижро варақаси бериш тартиби ва муддати, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки унинг бўлиб-бўлиб ижро этилиши, уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш, ижро ишини юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масаланинг биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилиниши, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича қайтарма ижронинг ўзига хос жиҳатлари каби нормаларнинг белгиланганлиги;

қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунларда белгиланган тартибда ижро этилиши;

суд ҳужжатларини ижро этишда тарафлар келишув битими тузганда, ижродан воз кечганида уларни суд тасдиқлаши, ижро ҳаракатларини тўхтатиш, тугатиш борасида ҳам суднинг ваколатлари борлиги суд ҳужжатларини ижро этиш фуқаролик процессининг якунловчи босқичи эканлигидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4236-сон қарорини қабул қилиниши ҳам ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида сансалорликка чек қўйишда муҳим аҳамият касб этди. Эндиликда, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш қундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади. Медиация тартиб-таомилларини амалга ошириш жараёнига давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви таъкидланади.

Мазкур қарорга асосан, 2019 йил 1 июндан бошлаб ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги масала

ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида ҳал этилиши белгиланганлиги ҳам суд ҳужжатлари ижросини тезроқ амалга оширишда, ундирувчи бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари қисқа муддатда тикланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уч ой муддатда суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги, шунингдек, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасидаги процессуал нормаларни тизимлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиши тўғрисида вазифа белгиланганлиги ҳам мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини бир тизимга солиш, улар ўртасидаги турли хил қарама-қаршиликларнинг олдини олиш, давлат ижрочилари томонидан ижрога оид қонун ҳужжатларини қўллашда қулайликлар яратади.

Шунинг учун ҳам ҳозирда суд ҳужжатларини ижро этишга оид қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифалардан биридир. Таъкидлаш жоизки, суд ҳужжатлари ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирда мажбурий тартибда ижро этилиши шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, қолаверса, жамиятда қонунийликни ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг ҳозирги кундаги энг самарали усули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам суд ҳужжатларини мажбурий ижро этиш муддатларини қайта кўриб чиқиш, ўрганиш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 30-моддасида “Мажбурий ижро этиш муддатлари” назарда тутилган.

Унга кўра, ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида суд ижрочисига томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши керак.

Ижро ҳужжатларининг қуйидаги талаблари дарҳол ижро этилиши керак:

алиментлар ҳамда уч ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаблар;

қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки қонунга хилоф равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги талаблар;

ижро ҳужжатида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган ҳоллардаги бошқа ишларга доир талаблар.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган муддатга:

ижро ҳужжати ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро қилиш вақти;

ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш вақти;

ижро иши юритишни тўхтатиб туриш вақти;

мутахассис тайинлаш ҳақидаги қарор мутахассисга юборилган кундан то унинг хулосаси ёки иш натижалари тўғрисидаги бошқа ҳужжат суд ижрочисига келиб тушгунигача бўлган вақт;

мол-мулк реализация қилишга топширилган кундан то бу мол-мулкни реализация қилишдан тушган пул

маблағлари Суд департаменти органининг депозит ҳисобварағига келиб тушгунигача бўлган вақт кирмайди.

Ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатининг ўтиши ижро иши юритишни тугатиш ёки тамомлаш учун асос бўлмайди [5].

Мажбурий ижро этиш муддатлари борасида ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида мазкур муддат бирмунча такомиллаштирилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикасининг “Ижро ишларини юритиш ва суд ижрочиларининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни 39-моддасида белгиланишича, ижро ҳужжатини ижро қилиш муддати қуйидагича белгиланган:

ижро ҳужжатлари асосида ижро суд ижрочилари томонидан ижро ишини юритиш қўзғатилган кундан эътиборан икки ойлик муддат ичида яқунланиши шарт, даврий ижро этилаётган ижро ҳужжатлари, шунингдек қонун ҳужжатларида ижро учун бошқача муддат белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

қурилишларни бузиш, технология операциялари билан боғлиқ ишларни юритиши, шунингдек мол-мулкни баҳолаш учун мутахассис талаб этиладиган, экспертиза ўтказиш, қарздорнинг мол-мулкни қидириш зарур бўлган ҳолларда ижро тўрт ойлик муддат ичида яқунланиши шарт [6].

Россия Федерациясининг “Ижро ишини юритиш тўғрисида”ги Федерал Қонуни 36-моддасида ҳам ижро ҳужжатини ижро қилиш муддати назарда тутилганлигини кўриш мумкин. Унга кўра, ижро ҳужжатидаги талаблар суд пристави-ижрочи томонидан ижро иши қўзғатилган кундан эътиборан икки ой муддат ичида ижро этилиши шарт, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно [7].

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 30-моддасида ижро ҳаракатлари ва ижро ҳужжатининг талаблари ижро ҳужжатининг ихтиёрий ижро этилиши учун белгиланган муддат тугаган кундан эътиборан кўпи билан икки ой муддат ичида давлат ижрочисига томонидан амалга оширилиши ва ижро этилиши кераклиги ҳақидаги қатъий норманинг белгиланиши ҳар доим ҳам ижро ишини тугатишнинг реаллигини таъминлай олмайди. Хусусан, давлат ижрочисига ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларини ва талабларини ҳар доим ҳам қонунда назарда тутилган икки ойлик муддат ичида амалга ошира олмайди ва ижро эта олмайди.

Турли сабаблар, хусусан, юқорида қайд этилганидек, қурилишларни бузиш, технология операциялари билан боғлиқ ишларни юритиши, шунингдек мол-мулкни баҳолаш учун мутахассис талаб этиладиган, экспертиза ўтказиш, қарздорнинг мол-мулкни қидириш зарур бўлган ҳоллар юзага келиб қоладиги, бунинг натижасида давлат ижрочисига қонунда белгилаб қўйилган икки ойлик муддатни бузишига тўғри келади ёки сунъий равишда ижро ҳаракатларини кечиктириш, кейинга қолдиришга олиб келади. Бу эса қонун талабларининг бузилишига, ундирувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказишига ва давлат ижрочисига нисбатан ижро ҳужжатини ўз вақтида бажармаганлигини учун турли чоралар кўрилишига сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мажбурий ижро

этиш муддатлари борасида ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасини таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 30-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилиши таклиф қилинади:

“Қурилишларни бузиш, технология операциялари билан боғлиқ ишларни юритиши, шунингдек мол-мулкни баҳолаш учун мутахассис талаб этиладиган, экспертиза ўтказиш, қарздорнинг мол-мулкни қидириш зарур бўлган ҳолларда ижро тўрт ойлик муддат ичида яқунланиши шарт”.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. – Тошкент, 2001. – Б.395. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. – Тошкент, 2010. – Б.903.

2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Махсус қисм. Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2013. -Б.315.

3. Гражданский процесс. Учебник. Под.ред. В.В. Яркова. 6-е изд, пер и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2006. – С. 540 – 575; Гражданский процесс. Учебник. / Под.ред. М. К. Треушников. 6-е изд, пер и доп. – М.: Городец, 2018. – С. 607 – 626.

4. Тухташева У.А. Ижро иши юритиш. Дарслик. – Тошкент: 2008. – 227 б.

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий бази-си, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон; 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон).

6. Закон Республики Казахстан “Об исполнительном производстве и статусе судебных исполнителей” от 2 апреля 2010 года № 261-IV // <http://adilet.zan.kz/rus/docs/Z100000261>

7. Закон Республики Беларусь “Об исполнительном производстве” // [kodeksy-by.com/zakon\\_rb\\_ob\\_ispolnitel\\_nom\\_proizvodstve.htm](http://kodeksy-by.com/zakon_rb_ob_ispolnitel_nom_proizvodstve.htm)

У.Ш.Шарахметова,  
ТДЮУ “Халқаро тижорат ҳуқуқи” кафедраси  
доценти, ю.ф.н.

#### ОИЛА ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ СОХТА НИКОҲГА ОИД НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада сохта никоҳга оид оила қонунчилиги нормалари, суд томонидан сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши масалалари таҳлил этилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** сохта никоҳ, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш, никоҳ тузиш шартлари, мулкӣ, шахсий-номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар, маънавий зарар, ихтиёрийлик тамойили.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы нормы семейного законодательства касательно фиктивного брака, вопросы признания судом брака недействительным, разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** фиктивный брак, признание брака недействительным, условия заключения брака, имущественные, личные неимущественные права и обязанности, моральный вред, принцип добровольности.

**Annotation:** This article analyzes the norms of family law regarding fictitious marriage, the issues of recognition of marriage invalid by the court, developed proposals and recommendations.

**Key words:** fictitious marriage, recognition of marriage as invalid, conditions of marriage, property, personal and non-property rights and obligations, moral damage, the principle of voluntariness.

Никоҳ оиланинг вужудга келишидан бирдан-бир асос, омил бўлиб хизмат қилади. Никоҳ никоҳланувчи шахсларнинг эрки-иродаларига, хоҳиш-истакларига риоя қилинган ҳолда тузилса, келажакда вужудга келадиган оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Никоҳни эркин тузилиши учун берилган розилик ҳақиқий бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш орқали ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига руҳан таъсир қилиш йўли билан тузилиши тақиқланади [1, 43-бет].

Оила кодексидан никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асосларидан бири бу – сохта никоҳ ҳисобланади.

М.В. Кротов сохта никоҳ оила қуриш мақсадини кўзламаган ҳолда, яъни қонуний никоҳдан кўзланган юридик оқибатни вужудга келтириш ниятисиз тузилган никоҳ ҳисобланишини кўрсатади [2, 233-бет]. Сохта никоҳ тузган шахслар суд ишни кўриб чиққунига қадар ҳақиқий оила курсалар, никоҳ сохта деб топилмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, никоҳга кирган ҳар иккала тараф ҳам сохта никоҳ қурган бўлсалар, никоҳни сохталигини исботлаш қийин бўлади. Одатда никоҳни сохталигидан қуйидаги ҳолатлар далолат беради:

- а) эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида ҳолда яшашлари;
- б) эр ёки хотиндан бири ёки ҳар иккаласи бошқа шахслар билан амалда (фактик) никоҳ муносабатларига эга бўлишлари;
- в) дарҳол турар-жойларни алмаштиришлари;
- г) умумий рўзғор бўлмаслиги.

Юқоридаги ҳолатларнинг ўзи сохта никоҳ мавжуд деб айтишга асос бўлавермайди. Улар иш бўйича барча далиллар ва “эр-хотин” тушунтиришлари билан баҳоланиши лозим. Баъзи муаллифлар эр-хотинлик асосини улар ўртасидаги “интим” муносабатлар (жинсий алоқа) орқали аниқлаш мезонини таклиф этадилар. Бироқ, бу асосий мезон бўлмаслиги лозим [3, 334-бет].

Л.М. Пчелинцева сохта никоҳ эр-хотинни (ёки улардан бирини) оила қурмасдан никоҳ асосида вужудга келувчи ҳуқуқлардан, улар билан боғлиқ мулккий ёки бошқа имтиёзлардан (турар-жойга эга бўлиш), уй-жойга рўйхатдан ўтиш, мол-мулкка эга бўлиш, мерос олиш, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш ва ҳ.к) фойдаланиш мақсадида тузилган никоҳ деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳам бунда никоҳни тузувчи эр-хотин (ёки улардан бири) эрк-иродасининг ташқи ифодаси эрк-ироданинг ички мазмунига ва асл мақсадларига мос келмайди [4, 77-бет]. М.В. Антокольская ҳам сохта никоҳни ҳуқуқий табиатини таҳлил этар экан, уни қалбаки битим билан таққослайди ва сохта никоҳда ҳам, қалбаки битимда ҳам муайян юридик ҳаракатлар тегишли ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтириш ниятисиз содир этилишини таъкидлайди [5, 67-бет].

Суд томонидан сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топилши, бундай никоҳдан ўтган шахсларнинг режалаштирилган ният-мақсадларини амалга оширишга қарши қаратган чораси ҳисобланади.

Суд амалиётида бундай туркумдаги ишлар асосан тўғри ҳал этилаётган бўлсада, айрим масалалар бўйича тушунмовчиликлар, ҳуқуқий нормаларни нотўғри шарҳлаш ва шу каби ҳолатлар учраб турмоқда. Назаримизда, сохта никоҳнинг ҳақиқий саналмаслиги бўйича суд амалиётини умумлаштириш лозим.

Юридик адабиётларда сохта никоҳни ҳақиқий саналмаслиги, никоҳга кирувчиларни оила қуриш нияти мавжудлиги никоҳ шартларидан бири деб ҳисоблаш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган бўлса ҳам, бироқ никоҳ тузишда бундай ниятнинг йўқлиги эр-хотинларнинг ихтиёрийлик (розилик) тамойилини бузиш турига киритилиши ҳам мумкинлиги ҳақидаги фикрлар мавжуд [6, 134-бет].

Бундан ташқари, Оила қонунчилигида сохта никоҳнинг илмий тушунчаси мавжуд эмас. Фикримизча, сохта никоҳга ҳам илмий-доктринал таъриф бериш ва уни қуйидаги мазмунда баён этиш асосли бўлади, деб ўйлаймиз.

*Сохта никоҳ деганда, оилавий ҳаётда яшашни кўзда тутмай, қонуний никоҳ натижасида юзага келадиган юридик оқибатларни вужудга келтириш ниятисиз бирон-бир мол-мулкка, бойликка, уй-жойга эга бўлиш ҳамда уй-жойга доимий рўйхатдан ўтишни мақсад қилиб тузилган никоҳ тушунилади.*

ОКнинг 54-моддасига асосан, эр-хотин сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилши, сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни прокурор талаб қилишга ҳақли эканлиги, эр (хотин) оила қуриш мақсадисиз никоҳга кирган ҳолларда эса бундай талаб хотин (эр) томонидан қўйилиши мумкинлиги нормаланади.

Фикримизча, ОКнинг 54-моддасидаги никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳуқуқига нафақат прокурор ёки эр ва хотин, балки никоҳ никоҳ тузиш шартларида бири бузилиб тузилган ҳолларда (масалан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ) амалда эр-

хотинлар оилавий муносабатларда яшамаган ҳолларда ҳам сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топиши талаб қилиб, жабрланган шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари, васий ёки ҳомийлари ҳам даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланиб қўйилса, айни муддао бўлар эди.

*Шунингдек, ОКнинг 54-моддасига 3-қисм сифатида: оила қуриш мақсадини кўзланмай, никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топишга никоҳ ёшига етмаган шахснинг ота-онаси, васийси ёки ҳомийси, шунингдек фарзандликка олувчилари даъво қилиш ҳуқуқига эгадилар.*

Амалиётда айрим судлар никоҳдан ажралиш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳар тарафлама чуқур таҳлил қилмасдан осонгина никоҳдан ажратишга бўлган талабга “сохта никоҳ” деб қарор чиқариш билан чегараланадилар. Масалан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман суди даъвогар Аронов Хайимнинг Ниязова Вера билан 2003 йил 8 августда тузилган никоҳларини “сохта никоҳ” деб топиш ҳақидаги даъво талабларини кўрган.

Даъвогарнинг талабларида ва суд мажлисидаги баёнотида кўра, жавобгар билан келишган ҳолда оила қурганлиги ва маълум вақтдан сўнг ҳар иккиси хорижий мамлакатга кетиш ва бу таклифга жавобгар Ниёзова В. рози бўлганлиги ва никоҳдан ўтгандан бир ой кейин кетиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш лозимлигини билдирганда, жавобгар рози бўлмасдан “ўғиллари хорижга кетишга рухсат бермаётганини” кўрсатиб, жавобгар ҳам никоҳдан ажралишга рози эканлигини баён қилади.

Суд ишни мазмунан кўриб, тузилган никоҳни “сохта никоҳ” деб топиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқариб, даъвогарнинг талабини қаноатлантиради [7].

Бу фуқаролик ишини кўришда суд иш материалларини тўлиқ таҳлил қилмаганлиги яққол намоён бўлади, жумладан, даъвогар ҳам, жавобгар ҳам ўзаро келишган ҳолда никоҳ тузганлари, бир-бирларини алдашлари ёки бошқа фикрлар бор-йўқлигини тўлиқ текширмаганлар. Бу ишни суд никоҳдан ажратишнинг маъмурий тартиби асосида кўриб ҳал этиш лозим бўлсада, ўзининг иш юритишига қабул қилган, ҳолбуки, қонунда, агар тарафлар ўртасида мулккий талаб ва фарзандлар тўғрисида низо бўлмаса, никоҳни тугалланиши (ажралиш йўли билан) суд тартибисиз ҳам ҳал этилиши назарда тутилади.

Демак, сохта никоҳ тузишда томонлар аввалдан келишган бўлишлари ва никоҳ тузишдан келиб чиқадиган ҳуқуқлардан ўз манфаатлари учун фойдаланишларини назарда тутадилар. Бундай ҳолларда ҳар икки тарафда ҳам оила қуриш мақсади бўлмаслигига аёл ва эр ихтиёрий равишда никоҳдан ўтиб, бу ишда фаол иштирок этишларига эътибор бериш лозим эди.

Юқорида қайд этилганидек, бошқа ҳолларда сохта никоҳ тузишда никоҳланувчи шахсларнинг ҳар иккаласи ҳам иштирок этмасликлари мумкин. Никоҳланувчилардан эракк ёки аёлдан бири сохта никоҳ тузиш ниятида бўлиши, иккинчи тараф эса бундан беҳабар бўлиб, у қонунда белгиланган тартибда оила қуриш мақсадида ихтиёрий, ўз эркини изҳор қилиши билан никоҳни расмийлаштиришда қатнашади.

В.А.Рясянцев бундай ҳолларда (инсофсиз) тараф ўзининг олдиндан мўлжаллаб қўйган ғайриқонуний, фарз ниятларини иккинчи тарафни алдаш, чалғитиш

йўли билан ўз мақсадларини амалга оширади. Агар алданган тараф ўз ихтиёри билан қонуний никоҳ тузишда эркини изҳор этса, алдовчи (инсофсиз) тараф ўзининг фақат ташқи қиёфаси билан оила қуриш ниятида бўлади. Демак, бундай никоҳда ҳар икки тараф (эркак ва аёл) оила қуришга турлича муносабатда ва мақсадда бўладилар. Шунинг учун ҳам бундай никоҳни сохта тузилган никоҳ деб санамасдан, балки алдаш йўли билан тузилган никоҳ деб қараш мақсадга мувофиқ деган фикрни асосли деб ҳисоблайди.

ОКнинг 49-моддасидаги "...эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади" деб кўрсатилиши орқали икки хил фактга бир хилда ҳуқуқий баҳо берилган. Ҳолбуки, сохта никоҳ эр-хотиннинг ҳар иккаласида оила қуриш нияти бўлмаганда вужудга келади. Агар улардан бири оила қуриш ниятида бўлса, у ҳолда никоҳ ҳақиқий, бундай никоҳни сохта деб ҳисоблашга, агар инсофли томон манфаатлари талаб этилган ҳолдагина йўл қўйилмоғи лозим. Акс ҳолда бундай никоҳ алдаш йўли билан тузилган никоҳ ҳисобланиб, тегишли равишда ҳуқуқий баҳоланмоғи лозим. Бу ҳолда ҳам никоҳни ҳақиқий саналмаслиги никоҳ шартларининг бўлишига асос бўладиган ҳолатлар деб қаралиши ҳақиқий ҳолатини акс эттиради, деган фикрдамиз. Шунинг учун ҳам ОКнинг 49-моддасидан "...ёки улардан бири..." деган сўзларни чиқариб ташлаб, ушбу нормани қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф қилинамиз: "ушбу кодекснинг 14–16-моддалари шартлари бузилган тақдирда, шунингдек сохта никоҳ, яъни эр-хотин оила қуриш мақсадини кўзламай тузган ҳолларда никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади". Бу ерда, сохта никоҳда ҳар икки тараф (эр-хотин) баробар, бир ниятли бўлиши керак, деган фикр туғилади.

Бундай қонданинг киритилиши ОКнинг 54- моддаси 1-қисмини яна такрорламаслик учун ҳам асос бўлади.

Ушбу фикрни исботи сифатида амалиётда учраган қуйидаги ҳолатни келтирамиз. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво талаби билан В.С.Вьюненко жавобгар Н.Г.Галацкаяга нисбатан Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман судига 17 январ 2015 йили мурожаат этади.

Даъвогарнинг даъво талабларида ва суд мажлисида берган баёнида 1935 йилда туғилгани, оилада ҳеч кими йўқлиги қаровга муҳтож бўлиб туман ижтимоий бўлимига мурожаат қилиб, меҳнат ҳақини тўлаш эвазига бирор кишини ёрдам кўрсатиб туришини сўрагани, бу илтимосга кўра жавобгар Н.Г.Галицкая келиб хизмат қилиб тургани ва шу даврда "агар даъвогар никоҳдан ўтмаса унга қарамаслигини ва уйда хизмат қилмаслигини", шу сабабли 32 ёшдаги жавобгар билан 80 ёшдаги даъвогар никоҳдан ўтганлиги лекин эр-хотин бўлиб яшамаганликларини ва аниқланишича, уни фақат квартирага эга бўлиш ниятида бўлганлигини кўрсатади.

Жавобгар Н.Г.Галицкая даъвогарнинг талабларига қўшилишини ва ўзи ёлғиз бўлганлиги учун квартирадани фойдаланиши ва уни кейинчалик эгаллаш мақсадида сохта никоҳдан ўтганлигига иқдор бўлади.

Суд юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида ҳал қилув қарор чиқаради [8].

Назаримизда, бу ерда сохта никоҳ тузиш ҳақида гап кетмасдан, балки 80 ёшли қариянинг уйига нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида уни

алдаш йўли билан никоҳдан ўтиб даъвогарнинг розилигига эришиш мақсади бўлган.

Бу фуқаролик ишида эр-хотиннинг оила қурмаслиги тўғрисида сўз бормасдан, балки алдаш туфайли никоҳ тузишга эришганлиги кўринади. Бундай ҳаракатлар никоҳ тузиш шартларининг бузилишга тўғри келади, деган фикрдамиз.

Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун никоҳланувчиларнинг мақсади, нияти, фикри аввалдан оила қуриш мақсадини кўзламаслигига эътибор бериш лозим. Амалиётда вақтинча, қисқа муддат эр-хотин бўлиб яшаб шахвоний нафсларини қондириб, ўзларининг ниятларига эришганларидан сўнг дарҳол никоҳдан ажралиш ҳақида судга даъво талаблари билан мурожаат қилувчилар ҳам учрамоқда.

Сохта никоҳ тузиш тарафларни қанчалик маънавий тубанлигидан далолат беришига қарамасдан, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги процессуал ҳаракатлар жуда ҳам осонлик билан кечиши ва уларни давлат, жамоатчилик олдида ҳеч қандай жавобгарлиги йўқлиги ҳақида юридик адабиётларда қатор фикрлар билдирилиб, бундай шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўриш лозимлигини таъкидлаб ўтилади [9, 128-бет]. Амалиётга назар солсак, шундай ҳолатни кўришимиз мумкинки, Тошкент шаҳар Ҳамза туман судига 2003 йил 3 март куни С.И.Шушкованинг даъво аризаси бўйича даъвогар А.Нурметовга нисбатан "никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида"ги талаблари юзасидан суд муҳокамасидаги баёнида қуйидагилар аниқланди: даъвогар С.И.Шушкова 2002 йилнинг октябрида жавобгар А.Нурметов билан танишиб, 2002 йил 30 октябрда никоҳдан ўтганликларини ва бунга асос тариқасида жавобгар ўзига қарашли квартирани жавобгарга сотишини ва шу давр ичида уйга рўйхатга киритиши ва бунинг эвазига 50.000 сўм олганлиги, кейинчалик эса жавобгар уй рўйхатига киргандан сўнг даъвогарни уйдан чиқариб юрганлигини ва улар эр-хотин бўлиб яшамаётганликларини, тузилган никоҳ сохта эканлигини кўрсатган.

Жавобгар А.Нурметов даъвога иқдор эканлиги ва даъвогар билан оила қуришга рози эканлигини билдирган.

Суд тўплаган далиллар, тарафларнинг баёнотларини тўғри баҳолаб, никоҳдан ўтишдан мақсад, жавобгарнинг квартира рўйхатига кириш ва кейинчалик уни жавобгар номига ўтказишини мақсад қилганлигини аниқлайди. Ушбу ҳолатлар бўйича, суд тузилган никоҳни ҳақиқий эмас, деб уни сохта эканлиги тўғрисида асосли ҳал қилув қарори чиқаради [10].

Сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш туфайли иккинчи виждонли-инсофли тараф кўрган маънавий зарарни ундириш учун ФКнинг 1021-1022-моддалари тегишли нормалари асосида даъво талаби билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари керак.

В.А.Рясенцев сохта никоҳни ҳақиқий эмас деб топилишини тамагирлик, ғараз ниятда тузилган никоҳдан фарқлаш лозимлиги тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазалар билдирган. Ҳарам ниятда тузилган никоҳдаги шахслар оилавий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиб, ҳуқуқ ва бурчга эга бўлиб никоҳ муносабатларига киришадилар. Бироқ, бундай никоҳни тузишга улардан бири ёки ҳар иккаласининг ўртасида муҳаббат, ҳурмат ёки дўстлик ришталари эмас, балки манфаатпарастлик каби иллатлар билан узвий боғлиқ бўлади. Бундай тузилган никоҳлар сохта тузилган

никоҳ эмас, балки никоҳ тузишга монелик қиладиган шартлар доирасида тузилган никоҳ деб ҳисобланади.

Фикримизча, ғараз ниятда тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун ҳуқуқий қиёслаш асосида ҳал этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаш билан бир қаторда никоҳ тузишга монелик қиладиган шартлар қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблаймиз.

Оила кодексининг 54-моддаси 1-қисмида “эр-хотин” сохта никоҳ қайд қилдирган ва оила қурмаган бўлсалар, никоҳ ҳақиқий эмас деб топилши мумкин, деган норма ифодаланган.

*Бу билан суд никоҳни сохта деб топмаслиги ҳам мумкин эканда, деган хулоса келиб чиқмайдими? Фикримизча, бундай ҳолларда “мумкин” сўзи ўрнига “шарт”, “мажбур”, “лозим” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки ҳуқуқий норманинг мазмуни шу сўзларнинг киритилишини тақозо этади.*

Агар суд ишни кўриш жараёнида тўпланган далиллар ва тарафларнинг баёнотларига асосланган ҳолда никоҳни сохталиги тўғрисида шубҳага борса, бу ҳақда никоҳни ҳақиқий эмас, деб топилши жараёнида асослаб кўрсатиши лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат. 2000. – 43 б.
2. Кротов М.В. Недействительность брака. – М.: Юриздат, 1995. – 233 с.
3. Гражданское право. Ч.3./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – М.: Проспект, 1999. – 334 с.
4. Пчелинцева Л.М. Семейное право России. – М.: Норма, 2008. – 77 с.
5. Комментарий к Семейному Кодексу Российской Федерации. – М.: 1997. – 67 с.
6. Муаллифлар жамоаси. Хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига доир қонун кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 134 б.
7. Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман судининг 2005 йилги архив материалларидан.
8. Тошкент шаҳар М.Улуғбек туман судининг 2015 йилги архив материалларидан.
9. Юркевич Н.Г. Заключение брака по советскому праву. – Минск: 1995. – 128 с.
10. Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг 2003 йилги архив материалларидан.

**М.С.Болтаев,**  
ТДҲУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.н.

**Ш.А.Исмоилов,**  
ТДҲУ докторанти

#### БИЗНЕС ВА МЕҲНАТ: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини янги таҳрирда қабул қилиш зарурати ҳамда унинг мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестиция фаолиятини ривожлантиришга таъсири кўриб чиқилади. Меҳнат кодексининг янги таҳрири амалдаги таҳририни қанчалик ўзгартириши юзасидан мунозарали саволлар таҳлил қилинади. Хусусан, ижтимоий-меҳнат соҳасида ходимлар, бизнес вакиллари ва давлат ўртасидаги ўзаро зиддиятли муносабатларга нисбатан турли хил ечимлар таклиф этилади. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилиш юзасидан ягона ёндашув йўқлиги сабабли аввало унинг концепциясини ишлаб чиқиш лозимлиги асослантрилади. Мазкур Кодекс концепциясининг асосини ташкил қилиши мумкин бўлган энг муҳим ғоялар таҳлил этилади. Меҳнат кодексини такомиллаштиришга доир миллий ҳуқуқшунос олимларнинг қарашлари ўрганилади. Шунингдек, айрим хорижий давлатларда (Грузия, Қозоғистон, Тожикистон) қабул қилинган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексларининг иқтисодиётга таъсири ўрганилиб, мазкур қонун ҳужжатининг тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни илмий башорат қилинади.

**Калит сўзлар:** меҳнат муносабатлари, кодекс, меҳнат кодекси, янги таҳрир, концепция, бизнес, тадбиркорлик, инвестиция, давлат дастури, такомиллаштириш.

**Аннотация:** в статье рассматривается необходимость принятия Трудового кодекса Республики Узбекистан в новой редакции и его влияние на развитие предпринимательской и инвестиционной деятельности в стране. Анализируются дискуссионные вопросы о том, в какой степени новая редакция Трудового кодекса изменит текущую редакцию. В частности, предлагаются различные решения в отношении разного рода спорных ситуаций между работниками, представителями бизнеса и государством, возникающими в сфере социально-трудовых отношений. Обосновывается необходимость, прежде всего, разработки концепцию Трудового кодекса в новой редакции, поскольку отсутствует единый подход к его пониманию и принятию. Анализируются наиболее важные идеи, которые могут составить основу Концепции данного Кодекса. Изучаются мнения ученых касательно улучшения кодекса. Кроме того, прогнозируется влияние принятия нового Трудового кодекса на экономику, на базе анализа роли и значения нового Трудового кодекса, принятого в некоторых зарубежных странах (Грузия, Казахстан, Таджикистан), в развитии предпринимательства.

**Ключевые слова:** трудовые отношения, кодекс, трудовой кодекс, новая редакция, концепция, бизнес, предпринимательство, инвестиции, государственная программа, совершенствование.



**Abstract:** the article discusses the need for a new edition of the Labor Code of the Republic of Uzbekistan and its impact on the development of business and investment activities in the country. Debating questions which the new edition of the Labor Code will change the current edition are analyzed. In particular, various solutions are proposed in relation to various kinds of disputable situations between employees, business representatives and the state, arising in the sphere of social and labor relations. In order to there is no unified approach to adoption of the Labor Code in a new edition, first, it justifies the need for drafting of concept. The most important ideas that can form the basis of the Concept of the Code are analyzed. Scientists' opinions are being studied on improving the code. In addition, the impact of the adoption of the new Labor Code on the economy, based on the analysis of the role of the importance of the new Labor Code adopted in some foreign countries (Georgia, Kazakhstan, Tajikistan) in the development of entrepreneurship, is predicted.

**Keywords:** labor relations, code, labor code, new edition, conception, business, entrepreneurship, investment, state program, improvement.

Иқтисодий тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бугунги Ўзбекистоннинг асосий мақсади ҳисобланади. Агар ушбу фикрни янада аниқроқ ифодалайдиган бўлса, мамлакатни 2030 йилда иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар элликталигига киритиш ислохотларнинг ўзагини ташкил қилади. Таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан мамлакатимизда косметик ислохотлардан фундаментал ислохотларга ўтиш бошланди. Валюта конвертациясининг эркинлаштирилиши, янги солиқ тизимининг жорий этилиши, эркин иқтисодий зоналарни барпо этилиши, давлатнинг иқтисодийдаги улушини кескин қисқартирилиши – булар ўтган икки йилда амалга оширилган туб ислохотларнинг натижасидир. Ушбу ислохотлар ўзининг кенг камровлиги, интенсивлиги, радикаллиги билан олдингиларидан ажралиб туради.

Ўтган қисқа давр ичида яқин, ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегиялар, давлат дастурлари, концепциялар, йўл хариталари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда уни 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури шулар жумласидандир.

Нима учун “фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” ушбу йилда марказий ўринга қўйилди. Бу биринчи навбатда иқтисодийга асосий урғу бериш, яъни уни кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Ижтимоий ривожланиш ҳақида эса шуни айтиш мумкинки, бугун дунёда бизнеснинг ижтимоий йўналтирилганлиги тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Ҳар қандай иқтисодий ислохотлар ижтимоий ислохотлар билан бирга кечиши ҳамда халқнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишига эришиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлиси Мурожаатномасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги

биринчи навбатда ижтимоий соҳадаги ислохотларимиз самараси билан чамбарчас боғлиқ [1].

2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурининг 135-банди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастурининг 31-бандида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини янги таҳрирда ишлаб чиқиш (2019 йил 20 декабрга қадар) вазифаси қўйилди [2]. Гарчи ушбу чора-тадбирлар дастурнинг Ижтимоий соҳани ривожлантириш қисмида турган бўлса ҳам, уларнинг иқтисодий билан боғлиқлиги кучли эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Ўтган йилларда Ўзбекистонда Меҳнат кодексининг янги таҳририни қабул қилишга оид уринишлар бўлган. Амалда эса мазкур масала бўйича биронта ижобий вазифа бажарилган эмас. Бироқ ҳозирда амалий жиҳатдан ушбу масалани амалга оширишга энг яқин келинди, деб айтиш мумкин. Чунки бугунги кун талаби инвесторлар бир вақтнинг ўзида иш берувчи эканлигини ҳам инobatга олган ҳолда «ҳодим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган қоидалар»ни Кодексда белгилаш вазифаси қўйилган.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳам кўплаб муаммолар мавжуд. Масалан, февраль ойининг ўрталарида Ўзбекистонга бағишланган ҳисоботни эълон қилди. Унда экспертлар томонидан мамлакатда ҳал қилиниши лозим бўлган тўрт муаммони кўрсатишди. Булар:

- андлик соҳасининг ривожланмаганлиги;
- корхоналар сонининг етарли эмаслиги;
- экспортнинг камлиги;
- кучсиз энергия самарадорлик.

Ҳисоботда алоҳида қайд этилишича, Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони тез ўсиб бормоқда. Агар мазкур ўсиш сақланиб қоладиган бўлса, Ўзбекистон 2030 йилга келиб Европа ва Марказий Осиёда ишчи кучининг сони бўйича бешинчи ўринни (Россия, Туркия, Украина ва Польшадан кейин) эгаллайди. Бироқ турли чекловчи омиллар сабабли фуқароларнинг катта қисми ишсиз, фаол бўлмаган ва хорижда ишловчи бўлиб қолмоқда.

Экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг катта муаммоларидан бири – бу фуқаролар ишлаш мумкин бўлган ўрта корхоналарнинг мавжуд эмаслигидир. Хусусан, ҳар бешта ходимдан тўрттаси қишлоқ хўжалигида ёки кичик хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Бундан ташқари ходимларнинг учдан бир қисми давлат корхоналарида ишласа, яна учдан бир қисми ўзларини мустақил иш билан таъминловчилар ҳисобланади [3]. Фикримизча, замонавий меҳнат қонунчилигини яратиш мазкур муаммоларни ҳал этишнинг йўлларида бири бўлиб қолади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кодификациялашган меҳнат қонунчилиги асосан роман-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларда амал қилади. Хусусан, меҳнат кодекслари МДҲ, Европанинг айрим давлатларида (Польша, Венгрия, Литва, Босния ва Герцеговина, Франция, Чехия) [4] амал қилади. Шунингдек, англо-саксон ҳуқуқи оиласига мансуб айрим давлатларда ҳам меҳнат кодекси қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин (Канада, Квебек) [5]. Айни вақтда кодификациялашган меҳнат қонунчилигини биринчи марта қабул қилишга уриниб

кўраётган айрим давлатлар (Ҳиндистон) ҳам борлигини таъкидлаш ўринлидир [6]. Аммо айтиш мумкинки, кўпгина Ғарб давлатлари ва англо-саксон ҳуқуқи оиласига кирувчи давлатларда меҳнат тўғрисидаги қонунчилик меҳнат ҳуқуқининг алоҳида институтлари бўйича махсус қонунлар қабул қилиш орқали шаклланган. Бу ерда ҳатто меҳнат шартномаларига нисбатан фуқаролик кодексларини (Германия) қўллаш ҳолатларини ҳам кўриш мумкин [7].

Энди меҳнат қонунчилигини кодификациялашнинг айрим мунозарали жиҳатларига тўхталиб ўтсак. Таъкидлаш лозимки, кодекс ҳар қандай мустақил ҳуқуқ соҳасининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Албатта ушбу қараш нисбий тусга эга ва уни мутлақ тўғри деб бўлмайди. Чунки кодексга эга бўлмаган ҳуқуқ соҳалари ҳам мавжуд (тадбиркорлик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва б.лар). Бироқ, айтиш мумкинки, кодекс ҳуқуқи меҳнат ҳуқуқини мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида амал қилишини белгиловчи асосий омилларидан бири саналади.

Шунга қарамадан 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида кодекс норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилмаган [8]. Мазкур қонун ҳозирда яна янги таҳрирда қабул қилиш учун норматив ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасига қўйилган, бироқ тақдим этилган қонун лойиҳасининг 15-моддасида ҳам кодекс норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида тури сифатида кўрсатилмаган [9]. Таъкидлаш лозимки, ҳар икки ҳолатда ҳам миллий қонунчилик кодексга қонун сифатида қараган. Бироқ Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунларида кодексга махсус таъриф берилган ҳамда уни норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг алоҳида тури сифатида қайд этган [10]. Шу ўринда миллий қонун чиқарувчи кодексга қонун сифатида қараб, уни норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида тури сифатида эътироф этмаганлигини мантиқий деб бўлмайди. Мисол учун Конституция ҳам аслида қонун (асосий)дир, бироқ у норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг алоҳида тури сифатида эътироф этилган. Шу нуқтаи назардан кодексга қонун эмас, балки норматив ҳуқуқий ҳужжатнинг бир тури сифатида қараш тўғри. Чунки кодекс янги тизимлашган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бу ҳақда ҳуқуқшунослар ва олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд. Бунга турли давлатларнинг қонунчилиги ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги далил сифатида кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда кодекслар узок муддат амал қилиш учун қабул қилинган барқарор қонун ҳужжатлари ҳисобланади, чунончи, Меҳнат кодекси ҳам. Таъкидлаш лозимки, собиқ Иттифоқ давлатлари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб 1995 йил 21 декабрда Меҳнат кодексини қабул қилган (1996 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилган). Меҳнат кодекси амалга киритилгандан вақтдан бошлаб ҳозирга қадар (2019 йил 1 март) унинг моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги моддалар билан тўлдиришга қаратилган жами 29 та қонун ҳужжатлари қабул қилинган [11]. Мазкур кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга оид қонун ҳужжатлари 2018 йилда энг кўп қабул қилинган (жами 5

та қонун). Меҳнат кодексига бир йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун ҳужжатлари сони 1,3 тани ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичдан кўришиб турибдики, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси нисбатан барқарор амал қилган. Бироқ аслида бундай барқарорлик меҳнат муносабатларининг барча иштирокчилари манфаатларига хизмат қилган эмас ҳамда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашмаган. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўтган йиллар мобайнида Меҳнат кодексини ислоҳ қилишга қаратилган бир неча маротаба уринишлар бўлишига қарамадан биронта йирик ислоҳот ўтказилмади. Жамиятда эса янгидан-янги ижтимоий-меҳнат муносабатлари вужудга келган бўлиб (эркин иш изловчиларни ёллаш, масофавий меҳнат, оилавий тадбиркорлик, уй хизмати, меҳнат миграцияси), уларни ҳуқуқий тартибга солиш оддий заруратга айланган.

Бугунги кунда олимлар ва амалиётчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини такомиллаштириш юзасидан турли фикр-мулоҳазалар, тавсиялар ва таклифлар билдирилган. Хусусан, меҳнатчи олим М.Гасановнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қуйидагиларни амалга ошириш орқали такомиллаштирилиши лозим:

- Кодексда меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини аниқ белгилаш;

- меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни келгусида ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган қўшимчаларни кодексга киритиш;

- меҳнат ва у билан боғлиқ бошқа ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек Кодексда мавжуд бўлган ноаниқликлар ва зиддиятларни бартараф этиш;

- ходимлар ва иш берувчилар манфаатлари мувозанатини бузадиган қоидаларни аниқлаш ва уларга тузатишлар киритиш;

- Кодексга айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларига бағишланган алоҳида бобни ишлаб чиқиш;

- ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш механизмлари самарадорлигини ошириш;

- Кодексдан ижтимоий таъминот ҳуқуқининг предмети ташкил қилувчи муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни чиқариб ташлаш [12].

Шунингдек, ҳуқуқшунос Б.Мусаев Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига киритиш зарурлигига оид таклифларни илгари суради. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнатга оид қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига «Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини меҳнат муносабатларига нисбатан татбиқ қилиш» деб номланган XVI<sup>1</sup>- бобни киритиш лозим [13].

Ҳуқуқшунос Д.Атажановнинг фикрича, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнат ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда нафақат имтиёзлар, балки чекловлар ҳам назарда тутилади. Бу эса мазкур тоифа ходимлар меҳнатининг хусусиятларини англайди. Шунини инобатга олиб, мазкур олим «Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган

қўшимча кафолатлар» параграфини «Аёллар ва oilавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари» деб номлашни таклиф қилади[14].

Юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар ўринли. Бироқ, фикримизча, янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган тақдирда ҳам бозор муносабатларига тўла мослашувчан бўла олиш имкони мавжуд эмас. Буни қуйидагилар билан асослашга ҳаракат қиламиз.

Меҳнат муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги тахририни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидагиларни амалга ошириш белгиланган:

- бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, норасмий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган рағбатлантирувчи нормалар;

- ишнинг ўзига хос хусусиятига кўра, меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилишнинг соддалаштирилган тартиби, ходим билан бир вақтда иш берувчининг ҳам манфаатларини ифодалайдиган қоидалар;

- Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларини имплементация қилиш ва меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри тартибга солувчи нормалар назарда тутилади [15].

Бугунги кунда иш берувчилар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига белгиланган кўплаб нормаларни бекор қилиниши тарафдори ва бу уларга бозор муносабатлари шароитида эркин ҳаракат қилиш имконини беради. Хусусан, иш берувчиларни ташкилий ва молиявий жиҳатдан мураккаб аҳволга соладиган кўплаб кафолатли тўловлар тизими амал қилади. Масалан, ушбу тўловлар қуйидагилар:

- ишдан бўшатиш нафақаси;
- огоҳлантириш муддатининг пуллик компенсацияга алмаштирилиши;
- қисқартирилган иш вақтлари учун амалга ошириладиган тўловлар;
- давлат, жамоат ва жамият манфаатларини бажариш муносабати билан иш ҳақининг сақланиши;
- қўшимча таътиллار учун тўланадиган ҳақ;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;
- бола парваришlash нафақаси.

Бундан ташқари меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш юзасидан иш берувчилар риоя қилиш лозим бўлган кўплаб мажбурий қоидалар борки, улар шартномалар эркинлиги тамойилини чеклайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг мазмунига кўра ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устувор ҳисобланади. Лекин бундай устуворлик манфаатлардаги мувозанатни бузадиган ҳамда иқтисодий ўсишни таъминламаса, тескари натижага олиб келади. Бизнес бунчалик оғир ижтимоий харажатлар шароитида «фойда кўрувчи»га айлана олмайди ва энди у фаолиятини норасмий ташкил қилиш ҳақида ўйлайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги тахририни ишлаб чиқишда аввало унинг концепцияси ишлаб чиқилиши лозим. Бу борада ушбу жараённи бошдан кечирган айрим қўшни давлатларнинг тажрибасини ўрганиш лозим. Таъкидлаш лозимки, меҳнат кодексини янгилаш бўйича ҳуқуқ тизимимиз

ўхшаш бўлган давлатларда кечаётган жараёнларни таҳлил қилиш бизга бир-биридан фарқланувчи иккита концепциянинг илгари суриш имконини беради. Биринчи концепциянинг моҳияти шундаки, унда аввалги Меҳнат кодексининг умумий фалсафаси ва моҳияти сақланиб қолади. Бироқ уни такомиллаштиришга қаратилган айрим бўшлиқлар ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали тўлдирилади. Лекин бу янгиланишлар меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш вазифасини кучайтириш билан чекланиб, иқтисодий ўсишга кучсиз таъсир қилади. Бундай ислохот натижасида «кескин ўзгариш» кутилмайди. Масалан, Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодекси (2015 йил), Тожикистон Республикаси Меҳнат кодекси (2016 йил)ни янги тахрири асосан бўшлиқларни тўлдиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради [16].

Иккинчи концепция янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мос бўлган «туб ўзгаришлар»ни ўзида ифодалаган меҳнат қонунчилигини яратишни назарда тутди. Бунга мисол сифатида Грузиянинг Меҳнат кодексини кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Иқтисодий ривожланишга кўмаклашув маркази раҳбари Ю.Б.Юсуповнинг Грузияда ўтказилган меҳнат қонунчилиги ислохоти ҳақидаги фикрлари буни тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, грузинларнинг ҳам меҳнат кодекси бизникидек, амалда советча – ўша пайтларга хос, айна кунларда иш бермайдиган нормалар билан қалаштириб ташланган эди. Улар миттигина меҳнат кодекси ёзишди, унинг асосий мазмуни «шартномага қаранг» эди. Яъни «Ходим ва иш берувчи шартномага қаранг, улар қандай шароитларда келишиб ишлашни яхшироқ билишади», дегани [17].

Ҳақиқатан Грузия 2006 йилда ўзининг собиқ Иттифоққа хос бўлган Меҳнат кодексини халқаро ва европа стандартларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган янгиси билан алмаштирди. Ушбу кодекс органик қонун (давлат тузилиши асосларини тартибга солувчи қонун ҳисобланиб, фундаментал ёки конституциявий қонун мақомида бўлади) ҳисобланиб, ўзида жами 55 та моддани мустаҳкамлаган [18]. Лекин ушбу Меҳнат кодексига экспертларнинг фикрича иш вақти, ишдан бўшатиш, ходимларни қисқартириш, гендер тенгликка оид махсус қоидаларнинг мавжуд эмаслиги сабабли кўплаб муаммолар юзага келган. Ҳатто бу ҳақда айрим кескин фикрларни ҳам кўриш мумкин. Мисол учун мазкур Қонуннинг якуний версиясига Америка савдо палатасининг тажовузкор бизнес-лоббиси қаттиқ таъсир қилганлиги ҳақидаги фикрларга дуч келиш мумкин[19]. Бироқ ислохотларни амалга ошириш бўйича Грузия давлат вазирлигининг қайд этишича, сўнгги 20 йилликда меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича бундай туб ислохотлар амалга оширилган эмас. С.Дьянков Грузияда амалга оширилган ислохотларни юқори баҳолаб, мамлакатда қабул қилинган меҳнат кодекси дунёдаги энг прогрессивларидан бири ҳисобланиши ва унинг энг кескин ўтказилган ислохотлар учталигига кириши, бундай ислохотлар эса Мексика ва Сербияда амалга оширилганлигини таъкидлайди [20]. Ушбу фикрларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, Грузия Меҳнат кодекси максимал даражада қулай бизнес юритиш учун мослаб тайёрланган, албатта, бундан иш берувчилар катта манфаатдор бўлганлар, бироқ ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юзасидан кўплаб яхши қоидалар йўқотилган. Мазкур Кодексни меҳнат

муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни тарафлар томонидан шартнома орқали белгилаб олишга энг кўп имкон берувчи қонун сифатида эътироф этиш мумкин. Шу билан бирга Кодексада иш берувчи роя қилиши лозим бўлган минимал талабларнинг катта қисми ҳам бекор қилинган. Бу жиҳатдан Грузия қулай бизнес юритиш ва инвестицияларни жалб қилишга асосий эътиборни қаратган.

Ҳозирда меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилиш бўйича Грузия тажрибасига ўхшаш амалиёт Украинада ҳам амалга оширилмоқда. Гарчи Украинада янги Меҳнат қонунлари кодексини янги Меҳнат кодексига алмаштириш бўйича ҳаракатлари (2003, 2015 йилларда биринчи ўқишда қабул қилинган) якунига етмаган бўлсада [21], ушбу кодекснинг асосий вазифаларидан бири иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Ўзбекистон янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини қабул қилишда Қозоғистон ва Тожикистон томонидан фойдаланилган концепцияни ўзи учун қабул қилиш эҳтимоли юқорилигини тахмин қилиш мумкин. Чунки Грузия тажрибасидан фойдаланиш бизда жуда кўп саволларни вужудга келтириб, суиестемолликларга сабаб бўлади. Ўзбекистон янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини ишлаб чиқишда катта эҳтимол билан ходим, бизнес ва давлатнинг манфаатлари мувозанатини таъминловчи қоидаларга асосий эътиборни қаратади.

Шунга қарамасдан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг концепцияси ўз ичига қуйидаги қарашлар ва қоидаларни сингдириши мақсадга мувофиқ:

– Кодекс структуравий жиҳатдан ўзгартирилиши лозим. Бунда умумий қисм ва махсус қисмлар бекор қилиниб, оммавий муносабатлар (Labour law) ва хусусий муносабатлар (Employment law) қисмларини ишлаб чиқиш;

– норасмий секторни қисқартириш мақсадида ишга қабул қилишда меҳнат шартномасининг ролини оширувчи қоидаларни киритиш;

– меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ва тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда ходимларга берилган ҳуқуқий кафолатлар ҳажмини қайта кўриб чиқиш;

– ходимлар манфаатларини ифодалаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қасаба уюшмаларининг ролини оширишга қаратилган нормаларни ишлаб чиқиш;

– меҳнат-процессуал ҳуқуқини ривожлантиришга қаратилган янги нормаларни яратиш;

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек чет эл корхоналарига нисбатан Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилишини такомиллаштириш.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни ҳам амалга оширишга эришилиши лозим. Булар:

– ҳуқуқий тартибга солишда мураккаб механизмлардан воз кечиш ва соддалашган тартибни ўрнатиш;

– барча нарсага рухсат бериш орқали тақиқларни камайитириш;

– шерикликни амалга ошириш орқали муаммоларни ҳал қилиш;

– механизмлардаги аниқликни ошириш;

– пассив нормаларни чиқариш ёки фаоллаштириш йўлини белгилаш.

Шунингдек, меҳнат муносабатларининг иқтисодийта ижобий таъсирини кучайтириш учун кўплаб императив нормалардан воз кечиш талаб этилади. Якуний хулоса сифатида айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни эркин танлашларига катта имкон бериш ва бизнес юритишда қулайликлар яратиш орқали иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

#### Адабиётлар рўйхати:

- <https://president.uz/uz/lists/view/2228+>
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си, 18.01.2019, 06/19/5635/2502-сон.
- <https://news.mail.ru/economics/36588619/?frommail=1.12.03.2019>.
- Томашевский К.Л. Трудовые кодексы государств – членов Евразийского экономического союза и их место в системах трудового законодательства. Вестник СПбГУ. Право. 2017. Т.8. Вып 2. – С.183-197.
- <https://www.canada.ca/>
- <https://labour.gov.in/labour-reforms>
- Шапп Я. Основы гражданского права Германии. Учебник. – М.: Издательство БЕК, 1996. – С.304.
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 583-модда.
- <http://regulation.gov.uz>
- <http://pravo.by/document/?guid=3871&p0=h100003>
- <https://online.zakon.kz/>
- <http://lex.uz>
- Гасанов М.Ю. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. – Т.: LESSON PRESS, 2016. – С.197-204.
- Мусаев Б.Т. Ўзбекистонда меҳнат муносабатларини коллизия-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: ТДЮУ, 2018. – 8, 94, 141-бетлар.
- Атажанова Д.С. Аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари. Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: ТДЮУ, 2018. – Б. 42.
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723-сон.
- <http://online.zakon.kz>
- Юсупов Ю.Б. Ислохотлар импорти. Ўзбекистон Грузия тажрибасини ўзлаштириши керакми? <https://kun.uz/news/2019/01/21/islohotlar-importi-ozbekiston-gruziya-tajribasini-ozlashtirishi-kerakmi>
- <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/1155567>
- Трудовой кодекс Грузии испорчен "лазейками" и недоработками. <https://perc.ituc-csi.org/Trudovoj-kodeks-Gruzii-ispochen>. 16-07-2013.
- Трудовой кодекс Грузии – самый эффективный закон. <https://www.trend.az/>
- Томашевский К.Л. Трудовые кодексы государств – членов Евразийского экономического союза и их место в системах трудового законодательства. Вестник СПбГУ. Право. 2017. Т.8. Вып 2. – С.183-197.

С.Юсупов,

ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

### ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ КЎЛАМИНИ ОШИРИШ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Анотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш шароитида хорижий инвестицияларни макро ва микро иқтисодиётга жалб қилиш зарурати, унинг шарт-шароитлари, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибалари асосида илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилди.

**Калит сўзлар:** инвестиция, иқтисодиёт, хорижий молиявий институтлар, инновацион фаолият, инновацион муҳит, молиявий ресурслар, имтиёз, солиқ ислохотлари, янги иш ўринлари.

**Анотация:** в данной статье на основании опыта развитых зарубежных стран изучены с научно-теоретической и практической точки зрения необходимость привлечения иностранных инвестиций в макро и микро экономику в условиях развития Республики Узбекистан, его условия, осуществляемые в данной сфере социально-экономические и правовые реформы, задачи, требующие разрешения в будущем.

**Ключевые слова:** инвестиции, экономика, иностранные финансовые институты, инновационная деятельность, инновационная среда, финансовые ресурсы, концессии, налоговые реформы, новые рабочие места.

**Annotation:** In this article, based on the experience of developed foreign countries, from a scientific theoretical and practical point of view, the need to attract foreign investment in the macro and micro economy in the context of the development of the Republic of Uzbekistan, its conditions, the socio-economic and legal reforms carried out in this area, tasks permissions in the future.

**Keywords:** Investments, economy, foreign financial institutions, innovation activity, innovation environment, financial resources, concessions, tax reforms, new jobs.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиётини кейинги юксак босқичга кўтариши кутилмоқда. Мазкур стратегиянинг учинчи банди “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланиб, унинг таркибида халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланишга катта аҳамият қаратилади. Бундан кўзланган мақсад иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларига хорижий инвестициялар, жаҳон брендларини фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ошириш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш, бутун мамлакат ҳудудида инвестицион жозибдорликни таъминлаш, биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, гоёлар ва ихтироларни молиялаш тизимининг ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу инновацион жараёнларнинг институционал асосларини ташкил этади.

Иқтисодий таҳлилларга асослансак, иқтисодчи олим А.Ш.Бекмуродов хорижий инвестицияларнинг хусусиятлари, уларнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда инвестиция муҳити ҳақида тўхталиб инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Жаҳондаги аксарият мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун маълум даражада рақобат курашини амалга ошириб, бунинг учун қулай ва рақобатбардош инвестиция муҳитини шакллантиради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат ички молия ресурслари чекланганлиги шароитида ҳар бир мамлакат учун муҳим кўшимча капитал манбаи, балки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур инновациялар, янги техника ва технологиялар, билимлар, ўқув ва компетенцияларнинг ҳам ишончли манбаи ҳисобланади” дея таъкидлаган [1]. Биз муаллифнинг ушбу таърифига қўшилган ҳолда инвестиция муҳити инвестиция муносабатларини амалга ошириш мумкин бўлган имкониятлар ва қўлайликлар мажмуасини ўзида ақс эттирган воқелиқдир. Инвестиция муҳитини яхшилашдан мақсад инвестиция салоҳиятини ошириш учун зарур ва мақбул шарт-шароитларни яратиш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, унинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини такомиллаштириш ва пировардида иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини яратишдан иборат бўлган ижтимоий-ҳуқуқий фаолият деган таърифни илгари сурамиз.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, деярли барча мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан тартибга солинишига эҳтиёж сезади.

Айрим хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра АҚШ, Япония, Германия, Италия, Корея, Хитой, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга ошириляпти [2].

Шу ўринда алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакат тараққиётида инвестицион муҳит, хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласининг ядросида мамлакат миқёсида амалга оширилаётган солиқ ислохотлари муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айни шу сабабли Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидаги иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш номли учинчи устувор йўналишида солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, шу билан

бирга таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобида унинг рақобатбардошлигини ошириш белгилаб берилди [3].

Биргина Америка Қўшма Штатлари мисолида кўриб чиқсак, ҳаттоки дунёнинг энг ривожланган давлатида ҳам компанияларга солинадиган федерал солиқларнинг 35 % эканлиги, айрим компанияларнинг даромадли ва фойдали ишлаб чиқариш соҳаларини ўзларидан анча кам солиқ юки бўлган масалан 15 % бўлган Ирландия каби давлатлар ҳудудига кўчириб ўтишларига олиб келган ва бунинг натижасида АҚШ компанияларининг 2 тирилليون доллар нақт пуллари хорижда сақланишига олиб келмоқда [4].

Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларни дастлабки натижалари сифатида: “2017 йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар ҳудудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган янги иш ўринларини ташкил этиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди” [5].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид остига олган ҳолда, қуйидагиларни таъкидладилар: “Лойиҳалар пухта ҳисоб-китоб қилинмагани, уларни амалга оширишга инвесторларнинг ўз маблағлари жалб этилмагани оқибатида қўллаб қорхоналар банкрот бўлган. Уларни соғломлаштириш вазифаси зиммасига юкланган тижорат банклари ҳам катта зарар кўрган. Шу боис жорий йилдан бошлаб банкрот корхоналарни банklar балансига бериш амалиётига чек қўйилди. Юзаки ўтказилган иқтисодий таҳлил оқибатида лойиҳалар фойдаланишга қабул қилинганидан кейин ҳам ўзини оқламаган – хом ашё йўқлиги, энергия ва газ билан таъминланмагани, иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлгани сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилмай қолган” [6].

Миллий иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция лойиҳаларининг молиявий-иқтисодий самара-дорлигини баҳолашда давлат ва яқка тартибда ёндашувни таъминлаш, бюрократизм, расмийчилик ва сансоларлик фактларига қатъиян чек қўйиш, экспертиза натижалари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лойиҳа олди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Халқаро ва хорижий молия институтлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари

қабул қилинган. Бундан ташқари, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларнинг самарали бажарилишига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ғов бўлаётган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга тўсқинлик қилаётган қатор камчиликларни бартараф этиш бўйича “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилинганлиги миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлиши учун инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти устувор эканлигини белгилайди.

2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтган йилнинг ҳудди шу даврига нисбатан жами инвестициялар ҳажми 13,4 фоизга кўпайиб, 41,2 трлн. сўмдан (доллар эквивалентида 5,1 млрд. АҚШ доллари) ошди (1-расм). Жорий йилнинг январь–июнида 8,6 трлн. сўм ёки 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 8,3 фоиз кам хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати 3,3 фоизни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даври кўрсаткичига нисбатан 1,9 фоизга камайди. Хом нефть ва табиий газ қазиб чиқариш фаолият турига жами ўзлаштирилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг 36,1 фоизи йўналтирилиши натижасида хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши – 54,9 фоизи Бухоро вилоятига тўғри келди [7].

Иқтисодиётимизга хорижий сармояларни жалб қилиш тартибини такомиллаштириш билан бирга Президентнинг мамлакатда қулай инвестиция ва шиблармонлик муҳитини тубдан яхшилашга хизмат қиладиган фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинди. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда давлат активларини ва давлат стратегик корхоналарини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 21 июндаги “Халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини бошқариш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 16 июлдаги “Халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида лойиҳалар тайёрлаш ва татбиқ этиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳам айнан иқтисодиётимизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

Улар қаторида 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармони алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Унга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб маҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки камайтирилади, давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг тушумидан ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинади ва уларнинг фойда солиғи ставкаси камайтирилади. Шу билан бирга, дивидендлар ва фоизлар бўйича фойда солиғи ставкасининг пасайтирилиши, қўшимча фойда

солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибининг тақомиллаштирилиши кутилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида 2018 йил 1 августда ПФ–5495-сонли “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ҳамда инвесторларнинг давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур Фармон билан 2018 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилдики инсофли фаолият юритган инвестор ва тадбиркорлик субъектига давлат органи (мансабдор шахс) томонидан уларга нисбатан қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониши сабабли келиб чиққан мулкый зарарнинг ўрни қопланади, агарда ушбу ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб мол-мулкдан фойдаланган, битим тузган ёки тақдим этилган афзаллик ва устунликлардан бошқача тарзда фойдаланган ҳамда мазкур ҳужжат кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган бўлса, давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида кўриб чиқилади, унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно.

Шунингдек, 2018 йил 1 сентябрдан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилиши, ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилиши, жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши белгиланди. 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилди, яъни қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш, кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш, инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8.500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда хўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, амалий ҳаётда инвесторлар бирор бир мамлакат иқтисодийётига инвестицияларни киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилганлиги, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига, мамлакат миллий қонунчилигида мулк ҳуқуқининг ҳимояланганлик даражаси ва механизмлари, шунингдек суд тизимининг мулк ҳуқуқини ҳимоялаш функцияларини амалга оширишида давлат ва унинг бошқарув органларидан нечоғли мустақил эканлиги ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг қонуний кучи ҳамда ижроси масалаларига эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодийётига киритишдан олдин мамлакатнинг инвестиция муҳитини маълум иқтисодий индикаторлардан фойдаланган ҳолда баҳолайди, улар, одатда, халқаро индекслар шаклида ифодланади.

Кичик бизнес муаммолари кўпинча тадбиркорларни бозор шароитида ишлашга етарли билим ва малакага эга эмаслиги билан боғлиқдир. Хорижий тажрибадан фойдаланиб Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлган кадрлар салоҳиятини сифат жиҳатдан ошириш, замонавий информацион технологиялар ёрдамида кадрлар квалификациясини ошириш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш, кадрларни “таълим таъсири” технологияси бўйича қайта тайёрлаш мақсадида таълим муассаси, бизнес, инфратузилмавий ташкилотларнинг ҳамкорлик тизимини ривожлантириш бизнингча бу соҳа ривожини учун ижобий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда ҳам тадбиркорликни, хусусан, кичик корхоналар ривожланишида венчур фондларини шакллантириш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: Биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу

эса ўз навбатида, махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишни кенгайтириш борасида алоҳида механизмни ишлаб чиқиш ва амалда қўллашни, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимни босқичма-босқич жорий этишни тақозо этади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Бекмуродов А.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион юксалиш моделини излаб. – Тошкент: XXI ASR, 2018. – С.215.
2. Маширова Т.Н., Сабенова Б.Н., Сихымбекова А.М. Основные направления развития малого и среднего бизнеса: зарубежный опыт // Ж. Экономика и финансы. – №3. – 2012. – С.31.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ–4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6. 70-модда; – №20. 354-модда.
4. <https://www.forbes.com/sites/christopherhelman/2017/04/18/what-americas-biggest-companies-pay-in-taxes>.
5. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2017. – 22 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи. 2018. – 17 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2018 йил январь–июнь” статистик ахборотномаси. – Б.60–77.

И.Якубова

ТДЮУ “Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси

### ТАСВИРГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ – ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚНИНГ АЖРАЛМАС ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

**Аннотация:** ушбу илмий мақолада Ўзбекистон ҳамда чет эл мамлакатлари фуқаролик қонунчилигида тасвирга бўлган ҳуқуқнинг ўрни ва аҳамияти, қонунчиликлардаги қиёсий таҳлили келтирилган, шунингдек цивилист олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Миллий қонунчилик учун амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** тасвирга бўлган ҳуқуқ, шахсий номулкий ҳуқуқлар, шахсий ҳаёт, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсга тааллуқли маълумотлар.

**Аннотация:** в данной статье анализируются роль и значение права на изображение в гражданском праве Узбекистана и зарубежных стран, проводится сравнительный анализ законодательств, а также изучены мнения ученых гражданского права. Сформулированы предложения и рекомендации, имеющие практическую важность по совершенствованию национального законодательства.

**Ключевые слова:** права на изображение, личные неимущественные права, личная жизнь, неприкосновенность личной жизни, личные данные.

**Abstract:** this article analyzes the role and importance of the right to image in the civil law of Uzbekistan and foreign countries, carries out a comparative analysis of legislation, and also studies the opinions of scholars of civil law. Formulated suggestions and recommendations of practical importance to improve national legislation.

**Keywords:** the right to image, non-property rights, private life, privacy, personal data.

Фуқаролик ҳуқуқида тасвирга бўлган ҳуқуқ долзарб ва ўзи хос мавзулардан биридир. Мазкур мавзунинг ўзига хос томони шундаки, тасвирга бўлган ҳуқуқ аввалроқ мавжуд бўлган, давлат томонидан ҳимоя қилинади, бироқ ушбу соҳа етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, мазкур мавзу батафсил ўрганиш ва таҳлил этишни талаб этади. Қонунчиликда расмий изоҳнинг мавжуд эмаслиги, соҳа шаклланишидаги ноаниқликлар, маълумотларни нашр этишининг янги воситаси сифатида – интернет мазкур ҳуқуқий муносабатни тартибга солишда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Мазкур мақоланинг долзарблиги айнан фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқинини муҳофаза қилиш бўйича миллий қонунчилик такомиллаштирилмаганлигида, ҳаттоки умуман акс эттирилмаганлигида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 99-моддасида бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар билан биргаликда санаб ўтилган, холос. Эътиборимизни Россия Федерацияси Фуқаролик кодексига қаратсақ, унинг 152<sup>1</sup>-моддаси фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқини муҳофаза этишга бағишланган. Ушбу нормага мувофиқ фуқаронинг тасвирини эълон қилиш ёки ундан фойдаланиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади. Мазкур нормага истисно сифатида фуқаро тасвирини оммавий мақсадларда (давлат, жамоат ва бошқа) фойдаланиш мумкинлиги жиҳатлари



мавжудлиги кўзга ташланади. Эркин қатнов ёки оммавий тадбирлар бўлаётган жойларда олинган фуқаронинг тасвири ёки айнан фойдаланиш объекти бўлмаган шахснинг тасвирлари, шунингдек фуқаро муайян тўлов эвазига тушган расмлар тасвирга бўлган ҳуқуқнинг бузилишининг истисно ҳолатлари деб тушунилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралаштириш тақиқланади деб белгиланган. Инсоннинг шахсий ҳаёти таркибига, албатта, тасвирга бўлган ҳуқуқни ҳам киритишимиз керак.

Асосий муаммо шундаки, ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаро тасвири тушунчасига аниқ таъриф (дефиниция) мавжуд эмас. Аниқроғи, қонунчиликда расмий термин мавжуд эмас. Бир қатор олимлар мазкур муаммони ечиш бўйича ўз ёндашувларини ифодалаган. С.П.Гришаевнинг “Фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқи” [1] номли мақоласида С.И.Ожегова луғатидаги тасвир деганда, “ниманидир кўриш, хотирлаш” [2] тушунчасидан қочиш лозимлигини таъкидлайди. Бу ифода тасвири яратиш, воқеликни аниқ ва тиниқ ифодаловчи фото ёки видео хусусида сўз кетганда тўғрироқ бўлар эди, бизнинг назаримизда. Тасвирий санъат предметининг қай бир тури фуқаро тасвири ҳисобланиши кераклиги очиқ қолмоқда. Профессор А.М.Эрделевский “ҳар бир объектнинг тасвири худди шу объектнинг образидан ёки ҳақиқатдан мавжуд воқелик асосида яратилади. Тасвир этилаётган объект фақатгина тасвир этувчининг таассуротида мавжуд бўлиши мумкин (масалан, рассом персонаж ҳақида адабий асарни ўқиш натижасида шаклланган таассуротидан келиб чиққан ҳолда чизади), фуқаронинг тасвири эса унинг ташқи қиёфасини ифодалайди” [3] – деб таърифлайди. Таъкидлаш жоизки, фуқаронинг тасвири кўриш орқали ифодаланадиган образдир. Бу тушунча жуда кенг маънода ёритилган бўлиб, унда нафақат шахснинг ташқи кўринишининг объектив хусусиятлари, балким рассомнинг тасвирга бўлган субъектив ёндашуви ҳамдир. Бироқ бу тушунча бир қатор саволларни келтириб чиқаради. Масалан, юридик маънода тасвирнинг мезонлари мавжудми, суратда муайян шахснинг фотографияси тасвирланганлигини муҳокама этиш учун мезонлар мавжудми сингари саволлар. Бу саволга жавоб бериш учун фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқини муҳофаза этиш нимага йўналтирилганлигини ёритиш лозим.

С.Гришаев яна бир номоддий неъмат тасвирга бўлган ҳуқуқни таъминлаш сифатида ташқи кўринишга бўлган ҳуқуқни кўрсатади. Индивидуал кўриниш – “инсоннинг ташқи кўринишининг белгилари билан боғлиқ бўлган номоддий неъмат (ташқи кўриниши, қомати, жисмоний белгилари, кийими ва бошқалар) бўлиб, у ҳақидаги фикрнинг бутун ва қисман сиймоси сифатида гавдаланади” [4]. Худди шундай фикрни А.М.Эрделевский ҳам билдиради, фақат ушбу номоддий неъмат ҳуқуқи сафига ташқи кўринишни сир сақлашига бўлган ҳуқуқни ҳам киритиш керак. Ушбу берилган таъриф тасвирга бўлган ҳуқуқнинг критерияси сифатида, унинг таркибига инсоннинг ташқи кўринишининг уникал белгиларини ҳам киритиш кераклигини аниқлатади. Бу ҳолатда тасвирга бўлган ҳуқуқ – инсоннинг ташқи кўринишини кўриш орқали акс эттиришининг узлуксизлигини тушуниш мумкин. Шу билан

бир қаторда, яна бир савол туғилади. Шахснинг тасвири таркибига – шахсни идентификация қилиш учун зарур барча белгилар кирадими ёки айрим белгиларини мавжудлигининг ўзи етарлими? Қисқа қилиб айтганда, шахсни тасвирлаб чизилган карикатура ёки шарж ҳам унинг тасвири доираси таркибига кирадими? Ёки фақатгина унинг расми ёки видеосигина шахснинг тасвирини акс эттирадими? Бу саволга жавоб топиш қийин.

Агар қонунчиликда шахснинг тасвири тушунчасини тўлиқ ёритиб берилса, албатта, тасвирга бўлган ҳуқуқнинг мазмуни аниқлаштирилган бўлар эди, лекин бундай ҳуқуқдан бошқа нотўғри мақсадларда ҳам фойдаланилишига олиб келиши мумкин. Чунки ушбу ҳолатда, тасвирдаги шахснинг айрим белгиларини ўзгартириб (фақатгина таниб олиш учун керакли бўлган белгиларини қолдириб) фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолат ҳеч кимнинг шахсий номулкий ҳуқуқини бузмайди. Лекин тасвирга бўлган ҳуқуқнинг асосий элементлари бўлган кадр-қиммати, пок номига, ишчанлик обрўсига доғ тушириши ва ташқи кўринишининг индивидуал хусусиятларини акс эттирувчи ташқи кўринишига бўлган ҳуқуқлари таҳдид солиши мумкин. Шу билан бир қаторда, шахснинг тасвири доирасига унинг визуал кўринишини ҳам киритиб, қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйса, айрим ҳуқуқ ҳимоячиларини ҳам тегишли доирадан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга мисол тариқасида, В.А.Биляев қуйидагиларни келтиради: “Гарри Поттер ва махфий хона” фильмидаги Эльф Добби персонажи, кўпчиликнинг фикрига кўра, Россиянинг ҳукумати вакилининг ташқи кўринишига ўхшаб кетар экан. Ушбу тортишувлар жудаям авж олдики, “Известия” газетасининг ёзишига кўра, Эльф Добби персонажини судга берилиши мумкин, чунки фильмнинг махсус эффектлари бўйича аниматорлар атайлаб уни ушбу шахсга ўхшаш қилиб яратишган. Бундай фикрни Россиянинг кўплаб фуқаролари билдиришган [5]. Албатта, бундай фикрга келиш учун уларда ҳеч қандай етарли асос бўлмаган, аммо ушбу аҳмоқона ҳолат шахснинг ҳаттоки биттагина белгиси ўхшаш бўлиб қолганда, тасвирга бўлган ҳуқуқ бузилди деб ҳисобланаверса, бошқа учинчи шахслар бундан жабр кўриб қолиши мумкин.

Япония фуқаролик ҳуқуқида тасвирга бўлган ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқларини одатларига қарамай, Конституциянинг шахсий ҳуқуқлари сифатида кўришади [6]. Япония машҳур шахсларининг ошкораликка бўлган (ўзини реклама қилиш, тасвири кўрсатишга бўлган) ҳуқуқи бу иқтисодий ҳуқуқ бўлса, махфийликка, сир сақлашга бўлган ҳуқуқ шахсий ҳуқуқ дея аташади [7]. Япония қонунчилигида ошкоралик ҳуқуқи ҳақида ҳеч қандай аниқ қоидалар мавжуд бўлмасида, бу ҳуқуқ Конституцияга ва Фуқаролик кодексига асосланиб, унинг мавжуд бўлиши учун Япония прецеденти асосий сабабчидир. Тасвирга бўлган ҳуқуқ Япония давлатининг асосий қонуни ҳисобланмиш, Конституцияси бўйича агар шахс тасвирга олинаётган шахснинг розилигисиз, ҳеч қандай сабабларсиз расмга олиши, у ушбу конституциянинг 13-моддасини бузган деб ҳисобланади. Япония Конституциясининг 13-моддасида “Барча шахслар алоҳида шахс сифатида ҳурмат қилиниши керак. Уларнинг ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш ҳуқуқи, агар у ижтимоий фаровонликка тўсқинлик қилмаса, қонунлар ва бошқа ҳукумат ишларида устувор аҳамиятга эга бўлиши керак” деб мустаҳкамланиб

қўйилган.

Олий суднинг прецедент ҳуқуқи ошқоралик ҳуқуқини шахсий ҳуқуқдан келиб чиққанлигини таъкидлайди. Шахсий ҳуқуқ эса қонуний равишда “бахтга интилиш” деб тан олинган.

Япония Фуқаролик кодексининг 709-моддасида “Агар шахс бошқаларнинг ҳуқуқларини кўпол равишда, бепарволик билан ёки бошқа шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қилган ҳолда бузса, у оқибатда юзага келадиган ҳар қандай зарарни қоплаши шарт.

Ўзининг тасвирини реклама қилиш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи воситасида амалга оширилиши мумкин. Фуқаролик қонунда тасвирга бўлган ҳуқуқи бузилган шахс дастлабки огоҳлантириш учун ариза топшириши ёки ҳуқуқбузарга қарши даъво қилиши мумкин. Тасвирга бўлган ҳуқуқи бузилган шахс судда жавобгардан зарарни қоплашни, тасвирга бўлган ҳуқуқнинг бузилиши оқибатида ноқонуний бойлик орттирганни билдириб, ундан қўшимча моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни талаб қилиши мумкин.

Бирор кишининг номга, тасвирга бўлган ҳуқуқи ва шунга ўхшаш бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари Япония қонунчилиги бўйича тижорат қийматига эгадир. Япония фуқаролик ҳуқуқида бу аслида тижорат билан боғлиқ бўлган ёки шахсни идентификация қилиш учун ёки ташқи кўринишини акс эттириш, намоеън этиш билан билан боғлиқ ҳуқуқлар сифатида намоеън бўлади. У бошқа шахслардан ажралиб турувчи кўриниши, характеристикаси ва атрибутлари, алоҳида бир шахс сифатида жамият томонидан қабул қилиниши тушунилади. 2012 йилда Япония қонунчилигида тасвирга бўлган ҳуқуқ интеллектуал мулкнинг бундан аввал тан олинмаган янги кўринишини яратди. Қонунчиликда 2 та асосий тушунчалар пайдо бўлди, булар: рўйхатдан ўтган шахс ва унинг тасвири. Япония қонунчилиги бўйича шахс ўзини ва тасвирини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга. У шундай усул билан тасвирга бўлган ҳуқуқини шахсий номулкий ҳуқуқ сифатида ҳамда мулкый ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилади [8].

Одамлар ўзларининг исмларини, расмларини, ўхшашлигини ёки идентификациялаш хусусиятларини Япония Патент идораси билан савдо белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиши мумкин. Агар товар белгиси сифатида тасвирга бўлган ҳуқуқ Япония Патент идорасида рўйхатга олинган бўлса, “Товар белгиси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ рўйхатдан ўтган товар белгисини учинчи шахсларнинг фойдаланишидан ҳимоя қилиши мумкин. Товар белгисидан фойдаланиш истеъмолчиларга бундай товарлар ёки хизматлар ушбу товар белгиси эгаси томонидан ишлаб чиқарилган, тарқатилган ёки тақдим этилаётганини англаш имконини берадиган бўлса, у товар белгиси тўғрисидаги қонуннинг 26.6-моддасига мувофиқ товар белгиларининг бузилиши ҳисобланмайди. Бошқача қилиб айтганда, агар сиз “бошқа шахснинг тасвирини товар белгиси сифатида” фойдаланмасангиз, унда товар белгиси ҳуқуқининг бузган ҳисобланмайсиз.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳам фуқаронинг тасвирга бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаш ҳамда унга қандай ҳолатларда розилик талаб этилмаслик шартларини белгилаб қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун, Фуқаролик кодексига янги

99<sup>1</sup>-модда тариқасида Фуқаро тасвирини ҳимоя қилишни киритиш лозим деб ҳисобладик. Фуқаронинг тасвирини (шу жумладан суратини, видеолавҳасини ёки у тасвирланган санъат асарини) эълон қилишга ва ундан фойдаланишга фақат шу фуқаронинг розилиги билан йўл қўйилади. Вафот этган фуқаронинг тасвиридан фақат унинг турмуш ўртоғи, фарзандлари, улар йўқ бўлганда эса ота-онасининг розилиги билан фойдаланиш мумкин. Ушбу модда биринчи қисмида назарда тутилган розилик қуйидаги “тасвирдан фойдаланиш давлат ва жамият манфаатлари, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мақсадларида амалга оширилаётган бўлса; фуқаронинг жамоат жойларида ва ташриф буюриш учун очиқ бўлган бошқа жойларда, оммавий тадбирларда ўтказилган тасвирга олиш жараёнида олинган тасвирдан фойдаланишда; тасвирда ҳуқуқбузарликни содир этиш пайти тасвирланган ҳолларда талаб этилмайди” деб тақлиф ва фикрларимизни баён қилдик.

Ҳозирги пайтда интернет тармоғи орқали ҳам бошқа бир шахсларнинг тасвиридан ноқонуний, тасвир эгасининг розилигисиз фойдаланиш ҳолатлари кундан кунга ошиб бормоқда. Ана шундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида ушбу модданинг охириги қисми сифатида “Агар фуқаро ушбу моддага зид равишда қўлга киритилган тасвири “Интернет” тармоғи орқали тарқатилган бўлса, фуқаро тасвирни олиб ташланишини, шунингдек тасвирнинг тарқалишини тўхтатиш ва ман этишни талаб қилишга ҳақли” деган нормани фуқаролик қонунчилигида мустаҳкамлаш лозим деган хулосага келдик.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Гришаев С.П. Право гражданина на изображение // Гражданин и право. – № 9. – сентябрь. 2012.
2. Ожегов С.И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений. – М.: Азбуковник, 1999. – С. 245.
3. Эрделевский А.М. Об охране изображения гражданина // Законодательство. – № 7. – июль. – 2007.
4. Гришаев С.П. Право гражданина на изображение // Гражданин и право. – № 9. – 2012.
5. Беляев В.А. Занимательная цивилистика // Законодательство. – № 6. – 2003.
6. LaFrance & Cline (2008) *supra*. Nevertheless, the right is recognized by reference to the Constitution, the Civil Code, the Copyright Act, or a combination of the three.
7. Crennan S. (1995) The Commercial Exploitation of Personality, 8 Australian Intellectual Property Law Bulletin 10
8. Drahos P. (1999) The Universality of Intellectual Property Rights: Origins and Development in Intellectual Property and Human Rights, Geneva: World Intellectual Property Organization, 13 – 41.

А.Э. Жумағулов,

ТДЮУ Халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси  
ўқитувчиси**ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ  
РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

**Аннотация:** ушбу мақолада жамоавий инвестициялаш воситаси бўлган инвестиция фондларининг тарихий ривожланиш бошқичлари таҳлил этилади. Жумладан, унда инвестиция фондлари пайдо бўлишининг тарихий зарурати, дастлабки инвестиция фондлари, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид тарихий тажриба муҳокама этилади.

**Калит сўзлар:** жамоавий инвестициялаш воситалари, қимматли қоғозлар бозори, акциялар, инвестиция фондлари, ўзаро инвестиция фондлари, молиявий пирамидалар, акциялар.

**Аннотация:** в данной статье анализируются этапы исторического развития инвестиционных фондов, являющихся инструментом коллективного инвестирования. В том числе обсуждаются вопросы исторической необходимости проникновения инвестиционных фондов, первоначальных инвестиционных фондов, исторического опыта, касающихся правового регулирования их деятельности.

**Ключевые слова:** инструменты коллективного инвестирования, рынка ценных бумаг, акции, инвестиционные фонды, взаимные инвестиционные фонды, финансовые пирамиды.

**Annotation:** this article analyzes the stages of the historical development of investment funds, which are a tool for collective investment. Actually the issues of the historical need for penetration of investment funds, initial investment funds, and historical experience concerning the legal regulation of their activities are discussed.

**Keywords:** collective investment instruments, securities market, stocks, investment funds, mutual investment funds, financial pyramids.

Ўзбекистон Республикаси “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига кўра, инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс – акциядорлик жамияти инвестиция фондидир.

Инвестиция фондлари фонд бозори ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида капиталнинг эркин оқимини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолининг кенг табақаларига фонд бозорига кириш имконини бериш ва омонатларни шакллантириш, уларни иқтисодиётнинг реал секторига киритиладиган инвестицияларга айлантириш учун учун хизмат қилади.

Инвестиция фондлари жамоавий инвестициялашни амалга оширувчи тижоратчи ташкилот ҳисобланади. Бугунги кунда дунёдаги барча инвестиция фондлари 31 триллион АҚШ долларига тенг миқдордаги хусусий жамғармаларни ўзида бирлаштирган. Бу бутун дунё ЯИМнинг 45 фоизга тенгдир [1, 2-бет]. Инвестиция фондлари ўзининг бир қатор афзалликлари туфайли кўплаб давлатларда инвесторларнинг ишончини қозонган. Биринчидан, кичик сармоя эгаларининг маблағлари инвестиция фондининг портфелида

йиғилиб, улкан молиявий ресурсни шакллантиради. Иккинчидан, инвесторлар ушбу портфелни бошқаришни профессионал бошқарувга берадилар. Натижада хавф-хатар ва таваккалчилик даражаси анча камаяди. Шунингдек, операцияларнинг кўлами ҳисобига харажатлар камайиши барча инвесторлар учун мақбул ҳисобланади, харажатларнинг камайиши эса даромадларнинг кўпайишига имкон беради. Бундан ташқари, яқка тартибдаги инвестициялашга қараганда жамоавий инвестициялаш ишончлироқ бўлади. Кичик хусусий инвесторлар акцияларни танлаш ва фонд бозорида фаолият юритиш учун етарли вақт ва билимга эга эмас. Бироқ улар ҳам йирик инвесторлар сингари акция ва облигациялардан фойда олишни истайди.

Мамлакатимизда жамоавий инвестициялаш воситалари яхши ривожланган деб айта олмаймиз. Бугунги кунда мамлакатимизда 9 та инвестиция фонди фаолият юритмоқда. Уларнинг 7 таси 2002 – 2006 йилларда ташкил этилган. 2014 йилда ва 2017 йилда 2 та инвестиция фондлари давлат рўйхатидан ўтган [2]. Уларнинг фаолиятини қоникарли деб бўлмади. Шу боис, инвестиция фондларининг тарихини, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш бошқичларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Дунё бўйлаб бугунги кундаги инвестиция фондлари тахминан 300 йиллик тажрибага эга.

Инвестиция фондларининг тарихи узоққа бориб тақалсада, уларнинг ривожланиши ва оммалашувига кўп вақт бўлмади. Ҳозирги кундаги замонавий инвестиция фондларининг аجدодлари XVIII асрда пайдо бўлган. 1774 йилда голландиялик савдогар Абрахам ван Кетвич биринчи ёпиқ инвестиция фондини ташкил этган. Ушбу фонднинг номи таржима қилинганда, “Куч бирдамлик”да деган маънони англатган. Ушбу маъно бугунги кундаги инвестиция фондларининг моҳиятини ўзида акс эттиради. Унинг фонди инвесторларнинг сармояларини ҳуқумат ва хорижий банклар томонидан чиқарилган облигацияларга қўйиш учун бирлаштирган. Ушбу фонд ўз инвесторларига 4 фоиз йиллик даромад ваъда қилган [3]. Шундан сўнг, 1822 йилда Бельгияда, 1849 йилда Швейцарияда ва 1852 йилда Францияда, 1880 йилда Шотландияда хусусий инвесторларнинг маблағларини бирлаштирувчи фондлар бирин-кетин пайдо бўлди. АҚШга инвестиция фондлари Шотландия орқали кириб борган [4, 4-бет].

Илк даврларда жамоавий инвестициялаш ҳар доим ҳам хусусий инвесторлар учун хавфсиз бўлмаган. Кўп ҳолларда инвестиция компаниялари “совун пуфаги” деб аталадиган йирик низолар марказида қолиб кетган. Бунинг учун 1890 йиллардаги Жанубий ва Шимолий Америка ўртасида барпо этилган Панама канали қурилишини эслаш кифоя. 1880 йилда машҳур Суэш канали ташаббускори француз графи Фердинанд де Лессенс “Океанлараро умумий Панама канали” компаниясини ташкил этиб, хусусий инвесторларга юқори даромадни ваъда қилиб қурилиш ишларини молиялаштиради. Молиявий найранглар, кўплаб ишчиларнинг ўлими ва қурилиш ишларининг катта харажат талаб қилганлиги туфайли 1887 йилда компания инқирозга учраб, минглаб акциядорлар пулсиз қолишади.

1920 йил АҚШда Чарльз Понци томонидан ташкил этилган молиявий пирамида қулади. У инсонларга бозор баҳоси 5 фоиз бўлган ҳиссалар учун 50 фоиз ваъда қилган. Ҳиссадорлар Понцининг юқори

даромадни кафолатлайдиган махфий режаси бор деб, анча пайтгача ишониб юришади. Ваҳоланки, улар Понци ва унинг шериклари томонидан алданган эдилар. Дастлабки пайтларда Понци эски ҳиссадорларга янги ҳиссадорларнинг пулларидан фоизлар ажратиб турган. Понцининг фирибгарлиги классик молиявий пирамидани ифодаловчи “Понци чизмаси” номи билан тарихда қолган [5, 15-бет]. Бундай фирибгарлар тўзоғига инвесторларнинг илинмаслиги учун 1899 йилда АҚШда биринчи инвестиция-маслаҳат компанияси ташкил этилди, ушбу компания майда инвесторларга иқтисодийнинг қайси соҳаларига ўз жамғармаларини инвестиция қилишлари тўғрисида маслаҳат берар эди. Молиявий-консалтинг компаниялари фаолиятининг ривожланиши инвестиция фондларининг пайдо бўлиши учун молиявий хизматлар бозорини тайёрлади [6, 52 бет]. Ушбу компаниялар босқичма-босқич хусусий инвестициялардан жамоавий инвестицияларга маслаҳат беришга ўта бошлади. Натижада майда хусусий инвестициялар бир портфелга жамланган жамоавий инвестицияларга айлана бошлади. Молиявий пирамидалар ва турли фирибгарлик режаларига қарши турадиган муқобил оқилна ташкилий-тузилманинг яратилишига 200 йил талаб қилинди. Бу 1924 йилда АҚШнинг Массачусетс штатида ташкил этилган биринчи очиқ инвестиция фонди эди. Massachusetts Investors Trust акциядорларнинг биринчи талаби билан акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган.

Инвестиция фондлари хусусий инвесторларга професонал бошқарув асосида банкларнинг омонатларидан кўра кўпроқ фойдани ваъда қилар эди. Натижада, майда инвесторлар сони юқори суръатлар билан ошди. Аслини олганда, акциядорлик жамиятларининг тарихи ҳам шу даврдан бошланади. Буюк географик кашфиётлар улкан иқтисодий ўсишни бошлаб берди. Йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун жуда катта миқдорда молиявий ресурсларни топиш талаб этилар эди.

Бугунги кунда АҚШ инвестиция фондларининг сони ва уларнинг маблағларини миқдори бўйича дунёда биринчи ўринда туради. АҚШ инвестиция фондларининг тараққиёти тўрт босқични қамраб олади. Биринчи босқич 1893 – 1933 йиллар бўлиб, бу давр инвестиция фондларининг пайдо бўлиш даври ҳисобланади. Ёпиқ инвестиция фондларининг дастлабки кўриниши ҳам 1893 йилда АҚШда пайдо бўлган. Ушбу инвестиция фонди The Boston Personal Property Trust деб номланиб, жаҳонга машҳур Гарвард университети профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг маблағларини жойлаштириш учун ташкил этилган. Биринчи очиқ инвестиция фонди 1924 йилда АҚШнинг Массачусетс штатида ташкил этилган. Massachusetts Investors Trust акциядорларнинг биринчи талаби билан акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган [7, 15-бет]. Ушбу фонд бугунги кунгача муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Унинг йиллик ўртача даромади 10,9 фоизни ташкил қилади. Олимлар ҳозирги замонавий инвестиция фондларининг тарихини ушбу йилдан бошланган деб ҳисоблайдилар. Шу санадан бошлаб, АҚШда инвестиция фондларининг сони кескин ошиб кетди. 1929 йилда АҚШда 19 та очиқ инвестиция фонди ва 700 га яқин ёпиқ инвестиция фондлари фаолият юритган. Бу давр аҳолининг ушбу инвестициялаш усулига ишончсизлиги, давлат

назоратининг етарли эмаслиги, инвестиция фондлари мансабдор шахсларининг ўз мансабларини суиистеъмол қилиши билан тавсифланади. Буюк турғунлик даврининг кириб келиши кўплаб ишлаб турган инвестиция фондларининг фаолиятига чек қўйди.

Жамоавий инвестициялаш тараққиётининг иккинчи босқичи 1933 – 1945 йилларга тўғри келади. Бу давр инвестиция фондлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши билан тавсифланади. 1933 йилда қимматли қоғозларни эмиссия қилувчилар фаолиятини тартибга солувчи “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унинг изидан 1934 йилда “Қимматли қоғозлар билан савдо қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Қимматли қоғозлар ва биржа бўйича комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссия қимматли қоғозларни бозорини назорат қилиш бўйича ваколатли давлат органи ҳисобланади. Комиссиянинг вазифаси этиб, қимматли қоғозлар бозорида инсофли рақобатни кўллаб-қувватлаш орқали инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланди. Бу масаладаги учинчи энг асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат 1940 йилда қабул қилинган “Инвестиция фондлари тўғрисида”ги қонун бўлди. Ушбу қонун инвестиция фондларининг ташкил этилиш жараёнини тартибга солади. Мазкур қонунлар инвестиция фондлари фаолиятини тартибга солиш жараёнини яхшилаган бўлсада, Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши инвестиция фондларининг жадал ривожланишига тўсқинлик қилди [8].

Учинчи босқич 1950 – 1980 йилларга тўғри келади ва бу давр инвестиция фондлари активларининг ўсиши билан тавсифланади. 1950 йилларнинг бошида ҳаракатдаги инвестиция фондларининг сони 100 тага етади ва кейинги икки ўн йилликда уларнинг сони ошишда давом этди. 1960 йилларда инвестиция фондлари ўз активларининг 80 фоизини акцияларга инвестиция қилган. 1973-1974 йиллардаги фонд бозорининг инқирози ва юқори инфляция инвесторлар маблағларининг қимматли қоғозлар бозоридан чиқиб кетишига олиб келди. Инвестиция фондларининг кейинги тараққиёти соҳага инновацияларни жорий этишни талаб қилди, бунинг натижасида янги турдаги инвестиция фондлари пайдо бўлди.

Инвестиция фондлари тараққиётининг тўртинчи босқичи 1980 йилларнинг ўрталаридан бошланиб, бугунги кунгача давом этмоқда. 1980 йилларнинг ўрталарида АҚШда имтиёзли солиққа тортиш шартларида корпоратив жамғармалар ва яқка жамғарилиб борувчи пенсия ҳисоб рақамларини очишга руҳсат берувчи қонун қабул қилинди. Компаниялар ўз ходимлари иш ҳақларининг муаяйн қисмини инвестиция фондларига ўтказди ва инвестиция фондлари ушбу маблағларни истиқболли бизнес режаларга йўналтиради. Бундан ташқари инвестиция фондларига жуда катта маблағлар пенсия ҳисоб рақамлари орқали кириб келди. Инвестиция фондлари АҚШ иқтисодий ва қимматли қоғозлар бозорининг тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Ушбу фондлар АҚШнинг жаҳон молиясида ҳукмрон мавқега эришишига кўмак берди. 2015 йил маълумотида кўра, АҚШда 91 миллион хусусий инвесторда очиқ инвестиция фондларининг акциялар бор.

Европа Иттифоқи мамлакатларида инвестиция фондларининг тараққиёти Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврга тўғри келади. Ғарбий Европа мамлакатларининг интеграциялашуви инвестиция

фондлари фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунларнинг унификация қилинишига олиб келди. Натижада инвесторларнинг қимматли қоғозлар бозорига кириши осонлашди. 1985 йилда “Қимматли қоғозларга жамоавий инвестициялаш билан шуғулланувчи компанияларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонун-қоидаларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги 86/611/ЕЕС-сонли директива (UCITS) қабул қилинди. Ушбу директиванинг мақсади инвесторларнинг Европа Иттифоқи ҳудудидаги барча мамлакатлардаги инвестиция фондларига кириш жараёнини соддалаштириш эди. Миллий қонунчилигини мазкур директивага мослаштирган биринчи давлат Люксембург бўлди. Люксембург ўзи митти давлат бўлишига қарамасдан, инвестиция фондларининг ривожланиши бўйича Европада етакчи ҳисобланади. Бундай муваффақиятнинг сабабини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, Люксембург Европанинг энг етик молиявий марказларидан бири сифатида катта обрўга эга, иккинчидан, кенг ва ранг-баранг инвестициялаш воситаларининг таклиф этилиши, учунчидан, инвестиция фондлари фаолиятини тартибга солувчи мукамал қонунчиликнинг мавжудлиги, тўртинчидан, кулай солиқ тизими, бешинчидан, инвестиция соҳасида малакали кадрларнинг етарли эканлигидир. Инвестиция фондлари тўғрисидаги биринчи қонун 1983 йил 25 августда қабул қилинган. 1988 йилда Люксембург биринчилардан бўлиб Европа Иттифоқининг 85/611-сонли Жамоавий инвестиция компаниялари тўғрисидаги Директивани амалиётга жорий қилди. Мамлакатда инвестиция фондларининг самарали ишлашнинг таъминловчи ҳуқуқшунослар, бухгалтерлар, молиячилар, таҳлилчилар, банкирлар, солиқ ва маъмурий органлар, хусусан, Молиявий соҳа устидан назорат қилувчи махсус комиссиядан (Commission de Surveillance du Secteur Financier, CSSF) иборат зарурий инфратузилма яратилган. Мамлакатдаги барча инвестиция фондларининг активлари 2,4 трилион долларга баҳоланган. Мамлакатда Люксембург инвестиция фондлари Ассоциацияси фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда инвестиция фондларининг тарихи қимматли қоғозлар бозорини ташкил этиш билан боғлиқ. 1996 йилгача Ўзбекистон фонд бозорида исталган профессионал фаолият турини амалга ошириш учун қимматли қоғозлар бозорида воситачилик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлишнинг ўзи етарли эди [9, 201-бет]. 1996 йил мартда “Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан фаолиятнинг ҳар қайси тури учун алоҳида лицензия олиш лозимлиги белгиланди. Инвестиция фондлари фаолиятини батафсил тартибга солувчи биринчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги “Инвестиция ва хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 410-сон қарори ҳисобланади. Ушбу қарор билан “Инвестиция фондлари тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасида инвестиция фондларини ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта тузиш ва тугатиш тартибини белгилаб берди. 2015 йил 25 августда эса “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

1999 йилда мамлакатимизда 4 та инвестиция

фонди фаолият юритган [10, 39-бет]. Бугунги кунда эса уларнинг сони 9 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич мамлакатимизда инвестиция фондларининг оммалашмаганлиги ҳамда уларнинг фаолияти қониқарли эмаслигини билдиради. Жамоавий инвестициялаш воситалари мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлсада, собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган деярли барча давлатларда у жадаллик билан ривожланмади. Инвестиция фондларининг мамлакатда оммалашуви ва самарали фаолият юритиши кўплаб факторларга боғлиқ. Энг аввало, мамлакатнинг иқтисодиётида инвестиция фондларининг пайдо бўлиши учун объектив зарурият этилиши керак. Бу зарурият мамлакат аҳолисининг истеъмол жамиятидан жамғурувчи жамиятга ўтишида намоён бўлади. Россиялик олим В.Н.Лебедев Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Россия Федерациясида инвестиция фондлари унинг пайдо бўлиши учун объектив сабаблар пайдо бўлмасдан туриб, иқтисодий муносабатлар ривожланмаган бир вазиятда ва энг асосийси бу вазиятга тайёр бўлмаган, эркин молиявий ресурсларга эга бўлмаган инвесторлар – аҳоли билан сунъий равишда ташкил этилганлигини тан олади [11, 5-бет]. Бунинг натижасида ўша пайтда ташкил этилган инвестиция фондлари билан кўзланган мақсадга эришилмади. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитлари ва иқтисодий имкониятлари инвестиция фондларининг жадал ривожланишига йўл очиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хоржий мамлакатларда инвестиция фондлари узоқ тарихий йўл босиб ўтди. Ҳар доим ҳам уларнинг фаолияти муваффақиятли бўлмаган. Аммо инвестиция фондлари фаолиятини оқилона ҳуқуқий тартибга солишга урунишлар фондлар фаолиятига аниқ талабларнинг белгиланиши, инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши пировард натижада эса барқарор иқтисодий ўсишга эришишга олиб келди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Экономика инвестиционных фондов: монография/А.Е.Абрамов, К.С.Акшенцева, М.И.Чернова, Д.А.Логинова, Д.В.Новиков, А.Д.Радыгин, Ю.В.Сивай; под общ.ред А.Д.Радыгин. – М.: Издательский дом “Дело” РАНХиГС. – 2015. – 2 с.
2. <https://csm.gov.uz/uz/ochiq-ma-lumotlar/qimmatli-qog-ozlar-bozorida-professional-faoliyatni-amalga-oshirish-uchun-berilgan-amaldagi-litsenziyalar-reestri>
3. Rouwenhorst, K. The origins of mutual funds (Electronic resource) / K. Rouwenhorst.-2004.-Mode of access: [http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=636146](http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=636146).-Date of access:15.08.2016.
4. Krember C., Lebbe I. Collective investment schemes in Luxemburg. Law and practice. Oxford University Press,2014. 2th edition. 4 p.
5. Экономика инвестиционных фондов: монография/А.Е.Абрамов, К.С.Акшенцева, М.И.Чернова, Д.А.Логинова, Д.В.Новиков, А.Д.Радыгин, Ю.В.Сивай; под общ.ред А.Д.Радыгин. – М.: Издательский дом “Дело” РАНХиГС. – 2015. – 15 с.
6. Дмитриева, Е.А.Паевые инвестиционные фонды: учеб. Пособие/ Е.А.Дмитриева. – Магадан: Кордис, 2007. – 52 с.
7. Экономика инвестиционных фондов: монография/А.Е.Абрамов, К.С.Акшенцева,

М.И.Чернова, Д.А.Логинова, Д.В.Новиков, А.Д.Радыгин, Ю.В.Сивай; под общ.ред А.Д.Радыгин. – М.: Издательский дом “Дело” РАНХиГС. – 2015. – 15 с.

8. SEC Final Rules(Electronic resource) / Mode of access: <http://sec.gov/rules/shtml>. Date of access:15.08.2016.

9. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ. – 2001. – 201 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг 1999 йил яқунлари бўйича чораклик бюллетени. – Тошкент: 2000. – 39 б.

11. Лебедев В.Н. Особенности гражданско-правового положения инвестиционных фондов в Российской Федерации. Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.03. – М.: РГБ, 2003. – 5 с.

**М.А.Рахимов**

ТДЮУ “Меҳнат ҳуқуқ”кафедраси ўқитувчиси

## **ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: АҚШ ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация:** мазкур мақолада Америка Қўшма Штатларининг меҳнат қонунчилиги, мамлакатда меҳнат низоларини судгача ҳал қилиш тартиби, Бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш бўйича комиссия фаолиятининг асосий функциялари ҳамда вазифалари, меҳнат соҳасидаги камситишларнинг олдини олиш билан боғлиқ амалга оширилаётган дастурлар таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** меҳнат ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, меҳнат соҳасидаги камситиш, низоларни судгача ҳал қилиш, меҳнат шартномаси, ходим, иш берувчи.

**Аннотация:** в данной статье проанализированы трудовое законодательство Соединенных Штатов Америки, порядок досудебного разрешения трудовых споров в стране, основные функции и задачи деятельности комиссии по созданию равных возможностей при обеспечении занятости населения, а так же осуществляемые программы, связанные с предотвращением дискриминации в сфере труда.

**Ключевые слова:** меҳнат ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, меҳнат соҳасида камситиш, низоларни судгача ҳал қилиш, меҳнат шартномаси, ходим, иш берувчи.

**Abstract.** The article provides analysis labor legislation of the United States of America, the procedure for pre-trial resolving of labor disputes in the country, the main functions and tasks of the activity of the Equal Employment Opportunity Commission, as well as ongoing programs related to the prevention of discrimination in the workplace.

**Keywords:** protection of employee rights, labor discrimination, pre-trial resolving of labor disputes, labor contract, employee, employer.

Америка Қўшма Штатларининг бандликни таъминлаш ва меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилиги дунёдаги илғор қонунчилик тизимларидан бири ҳисобланади. Мамлакат қонунчилигининг ўзига хос бўлган жиҳати шундаки, у аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда қонунчиликда ходим ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида меҳнат муносабатларидаги камситишларнинг барча шакллари тақиқланганлигини кўришимиз мумкин. Америка Қўшма Штатларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари судлар, маъмурий органлар ҳамда медиация тартибда ҳимоя қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, меҳнат низоларини судгача ҳал қилиш соҳасида АҚШда маъмурий органлар фаолияти самарали тарзда йўлга қўйилган.

Бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш бўйича комиссияси (ЕЕОС) ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини маъмурий тарзда ҳимоя қилишда етакчи бўлган ташкилотлардан бири ҳисобланади. Бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш бўйича комиссия 1964 йилда Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ ташкил қилинган бўлиб

унинг асосий вазифаси меҳнат муносабатларида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва камситишларнинг барча турларига барҳам бериш билан боғлиқ дастурларни ташкил қилишдан иборатдир. Комиссияни фаолиятига Сенат розилиги билан Президент томонидан тайинланадиган Бош маслаҳатчи раҳбарлик қилади. Комиссия мустақил федерал агентлик мақомига эга бўлиб, комиссия раиси, раис ўринбосари ҳамда уч нафар комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади. Комиссия раиси молиявий бошқаруви ва ташкилий ривожланиш сиёсатини амалга оширишга масъулдир. Раис ўринбосари ва комиссия аъзолари Комиссия фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқланишида иштирок этади. Шу билан бир қаторда меҳнат муносабатларида камситиш билан боғлиқ ишлар юзасидан судларга даъво аризаларини киритади. Шунингдек, қайд этиш лозимки, Президент Комиссия фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Бош маслаҳатчини тайинлайди. Бош маслаҳатчининг асосий вазифаси Комиссиянинг ишчи дастурларига раҳбарлик қилиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилишдан иборатдир.

Комиссияси иш изловчи ёки иш берувчини унинг ирқи, дини, жинси (ҳомилдоралик, жинсий ориентацияси), ижтимоий келиб чиқиши, ёши (40 ёшдан катта), ногиронлик ёки генетик маълумоти туфайли келиб чиққан ноқонуний камситишлардан федерал қонунлар орқали ҳимоялашнинг кафолатланишини таъминлашга масъул ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, шахсга нисбатан уни камситиш ҳақида шикоят қилинганда, камситадиган айблов қўйилганда ёки камситиш билан боғлиқ ишларни тергов қилишда, судда иштирок этган шахсга нисбатан камситиш билан боғлиқ ҳаракатлар қўлланилганда мазкур ташкилот фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилади [1].

Шуниси эътиборлики, энг камида 15 нафар ходимга эга бўлган иш берувчиларнинг кўпчилиги Комиссия кўрсатмалари (20 ёшгача бўлган ходимлар камситиш ҳолатлари бўйича ишлар юзасидан) асосида фаолият юритади. Аксарият касаба уюшмалари ва иш билан таъминлаш муассасалари ҳам мазкур кўрсатмалар доирасида иш кўради. Комиссия иш берувчининг ходимга нисбатан камситиш билан боғлиқ айбловларни текшириш ваколатига эга ташкилотдир. Ташкилотнинг асосий вазифаси терговдаги айбловларни оқилна ва аниқ баҳолашдан иборат. Меҳнат соҳасида камситиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганда ташкилотнинг ҳаракатлари муаммони ҳал қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Агар муаммони ҳал этишнинг имкони бўлмаса, шахсларнинг ва жамоатчилик манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга даъво киритилиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, Комиссия ўз фаолияти давомида таълим ва техник дастурларини қўллаш орқали камситишларни олдини олиш чораларини кўриб боради.

Комиссия федерал агентликлар доирасида бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш дастурлари бўйича ташаббускорлик кўрсатиб йўриқномалар ишлаб чиқади. Бундан ташқари Комиссияси меҳнат фаолиятини тартибга солиш доирасида бир қанча қонун ости регламентларини ишлаб чиқиш ваколатига ҳам эга ҳисобланади [2, 97-бет]. Шунингдек Комиссия федерал агентликлар ҳамда

департаментларнинг Комиссия тартиб-қоидалари билан мувофиқ тарзда фаолият юритишини таъминлаш мақсадида камситиш ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқишда уларга кўмаклашади. Шу билан бир қаторда Комиссия меҳнат соҳасидаги қарорлар, кўрсатмалар ва меморандумларни моҳиятини тушунтириш юзасидан қўлланмалар ҳамда шарҳлар тайёрлайди [3, 60-бет].

Шуни таъкидлаш ўринлики, Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ (The Sunshine Act) Комиссиянинг мажлислари жамоатчилик учун очиқ тарзда ташкил этилади. Одатда Комиссия йиғилишлари ойнанинг учинчи чоршанбасида ўтказилади ва йиғилиш кун тартибидаги масалалар камида бир ҳафта олдин эълон қилинади. Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак 2017 йилда Комиссияга 84,254 та шикоят аризаси келиб тушган бўлиб, шулардан 3,174 таси ҳомилдорлик туфайли камситилишига доир ишлар, 28,528 таси ирқий камситишларга доир ишлар, 3,436 таси диний камситишларга доир ишлар, 996 таси меҳнатга тенг ҳақ тўлашда камситишларга доир ишлар ва 18,376 таси ёшга доир камситишлар билан ишлар ҳисобланади [4].

АҚШнинг бир қатор штатларида камситишларни чеклаш бўйича махсус қонунлар қабул қилган. Мазкур штатларда маҳаллий органлар даражасида ишга қабул қилишда камситилишларга доир шикоятларни кўриб чиқувчи ваколатли агентликлар ташкил қилинган. Мазкур агентликларнинг аксари Комиссия билан шартнома тузиб, “706” агентлик номи билан фаолият юритмоқда. Мазкур келишувга кўра шикоятларнинг музокаралар олиб бориш орқали ҳал этилиши назарда тутилган бўлиб бу жараёнда муниципал органлар филтр вазифасини бажариб, улар шикоятларнинг мураккаблик даражасини аниқлаб беради. Агарда шикоят маҳаллий даражада ижобий тарзда кўриб чиқилмаса, Комиссиясида кўриб чиқиш учун юборилади. Шу билан бирга, ходим ўз хоҳишига кўра шикоятларни Комиссия ёки агентликка тўғридан тўғри топшириш имкониятига ҳам эга ҳисобланади [5].

Бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш бўйича Комиссия фаолиятининг ҳуқуқий асоси Фуқаролар ҳуқуқлари тўғрисидаги Қонуннинг VII бўлимида мустақамлаб қўйилган. Мазкур қонунда Комиссиянинг бешта асосий устувор вазифалари кўрсатиб ўтилади:

Биринчи устувор вазифа сифатида дискриминация яъни камситишларнинг олдини олиш кўрсатиб ўтилади. Мазкур йўналиш доирасида Комиссиянинг энг муҳим вазифаси иш ўринларида камситиш ҳолатларини федерал қонунларни қўллаш орқали чеклашдан иборат. Бу Комиссия ишчи органнинг биринчи мудофаа чизиғи ҳисобланади. Ушбу қонунлар иш берувчиларни ходимларнинг этник келиб чиқиши, диний мансублиги, жинси ва жинсий ориентацияси ҳамда бошқа омилларга нисбатан камситишларнинг олдини олади.

Иккинчи устувор вазифа сифатида ўз фаолиятида медиацияни қўллаш назарда тутилган. Камситиш бўйича даъволар судга ўтказилишдан олдин Комиссия медиатор вазифасини бажариб томонларни муроасага келтириш йўлларини излайди. Комиссия корхоналарни медиация келишувига аъзо бўлиш орқали даъволарни суддан ташқарида тинч йўл билан ҳал қилишга чорлайди.

Учинчи устувор вазифа сифатида Комиссиянинг ташаббускорлик фаолиятини кўрсатиш мумкин бўлади.

Комиссия иш жойларида тенгликни яратиш мақсадларига эришиш учун бир қанча ташаббусларни амалга оширади. Комиссиянинг энг асосий ташаббусларидан бири ирқчилик ҳамда тана рангидан келиб чиқадиган ишсизликларни бартараф этиш ғоясининг илгари суришида ўз ифодасини топади. Кенгаш иш жойларида етлик мансублиқдан келиб чиқадиган тенгсизликка бевосита таъсир этувчи омилларни аниқлайди ва уни бартараф этади.

Тўртинчи устувор вазифа доирасида Комиссия махсус дастурлар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғилланади. Кенгаш муайян масалаларни ўрганиш ҳамда таклифларни бажариш учун махсус дастурларни тузиб чиқади. Бундай масалалардан бири иш жойларида учраётган зўравонлик ҳолатларини ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилиб унинг фаолияти самарали тарзда йўлга қўйилганлигидадир.

Бешинчи устувор йўналиш эса бошқа агентликлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш ва тадбирларни ташкил этишда ўз аксини топади. Федерал агентликлар ўз сиёсати ҳамда лойиҳаларини амалга оширишда кўпинча бир-бирлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шу сабабли Комиссия ҳам ўз мақсадларини амалга оширишда бошқа давлат органлари билан биргаликда ҳамкорликда фаолиятини ташкил қилади.

Юқоридагилардан инобатга олган ҳолда, қайд этиш жоизки, Комиссия фаолияти давомида бутун эътиборини америка халқи учун иш жойларида тенгликни яратиш ва уни таъминлашга қаратади. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида Бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш бўйича Комиссия фаолияти давомида бир қатор қонун нормаларини амалиётда барқарор қўлланилишини таъминлашга ваколатли орган ҳисобланади. Жумладан, Фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунга кўра ирқи, ранги, дини, миллий келиб чиқиши ҳамда жинси асосида шахсни камситиш ғайриқонуний ҳисобланади. Бундан ташқари “Ҳомиладорлик бўйича камситилишлар тўғрисида”ги қонунга асосан аёлларни ҳомиладорлиги, туғруқ билан боғлиқ тиббий ҳолати туфайли унга нисбатан камситишларни ноқонуний эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. 1963 йилда қабул қилинган “Тенг меҳнат ҳақи тўғрисида”ги қонунга асосан, айтиб бериш жойида бир хил меҳнат вазифаларни бажарувчи эркак ва аёлларга турли хилдаги иш ҳақи тўлиниши ғайриқонуний эканлиги белгилаб қўйилган. 1967 йилги “Меҳнат муносабатларидаги меҳнат ёши бўйича камситилишлар тўғрисида”ги қонун 40 ва ундан катта ёшдаги аҳолини ёшига нисбатан меҳнат муносабатларидаги камситилишлардан ҳимоя қилиш учун қабул қилинган. 1990 йилги “Ногиронлиги бўлган америкаликлар тўғрисида”ги қонун хусусий секторда, давлат ва маҳаллий органларда ногирон бўлган малакали ходимларни иш жойида юзага келиши мумкин бўлган турли хил камситилишлардан ҳимоя қилишни кафолатлайди [6].

Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлики АҚШда иш берувчи бўш иш ўрни ҳақида маълумот берган вақтда эълонда ходимнинг ирқи, дини, тана ранги, жинси ҳамда миллати бўйича талаблари қўйилиши ноқонуний ҳисобланади. Эълонда фақат ходимнинг малакаси ва тажрибасига оид маълумотларни ўзида акс эттирган талаблар қўйилиши мумкин.

Мамлакатда иш жойлардаги камситишларни тақиқловчи нормалар Конгресс томонидан қабул

қилинган қонунлар билан бир қаторда маҳаллий даражада қабул қилинган норматив ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Штатлар қонунчилиги Федерал даражадаги қонунларга тўлиқ мос келсада айрим ҳолларда қўшимча нормаларни билан кенгайтирилган ҳам бўлиши мумкин. Мисол учун баъзи штатларда оилавий ҳолати, сиёсий қарашлари ҳамда ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун ҳарбий хизматдан четлаштирилган фуқароларга нисбатан камситишларни олдини олиш учун қўшимча нормалар киритилган. Шу ўринда штатлар ўз ваколати доирасида федерал даражадаги қонунларга нисбатан камситишларга қарши самаралироқ курашаётганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бунинг яққол мисоли сифатида Нью-Йорк штатида меҳнат шароитларида камситишларни чекловчи нормаларни ўзида акс эттирган қонун 1964 йилда қабул қилинган бўлиб, кейинчалик таъсир доираси кенгайиб федерал даражада мустаҳкамланган норматив-ҳужжатга айланганини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари мамлакатда иш берувчи ва ходимлар жамоаси ўртасида тузиладиган локал норматив ҳужжатлар яъни жамоа шартномалари мазмунида камситишларни чеклаш бўйича тартиблар киритилади. Жамоа шартномаларида томонлардан бири меҳнат шароитида камситилишларни олдини олиш ва чеклаш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Шу билан бир қаторда қаторда мазкур талабларни бузган тарафга интизомий жазолар қўллаш кўзда тутилган.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. URL: U.S. Equal Employment Opportunity Commission. Overview EEOC. Режим доступа: <https://www.eeoc.gov/eeoc/>
2. Назметдинов Р.Р. Защита от дискриминации в Соединенных Штатах Америки. // Вестник Томского государственного университета. Право. 2016. №2 (20) – С.97.
3. Raximov M.A. Comparative overview of protection mechanisms of workers' labor rights in Uzbekistan, Germany and the United States of America. // Ж. “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” 4 (76) - 2017. – Б. 60.
4. URL: <https://www.eeoc.gov/eeoc/statistics/enforcement/all.cfm> (мырожаат қилинган сана: 04.04.2019).
5. Назметдинов Р.Р. Трудовое Трудовое право Соединенных Штатов Америки: диссертация...кандидата юридических наук: 12.00.05.- Москва, 2013. Режим доступа: <http://www.dslib.net/trud-pravo/trudovoe-pravo-soedinennyh-shtatov-ameriki.html>
6. URL: U.S. Equal Employment Opportunity Commission. Overview EEOC. Режим доступа: <https://www.eeoc.gov/laws/index.cfm>



Ш.Хужаев  
докторант (PhD) ТГЮУ

### НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ФИЛИАЛОВ ИНОСТРАННЫХ БАНКОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

**Аннотация:** в данной статье проанализированы преимущества разрешения на открытие филиала иностранного банка. На основании экономического анализа, изучения требований Базельского комитета и опыта зарубежных стран указана необходимость рассмотрения вопросов о возможности создания филиала иностранным банком и правовом регулировании их деятельности.

**Ключевые слова:** иностранный банк, филиал, банковская деятельность, разрешение, запрет.

**Аннотация:** мазкур мақолада хорижий банкларнинг филиалини очиш учун рухсат бериш афзалликлари таҳлил қилинган. Иқтисодий таҳлил, Базель қўмитаси талаблари ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида хорижий банк томонидан филиал ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш имкониятлари юзасидан масалаларни кўриб чиқиш зарурати кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** хорижий банк, филиал, банк фаолияти, рухсат, таъқиқ.

**Annotation:** This article has analysed the benefits of permission to open a branch of a foreign bank. Based on the economic analysis, studying the requirements of the Basel Committee and the experience of foreign countries, the need to consider questions about the possibility of creating a branch by a foreign bank and the legal regulation of their activities is indicated.

**Keywords:** foreign bank, branch, banking, permission, prohibition.

В Республике Узбекистан огромное внимание уделяется развитию банковского сектора. Как указано в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 года углубление реформирования и обеспечение устойчивости банковской системы, уровня капитализации и депозитной базы банков, укрепление их финансовой устойчивости и надежности, дальнейшее расширение кредитования перспективных инвестиционных проектов, а также субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства является одной из важнейших задач приоритетного направления развития и либерализации экономики [2]. При этом большую роль в активизации банковской системы стали играть «новые игроки» банковской системы – иностранные банки.

В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» иностранный банк определяется как дочерний банк иностранного банка, уставный капитал которого полностью оплачен иностранным банком, осуществляющий свою деятельность на территории Республики Узбекистан. Как ни странно, подобное определение может ввести в заблуждение читателя: иностранный банк используется для определения и банка-учредителя, и дочернего банка. В рамках настоящего исследования представ-

ляет интерес деятельность иностранного банка – учредителя.

Действующее законодательство предусматривает три формы участия иностранных банков в банковской системе Республики Узбекистан – учреждение дочернего банка, участие в уставном капитале банка, открытие аккредитованного представительства. При этом банки иностранных государств не могут открывать филиалы. Следует отметить, что филиал имеет шире полномочия, чем представительство. Так филиалом банка является обособленное подразделение, осуществляющее банковскую деятельность от имени создавшего его банка. А представительством иностранного банка является обособленное подразделение, представляющее его интересы и не осуществляющее банковскую деятельность [1].

Запрет на открытие филиалов иностранных банков оправдывается, в основном двумя причинами:

во-первых, поддержание конкурентоспособности национальных банков и проявление протекционизма;

во-вторых, риск возникновения проблем коллизивно-правового регулирования (юрисдикция государства-учредителя).

С этими доводами трудно согласиться. Создание филиалов не нарушает конкурентную среду, а наоборот стимулирует на улучшение уровня оказания банковских услуг. Конкурентные позиции банка (т. е. его способность удерживать и увеличивать свою долю на рынке) определяются целым рядом факторов: это и качество продвигаемых на рынке банковских продуктов и услуг, и привлекательность ценовых условий банковских операций, и возможности банка по наращиванию объемов операций в ответ на расширение рыночного спроса, и степень доверия к банку со стороны участников рынка [9].

Следует отметить, что процессы глобализации, имеющие место с начала XXI века, обуславливают мобильность иностранного банковского капитала и его передвижение на новые рынки, прежде всего в банковский сектор развивающихся стран. Именно финансовая либерализация стало результатом эффективного осуществления деятельности иностранными банками и увеличения иностранного капитала, что позволило открытие филиалов иностранных банков и возможность трансформации банков-резидентов в иностранные банки в некоторых странах. Согласно статистическим данным в отдельных странах Центральной Европы, например в Словакии, процент банковских активов, принадлежащих иностранным банкам, вырос с 24.10 % в конце 90-х годов до 95.56 % в начале 2000-х годов, в Польше с 17.4% до 70.9% от общих активов коммерческих банков [4].

С экономической точки зрения, функционирование филиалов иностранных банков имеет ряд положительных аспектов:

– иностранные банки наиболее устойчивы в кризисных ситуациях. Так согласно статистическим данным за 2016-2018 годы активы таких иностранных банков РФ, как Райффайзенбанк, Росбанк, Ситибанк увеличились более чем на 25 процентов, в то время как показатели национальных банков увеличиваются темпами ниже (5 или 10 процентов) [5];

– иностранные банки наиболее конкурентоспособны в части повышения качества услуг и снижения их стоимости, следовательно, обеспечивают наибольшую реализацию банковских интересов физических и юридических лиц, улучшают эффективность банковской

системы. Как показывает опыт таких стран, как Хорватия, Словакия, Словения, Чехия, увеличение доли иностранных банков сопровождалось ростом эффективности банков (в том числе по вопросам банковских вкладов) в целом в полтора и два раза [6].

– иностранные банки снижают кредитные ограничения для пользователей. Так, согласно статистическим данным, кредиты на сумму выше 1 миллиона долларов США выдают Sumitomo Mitsui Banking Corporation (Япония), Внешэкономбанк (РФ), Актифбанк (Турция) и другие [8].

– деятельность иностранных банков сопровождается улучшением систем риск - менеджмента, внедрением инновационных финансовых инструментов и методов корпоративного банковского менеджмента.

Следовательно, экономическая составляющая разрешения на открытие иностранных банков свидетельствует о наиболее благоприятном условии для развития банковского сектора страны.

Также является спорным, что филиал будет находиться под юрисдикцией государства, в котором учрежден банк. Осуществляя деятельность на территории Республики Узбекистан, иностранные банки в части договорных отношений, в основном, будут использовать коллизионный принцип закона места заключения договора (*lex loci contractus*) и обременены требованием законодательства в части качества банковских услуг.

На наш взгляд, особенностями законодательного разрешения на создание филиалов иностранных банков на территории Республики Узбекистан являются:

### **1. Обеспечение соответствия положением Базельских принципов банковского надзора.**

Базельский комитет банковского надзора (Комитет органов банковского надзора), основанный управляющими центральными банками стран - членов Группы 10 в 1975 году, разработал основополагающие принципы эффективного банковского надзора, которые стали основой правового регулирования деятельности банков.

Законодательную основу для филиалов иностранных банков следует строить на основе Базельских базовых принципов эффективного надзора, Базельского Конкордата.

Отмечая важность иностранных банков, Базельские принципы указали, что иностранные банки часто обеспечивают углубление и усиление конкуренции и поэтому являются важными участниками местных банковских рынков.

В отношении филиалов иностранных банков Базельские принципы предполагают, что если иностранный банк, дочерний банк иностранной банковской группы или иностранный небанковский финансовый институт (подотчетный надзорному органу) предлагает открыть местный банк или филиал, лицензирующий орган должен установить, соблюдаются ли минимальные Базельские стандарты, и в частности, лицензия обычно не должна выдаваться до получения согласия надзорного органа страны происхождения банка или банковской группы [3].

Также Базельские принципы определяют, что когда предполагаемым владельцем является иностранный банк, при лицензировании необходимо получить предварительное разрешение надзорного органа страны происхождения иностранного банка [3]. На наш взгляд, данное требование должно быть применено и в отношении создания филиалов иностранных банков.

В научной литературе высказывается мнение о необходимости пруденциального разрешения на открытия филиалов иностранного банка. Так, В.Ю.Костюкевич определяет, что основными критериями допуска филиалов иностранных банков является уровень финансовой устойчивости материнской структуры, уровень пруденциального надзора в национальной экономике, а также степень развития банковского сектора принимающей экономики. При этом основными барьерами, по мнению автора, являются: требования лицензирования, минимальные капитальные требования к материнской структуре, ограничения на кредитование в иностранной валюте, невозможность принимать депозиты от населения, ограничения на количество филиалов, установление максимальных сумм по кредитным операциям [7].

Частично соглашаясь с указанным автором, следует отметить, что допуск филиалов иностранных банков должен быть сопряжен с контролем Центрального банка Республики Узбекистан, однако пределы данного контроля должны быть ограничены требованиями Базельского комитета по банковскому надзору. При этом контроль Центрального банка должно выражаться в установлении требований к головному банку, к примеру, Fitch уровень кредитного рейтинга по классификациям Ratings, Moody's или Standart and Poor's, вопросы правового регулирования и эффективность банковского надзора в государстве, в котором учрежден иностранный банк и т.д.

### **2. Распространение обязательных требований законодательства в отношении филиалов иностранных банков.**

Необходимо отметить, что основополагающие принципы эффективного банковского надзора указывают, что органы банковского надзора должны требовать, чтобы местные операции иностранных банков осуществлялись в соответствии с такими же высокими стандартами, которые выдвигаются в отношении национальных учреждений, и должны обладать полномочиями обмениваться информацией, необходимой инспекторам стран происхождения этих банков для проведения консолидированного надзора. В этой связи деятельность иностранного банка будет подвержена правовому регулированию со стороны банка.

Так, деятельность филиала претерпевает регулирование уже на стадии его открытия и создания. Так регистрация филиала будет осуществляться по согласованию и разрешению Центрального банка Республики Узбекистан. При этом для регистрации требуется подача соответствующих документов, которые характеризуют будущую деятельность филиала – заявление о регистрации филиала, решение совета банка о создании филиала и об утверждении Положения о филиале банка, Положение о филиале банка, экономическое обоснование для регистрации филиала, а также прогнозная балансовая ведомость и прогнозный отчет о доходах филиала и т.д. Началом деятельности является создание филиала, при этом деятельность до регистрации является незаконной.

Еще одним механизмом воздействия является правовое регулирование банковской деятельности филиала иностранного банка на территории Республики Узбекистан. Банковские операции будут осуществляться строго в соответствии с нормами Закона Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности». Договора иностранных банков также будут регламентированы нормами гражданского законода-

тельства Республики Узбекистан. К примеру, нормы статьи 1190 ГК Республики Узбекистан будут определять правила применимого права. Так в случае заключения договора кредита с иностранным банком (иностраный банк выступает кредитором), в случае отсутствия соглашения о применимом праве, применяется право страны, где учрежден иностранный банк.

### 3. Положительный опыт законодательства некоторых зарубежных стран.

Банковское законодательство некоторых зарубежных стран предусматривает юридическую возможность создания филиалов иностранных банков. В странах СНГ данный вопрос решен с уклоном наличия государственного контроля. Так в статье 22 Федерального Закона Российской Федерации «О банках и банковской деятельности» указано, что филиалы кредитной организации с иностранными инвестициями на территории Российской Федерации регистрируются Банком России в установленном им порядке. Аналогичная позиция наблюдается в Украине, при этом филиалы иностранных банков являются частью банковской системы Украины. В некоторых странах СНГ создание филиала запрещено. Например, Закон Республики Казахстан от 31 августа 1995 года № 2444 «О банках и банковской деятельности в Республике Казахстан» запретил открытие филиалов банков-нерезидентов, за исключением случаев, предусмотренных законами Республики Казахстан.

Западные страны, в частности страны ЕС не предусматривают ограничения в деятельности филиалов иностранных банков. В 1978 году Конгресс США принял Закон «О международной банковской деятельности» (International Banking Act). Этот закон не вводил каких-либо специальных ограничений на деятельность иностранных банков, но уравнил их в правах с местными банками. Служба финансового контролера получила право выдавать лицензии агентствам и филиалам иностранных банков аналогично лицензированию национальных банков США. Штаты также сохранили права выдавать соответствующие лицензии. При этом федеральная лицензия не могла быть выдана филиалу иностранного банка, если он предполагает действовать в штате, где уже имеется филиал этого банка, зарегистрированный штатом. Также федеральная лицензия не выдается, если предполагаемый штат базирования вообще запрещает создание иностранных банковских учреждений [10].

На основании вышеизложенного, считаем необходимым всесторонне и комплексно рассмотреть преимущества создания филиалов иностранных банков Республики Узбекистан и внести норму, в соответствии с которым иностранные банки могут открывать филиалы на территории Республики Узбекистан с разрешения Центрального банка Республики Узбекистан. В свою очередь, Центральный банк Республики Узбекистан должен получить предварительное разрешение органа банковского надзора государства, в котором учрежден иностранный банк. Внесение данной нормы позволит законодательно закрепить статус филиала иностранного банка, увеличить привлекательность банковской системы и расширить участие иностранных банков в банковской системе Республики Узбекистан.

#### Список литературы:

1. Закон Республики Узбекистан от 25 апреля 1996 года № 216-І «О банках и банковской деятельности».

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

3. основополагающие принципы эффективного банковского надзора (Электронный источник: <http://docs.cntd.ru/document/901723842>).

4. Тулин Д.В. Филиалы иностранных банков в России: мифы и реальность. Журнал «Деньги и кредит», № 5, 2006. – С. 16-21.

5. Saab S.Y., Vacher J. «Banking Sector Integration and Competition in CEMAC», IMF Working Paper, 2007 (Электронный ресурс: <https://papers.ssrn.com/sol3/Delivery.cfm/wp0703.pdf>)

6. Ершов М.В., Зубов В.М. Эффективность банковской системы: актуальные темы. Деньги и кредит, № 10, 2005. (Электронный источник: [http://ershovm.ru/files/publications/document\\_34.pdf](http://ershovm.ru/files/publications/document_34.pdf)).

7. Костюкевич В.Ю. Перспективы вхождения филиалов иностранных банков на финансовый рынок России. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2010. – 165 с.

8. Статистические данные Национального банка внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан (<https://nbu.uz/about-bank/public-data/>).

9. <https://www.banki.ru/banks/ratings/>

10. <https://econ.wikireading.ru/659>

Г.Мамараимова,  
ТДЮУ кафедра ўқитувчиси

### СУДЛАР ТОМОНИДАН НИКОҲДАН АЖРАТИШ ИШЛАРИНИ КЎРИШДА ЭР-ХОТИННИ ЎЗАРО ЯРАШТИРИШ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

**Аннотация:** мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида судларда никоҳдан ажрашиш тўғрисидаги ишларни кўришда эр-хотинни яраштириш чорларининг кўрилиши билан боғлиқ амалий муаммолар ва уларга ечимлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** оила ҳуқуқи, никоҳ, эр-хотин, никоҳдан ажрашиш, никоҳдан суд тартибидан ажрашиш, қариндошлик даражаси, никоҳдан ажрашиш презумпцияси.

**Аннотация:** в этой статье рассматриваются практические вопросы и их решения, связанные с применением меры между муж и жена рассмотрением расторжение брака в судебном порядке в Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** семейное право, брак, муж и жена, развод, расторжение брака в судебном порядке, родство, презумпция о расторжение брака.

**Abstract:** this article discusses practical issues and their decisions related to the application of measures between a husband and wife considering the dissolution of a divorce in court in the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** family law, marriage, husband and wife, divorce, divorce in court, kinship, presumption of divorce.

Оила ҳар бир жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланади. Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Инсониятга берилган буюк неъматлардан бири бу унинг ўз ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари, бобо-бувилари ҳамда бошқа қариндошлари билан бир оила бўлиб яшашидир.

Бироқ шунга қарамасдан, йилдан-йилга оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолатлари сон жиҳатидан ўсиб бораётгани, бу ҳолат ўз навбатида боланинг тўлиқ, яъни ота-она ҳамда ака-ука, опа-сингиллари билан бир оила бўлиб яшаш бахтидан мосуво қилинаётганлиги, албатта, жамият ва давлат учун ижобий ҳолат ҳисобланмайди.

Мамлакатимизда ҳам оилаларнинг, айниқса, ёш оилаларнинг бузилиб кетиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлигини куйидаги рақамлар ҳам кўрсатади. Яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг маълумотига кўра 2018 йилда 32.300 га яқин, 2017 йилда 31.930 та, 2016 йилда 29.321 та никоҳдан ажратилганлик ҳақида далолатнома ёзувлари қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткичлар никоҳдан ажрашишлар сонининг йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда [1].

Шу сабабли ҳам мамлакатимизда оилани сақлаб қолиш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5325-сон Фармони

қабул қилинди. Мазкур Фармон билан тасдиқланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича” комплекс чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилинди.

Шунингдек, никоҳдан ажрашишнинг сабаблари таҳлил қилинганда, улардан кўп учрайдиган ажрашиш сабаблари эр-хотиннинг узок вақт давомида бирга яшамаслиги 605 та ҳолатда, амалда бошқа оила қуриб яшаб келаётганлиги 1132 та ҳолатда, ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли никоҳдан ажрашиш 1443 та ҳолатни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралиш тушунчасига тўхталадиган бўлсак, унга турли ҳуқуқий тизимларда турли хил таъриф берилган. Никоҳдан ажралиш тушунчасига тўхталашдан олдин никоҳдан ажрашишнинг турларига тўхталиб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

**Низоли никоҳдан ажралиш** – мазкур ажралиш суд томонидан амалга оширилади. Мазкур ажралишда суд эр-хотинни ажрим билан бирга бошқа масалаларга ҳам баҳо беради. Мисол учун арзандларга алимент ундириш, фарзанднинг ким билан қолиши, фарзанд билан кўришиш тартибини белгилаш, эр-хотиннинг ўзаро мулквий муносабатлари ва бошқалар. Ёхуд эр-хотиндан бири (томонлардан бири) ажралишга рози бўлмайти. Мазкур ажримнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, бу бошқа никоҳдан ажралиш жараёнларига қараганда кўпроқ вақт ва маблағ талаб қиладиган жараёндир.

**Айбли никоҳдан ажралиш** – мазкур никоҳдан ажралиш тури 1960 йилларга қадар кўплаб мамлакатлар қонунчилигида учраган. Никоҳдан ажралишнинг мазкур турида никоҳдаги томонлардан бири никоҳдан ажралишга сабаб бўлувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга ошириши лозим бўлган. Никоҳдан ажралишнинг ягона усули шу бўлган [2]. Бундай ажралиш тури бугунги кунда Франция, Германия ва Япония қонунчилигида сақланиб қолган. Ҳозирги кунга келиб, айбсиз ҳолда никоҳдан ажралиш, яъни никоҳдан ажралиш учун бирор-бир айбли қилмиш содир қилиш шарти АҚШнинг 50 га яқин штатида, Канада, Янги Зеландия ва ғарб мамлакатларида бекор қилинган. Яъни никоҳдан ажралиш учун муайян бир никоҳни бекор қилувчи қилмишни содир қилиш шарт эмас.

**Соддалаштирилган тартибда никоҳдан ажралиш** – бу никоҳдан ажралиш турида никоҳни тугатиш жараёни жуда содда ҳисобланади. Ҳамда эр-хотин никоҳдан ажралиш учун муайян бир шартларга жавоб бериши ёки шартнома тузиш йўли билан барча масалаларни ҳал қилиб никоҳдан ажралиш мумкин.

Соддалаштирилган тартибда никоҳдан ажралиш билан боғлиқ ҳуқуқ тизимларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ажралиш тартиби куйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

никоҳ давомийлигининг қисқалиги, яъни беш йилдан кам муддат давомида никоҳда бўлганлик;  
ўрта фарзандларнинг йўқлиги (айрим мамлакатларда фарзандларнинг кимда қолиши ва уларнинг таъминоти тўғрисида келишув мавжуд бўлиши);

**Айбсиз никоҳдан ажралиш** – никоҳдан ажралиш учун, яъни никоҳни бекор қилиш учун бирор-бир айбли қилмишни содир қилиш ёки никоҳни бекор қилишга асос бўлган қилмиш содир қилинганлигини асослайдиган далилни тақдим қилиш талаб қилинмайди [3]. Бундай никоҳдан ажралиш турида тарафларнинг никоҳдан ажралишга биргина баёнати

етади. Бундай ажралиш тури қонунчилигида мавжуд мамлакатлар судлари мазкур никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишларни кўришда ҳақиқатни тўлиқ ўрганмайди деган қарашлар мавжуд. Олимларнинг фикрича никоҳдан ажрашаётган тарафлар жаҳл устида ёки ғазабдан никоҳдан ажралишга нисбатан ўз розилигини билдириши мумкин. Бундай ҳолларда оилани сақлаб қолиш имконияти бўла туриб никоҳ бекор қилиниши мумкин.

**Низосиз никоҳдан ажралиш** – бу икки тараф никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлади. Шунингдек, фарзандларнинг ким билан қолиши ва уларнинг таъминоти, эр-хотиннинг мол-мулк масаласида ўзаро бир-бирларига нисбатан талаблари бўлмайди ёхуд талаблари бўлса ҳам ўртада низо бўлмайди ёки келишув мавжуд бўлади. АҚШда никоҳдан ажралишларнинг 95 % и низосиз никоҳдан ажралиш орқали амалга оширилади [4].

**Биргаликда мурожаат бўйича никоҳдан ажралиш** – бу усулда никоҳдан ажралишда эр-хотин никоҳдан ажралишга биргаликда ариза беришади. Хорижий мамлакатлар қонунчилигида биргаликда никоҳдан ажралишда эр-хотинга адвокатлар, медиторлар, психологлар, тренерлар ёки молиявий соҳа вакиллари, шунингдек бошқа мутахассислар ёрдам беришади.

**Электрон тартибда никоҳдан ажралиш** – бундай ажралиш турлари бугунги кунда Португалия, Япония ва Жанубий Кореяда учрайди. Мазкур никоҳдан ажралиш турида эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлиб, уларнинг бир-бирига нисбатан фарзандлар ва мол-мулклар билан боғлиқ талаблари бўлмайди. Бунда эр-хотин никоҳдан ажралиш бўйича электрон сўровномани тўлдиришади. Мисол учун Португалияда эр-хотин электрон тартибда никоҳдан ажралиш учун иккаласи бир соатнинг ичида электрон сўровномани тўлдириши лозим. Шунингдек, улар ўртасида фарзанд бўлмаслиги ва мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлмаслиги лозим [5].

**Медиация тартибда никоҳдан ажралиш** – хорижий мамлакатлар қонуничилигини таҳлил қиладиган бўлсак, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам 2019 йил 1 январдан бошлаб медиация институти ишлай бошлади. Медиация ёрдамида оилавий низолар ҳам кўриб ҳал қилинади. Никоҳдан ажралишнинг мазкур турида тарафлар воситачи орқали никоҳдан ажралиш жараёнини олиб боришади. Ҳатто бу турни классик тур деб айтса ҳам бўлади. Низоларни ҳал қилишнинг воситачилик усули қадим замонларга бориб тақалади.

Биз юқорида дунё мамлакатлар қонуничилигининг умумий таҳлилидан келиб чиқиб никоҳдан ажралиш турларини таҳлил қилдик. Энди никоҳдан ажралишга ҳуқуқий жиҳатдан тариф беришга ҳаракат қиламиз.

Никоҳдан ажралиш – эр-хотин (ёки никоҳдаги шахслар) иккаласи ҳам тирик бўлган ҳолатда улардан бирининг ёки иккаласининг аризасига кўра никоҳнинг қонунда ваколат берилган органлар томонидан белгиланган тартибда тугатилиши ҳисобланади.

Бу маълумотлар шундан далолат берадики, никоҳдан ажралишга жиддий сабаб бўлмасида оилалар тарқаб кетмоқда. Аслида инсонларнинг бир оила бўлиб яшаши уларнинг шахсий иши ва ҳуқуқлари ҳисобланади. Бироқ шунга қарамасдан, давлат оилаларнинг бузилиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўз қонунчилигида эр-хотиннинг ўзаро

ажралишига йўл қўйиладиган ҳолатларини мустаҳкамлаб қўйган.

Хусусан, хорижий мамлакатлардан Германия, Франция ва Япония қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, суд томонидан эр-хотиннинг бири никоҳдан ажралишга норози бўлса, уларни никоҳдан ажратишнинг аниқ ҳолатлари қонунчиликда белгилаб қўйилган бўлиб, судлар ушбу ҳолатлардан бири мавжуд бўлсагина эр-хотиндан бирининг никоҳдан ажралиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантириши мумкин.

Германия Федератив Республикаси Фуқаролик кодексининг 1565-моддасида никоҳдан ажралишнинг асослари келтириб ўтилган. Унга кўра, никоҳ амалда бузилган бўлса, яъни узоқ вақт давомида эр-хотин ўртасидаги муносабат бузилган бўлиб, уни тиклашнинг имкони бўлмаса, шунингдек, эр-хотин бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида бир уйда яшамаган бўлса ва мазкур бирга яшамаган эр-хотин ёки улардан бирининг бошқа учунчи шахс билан амалда оилавий муносабатлар бошланган бўлса бундай ҳолатлар никоҳдан ажратишга асос бўлиши белгиланган.

Шунингдек, 1566-моддасида никоҳ муносабатлари бузилганлиги презумпцияси берилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

биринчидан, эр-хотиннинг никоҳдан ажралишга биргаликдаги розилигининг мавжудлиги ҳамда эр-хотиннинг бир йилдан кам бўлмаган (бир йил ва ундан ортиқ) муддат давомида бирга яшамаганлиги;

иккинчидан, эр-хотиннинг уч йилдан кам бўлмаган (уч йил ва ундан ортиқ) муддат давомида бирга яшамаганлиги эр-хотинни никоҳдан ажратишга сабаб бўлиши қатъий белгилаб қўйилган [6].

Никоҳнинг бекор бўлиш презумпцияси бу никоҳдан ажратишнинг асосларидан бири ҳисобланади.

**Япония** қонунчилигига тўхталадиган бўлсак, Япония Фуқаролик кодекси (Минпоу)нинг 770-моддасида қуйидагилар суд томонидан никоҳдан ажратишга асос бўлиши белгилаб қўйилган:

– тарафлардан бири бузуқлик (номақбуллик/ахлоқсизлик) содир қилган бўлса;

– бир тараф иккинчи тарафга ёмон ниятда ғамхўрлик қилмаса;

– тарафлардан бири ўлим хавфи мавжуд касалликка ёки бошқа касалликка чалинган бўлиб уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга умри қолган деган якуний тиббий ҳулоса берилган бўлса;

– тарафлардан бири руҳий касалликларнинг оғир шаклига чалинган бўлса ва тузалиб кетиш эҳтимоли бўлмаса;

– никоҳни давом эттиришни қийинлаштирадиган бошқа жиддий сабаблар мавжуд бўлса [7].

Суд юқоридаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, иш бўйича барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда никоҳни давом эттиришга асослар мавжуд деб ҳисобласа, ажралиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

Япония қонунчилиги шундан далолат берадики, никоҳдан тарафлар рози бўлмаса, шунчаки ажралиб кетишнинг деярли имкони йўқ бўлиб, никоҳдан ажралиш учун жиддий сабаблар бўлиши лозимлигини белгилаб қўйган. Мазкур никоҳдан ажралишга асос бўлувчи ҳолатларни миллий қонунчилигимизга киритиш имплементация қилишни таклиф қиламиз.

Никоҳни бекор қилиш презумпцияси Франция қонунчилигида никоҳнинг бузилиш (синиш)

принциплари деб белгилаб қўйилган. Франция Фуқаролик кодексининг 229-моддасига асосан никоҳ: эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан (ФКнинг 229–232-моддалари);

никоҳнинг бузилиш (синиш) принциплари бўйича (ФКнинг 233-234-моддалари);

оилавий муносабатларнинг бузилганлиги (ФКнинг 237-238-моддалари);

хатолик (ФКнинг 242-моддаси) туфайли бекор қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган [8]. Ҳамда ҳар бир асос қонунчиликда норматив шаклда белгилаб қўйилган.

Франция қонунчилигининг таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, никоҳдан ажратиш асослари қонун билан белгилаб қўйилган. Мисол учун, юқоридаги 2 асосга кўра эр-хотиндан бири судга никоҳдан ажралиш тўғрисида ариза бериб эр (хотин)га нисбатан аниқ оилавий муносабатларни тугатиш учун айблов қўяди ва буни исботловчи далиллар тақдим этиши шарт, агар у далил тақдим этмаса суд никоҳдан ажратиш даъвосини рад қилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, мазкур нормада ушбу суд процессида тақдим этилган далиллардан бошқа даъволарни асослашда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифни илгари сурмоқчимиз.

Яъни, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддасида суднинг никоҳдан ажратиш асослари келтириб ўтилган.

Унга кўра, агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Ушбу асос бироз мавҳум бўлиб, унда никоҳдан суд тартибда ажратишнинг аниқ асослари белгилаб қўйилмаган. Қолаверса, мазкур нормани такомиллаштириш орқали никоҳдан суд тартибда ажратишга йўл қўйиладиган асосларни аниқ белгилаб қўйиш суд амалиётининг бирхиллигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 41-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

*Қуйидаги ҳолатлар оилани сақлаб қолишнинг имконияти йўқ деб баҳоланишига асос бўлади:*

1) эр-хотин уч йилдан кам бўлмаган муддатда бир том остида яшамаётган бўлса;

2) оиладаги зўравонлик, ёмон муомала ёхуд эр-хотин бир-бирига нисбатан ғараз ниятда бўлса;

3) эр-хотиннинг бири қимор ўйинлари, гиёҳвандлик ва психотроп воситаларга ёхуд инсонда бошқача тарзда қарамликни вужудга келтирувчи восита ҳамда одатларга қарам бўлиб қолган бўлса;

4) никоҳни давом эттиришни қийинлаштирадиган бошқа жиддий сабаблар мавжуд бўлса.

Суд юқоридаги ҳолатлар ёки улардан бири мавжуд бўлган тақдирда ҳам иш бўйича барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда никоҳна давом эттиришга асослар мавжуд деб ҳисобласа, ажралиш тўғрисидаги даъвони қаноатлантиришни рад этиши мумкин.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар қонунчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, никоҳдан ажралиш жараёнида никоҳдан ажралишга сабаб бўлётган жиддий ҳолатлар аниқланса суд эр-хотинга ярашиш учун муҳлат

тайинламайди ёхуд уларни яраштириш чораларини кўрмайди.

Хусусан, Хитой Халқ Республикасининг “Никоҳ тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасига асосан агар эр-хотиндан бири никоҳни бир тарафлама бекор қилмоқчи бўлса, у медиацияни қўлловчиларга ёки тўғридан-тўғри халқ судларига мурожаат қилиши мумкин.

Шунингдек, халқ судлари никоҳдан ажралиш масаласини кўришда албатта медиация (ярашув институти)ни қўллаши шарт. Бироқ Хитой оила қонунчилигига кўра қуйидаги ҳолларда медиацияни қўлламасдан ҳам эр-хотиннинг никоҳдан ажралишига йўл қўйилади:

1) эр-хотиндан бири бошқа шахс билан яшаётган бўлса;

2) оиладаги зўравонлик, ёмон муомала, эр-хотин бир-бирига ёмон ниятда бўлса;

3) эр-хотин икки йилдан ортиқ муддат давомида бирга яшамаётган бўлса;

4) эр-хотиннинг бири қимор ўйинлари, гиёҳванд воситаларга ва бошқа қарамликни вужудга келтирувчи восита ҳамда одатларга қарам бўлиб қолган бўлса;

5) бошқа эр-хотиннинг ўзаро меҳри йўқолишига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд бўлса.

Миллий қонунчилигимизда суд ва ФХДЁ органлари томонидан никоҳдан ажратиш ишларини юритишда эр-хотинга яришиш учун олти ойгача муҳлат берилиши назарда тутилган. Мазкур муддатни қўллашдан мақсад оилаларни асраб қолишдир. Амалиётдан маълумки, бугунги кунда судлар деярли барча ҳолларда никоҳдан ажралиш учун мурожаат қилган эр-хотинга ярашиш учун муҳлат беради. Муҳлат беришда уларнинг узоқ йиллардан бери бирга яшамаётганлиги, амалда бошқа шахс билан оилавий муносабатларни бошлаб, ҳатто ўртада фарзандлар мавжудлигини кўп ҳолларда инobatга олишмаслигининг кўпинча гувоғи бўлаемиз. Никоҳдан ажратиш ишлари бўйича барча ҳолларда муддатнинг қўлланилиши айрим ҳолларда янги бошланган муносабатларнинг бузилишига, шунингдек коррупцион вазиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабдан ҳам, амалда оилавий муносабатларни тугатганига кўп вақт бўлган ёхуд бошқа шахс билан ҳақиқатда оилавий муносабатларни бошлаб юрган, ўртада фарзанд бўлган вазиятларда никоҳдан ажрашаётган тарафларга ярашиш учун муҳлат бериш қанчалик тўғри эканлиги қайтадан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

Никоҳ ва оилани сақлаб қолиш деганда қоғозда мавжуд бўлган оилаларни эмас, балки амалда мавжуд оилаларни сақлаб қолиш асосий мақсад ҳисобланади. Шу сабабли тарафлар узоқ йиллардан бери бирга яшамаётган бўлса ва амалда бошқа шахс билан оилавий муносабатларни бошлаб юрган бўлса, бундай ҳолларда тарафларга ярашиш учун муддат берилишининг фойдасидан кўра салбий оқибатлари келиб чиқиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 40-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилишни таклиф қилаемиз.

#### **40-модда. Никоҳдан суд тартибда ажратиш**

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.

*Қуйидаги ҳолларда мазкур муддат қўлламасдан, никоҳдан ажратишга йўл қўйилади:*

1) *уч йилдан кам бўлмаган муддат давомида эр-хотиндан бири бошқа шахс билан амалда бир оила бўлиб яшаётган бўлса;*

2) *оиладаги зўравонлик, ёмон муомала ёхуд эр-хотин бир-бирига нисбатан ғараз ниятда бўлса;*

3) *эр-хотиннинг бири қимор ўйинлари, гиёҳванд воситалар ёхуд инсонда бошқача тарзда қарамликни вужудга келтирувчи восита ёки одатларга қарам бўлиб қолган бўлса;*

4) *эр-хотиндан бирининг мамлакат ҳудудидан узоқ муддатга чиқиб кетганлиги.*

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш натижалари бўйича никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўйича ҳам уларнинг илғор тажрибасини ўргандик гарча бугунги тадқиқот мавзумиздан йироқ бўлсада, бу борадаги таклифларни илгари суришни лозим топдик.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар белгилаб қўйилган. Унда муйян доирадаги қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланган. Хусусан, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланган. Мазкур нормани таҳлил қиладиган бўлсак, тўғри шажара қариндошлар ўртасида ҳамда ён шажара бўйича ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Хорижий мамлакатларнинг оила қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ён шажара қариндошларнинг ўртасида никоҳ тузиш тақиқланган бўлиб, мазкур доира бизни қонун белгиланган доирадан кенгроқ эканини кўришимиз мумкин. Хитой қонунчилигини қарайдиган бўлсак, “Никоҳни қайд этиш тўғрисида”ги йўриқноманинг 2-моддасига асосан Хитой Халқ Республикасида никоҳ фуқаро администрацияси органлари томонидан қайд қилинади.

Ушбу йўриқноманинг 4-моддасида никоҳни қайд этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган бўлиб, унга асосан никоҳланувчилар шахсни тасдиқловчи ҳужжат, уй дафтари ҳамда бошқа никоҳда турмаслиги ва иккинчи томон билан ўзаро насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган шажара ёки **ён шажара бўйича учинчи даражагача бўлган қариндош эмаслигини тасдиқлаб ариза** тақдим қиладилар [9].

Шунингдек, мазкур йўриқноманинг 6-моддасида никоҳни қайд этишни рад қилиш асослари келтирилган бўлиб, унга мувофиқ қуйидаги ҳолларда никоҳ қайд этилмайди: 1) тарафлардан бирининг ёки ҳар иккаласининг қонунда белгиланган никоҳ ёшига етмаганлиги; 2) тарафлар ихтиёрий никоҳга киришмаётган бўлсалар; 3) бир ёки икки тарафда ҳам бошқа никоҳ мавжудлиги; 4) тарафлар ўзаро насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган шажара ёки **ён шажара бўйича учинчи даражагача бўлган қариндош бўлсалар**; 5) тарафлардан бирида ёки ҳар иккаласида тиббий нуқтаи назардан никоҳга киришга монелик қиладиган касаллик мавжуд бўлса.

Шунингдек, Японияда ҳам худди Хитойдагидек тўғри шажара бўйича ёки ён шажара бўйича **учинчи даражадаги қариндошлар ўртасида никоҳ** тузиш тақиқланади (Фуқаролик кодексининг 734-моддаси). Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасининг биринчи қисм иккинчи бандни қуйидагича, яъни насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган **ва ён шажара бўйича учинчи даражагача бўлган қариндошлар** ўртасида ҳамда ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш тақиқланади мазмунида қайта таҳрир қилишни таклиф қиламиз.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатимизда никоҳдан ажралиш ҳолатларини камайтириш ҳамда оилаларда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш учун кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биз томондан илгари сурилган фикрлар ҳам оилаларни асраб қолишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

### Адабиётлар рўйхати:

1. Статистик маълумотлар Kun.uz сайти (<https://kun.uz/news/2018/12/12/oilavij-ajrimlar-kalavani-uci-kimning-kulida>), “Darakchi” газетаси, Ҳ.Насимов ва Г.Мамараимоваларнинг Никоҳ: миллий ва хорижий тажриба номли ахборот-таҳлилий материали (9–12-бетлар)дан олинган.
  2. <https://www.gov.uk/divorce/grounds-for-divorce>.
  3. "No Fault Divorce Law & Legal Definition". US Legal. Retrieved 3 June 2013.
  4. "The Meaning of Uncontested Divorce". *SplitSimple.com*. Retrieved 2017-01-14.
  5. Emery, Robert E. (2013). Cultural Sociology of Divorce. An Encyclopedia. Thousand Oaks, Calif.: SAGE Reference. p. 416. ISBN 978-1412999588.
  6. Civil code of Germany. [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_zpo/englisch\\_zpo.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_zpo/englisch_zpo.html).
  7. 日本の民法 // <http://www.moj.go.jp/content/000056024.pdf>.
  8. Civil code of France. [https://www.trans-lex.org/601101/\\_french-civil-code-2016/](https://www.trans-lex.org/601101/_french-civil-code-2016/).
- Правила регистрации актов гражданского состояния (2017/06/12) // <http://uz.chineseembassy.org/rus/lsfw/flfg/t1469513.htm>

**М.Қ.Ўразалиев,**  
ТДЮУ “Жиноят ҳуқуқи ва криминология”  
кафедраси доценти в.б.

## ЖИСМОНИЙ ЁКИ РУҲИЙ МАЖБУРЛАШ ЁХУД ҚЎРҚИТИШ, ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОИЙЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТ СИФАТИДА

**Аннотация:** мақолада жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш таъсирида шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиши қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** мажбурлаш, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш, қўрқитиш, жазони истисно қилувчи ҳолат, мажбурлаш ёки қўрқитиш остида ижтимоий хавфли қилмишни содир қилиш.

**Аннотация:** в данной статье проанализировано совершение лицом общественно опасного деяния под воздействием физического или психического принуждения или угрозы в качестве обстоятельства исключающего преступность деяния.

**Ключевые слова:** принуждение, физическое или психическое принуждение, угроза, обстоятельство исключающие преступность деяния, совершение общественно опасного деяния под влиянием принуждением им угрозы.

**Annotation:** this article analyzes the person's perpetration of a socially dangerous act under the influence of physical or mental coercion or threat as a circumstance precluding the criminality of the act.

**Keywords:** rejection, physical or mental rejection, threat, circumstances precluding criminality, committing a socially dangerous act under the influence of forcing them to threaten

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик-ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб, эзгу мақсад сари олға интилиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг январь ойида прокуратура ходимлари қуни арафасида ўтказилган учрашувдаги маърузасида, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, аҳоли бандлиги ҳамда меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигида қонунийликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш ва қонун бузилишларининг олдини олишга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди [1].

Бундан ташқари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралда қабул қилган ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, жамиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ҳаракатлар стратегиясидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан асосиз жазо тайинлашни олдини олиш ва бу борада қилмишни жиноийлигини истисно қилиш ҳолатларини таҳлил этиш ҳам ушбу масалаларга бағишланган [2].

Таъкидлаш жоизки, қўйилган барча вазифаларнинг негизи бўлиб, энг аввало, инсон ҳуқуқлари

ҳимоясининг кафолатларини сўзсиз таъминлаш, қонун ҳамда адолат устуворлигини қарор топтириш ҳисобланади. Шу боис биздан ушбу масъулиятли вазифаларни бажариш учун ўз ваколатларимиз, билимимиз, тажрибамиз ва бор имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этиш, бунда асосий эътиборни ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратиш талаб этилади.

Шу ўринда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолат сифатида таҳлил этилганда, бунда ҳам биринчи навбатда инсоннинг тақдири ётади.

Дарҳақиқат, ижтимоий муносабатларни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш давлатнинг, жамоат ташкилотларининг ва барча фуқароларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ана шундай тажовузлардан ҳимоя қилиш, бурчига садоқат, ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ тартиботни сақлашнинг, жамиятда осойишталикни таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

Жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган жиноий тажовузлардан, шунингдек, жиноят ҳисобланмаган, аммо жамият учун ижтимоий хавфли ҳисобланган тажовуздан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ўз хизмат вазифаси юзасидан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш топширилган шахсларнинг мажбурияти ҳисобланади. Ижтимоий хавфли ҳисобланмаган қилмишларда жиноят таркиби ҳам бўлмайти, ундай қилмишлардан ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилиш зарурияти ҳам келиб чиқмайди. Маълумки, содир этилаётган ва содир этилган оғир ва ўртача оғир жиноят ҳақида тегишли давлат идораларига хабар бериш ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланиб, шахс бу мажбуриятини бажармаса, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жавобгарлик қўланади.

Ижтимоий муносабатлар хавф остида қолган ва бу ижтимоий муносабатни дарҳол ҳимоя қилиш зарурати келиб чиққан бўлса, ҳар бир фуқарога хавфни бартараф қилиш орқали ижтимоий муносабатни ҳимоя қилиш бурчи юклатилган. Муайян шахс ёки бошқа хавф манбаи томонидан ижтимоий муносабатга моддий ёки жисмоний зарар етказиш хавфи вужудга келтирилганда ушбу хавфни бартараф қилиши жараёнида шахсга ёки бошқа бир ижтимоий муносабатга зарар етказилиши мумкин. Ана шу етказилган моддий ёки жисмоний зарар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг бирор моддасида назарда тутилмаган жиноятга формал жиҳатдан ўхшасада, аммо ижтимоий хавфли ҳисобланмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди. Ижтимоий муносабатга зарар етказиш хавфи вужудга келганда, бундай хавфни бартараф қилиш жараёнида шахсга ёки ижтимоий муносабатга зарар етказиш фақат жиноят ҳисобланмай, балки ижтимоий фойдали, жамият нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ ҳамдир. Чунки бундай зарар давлат, жамоат ёки фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тажовузчига нисбатан хавф манбаини бартараф қилиш мақсадида қўлланилади.

Жиноятчиликка қарши кураш усулларидан бири жиноят содир қилган шахсларни суд таъқиби орқали жиноий жавобгарликка тортишдир. Айнан ана шундай шахслар суд таъқибидан қочиб кетмоқчи ёки жиноий фаолиятини давом этирмоқчи бўлган тақдирда уларни ушлаш вақтида жисмоний ёки моддий зарар



етказилиши мумкин. Тажовузчига бундай зарар етказиш уни ушлашнинг зарурий чораларидан бири бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Айрим ҳолларда енгиб бўлмайдиган жисмоний ёки руҳий зўрлик таъсирида шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир қилиб қўяди. Бундай ижтимоий хавфли қилмиш шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаганлиги туфайли бундай қилмишларда ҳам жиноят таркиби бўлмайди.

Ишлаб чиқаришнинг борган сари кенгайиб, йириклашиб, бораётганлиги, қудратли энергия манбаларининг яратилганлиги, фан-техника тарққиётини янада жадаллаштириш талаблари жиддий тажриба ва синовлар ўтказилишини талаб қилади. Бундай тажриба ва синовлар маълум даражада таваккалчилик қилишни тақозо қилади. Ана шундай тажрибалар, таваккал қилишлар муайян хавф манбаи ҳам бўлиши, ёки кўп миқдордаги моддий маблағларни сарф қилиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо бундай таваккалчилик кўзланган натижани бермаса, лекин таваккал қилиш ижтимоий фойдали мақсадга қаратилган бўлса, таваккалчилик асосли бўлса, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга зарар етказилган тақдирда ҳам жиноят ҳисобланмайди [3].

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексига қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари аниқ белгилаб қўйилиб, бундай тортишувларга чек қўйди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддаси биринчи қисмида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси биринчи марта берилди. Унда қилмишда ушбу кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлсада, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топилади [4].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддаси 2-қисмида қуйидаги ҳолатлар қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб кўрсатилган: а) кам аҳамиятли қилмишлар; б) зарурий мудофаа; в) охириги зарурат; г) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; д) буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; е) касб ёки ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган асосли таваккалчилик; з) жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш кабилар.

Ушбу қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг ҳуқуққа хилофлигини истисно қилиш уларнинг юридик табиатидадир. Улар фақатгина қилмишнинг жиноийлигини ва жазога сазоворлигини истисно қилибгина қолмасдан, қилмишда жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Демак, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар бевосита жиноят таркиби билан боғлиқдир. Яъни ё қилмишда шахснинг айби бўлмайди. Айб жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгисидир. Ёки қилмиш ижтимоий хавфли бўлмайди. Ижтимоий хавфлилик жиноятнинг энг муҳим белгиларидан биридир. Ёхуд истисно қиладиган қилмишлар қонунга хилоф бўлмаганлиги туфайли жиноят ҳисобланмайди. Ана шу айтилганларга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар жиноят таркибининг бирор томони (элементи) ёки белгисининг бўлмаслиги туфайли истисно қиладиган ҳолат ҳисобланади. Шунга кўра, қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг юридик табиатини аниқлаш, ушбу институтнинг жиноят ҳуқуқи тизимидаги аҳамияти ва

ўрнини белгилаш имконини беради. Ҳар бир фуқарога ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради.

Шуни қайд этиш керак, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ–459-сонли Қонуни билан қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг тури сифатида Жиноят кодексига “жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш” деб номланган 41<sup>1</sup>-моддаси киритилди [5]. Унга кўра, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказилиши, агар бундай мажбурлаш ёхуд қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, жиноят ҳисобланмайди. Демак, юқорида қайд этганларимиздек, бундай вазиятда жиноятнинг бажарувчиси, яъний субъекти жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитган (мажбурлаган) шахс булади.

Бу борада мажбурлаш, жисмоний ва руҳий мажбурлаш, қўрқитиш тушунчаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, Мажбурлаш деганда шахснинг ўз хошига қарши бирон-бир қилмишни содир этишга мажбур этиш мақсадида амалга ошириладиган барча руҳий ёки жисмоний таъсир чоралари тушунилиши лозим [6].

Жабрланувчига мажбурлаш пайтида ҳуқуққа хилоф руҳий таъсир кўрсатиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

– хизмат жиҳатидан қарамлик, яъни аёлнинг уни мажбурловчи шахсга хизмат юзасидан бўйсунуши – “раҳбар – бўйсунувчи ходим” кўринишида (масалан, жабрланувчини ишдан бўшатиш, кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказиш, пул мукофотларидан маҳрум қилиш, паст лавозимга ўтказиш, яшаш манбаларидан маҳрум қилиш билан қўрқитиш ва бошқ.) бўлиши мумкин;

– моддий жиҳатдан қарамлик, яъни аёлнинг унинг жинсий эркинлигига таҳдид солаётган шахсга моддий қарамлиги ёки яшаш учун маблағларнинг асосий қисмини шу шахсдан олиши (масалан, жабрланувчида тўлай олмайдиган қарз мажбуриятларининг мавжудлиги; аёлнинг ўз яшаш жойи бўлмай туриб айбдорнинг уйда яшаши ва бошқ.) ҳисобланади;

– бошқача тарздаги қарамлик, яъни тегишли хизмат вазифасини эгаллаб турган шахснинг жабрланувчи учун муҳим саналган масалаларни ҳал қилиши натижасида жабрланувчининг маълум бир имтиёз, фойда, устунликка эришиши. Бундай қарамлик турли кўринишларда бўлиши мумкин, масалан, “спортчи аёл – унинг мураббий, “гумон қилинувчи – терговчи”, “ариза билан мурожаат қиладиган шахс – аризани қаноатлантира оладиган шахс”, “докторант – илмий маслаҳатчи”. Агар шахс жисмоний ёки руҳий мажбурлаш таъсири остида жиноят содир этсаю, аммо бу ҳолатнинг барча шартларига амал қилса, унинг қилмишлари жиноят деб топилмайд.

Бу борада МДҲ давлатлар Жиноят қонунчилигини ўрганганимизда Россия жиноят қонунчилигида жисмоний ва руҳий зўрликни тавсифлашда Жиноят кодексининг 63-моддаси (“к” банди)да қонунчи жисмоний ва руҳий мажбурлаш, яъни “ўқотар қурол, портловчи моддалар ёки воситалар, заҳарли ва радиоактив ашёлар, даволовчи ва бошқа кимёвий-фармологик моддалардан фойдаланиб” жиноят содир этишни жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида

тавсифлаган. Бу ҳолат бир қатор рус олимлари томонидан танқид қилинган [7].

М.Усмоналиев жисмоний ва руҳий мажбурлаш тушунчаларини тадқиқ этар экан, шундай ёзади: “жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказганлик учун жавобгарликни истисно қиладиган ёки жиноий жавобгарлик масаласини ҳал қилишда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти, хавфлилик даражаси, хавфнинг ҳақиқатдан мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, юз бериш вақтининг яқинлиги, вужудга келган вазият ҳамда шундай вазиятда шахснинг мавжуд имкониятлари ва бошқа ҳолатлар ўрганилади” [8].

Авваламбор, зўрликда “руҳий” атамаси қандай маъно касб этишини аниқлаб олиш лозим: ушбу атамада руҳий зўрлик таъсир кўрсатиш объектига ёки жиноий тажовуз усулига қараб қараб белгиланганми, ё бўлмаса, ҳар иккаласи ҳам инобатга олинганми? Биз зўрликни у инсон руҳиятига таъсир этгани учун шундай атаймизми ёки руҳий таъсир кўрсатиш воситалари ёрдамида содир этилгани учунми? Руҳиятга берилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, у инсонга, унинг танасига, идрокига ўз-ўзидан таъсир кўрсатмайди. Руҳий таъсир ташқи муҳитга фақатгина инсон хулқ-атвори, ҳаракатлари орқали таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш мумкинки, руҳий атамаси жиноят содир этиш усулига эмас, балки таъсир кўрсатиш объектига, предметга нисбатан айтилган.

Шу сабабли жисмоний ва руҳий зўрлик бир-биридан содир этиш усул ва воситаларига кўра фарқ қилади. Хусусан, жисмоний зўрлик тан жароҳати етказиши ёки инсон хулқи, ҳаракатининг ташқи эркинлигини чеклайди, унинг организмида органик ёки функционал ўзгаришларга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Руҳий зўрлик эса бевосита инсон руҳиятига таъсир этади ва руҳий жароҳат етказиши ёки унинг хоҳиш-иродаси эркинлигини енгади (чеклайди).

Умуман олганда, улар ўртасида содир этиш усулига кўра ҳам фарқлар мавжуд. Агар жисмоний зўрлик одатда механик ёки кимёвий воситалар ёрдамида содир этилса, руҳий зўрлик фақат руҳиятга таъсир этади ва ёки тан жароҳати етказмаган ҳолда руҳий жароҳатлаш, ё шахс эркини чеклашда, яъни унинг ички эркинлигини жисмоний таъсирсиз чеклашда намоён бўлади. Бу ҳолда ахборот (информация) инсон руҳиятига таъсир этувчи бош восита сифатида намоён бўлади.

Инсон организми ва руҳияти ўртасидаги органик алоқадорликдан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, жисмоний зўрлик оқибатида доим руҳий жароҳат етказилади (ҳушсиз ҳолда ётган шахсга, масалан, наркоз таъсири остида бўлган шахсга етказиладиган жисмоний жароҳатлар бундан мустасно). Шундай қилиб, жисмоний зўрлик руҳий жароҳат келтириб чиқарувчи манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, гипноз ўзбек ҳуқуқшунослари томонидан ҳам руҳий мажбурлашнинг бир шакли сифатида эътироф этилади. Гипноз – бу руҳий мажбурлашнинг алоҳида шакли бўлиб, гипноз остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг иродаси синдирилади ва бундай ҳолда содир этилган қилмишни иродавий қилмиш деб бўлмайди.

Жисмоний ёки руҳий зўрлик учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказувчи мажбуллов

остидаги шахснинг эркин хулқ-атворида турли хил таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, шахснинг ўзи ҳаракатларини танлаш эркинлиги бутунлай чекланган ёки бундай чекланганлик нисбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Шахс фаолиятининг турли хусусиятдалиги уларни ҳар хил ҳуқуқий баҳолашга олиб келади. Хусусан, агар шахс ўзининг хатти-ҳаракатини бошқара олмаган (масалан, тўлиқ изоляция ёки гипноз остида бўлиш) ҳолларда мажбурланувчи шахс қўл остидаги жиноят қуроли бўлиб, у ўз ҳаракатларини танлаш имкониятидан маҳрум бўлади ва шунинг учун ҳам у жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Агар шахс ўзи хатти-ҳаракатини бошқариш имкониятига эга бўлган бўлса (масалан, зарар етказиш хавфи мавжуд бўлганда.) мажбурланган шахснинг қилмиши жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш бўйича боҳаланиши лозим. Кўрқитиш ва уни амалга ошириш имконияти жабрланувчини шундай аҳволга солиб қўйиши керакки, у шахснинг ҳаракатларига қаршилиқ кўрсата олмай қолган бўлиши лозим. Кўрқитиш оғзаки тарзда кўрқитувчи имо-ишоралар, шахс соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган қурол ёки бошқа ашёлар билан кўрқитиш, мулкни нобуд қилиш, жабрланувчини шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш билан кўрқитиш, шантаж орқали амалга оширилади.

Шахснинг иродасини синдириш усули сифатидаги кўрқитиш аниқ бўлиши керак. Кўрқитиш ҳам шахснинг манфаатларига нисбатан, ҳам унинг яқин кишилари (болалари, ота-онаси, яқин қариндошлари ва ҳоказо)га нисбатан бўлиши мумкин. Кўрқитиш шахснинг эркин ҳаракатларини фалаж қилиш, унинг иродасини синдиришга қодир даражада жиддий бўлганми-йўқми, буни алоҳида олинган ҳар бир ҳолда суд ҳал қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-бўлимида “Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш” тушунчаларига таъриф берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса ўз навбатида, жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд кўрқитиш каби ҳаракат ва ҳаракатсизликни фарқлаш имконини бериб суд амалиётида юзага келадиган камчиликларни бартараф этишга, шунингдек зўрлик ишлатиб содир этилаётган қилмишларни фарқлашга хизмат қиларди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимишни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б.190.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6. 70-модда).
3. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.337.
4. Рустамбоев М. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Т.1. Умумий қисм. Дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2010. – Б.334.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ–459-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон.

6. Рустамбоев М., Ахраров Б. Жиноят ҳуқуқи. Дарслик. – Т., 2006. – Б.254.

7. Сердюк Л. Насилие – криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М.: Юрлитинформ, 2002. – С.21-22.

8. Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. – Т.: Насаф, 2011. – Б.172.

**Д.Камалова,**

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### **ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАРНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ:МУАММО ВА ЕЧИМ**

**Аннотация:** мазкур мақолада муаллиф томонидан тамом бўлмаган жиноятларни малакалаш билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар таҳлил қилиниб, жиноят ҳуқуқи нормаларини қўллашни такомиллаштириш юзасидан таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноят содир этишга суиқасд қилиш, тамом бўлган жиноят, квалификация, норма рақобати.

**Аннотация:** в данной статье автор анализирует теоретические и практические проблемы, связанные с неоконченными преступлениями, даны предложения по совершенствованию применения норм уголовного права.

**Ключевые слова:** приготовление к преступлению, покушение на преступление, оконченное преступление, квалификация, конкуренция норм.

**Annotation:** in this article, the author analyzes the theoretical and practical problems associated with uncompleted crimes, offers to improve the application of criminal law norms.

**Key words:** preparation for crime, criminal attempt, completed crime, qualification, competition of norms.

Тамом бўлмаган жиноятларнинг амалдаги таҳрири унинг юридик моҳиятини тўла ифодаламай, суд-тергов амалиётида мазмунини тушунишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Мутахассислардан «*Амалий фаолиятингизда тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилиш ва жазо тайинлашда муаммоларга дуч келганмисиз?*», деб сўралганда респондентларнинг қарийб 56% «ҳа» деб жавоб беришган. Шунинг учун тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилишда муайян назарий ва амалий қоидаларга таянилиши лозим.

Маълумки, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноятга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик Жиноят кодекси Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарлик белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 25-моддаси 3-қисми).

Суд амалиёти материаллари таҳлиliga кўра, тамом бўлмаган жиноятларни квалификация қилишда Жиноят кодекси 25-моддасини кўрсатиш билан кифояланиб, унинг тегишли қисмлари қайд этилмаяпти<sup>1</sup>. Боиси, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш тушунчалари битта моддада келтирилганлиги ва бир хил жазо тайинланиши уларни ажратиш, ўзаро фарқлаш заруратини юзага келтирмайди.

Жиноятга тайёргарлик кўришни квалификация қилишда жиноят содир этган шахсининг қилмишига бўлган руҳий муносабати алоҳида эътиборга олиниши лозим. Суд-тергов амалиётида бундай ҳолатлар айбдор бир жиноий мақсадига бир неча маротаба эришишга ҳаракат қилганда юзага келади. Ягона жиноий мақсад учун битта субъект томонидан унча узоқ бўлмаган вақт оралиғида амалга оширилган қатор жиноий ҳаракатлар ягона жиноят деб баҳоланиши ва қўшимча равишда бошқа моддалар

<sup>1</sup> Ўрганилган суд ҳукмларининг бирортасида ЖК 25-моддасининг тегишли қисмлари кўрсатилмаган.

билан квалификация қилинмаслиги лозим. Масалан, Н. ва Б. олдиндан тузилган жиноий режага кўра, К.ни аэропортда ўлдиришга қасд қилишган. Уч кун давомида аэропортда К.ни пойлашган, бироқ, К. етиб келмаганлиги туфайли жиноий қасд амалга ошмаган. Тўртинчи куни Н. ва Б. аэропортга етиб келган К.ни пичоқлаб, ҳаёт учун хавфли бўлган шикаст етказилганлиги натижасида К. воқеа жойида ҳалок бўлган. Бир қарашда, мазкур мисолда Н. ва Б. томонидан уч кун давомида жабрланувчини пойлашгани қасддан одам ўлдиришга тайёргарлик кўриш, тўртинчи кун содир этилган қилмиш тугалланган қасддан одам ўлдириш таркибини беради. Бироқ, Н. ва Б. томонидан битта жабрланувчига, бир жиноий қасд билан ягона мотив ва мақсад асосида унча узоқ бўлмаган вақт давомида амалга оширилган бир неча жиноий қилмиш ягона жиноят таркибини ҳосил этади. Шунинг учун биринчи содир этилган қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш эмас, балки ягона тамом бўлган қасддан одам ўлдириш деб баҳоланиши лозим [1; 82-б.]. “Шахснинг қилмишида битта жиноятга тайёргарлик кўриш, суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноят белгилари мавжуд бўлса, мазкур қилмиш тамом бўлган жиноят сифатида квалификация қилинади. Чунки битта жиноят таркиби доирасида тамом бўлган жиноятга оид норма бутун норма ҳисобланиб, квалификацияда жиноятнинг бошқа босқичларига нисбатан устунликка эга бўлади. Жиноят тамом бўлган экан (агар шахс ҳаракатида бошқа жиноят таркиби бўлмаса), уни амалга ошириш учун муқаддам тайёргарлик кўрилган ёки суиқасд қилинганлиги квалификация учун аҳамиятсиз. Яъни жиноятни содир этиш учун шароит яратилгандан сўнг жиноятни содир этишга бевосита қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) амалга оширилса, жиноятга тайёргарлик кўриш мавжуд бўлмайди. Чунки тайёргарлик фақат тегишли шароит яратиш билан тугалланган бўлиши лозим. Бундай ҳолларда қилмиш тамом бўлган жиноят сифатида квалификация қилинади. Жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини содир этиш билан бирга, бошқа жиноят таркиби бажарилган бўлса, жиноятлар жами қондаси қўлланилади [2; 130-б.]. Масалан, жабрланувчини ўлдириш мақсадида ўқотар қурол қўлга киритилган ёки гиёҳвандлик воситаси сотиб олинган бўлса, айбдор шахс умумий асосда ноқонуний равишда қуролга эгаллик қилиш ёки гиёҳвандлик воситаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва қасддан одам ўлдиришга тайёргарлик учун жавобгарликка тортилади.

Жиноят кодекси 25-моддаси 2-қисмига кўра, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган бўлса, жиноятга суиқасд деб топилди. Жиноятни содир этиш учун шароит яратиш жиноятга тайёргарлик кўришни жиноятга суиқасд қилишдан фарқлашда асосий белги ҳисобланади. Масалан, Д., З. ва Я. ўзаро тил бириктириб, Р.ни дўппослаётган вақтда ёрдамга келган Б.ни ҳам дўппослашган. Шундан сўнг З. жабрланувчилар уларни фош қилишидан кўрқиб, Р. ва Б.ни ўлдириш зарурлигини айтган. Шу мақсадда Д., З. ва Я. жабрланувчилар Б. ва Р.ни дарё бўйига олиб бориб, у ерда Р.ни пичоқлаб, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиб, дарёга чўктириб юборилган. Шу вақтда жабрланувчи Б. қочиб кетганлиги туфайли жиноий мақсадлари ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охиригача етказилмаган. Д., З. ва Я.лар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, бошқа бирор жиноятни яшириш мақсадида Б.ни ўлдиришга суиқасд қилиш деб нотўғри малакаланган. Чунки жабрланувчи Б. қирғоққа уни ўлдириш мақсадида олиб келинган, яъни жиноят содир этилиши учун зарур

шароит яратилган, бироқ жабрланувчини бевосита ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган қилмиш айбдорларнинг биронтаси томонидан амалга оширилмаган. Шунинг учун Д., З. ва Я.ларнинг Б.га нисбатан содир этилган қилмиши қасддан одам ўлдиришга тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилиниши лозим.

Жиноят содир этиш учун шароит яратиш (жиноятга тайёргарлик кўриш) ва жиноятни бевосита содир этиш (жиноятга суиқасд қилиш) ўртасидаги фарқ ЖК Махсус қисм тегишли моддаси диспозициядаги жиноий қилмиш таърифидан келиб чиқиб ҳал этилиши керак. Шахснинг тамом бўлган жиноят объектив томони таркибига кирувчи ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш бошланганлиги, одатда, уларнинг бевосита жиноят содир этишга бевосита қаратилганлигини англатади. Қасддан одам ўлдиришда объектив томон амалга оширилишининг бошланиши деганда, ўлим юз беришига бевосита қаратилган қилмишни бажариш (ўқ узиш, пичоқ уриш, бўйнига арқон солиш) тушунилади. Жиноят содир этиш имкониятини юзага келтирадиган қилмишни амалга ошириш жиноятга тайёргарлик кўриш таркибини беради. Ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноятни бевосита содир этишга қаратилганлиги ҳар бир ҳолатда алоҳида кўриб чиқилиши лозим. ЖК Махсус қисм тегишли моддаси диспозициядаги жиноятнинг қандай тарзда ифодаланганлигидан келиб чиқиб, тайёргарлик ва суиқасд ўртасида чегара белгиланиши мумкин, бунда жиноят-ҳуқуқий норманинг шарҳланиши алоҳида аҳамиятли. Масалан, “жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб номусига тегишда жинсий алоқа бевосита бошланган вақтдан бошлаб, жиноят тугалланган ҳисобланади [3; 137-б.]. Шунинг учун жабрланувчини ожиз аҳволга солиш ёки жинсий алоқа амалга ошириш имкониятини юзага келтирадиган ҳаракатлар (жабрланувчини ечинтириш)ни амалга ошириш номусга тегиш жинояти объектив томонини ташкил этмай, номусга тегишга тайёргарлик кўриш деб баҳоланиши лозим” [4; 84–85-б.]. Бироқ, суд-тергов амалиётида бундай қилмишлар номусга тегишга суиқасд қилиш деб квалификация қилинмоқда.

Жиноятга шароит яратиш ёки жиноятни содир этишга қаратилган қилмиш тамом бўлган жиноят объектив томонига кирмаган бўлса (жиноят содир этишининг усули бўлмаган тақдирда), тамом бўлган жиноят билан қамраб олинмай, алоҳида-алоҳида квалификация қилиниши лозим [1; 85–86-б.]. Масалан, фирибгарлик содир этиш мақсадида расмий ҳужжатларни қалбакилаштирган, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланмаган шахснинг қилмиши фирибгарликнинг объектив томони таркибига кирмайди ва ЖК 228-м. 1-қ. билан квалификация қилиниши лозим [5; 87-б.].

Агар шахс расмий ҳужжатни қалбакилаштирган, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фойдаланмаган тақдирда, қилмиш ЖК 228-м. 1-қ. билан квалификация қилинади. Иш ҳолатларига кўра, шахснинг жиноий қасди қалбакилаштирган ҳужжатдан фирибгарлик мақсадида фойдаланишни қамраб олган бўлса, қилмиш фирибгарликка тайёргарлик кўриш (25-м. 1-қ., 168-м.) деб квалификация қилиниши керак. Агар шахс ўтказиш мақсадида аввалдан фойдаланиш учун яроқсиз бўлган кредит карточка ёки қимматбаҳо қоғоз ҳисобланмайдиган бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларни қалбакилаштирган бўлиб, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ўтказмаган тақдирда, содир этилган қилмиш фирибгарликка тайёргарлик кўриш сифатида квалификация қилиниши керак [6; 143-б.].

Суд-тергов амалиётида жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш ўзаро фарқланмайди. Муайян қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) айрим ҳолларда жиноятга тайёргарлик кўриш, бошқа ҳолатда эса жиноятга суиқасд қилиш квалификация қилинади. Масалан, ўғриликда мулкни эгаллаш, уни тасарруф этиш имкониятига эга бўлиш, мулк турган жойга кириш ўғирликнинг объектив томонини ташкил этиб, жиноятга суиқасд деб топилади. «Мол-мулк жойлашган хонадон эшигини очиш, уйда ҳеч ким йўқлигини аниқлаш, уй эгасини пойлаш ўғирликка тайёргарлик, қуролланган ҳолда мол-мулк жойлашган хонадоннинг кўнгириғини босиш суиқасдни ташкил этади» [7; 62-б.].

Бу борада қуйидаги суд ҳукми таҳлил қилиш ўринли. 2015 йил декабрь ойининг бошларида А., Д., Р., М. ва О.лардан иборат уюшган гуруҳ БАА Дубай амирлиги ҳукуматининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбарининг қароргоҳига босқинчилик йўли билан ҳужум қилиб, сейфдан 50.000 АҚШ доллари ва моддий бойликларини эгаллашни режалаштириб, вазифаларни ўзаро тақсимлашган. Жиноий режага кўра, О. жиноятни содир этишга раҳбарлик қилиши, жиноят содир этиш жараёнида юзага келган муаммоларни бартараф этиши (ташкilotчи), Д.га қароргоҳдаги вазиятни ўрганиш, пуллар сақланиши мумкин бўлган жой ҳақида маълумот йиғиб бориш ва етказиб туриш (ёрдамчи), А.га бошқа иштирокчиларни жиноятга жалб қилиш (далолатчи), Р. ва М.га қароргоҳга ғайриқонуний равишда, қуролланган ҳолда бостириб кириб, босқинчилик йўли билан пул ва моддий буюмларни эгаллаб олиб чиқиш (бажарувчи) вазифалари юкланган. 2015 йил 16 декабрда соат 01:00 ларда Р. ва М.лар босқинчилигини содир этиш учун 1 дона тўппонча, 3 дона пичоқ, 3 дона ичига ухлатувчи суюқлик тўлдирилган шприц ва арқонлар билан қуролланиб, қароргоҳга ҳужум қилиш учун боришганида, у ерда хизмат қилаётган кўриқчиларнинг ҳушёрлигини ва жисмонан бакуватлигини кўриб, уларга кучи етмаслигига ишонч ҳосил қилиб, ўзаро келишувга кўра, жиноий ҳаракатларни бошқа кунга қолдиришга келишиб, воқеа жойидан яширинганлар. Р. ва М.лар воқеа жойидан яшириниш мақсадида Қўйлиқ деҳқон бозори яқинига келишганида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тўхтатилиб, уларни шахсига аниқлик киритиш учун Яшнобод тумани ИИБ биносига олиб кетилаётганида содир этмоқчи бўлган жиноят изларини яшириш учун ёнларида бўлган 1 дона тўппонча ва 3 дона пичоқларни автобус орқа ўриндиғи остига ташлаб юборганликлари аниқланган ва ушбу буюмлар ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далил тариқасида олинган. Дастлабки тергов органлари томонидан содир этилган қилмиш 25, 164-моддаси 4-қисм «а,в» бандлари билан суиқасд қилиш<sup>2</sup> деб нотўғри квалификация қилинган.

«Босқинчиликка тайёргарлик кўриш эҳтимоли мавжуд бўлиб, бу ҳол ҳужум қилишдан олдин ва ҳужум қилиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган, яъни қурол сотиб олиш, жабрланувчини алдов йўли билан муайян жойга олиб келиш ва шунга ўхшаш турли ҳаракатларда ўз ифодасини топиши мумкин» [8; 20-б.]. Мазкур мисолда айбдорлар жиноий шерикларни топиш ва тил бириктириш, жиноят қуроли ва воситасини излаш орқали босқинчиликка шароит яратилган. Жиноят содир этиш жойига келиш тайёргарлик кўриш бўлиб, босқинчиликнинг объектив томонини содир этиш ҳали бошланмаганлигини англатади. Шунинг учун жиноят босқинчиликка тайёргарлик деб

квалификация қилиниши лозим (25-м.1-қ., 164-м. 4-қ. «а,в»).

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш масаласига ҳатто Олий суди Пленумининг тегишли қарориди ҳам нотўғри ёндашилган. «Дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарур. Бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд сифатида кўшимча равишда ЖК 25, 273-моддаси билан квалификация қилиниши керак» [9] мазмунидаги тушунтиришга қўшилиб бўлмайди.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилишда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга тайёргарлик кўришни суиқасд қилишдан фарқлаш лозим. Гиёҳвандлик воситаси (психотроп модда)ни сотиш ўтказишнинг энг хавфли кўринишларидан биридир. Шахснинг содир этган қилмишини «ўтказиш» деб квалификация қилиш учун айбдорнинг қасди мазкур моддаларни тарқатишга қаратилган бўлиши билан бирга муайян асослар билан исботланиши лозим. Жумладан, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилмайдиган шахс томонидан эгаллаш, тайёрлаш, қайта ишлов бериш, сақлаш, ташиш, гиёҳвандлик воситасининг миқдори (ҳажми), гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун қулай ҳолатда қадоқланганлиги, истеъмолчи билан ўзаро келишувнинг мавжудлиги. Шахсда ўтказиш мақсади мавжудлигини аниқлашда, айбдор гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш ёки қилмаслиги аҳамиятсиз, чунки мазкур моддалар ҳар қандай шахс томонидан ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, шахсда ҳар доим моддий манфаатдорлик кўриш мақсади бўлмаслиги, яъни ўтказиш ҳақ эвазига ёки текинга бошқа шахсларга беришда ифодаланиши мумкин. Гиёҳвандлик воситасини сотиш эса доим моддий манфаатдорлик эвазига амалга оширилади. Шунинг учун гиёҳвандлик воситасини кўп миқдорда уй-жойда, омборхонада сақланиши гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга тайёргарлик кўриш деб квалификация қилиниши лозим.

Қуйидаги суд ҳукмини таҳлил қилиш ўринли. Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани суди томонидан Д.А. ЖК 25, 273-м. 5-қ. билан айбдор деб топилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. 2010 йил 3 сентябрь куни Д.нинг хонадонига аёл садақа сўраб келган вақтда Д.нинг боши оғриётганлигини кўриб, унга бош оғриғини қолдириш учун дориси борлигини ва ҳидлаб кўришини таклиф этади. Д. ҳидлаб, бош оғриғи тўхтаганлиги сезиб, аёлдан икки дона зар қоғозга ўралаган «дори» ўрамини олиб, ётоқхонасидаги сандиқ устига тахланган кўрпалар орасига яшириб қўяди. ИИБ томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида Д.нинг хонадонидан оғирлиги 0,0992 граммга тенг «героин» гиёҳвандлик воситаси топилади. Д.нинг жиноий ҳаракатлари суд томонидан гиёҳвандлик моддасини сотиш мақсадини кўзлаб, кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд<sup>3</sup> деб нотўғри квалификация қилинган. Чунки айбдорда гиёҳвандлик воситасини сотишга қасди мавжудлиги етарлича далиллар билан исботланмаган. Айбдорнинг гиёҳванд эканлиги, мажбурий даволанишга муҳтожлиги тўғрисидаги экспертиза хулосаси эътиборга

<sup>2</sup> Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан, 2015 йил.

<sup>3</sup> Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан, 2010 йил.

олинмаган. Шахс қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадида эгаллаган, сақлаган, ташиган бўлиб, бироқ жиноий нияти (ўтказиш мақсади) ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим. Чунки шахс гиёҳвандлик воситасини ўтказишга бевосита қаратилган ҳаракатлар амалга оширилмай, фақат ўтказишга шароит яратилган. Олди-сотди битими амалга ошириладиган жойга келиши ҳам тайёргарлик кўриш деб баҳоланиши лозим.

Суд-тергов органлари томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасдни тамом бўлган жиноят сифатида нотўғри малакалаб, жазо тайинлаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2011 йил 30 мартдаги ҳукмига кўра, Ш. ЖК 273-м. 5-қ. билан 12 йил, ЖК 25, 186<sup>1</sup>-м. 3-қ. «а» банди билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш, 177-м. 2-қ. «в» банди билан 6 ой қamoқ, ЖК 59, 61-моддалари тартибида 13 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. Ш. 2010 йил 23 декабрда О. орқали номаълум шахсдан 2.400 АҚШ долларига сотиб олган 872,21 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини келгусида қайта сотиб, фойда кўриш мақсадида таниши С.нинг уйида қонунга хилоф равишда сақлаб келган. 2010 йил 27 декабрь куни Ш.нинг уйида ўтказилган кўздан кечириш чоғида, қонунга хилоф равишда сотиш мақсадида сақланаётган 1,5 литр ҳажмли 1.087 дона пластик идишга қадоқланган, хорижда ишлаб чиқарилган 20.136.675 сўмлик 1.630,5 литр этил спирти топилиб, ашёвий далил сифатида олинган. Суд Ш.нинг айбдорлик масаласини ҳал этишда асосли хулосага келган бўлсада, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган. ЖК 25-м.га мувофиқ, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши қайд этилган. Ш. келгусида сотиш мақсадида 872,21 грамм «опий» гиёҳвандлик воситасини таниши С.нинг уйига олиб бориб, вақтинча сақлаб туриш учун қолдирганидан сўнг ушланиб, қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2014 йил 13 мартдаги ажрими билан Ш.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилиб, Ш.нинг ҳаракати ЖК 273-м. 5-қ.дан ЖК 25, 273-м. 5-қ.га қайта квалификация қилиниб, тегишли жазо чораси тайинланган<sup>4</sup>. Фикримизча, Ш.нинг ҳаракатлари Олий суд судлов ҳайъати томонидан тўғри баҳоланиш билан бирга, жиноятга тайёргарлик кўриш охирига етказилмаганлигига алоҳида аҳамият қаратилиши лозим эди. Сабаби, гиёҳвандлик воситасини сотишга бевосита қаратилган ҳаракатлар амалга оширилиб, шахснинг жиноий нияти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд бўлади. Бунда гиёҳвандлик воситасининг миқдори, маълум ўлчамда қадоқланганлигидан ташқари, гиёҳвандлик воситасини муайян шахсга сотиш имкониятининг мавжудлиги, гиёҳвандлик воситасини олиш-бериш тўғрисида келишувга эришилганлиги етарли далиллар билан исботланиши лозим. Чунки олди-сотди битими олувчи ва сотувчининг иккитомонлама ҳаракатида ифодаланиб, сотувчи гиёҳвандлик воситаларни бериш, харидор эса пул суммасини олиши керак. Гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд харидор билан келишиш, гиёҳвандлик воситасини бир қисмини беришда

ифодаланиб, гиёҳвандлик воситасининг миқдори умумий миқдордан келиб чиқади.

Юқоридагиларга асосан, Қарорнинг 20-банди қуйидаги тахрирда баён этилиши мақсадга мувофиқ: «Шахс қонунга хилоф равишда гиёҳвандлик воситасини ўтказиш (сотиш) мақсадида эгаллаган, сақлаган, ташиган бўлиб, бироқ жиноий нияти (ўтказиш мақсади) ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказишга тайёргарлик кўриш сифатида ЖК 25-моддасининг 1-қисми, 273-моддасининг 5-қисми билан баҳоланиши лозим».

Шуни айтиш жоизки, ўрганилган жиноят ишлари, суд ҳукмлари орасида содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) «жиноятга тайёргарлик кўриш» деб квалификация қилинган суд амалиёти материаллари мавжуд эмас. Қайд этилганидек, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд тамом бўлмаган жиноятларнинг тури эканлиги, тушунчаларнинг таърифлари ягона моддада келтирилганлиги, улар учун бир хил муддат ёки миқдорда жазо тайинланиши уларнинг ўзаро фарқлаш, ажратиш заруратини юзага келтирмайди. Ваҳоланки, ўрганилган жиноят ишларининг 9,3% «жиноятга тайёргарлик кўриш» деб малакаланиши лозим бўлсада, қилмиш «жиноятга суиқасд» қилиш деб квалификация қилинган. Шунинг учун жиноятга тайёргарлик кўриш ЖК 25-моддасининг 1-қисми ва Махсус қисм тегишли моддаси, жиноятга суиқасд қилиш эса ЖК 25-моддасининг 2-қисми ва Махсус қисмнинг тегишли моддасига ҳавола қилиниб квалификация қилиниши керак. Бу эса ҳар бир жиноят иши бўйича адолатли ҳукм чиқарилишига хизмат қилади.

Айрим жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти юқорилиги эътиборга олиниб, қонун чиқарувчи томонидан жиноятга шароит яратиб босқичида содир этилган жиноятга тайёргарлик кўриш тугалланган жиноят сифатида белгиланган. Аслида эса мазкур жиноятларда ЖК 25-моддага ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши лозим. Бироқ ЖК Махсус қисм тегишли моддаси диспозициясида алоҳида назарда тутилганлиги боис тамом бўлган жиноят деб баҳоланади. Масалан, жиноий уюшма ташкил этиш (ЖК 242-м.) жиноий уюшма тузилган вақтдан бошлаб, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-м.) пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият бошланиши билан тугалланган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Қонунга хилоф равишда қуролга эгаллик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорида: «ўқотар қуролнинг таркибий бўлаклари ва айрим қисмларини қонунга хилоф равишда эгаллаш кейинчалик отишга яроқли бўлган қуролни йиғиш учун зарур бўлган етишмайдиган қисмларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган тақдирда, ўзганинг мулкни талон-торож этиш ва ўқотар қурол тайёрлаш мажмуи билан квалификация қилиниши лозим», [10; 47-б.] деб тушунтириш берилган.

Шунинг учун ЖКга, «**Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноятга тайёргарлик кўриш тамом бўлган жиноят сифатида назарда тутилган қилмишлар бундан мустасно**» мазмундаги норма киритилиши керак.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Решетников А.Ю. Квалификация неоконченных преступлений при наличии признаков совокупности пре-

<sup>4</sup> ЖСХ 5-10-14 назорат иши

ступлений // Вестник Академии Генеральной прокуратуры Российской Федерации. – 2016. – №4(54). – С. 81-88.

2. Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик муаммолари: Монография. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 244 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳ. [Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябрғача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан] Махсус қисм / М.Рустамбаев. – Т: Адолат, 2016. – 960 б.

4. Мухторов Н.И. Жиноят қонунида айбнинг эҳтиётсизлик шакли муаммолари. Юрид.фан.номзоди... дисс. –Тошкент: 2009. – 171 б.

5. Закирова О.Г. Фирибгарлик учун жиноий жавобгарлик: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ.Рустамбаев. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 114 бет.

6. Зацепин А.М. Дополнительная квалификация приготовления к преступлению // Историческая и социально-образовательная мысль. Том 7. – 2015. – №1. – 145 с.

7. Caroline M. Pelser. Preparations to commit a crime. The Dutch approach to inchoate offences // Utrecht Law Review University Volume 4, Issue 3 (December) 2008.- pp.59-80.

8. Усмоналиев М. Босқинчилик учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доц. Усмоналиев. М. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – 90 б.

9. [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz)

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991 – 2006). Расмий нашр. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007.

**Н.Х.Рахмонкулова,**  
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”  
кафедраси доценти, ю.ф.д.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ АВТОНОМ КОДИФИКАЦИЯСИДА КОМПЛЕКСЛИЛИК ТАМОЙИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ (ЭНГ УЗВИЙ АЛОҚА ТАМОЙИЛИ)

**Аннотация:** мазкур мақолада халқаро хусусий ҳуқуқ комплекс автоном кодификациясида коллизия бoғловчилар тизимини энг узвий алоқа тамойили воситасида шакллантириш орқали комплекслилик тамойилини амалга ошириш механизми таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси, комплекслилик тамойили, энг узвий алоқа тамойили, коллизия бoғловчи, коллизия тамойил.

**Аннотация:** в данной статье проанализирован механизм реализации принципа комплексности в комплексной автономной кодификации международного частного права посредством формирования системы коллизионных привязок на основании принципа наиболее тесной связи.

**Ключевые слова:** кодификация международного частного права, принцип комплексности, принцип наиболее тесной связи, коллизионная привязка, коллизионный принцип.

**Annotation:** this article analyzed the mechanism of implementing the principle of comprehensiveness in the complex autonomous codification of private international law by establishing a system of collision linkings based on the principle of closest connection.

**Key words:** codification of international private law, the principle of comprehensiveness, the principle of the closest connection, collision linking, the collision principle.

Ҳуқуқ тамойиллари, абстракт шаклда халқаро фуқаролик муомаласи доирасидаги юриш-туриш қоидаларини ақс эттирса, халқаро хусусий ҳуқуқ кодификацияси тамойиллари кодификацион ишларни амалга ошириш тартибини белгилайди [1, 350-бет]. Халқаро хусусий ҳуқуқ доктринал тамойилларини амалга оширишга кодификациянинг комплекслилик тамойили аҳамиятли даражада кўмак беради. Комплекслилик тамойили – кодификация жараёни муайян ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинишининг максимал ҳажмдаги масалаларини мувофиқлаштириши лозимлигини аниқлатади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда комплекслилик тамойили халқаро фуқаролик муомаласи доирасидаги муносабатларни ўзаро мувофиқлашган ҳолда тартибга солишга мўлжалланган. У ҳар қандай кодификация учун умумий бўлган омилларга риоя қилинишини таъминлайди (тизимлилик, тўлиқлилик, муайянлик, тафовутларнинг йўқлиги, қўллашнинг осонлиги). Бу талабга қонунлар коллизиясини бартараф этиш билан бир қаторда, трансчегаравий хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг максимал даражада кенг доирасидаги юрисдикциялар коллизиясини ҳам бартараф этишга қаратилган комплекс автоном кодификация юқори даражада жавоб беради.

Чет эл ҳуқуқини кенг, тўлиқ ва аниқ қўллаш имкониятини эрк муҳторияти тўғрисидаги қоидалардан ташқари, асосан икки томонлама коллизия нормаларни шакллантириш ҳамда замонавий коллизия боғловчилар тизимини киритиш каби бошқа механизмлар билан ҳам амалга оширилиши тавсия этилади. Объектив коллизия нормаларни шакллантиришнинг асосий тамойили бўлиб, тегишли халқаро хусусий муносабатларнинг муайян давлат ҳуқуқи билан энг узвий алоқаси ҳисобланади. Энг узвий алоқа эгилувчан қоидасининг аниқ коллизия қоидалар бирикмасида қўлланилишини доктрина бугунги кунда замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ ютуқлари сирасига киритади [2, 125-бет].

“Энг узвий алоқа” ва “шартномага хос ҳуқуқ” (*proper law of the contract*) атамалари XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз олими Дж. Уэстлейк томонидан киритилган бўлиб, у инглиз суд амалиётини таҳлил қилган ҳолда унинг қонунлар ўртасидаги тўқнашувни ҳал қилиш ёндашувларига янгича баҳо берди. Бунга қадар шу каби ҳолатда оқил одам танлаши мумкин бўлган ҳуқуқ ваколатли деб ҳисобланганда, низо судьялар томонидан тарафларнинг мақсади назарияси асосида ҳал қилинади деб ҳисобланар эди.

Дж. Уэстлейкнинг назариясига кўра инглиз судьялари томонидан аслида чет эл элементи билан мураккаблашган низоли ҳуқуқий муносабат билан энг узвий алоқада бўлган позитив ҳуқуқ қўлланади. Ваколатли ҳуқуқ тартиботни белгилаш бундан буён томонларнинг таҳминий мақсади билан боғланмаган, балки шартнома элементларининг асосий қисми тўпланган мамлакатни қидиришга олиб борган [3, 74-75 бетлар].

В.Ҳошимовнинг фикрича “... “энг узвий алоқа” мезони икки хил табиатга эга – бир тарафдан у икки томонлама коллизия норма боғловчиси сифатида қўлланиши мумкин, бошқа тарафдан эса коллизия нормаларни шакллантириш тамойили бўлиб ҳисобланади деган фикр қилиш мумкин” [4, 104-106 бетлар]. Бошқа сўз билан айтганда, шахсий статутни, шартномавий ва шартномадан ташқари мажбуриятлар статутини белгилашда назарда тутилган барча боғловчи формулалар энг узвий алоқа тамойилининг ифодаси ҳисобланади. Коллизия ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий муносабатнинг алоқаси жуда муҳим бўлган ҳуқуқ тартиботнинг моддий-ҳуқуқий нормаларини топишга мўлжалланган. Қонун чиқарувчи эса коллизия нормани яратаётиб (у ёки бу турдаги боғловчини танлаётиб), ҳуқуқий муносабатни муайян ҳуқуқ тартибот билан боғлашга интилган ҳолда, ўзи унда “узвий алоқа” мезонини белгилайди.

Кўпчилик олимлар “энг узвий алоқа” категориясига халқаро хусусий ҳуқуқнинг фақатгина битта бўлими – коллизия ҳуқуқ эмас, балки унинг умумий асоси сифатида ёндашилади. Ушбу ёндашувни ёқловчиларнинг фикрича, халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия методнинг ўрнини суд уларнинг асосида ваколатли ҳуқуқ тартиботни топиши мумкин бўлган айрим таянч тамойиллар билан алмаштириш тенденцияси вужудга келмоқда. Бу каби таянч тамойиллардан бири узвий алоқа тамойили ҳисобланади. Типик коллизия нормалардан фарқли равишда у конкрет ҳуқуқ тизимига ҳавола қилмайди, балки турли ҳуқуқ тизимларининг моддий-ҳуқуқий нормалари таҳлили асосида қўлланилуви ҳуқуқни танлашни кўзлайди [5, 9-бет].

В.И.Кисильнинг фикрича, “энг узвий алоқа” тушунчаси ҳолатида сўз “коллизия масалаларни ҳал қилиш доирасида бошқа коллизия боғловчиларни топиши назарда тутувчи ва аслида суд ҳуқуқ ижодкорлигининг воситаси бўлган ҳаволаки характердаги моддий норма” ҳақида бормоқда [6, 31-бет]. Миллий ҳуқуқтартиботлар ўртасидаги коллизияларни бартараф этишнинг мазкур механизми муаллиф томонидан аниқ берилган. Ҳақиқатдан ҳам, тамойилнинг қўлланиши амалиётда иккита босқичдан иборат. Биринчи босқичда, қонунни қўловчи битимнинг моҳияти қонунга мурожаат этади (*lex causae*), иккинчи босқичда эса мазкур коллизия формула воситасида муайян ҳуқуқий муносабатнинг жиҳатларини инобатга олган ҳолда қўлланилуви моддий ҳуқуқни топади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчиликда “энг узвий алоқа” концепциясининг интерлокал [7] ва интерперсонал [8] коллизия ҳуқуқда қўллаш тўғрисидаги қоида батамом шаклланди. Умумий қоидага кўра, ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган мамлакат ваколатли ҳуқуқ тизимини танлаш тартибини ўзи белгилайди. Агар бу ички қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса, ҳуқуқий муносабат билан энг узвий алоқада бўлган ҳуқуқ тизими қўлланади (Озарбайжон Қонунининг 6-м., Лива ФКнинг 1.10(6)-м., РФ ФКнинг 1188-м., Жанубий Корея Қонунининг 3(3)-§, Эстония Қонунининг 3-м., Бельгия кодексининг 17(2)-м., Болгария кодексининг 41-м., Украина Қонунининг 15-м., Македония Қонунининг 14(2)-м., Туркия кодексининг 2(5)-м., Тайван Қонунининг 5-§, Польша Қонунининг 9-м.). Хитой Қонунининг узвий алоқа тамойили интерлокал коллизияни бартараф этишнинг асосий ва ягона усули ҳисобланади (Хитой Қонунининг 6-§).

Шартномага хос ҳуқуқ (*proper law of the contract*) тамойилини халқаро шартнома ҳуқуқида қўллашга бўлган ёндашув аъёнавий бўлиб, бу ҳолатда эрк муҳторияти тамойили бош, энг узвий алоқа тамойили эса субсидиар коллизия норма бўлиб ҳисобланади. Бундай алоқа “ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижро” (*characteristic performance*) концепциясига асосан изоҳланади. Шартноманинг мазмуни учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижрони амалга ошираётган тараф яшаш жойи, оддий турар жойи, бошқарув органларининг жойлашган жойи ёки асосий иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жойига эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи билан боғлиқлиги таҳмин қилинади (ЎзРес ФКнинг 1190-м., РФ ФКнинг 1211(2)-м., Литва ФКнинг 1.37(4)-м., Эстония Қонунининг 33(2)-м., Бельгия кодексининг 94-м., Украина Қонунининг 32(3)-м., Македония Қонунининг 22(2)-м., Туркия кодексининг 24(4)-м., Хитой Қонунининг 6-§, Тайван Қонунининг 20-§).

Замонавий кодификацияларда энг узвий алоқанинг объектив мезонлари рўйхати мавжуд. Украина Қонунининг 44-моддасида мазкур рўйхат батафсилроқ берилган бўлиб, ҳал қилувчи аҳамиятга эга ижрони амалга ошираётган тараф шартноманинг 26та турида белгиланган. Македония қонунчилиги, ақсича, муайян ҳуқуқ тартибот билан узвий алоқа белгисини фақатгина ташиш шартномаси учун (22(3)-м.), Тайван қонунчилиги кўчмас мулкка нисбатан шартнома учун (20-§) алоҳида изоҳлайди. “Рим I” Регламентининг 4-моддасида ушбу рўйхат олтита пунктдан иборат.

Қуйидаги битим турлари учун махсус презумпциялар кенг тус олди:



– кўчмас мулк турган мамлакат – ушбу мулк тўғрисидаги шартномага нисбатан (ЎзРес ФКнинг 1190(2)-м., Литва ФКнинг 1.37(4)-м., РФ ФКнинг 1213(1)-м., Эстония Қонунининг 33(5)-м., Болгария кодексининг 94-м., Украина Қонунининг 44(2)-м., Тайван Қонунининг 20-§, “Рим I” Регламентининг 4-м. 1(с)-п.);

– кимовиди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакат – кимовиди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан (ЎзРес ФКнинг 1190(2)-м., Литва ФКнинг 1.37(8)-м., РФ ФКнинг 1211(4)-м., Украина Қонунининг 44(2)-м., “Рим I” Регламентининг 4-м. 1(г)-п.);

– асосий фаолият жойи – тижорат ёки касб фаолияти доирасида тузилган шартномаларга нисбатан (Эстония Қонунининг 33(2)-м., Болгария кодексининг 94-м., Туркия кодексининг 24(4)-м.);

– фаолият амалга оширилаётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган асосий жой – биргаликдаги фаолият, ишларни бажариш, оддий шерикчилик, қурилиш пудрати, лойиҳавий ва қидирув ишлари бўйича пудрат тўғрисидаги шартномага нисбатан (ЎзРес ФКнинг 1190(2)-м., РФ ФКнинг 1211(4)-, (5)-м., Озарбайжон Қонунининг 25(2)-м., Украина Қонунининг 44(2)-м.);

– ташувчининг асосий иқтисодий фаолият жойи (яшаш жойи ёки турар жойи), агар жўнатиш ва белгиланган жой ҳам шу мамлакатда жойлашган бўлса, юк ортиш, юк тушириш ёки юк жўнатувчининг иқтисодий фаолият жойи (Литва ФКнинг 1.37(4)-м., Эстония Қонунининг 33(5)-м., Болгария кодексининг 94-м., Македония Қонунининг 22(3)-м., Туркия кодексининг 29(2)-м.);

– иқтисодий фаолиятнинг асосий жойлашган жойи, амалга ошириш жойи ёки суғурта таваккалчилигининг жойлашган жойи – суғурта шартномасига нисбатан (Литва ФКнинг 1.37(6)-м., Эстония Қонуни 45(2)-м.);

– мерос қолдирувчининг доимий яшаш жойи – васиятнома ва уни бекор қилишга нисбатан (ЎзРес ФКнинг 1197-м., Бельгия кодексининг 84-м.).

Энг узвий алоқа тамойили эрк муҳторияти тамойили каби шартнома статутининг “парчаланишини” йўл қўяди. Агар шартноманинг ажратилган қисмларидан биронтаси бошқа мамлакат билан узвий алоқада бўлса, ушбу қисмга нисбатан ушбу мамлакат ҳуқуқи қўлланади. Мазкур қоида 1980 йилги Рим конвенциясидан иккита кодификацион акт – Эстония ва Болгария кодификациялари томонидан ўзлаштирилган (Эстония Қонунининг 33(1)-, 45(2)-, (3)-м., Болгария кодексининг 94(1)-м.).

Замонавий босқичда мазкур тамойилни халқаро шартнома ҳуқуқига кирмайдиган ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўллашнинг махсус шартларини кўрсатиб ўтиш тенденцияси кенг тус олди. Ушбу коллизия асосга шартномавий муносабатлардан ташқари шахсий статутнинг, шартномадан ташқари мажбуриятлар статутининг, оилавий, ашёвий, мерос муносабатларининг, интеллектуал мулк билан боғлиқ муносабатларнинг алоҳида масалалари бўйсундирилган.

Ҳозирги кунда аксарият қонунчилик актлари бипатриднинг шахсий қонунини, шу қаторда унинг фуқаролиги ва фуқаролик муомала лаёқати масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқни белгилаш учун энг узвий алоқа тамойилига ҳавола қилмоқда. Узвий алоқа мезони сифатида унинг яшаш жойи, оддий турар жойи ёки асосий фаолият юритиш жойи

кўрсатилади (масалан, Бельгия Кодексининг 3(2)-м., Литва ФКнинг 1.16(3)-м., Болгария кодексининг 48(3)-м., Украина Қонунининг 16(2)-м., Хитой Қонунининг 19-§, Тайван Қонунининг 2-§, Польша Қонунининг 2(2)-м.). Болгария кодексининг 48(6)-моддасида, “узвий алоқа” мезони ёрдамида бирон-бир давлатда доимий турар жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахснинг ва қочоқнинг шахсий қонуни белгиланади.

Энг узвий алоқа тамойилининг қўлланилиши шартномадан ташқари мажбуриятлар доирасида анча батафсил тартибга солинади. Муайян ҳуқуқ тартибот билан узвий алоқа шартномадан ташқари мажбуриятларда: 1) шартномадан ташқари мажбурият тарафлари ўртасидаги юридик ва фактик алоқа, уларнинг умумий яшаш жойи, турар жойи ёки фаолият юритиш жойи билан; 2) квази-контракт мажбурият оқибатларининг вужудга келиш жойи билан; 3) шартноманинг асосиз бойлик орттириш билан, топшириқсиз бировнинг манфаатини кўзлаб етказилган зарар ёки ҳаракат билан белгиланади (Эстония Қонунининг 53(2)-м., Бельгия кодексининг 104(1)-м., Болгария кодексининг 105, 111, 112-м., “Рим II” Регламентининг 4(3)-м.).

Оилавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида мазкур коллизия тамойил эр-хотинларнинг шахсий муносабатлари, никоҳнинг умумий ёки фақат мулк оқибатлари, унаштирув, никоҳни бекор қилиш, эр-хотинлар томонидан боланинг фарзандликка олиниши, қон-қариндошлик, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар каби институтларни тартибга солади. Қонунларнинг тегишли қоидалари узвий алоқа мезонларининг субсидиар қўлланилишини назарда тутди (Литва ФКнинг 1.24(2), 1.27(2)-м., Жанубий Корея Қонунининг 38(1)-м., Эстония Қонунининг 57(4)-, 58(3), 60(1), 63-м., Бельгия кодексининг 62(2), 67-м., Болгария кодексининг 79-м., Украина Қонунининг 60(1), 61(3), 63, 66-м., Тайван Қонунининг 45, 47, 48, 50-м., Польша Қонунининг 51(2)-м.).

Бельгиянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Кодексида ворислик муносабатлари ва интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан узвий алоқа тамойилини қўллаш тўғрисидаги ўзига хос қоидалар мавжуд: васиятномани шарҳлаш (84-м.); махсус тайинланган мулкдан иборат бўлган мероснинг ҳуқуқий режимини тартибга солиш (87(2)-м.); саноат мулкнинг дастлабки мулкдорини белгилаш (93-м.).

Охирги пайтларда узвий алоқа мезонини халқаро фуқаролик процесси масалаларини ҳал қилишда қўллаш мумкин бўлган ёндашувлардан бири сифатидаги тенденцияси кузатилмоқда. Озарбайжон процессуал қонунчилигида мазкур тамойилга бипатриднинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш масаласи бўйсундирилган бўлиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 441(2)-моддасига кўра “Бир неча фуқароликка эга бўлган чет эл фуқаросининг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқати у энг узвий алоқада бўлган мамлакат қонунчилиги билан белгиланади”.

Узвий алоқа мезонининг халқаро юрисдикцияни белгилашга таъсири сезиларлироқдир. Унинг моҳияти “Брюссель I” Регламенти преамбуласининг 12-пунктида баён қилинган: “Жавобгарнинг турар жойи мезонига қўшимча сифатида кўриб чиқилаётган иш ва суднинг узвий алоқасига асосланган ёки одил судловни лозим даражада амалга ошириш мақсадида юрисдикциянинг альтернатив асослари ҳам назарда

тутилиши лозим”. Юрисдикция масаласида узвий алоқа мезони Россия, Бельгия ва Кореянинг халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилган. Россия Федерацияси ХПКнинг 247-моддасида, низони Россия арбитраж судлари ваколатига киритиш учун очиқ рўйхат мавжуд бўлиб, уларнинг ичида, масалан, жавобгар ёки унинг мулкининг, чет эл юридик шахсининг бошқарув органининг, филиалининг ёки ваколатхонасининг, ишчанлик обрўсини химоя қилиш тўғрисидаги иш бўйича давогарнинг жойлашган жойи ва ҳ.к РФ ҳудудида жойлашган бўлиши кўрсатилган. Ушбу рўйхатга кирмаган бошқа ҳолатларда Россия арбитраж судлари низоли ҳуқуқий муносабатнинг РФ ҳудуди билан узвий алоқаси бўлган тақдирда ваколатга эга бўладилар (ХПКнинг 247-м. 1(11)-қ.). Жанубий Корея Қонунида “аҳамиятли алоқа” миллий судлар халқаро юрисдикциясининг асосий мезони ҳисобланади (2(1)-§) [9].

Узвий алоқа тамойилига халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатлар билан бир қаторда, процессуал муносабатларни ҳам бўйсундириш уларнинг ўхшаш ҳуқуқий табиатини кўрсатади. Бирлаштирувчи белги бўлиб ушбу муносабатларнинг бир неча ҳуқуқ тартибот билан алоқаси ҳисобланади.

Бельгиянинг халқаро фуқаролик процессида “энг узвий алоқа” концепциясига ўзига хос содиқлик кузатилади. У мутлақ халқаро судловлилик тўғрисидаги қоидаларнинг асосини ташкил қилади. Миллий судлар чет мамлакатда кўриб чиқилишининг иложи бўлмаган ёки чет мамлакатда даъво кўзгатишни талаб қилиш асосиз бўлганда Бельгия билан узвий алоқада бўлган ишлар бўйича юрисдикцияга эгадирлар (Бельгия кодексининг 11-м.).

Бундан ташқари, агар иш ҳолатларининг мажмуига кўра низонинг Бельгия билан аҳамиятли алоқаси бўлмаса, тарафларнинг келишуви бўйича танланган Бельгия суди ўзини ваколатли эмас деб топиш ҳуқуқига эга (6(2)-м.). Ушбу қоида Гаага конвенциясининг судни мутлақ танлаш тўғрисидаги келишувлари бўйича мазмунига мос келади (2005 й.) (19-, 20-м.) [10].

Шу билан бирга, узвий алоқа тамойили оддий коллизия нормаларга хос бўлмаган бир қатор бошқа функцияларни ҳам бажаради. Бир тарафдан, у “истисно тўғрисидаги клаузула” (“истисно тўғрисидаги шартлар”) ролини бажаради (Македония Қонунининг 3-м., “Рим I” Регламенти преамбуласининг 20-п., “Рим II” Регламенти преамбуласининг 14-, 18-п.). Клаузула куйидаги ёндашувда акс этади, яъни агар иш ҳолатларидан ҳуқуқий муносабат қонунчилик қоидаларига мувофиқ танланган ҳуқуққа кўра аҳамиятли бўлмаган алоқадалиги маълум бўлса, энг узвий алоқада бўлган бошқа ҳуқуқ қўлланади (Жанубий Корея Қонунининг 8-§, Бельгия кодексининг 19(1)-м., Болгария кодексининг 2-м., Украина Қонунининг 4(3)-м.). Тамойилнинг бу каби “эгилювчан” тушунилиши “Рим I” ва “Рим II” Регламентининг 4(3)-моддасида тавсия этилган.

“Истисно тўғрисидаги шарт” замонавий кодификацион актларнинг умумий қисмларида ҳам, **халқаро шартнома** (Литва ФКнинг 1.37(5)-м., Эстония Қонунининг 33(6)-м., Болгария кодексининг 94(8)-м., Македония Қонунининг 22(2)-м., Туркия кодексининг 24(4)-, 28(2)-, 29(3)-м., Польша Қонунининг 32(2)-м.), **деликт** (Литва ФКнинг 1.43(2)-м. Эстония Қонунининг 53(1)-м., Бельгия кодексининг 104(1)-м., Македония

Қонунининг 33(3)-м., Туркия кодексининг 34(3)-м., Тайван Қонунининг 25-§, “Рим II” Регламентининг 4(3)-, 10(4)-, 11(4)-, 12-м. 2(с)-п.) **ва ашёвий** (Польша Қонунининг 43-м. (йўлда бўлган ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг коллизия ҳуқуқий тартибга солиниши)) ҳуқуқлар тўғрисидаги бўлимларда ҳам учрайди. Масалан, Эстония Қонунининг 53(1)-моддасига кўра “Агар шартномадан ташқари мажбурият мазкур боб қоидаларига мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган мамлакат ҳуқуқидан фарқли бирор-бир бошқа мамлакат билан узвий алоқада бўлса, бошқа мамлакат ҳуқуқи қўлланилади”. Мазкур изоҳ фақатгина Ўзбекистон, Озарбайжон ва Россиянинг қонунчилигида мавжуд эмас. Аммо, Россия Федерациясининг ФКнинг 1211-моддасида мазкур қоида билвосита акс этган бўлиб, унинг мазмунига кўра, агар “шартноманинг ёки иш ҳолатларининг мажмуи шартларидан ёки моҳиятидан” бошқа ҳолат келиб чиқмаса ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижро тамойили қўлланади. Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ижро шартномага хос ҳуқуқни белгилашга йўл қўймаса, у қонунни қўлловчининг ихтиёрига кўра узвий алоқанинг бошқа кўрсатгичи асосида танланади.

Бошқа тарафдан, “энг узвий алоқа” концепцияси аъъанавий коллизия нормалар асосида ваколатли ҳуқуқни белгилашнинг имкони бўлмаганда, жуда зарурий бўлиб ҳисоланади (ЎзРес ФКнинг 1158-м. 3-қ., РФ ФКнинг 1186(3)-м., Украина Қонунининг 4(2)-м., Хитой Қонунининг 2-§, Польша Қонунининг 10(1)-, 67-м.). Бу ҳолат интерлокал ва интерперсонал коллизияларни бартараф этиш, жисмоний шахсининг ҳуқуқий мақоми, шартномавий (Озарбайжон Қонунининг 25(3)-м., РФ ФКнинг 1211(5)-м., Болгария кодексининг 94(4)-м., “Рим I” Регламентининг 4(4)-м.), деликт (Бельгия кодексининг 99(1)-м., Литва ФКнинг 1.43(2)-м.) ва оилавий ҳуқуқий (Жанубий Корея Қонунининг 38(1)-м., Болгария кодексининг 79-м., Литва ФКнинг 1.27 (2)-м., Эстония Қонунининг 57(4), 58(3), 60(1), 63(1)-м., Бельгия Кодексининг 62(2)-м., Украина Қонунининг 60(1), 61(3), 63-м., Тайван Қонунининг 45, 47, 48, 50-§, Польша Қонунининг 57(2)-м.) муносабатларнинг айрим жиҳатлари борасидаги махсус коллизия нормаларининг йўқлигида вужудга келади. Бу каби қоидалардан бири Бельгия кодексининг 62(2)-моддасида шакллантирилган бўлиб, унга кўра, “Қонун бўйича ҳуқуқнинг таъсири натижаси бўлган қон-қариндошликнинг турли муносабатлари ўртасидаги коллизия ҳолатида, иш барча маълум ҳуқуқий режимлар орасида энг узвий алоқага эга бўлган мамлакат қонунчилиги қўлланади”.

“Энг узвий алоқа” мезони муқобил коллизия нормалардан бирини танлашда ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Масалан, Литва Фуқаролик кодексининг 1.24-моддасига кўра никоҳ шартномаси учун бош коллизия боғловчи бўлиб, шартнома тарафларининг умумий яшаш жойи ҳисобланади. агар эр-хотинлар турли мамлакатларда яшасалар, ушбу шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари энг узвий алоқада бўлган, тавсия этилган учта қонунчиликлардан бири воситасида белгиланади. Бу шартноманинг тузилиш жойи, тарафлардан бирининг асосий яшаш жойи ёки фуқаролиги қонуни бўлиши мумкин. Шу каби ёндашув Тайван Қонунининг 28-§да, ОАВ қўллаш орқали қонунга ҳилоф ҳаракатдан вужудга келадиган деликт муносабатларига нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ тартиботни белгилаш учун мустаҳкамланган.

Кўрсатилган ҳолатлардан ташқари, узвий алоқа тамойили заиф тараф учун энг қулай ҳуқуқий режимни танлашни таъминлайди. Замоनावий миллий қонунларда мазкур ҳолат ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, ҳамда фарзандликка олиш масаласига тааллуқлидир. Масалан, Украина Қонунининг 66-моддасида, “Ота-оналар ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг шахсий қонуни ёки тегишли муносабатлар билан узвий алоқада бўлган ҳуқуқ ва у бола учун қулайроқ бўлса белгиланади”. Яна бир ҳолат Бельгия кодексининг 67-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, “Бироқ судья, чет эл ҳуқуқини қўллаш фарзандликка олинувчининг олий манфаатларига зиён етказмоқда ва фарзандликка олинувчи ва фарзандликка олувчи Бельгия билан яққол узвий алоқада деб ҳисобласа, Бельгия ҳуқуқи қўлланади”.

Узвий алоқа категориясининг яна бир вазифаси халқаро хусусий ҳуқуқдаги ҳимоявий изоҳлар (қўшимча шартлар) билан боғлиқ. Бундай алоқа судья учун, ҳам миллий, ҳам учинчи мамлакатнинг оммавий тартиб тўғрисидаги қоидалари ва ўта қатъий нормаларини қўллаш масаласини ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади (Озарбайжон Қонунининг 5(2)-м, Литва ФКнинг 1.11(2)-м., РФ ФКнинг 1210(5)-м., Эстония Қонунининг 32(3)-м., Бельгия кодексининг 20-м., Болгария кодексининг 46-м., Украина Қонунининг 14(2)-м., Туркия кодексининг 31-м., Польша Қонунининг 8(2)-м., Халқаро савдода дебиторлик қарздан бошқа шахснинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги БМТ Конвенциясининг 31(2)-м. (2001 й.)).

Шуни таъкидлаш жоизки, узвий алоқа мезони айрим ҳолларда коллизия ҳуқуқий тушунчаларга баҳо беришда қўлланади. Ушбу усулга қонун чиқарувчи жисмоний шахснинг шахсий қонунини шарҳлашда муурожаат этади. Масалан, Тайван Қонунининг 4-§га кўра, агар тараф бир неча яшаш жойи ёки турар жойига эга бўлса, унинг шахсий қонуни бўлиб, энг узвий алоқада бўлган яшаш жойи ёки турар жойининг ҳуқуқи ҳисобланади. Бельгия кодексининг 3(2)-моддасида эса бипатриднинг фуқаролиги, шахсда энг узвий алоқа бўлган мамлакат фуқаролиги ҳисобланади, айниқса, унинг оддий турар жойини ҳисобга олган ҳолда. Таъкидлаш мумкинки, замоनावий босқичда энг узвий алоқа тамойили умумлаштиришнинг юқори даражасига эга бўлган универсал ҳуқуқий конструкция сифатида қўлланади. У коллизия ҳуқуқ масалалари билан бир қаторда (қўлланувчи ҳуқуқни белгилаш, “ҳимоявий изоҳлар” ёрдамида “эгиловчан” ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш, ҳуқуқни изоҳлаш ва ҳ.к.), халқаро фуқаролик процесси масалаларини (халқаро юрисдикцияни белгилаш, чет эл фуқаросининг ҳуқуқ ва муомала лаёқати) ҳам қамраб олади. “Узвий алоқа” категорияси истисно ҳолатлардагина эрк муҳториятини ҳимоявий изоҳлар ёрдамида чеклашга ёрдам бериши мумкин.

Замоनावий кодификацияларни, хусусан, Болгария кодексини ўрганиш, ушбу тамойил фақатгина коллизия ҳуқуқий тартибга солиш доирасигагина кирмаслиги, балки ўзида умуман халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий асосини акс эттиришини таъкидлашга асос бўлади. Мазкур тамойил ваколатли ҳуқуқ тартиботни белгилашнинг энг эгиловчан тамойилларидан бири бўлиб, у қонунни қўлловчига: 1) ҳуқуқ тартиботнинг алоқаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган ҳуқуқий муносабатнинг элементини

белгилаш (узвий алоқа мезони), 2) ишнинг муайян ҳолатларини инобатга олган ҳолда ваколатли ҳуқуқ тартиботни белгилашга йўл қўядиган коллизия қонунини шакллантириш, 3) қўлланувчи моддий-ҳуқуқий нормаларни топиш вазифасини юклайди.

Олиб борилган таҳлиллар, энг узвий алоқа тамойили, аввало, халқаро хусусий ҳуқуқнинг хусусий ҳуқуқий табиати билан боғлиқлигини ва хусусий ҳуқуқнинг ҳар қандай соҳаси учун умумий асос эканлигини кўрсатди. Энг узвий алоқа тамойили, тартибга солинаётган муносабатларнинг бир неча ҳуқуқ тартибот билан алоқаси каби белгисининг аҳамиятли даражада юзага чиқишини белгилашга мўлжалланган. Мазкур ҳуқуқий конструкция ҳуқуқий муайянлик талаби ва халқаро хусусий-ҳуқуқий низоларни адолатли суд қилишга шахсий ёндашувни мослаштириш имконини беради (“Рим II” Регламенти преамбуласининг 14-п., “Рим I” Регламенти преамбуласининг 16-п., “Брюссель I” Регламенти преамбуласининг 11-, 12-п.). Шу тариқа, эрк муҳторияти тамойили қонунлар ва юрисдикциялар коллизиясини тарафларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдаги ихтиёрининг эркига таянган ҳолда бартараф қилса, энг узвий алоқа тамойили мазкур функцияни қонунни қўлловчининг ҳуқуқий муайянлик тамойили билан чекланган ихтиёрининг эркига асосланган ҳолда бажаради.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Кашанина Т.В. Юридическая техника. – М., 2007. – С. 169; Давыдова М.Л., Лучихина И.Ф. Декларации, дефиниции и принципы современных российских кодексов: регулятивная роль и техника закрепления // Кодификация законодательства: теория, практика, техника. Материалы Международной научно-практической конференции (Нижний Новгород, 25-26 сентября 2008 года). – Н. Новгород, 2009. – С. 350.
2. Звекон В.П. Международное частное право. – М., 1999. – С.119 – 125.
3. Чешир Дж., Норт П. Указ. соч. С. 245 -247; Ходыкин Р.М. История и развитие концепции наиболее тесной связи в международном частном праве // Право и международные экономические отношения. Сборник статей / под ред. Н.Г. Дорониной. – М., 2005. – С. 74-75.
4. Хошимов В.Н. Теоретический аспект понятия “наиболее тесной связи” в международном частном праве / “Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – Б. 104 – 116.
5. Кабатова Е.В. Изменение роли коллизияльного метода в международном частном праве // Международное частное право. Современная практика. Сборник статей / под ред. М.М. Богуславского и А.Г. Светланова. – М., 2000. – С. 9, 14.
6. Кисиль В.И. Механизм коллизийного регулирования в современном МПРП. С. 31.
7. Интерлокал коллизиялар битта давлат ҳуқуқининг алоҳида тизимлари тўқнашганда вужудга келади. Бундай коллизиялар ҳуқуқий тизимлари кўп бўлган давлатларда юзага келади. Ҳуқуқий тизимларнинг интерлокал кўплиги муаммоси биринчи гада федератив республикаларга хос. Қаранг: И.В.Гетьман-Павлова. Международное частное право. 2005. info@textbook.news.

8. Қонуннинг шахслар доираси бўйича амал қилиши интерперсонал коллизияларни вужудга келтиради. Бундай коллизиялар халқаро эмас, балки ички ҳисобланади, яъни тегишли давлат ҳуқуқининг ички структурасини акс эттиради. Бундай коллизиялар асосан шахсларнинг муайян доираси учун ажратилган ҳуқуқ тизимлари амалда бўлган давлатларнинг никоҳ-оила ва мерос қонунчилигида мавжуд бўлади. Қаранг: И.В.Гетьман-Павлова. Международное частное право. 2005. [info@textbook.news](mailto:info@textbook.news).

9. О применении данного положения см.: Supreme Court of the Republic of Korea Decision, 26.05.2006, № 2005Meu884. URL: [http://library.scourt.go.kr/jsp/html/decision/2\\_69.2005Meu884.htm](http://library.scourt.go.kr/jsp/html/decision/2_69.2005Meu884.htm) (дата обращения: 01.08.11).

10. URL: [http://www.hcch.net/index\\_en.php?act=conventions.text&c\\_id=98](http://www.hcch.net/index_en.php?act=conventions.text&c_id=98) (дата обращения: 07.08.10).

**И.Рустамбеков,**

Доктор юридических наук, доцент

## СУЩНОСТЬ И ОСОБЕННОСТИ МЕДИАЦИИ

**Аннотация:** в статье автором рассматривается базовая информация о медиации, как способа альтернативного разрешения споров, а также автором раскрывается понятие и сущность медиации, ее особенности, преимущества и некоторые недостатки.

**Ключевые слова:** медиация, спор, конфликт, медиатор.

**Аннотация:** мақолада муаллиф медиация туғрисидаги асосий маълумотларни баён қилиб, уни низоларни ҳал этишнинг муқобил усули сифатида изоҳлаган, шунингдек муаллиф медиация тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** медиация, низо, медиатор.

**Annotation:** The author considers basic information about mediation as an alternative dispute resolution method, as well as the author reveals the concept and essence of mediation, its features, advantages and some disadvantages.

**Key words:** mediation, dispute, conflict, mediator

Одним из приоритетных направлений правовой реформы Узбекистана на современном этапе развития является совершенствование системы применения альтернативных средств разрешения споров, призванной эффективно и оперативно обеспечивать разрешение споров, возникающих в гражданско-правовой и смежных сферах жизнедеятельности общества в процессе построения демократического правового государства.

Альтернативные методы разрешения споров являются менее формальной процедурой по сравнению с процедурой рассмотрения дел в судах, позволяют в значительной степени разгрузить судебную систему, урегулировав при этом возникший конфликт.

В Республике Узбекистан система альтернативного разрешения споров начала развиваться относительно поздно. В частности, первым этапом явилось принятие Закона Республики Узбекистан «О третейских судах» 16 октября 2006 г. При этом, Закон «О третейских судах» не отвечает требованиям и условиям международного арбитража. В связи с этим, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 19 июня 2017 г. № УП-5087 «О мерах по коренному совершенствованию системы государственной защиты законных интересов бизнеса и дальнейшего развития предпринимательской деятельности» предусмотрено осуществление комплекса мер по созданию в структуре Торгово-промышленной палаты Республики Узбекистан международного коммерческого арбитражного суда.

В целях реализации указанного было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О создании Ташкентского международного арбитражного центра (ТИАС) при Торгово-промышленной палате Республики Узбекистан» от 5 ноября 2018 года № ПП-4001. В соответствии с данным постановлением был создан Ташкентский международный арбитражный центр при Торгово-промышленной палате Республики

Узбекистан со статусом негосударственной некоммерческой организации.

Кроме указанного, особое внимание уделяется вопросам развития института медиации. Так, 3 июля 2018 года был принят Закон Республики Узбекистан «О медиации», который вступил в силу 1 января 2019 года. Действие Закона распространяется на отношения, связанные с применением медиации к спорам, возникающим из гражданских правоотношений, в том числе в связи с осуществлением предпринимательской деятельности, и индивидуальным трудовым спорам, и спорам, возникающим из семейных правоотношений, если законом не предусмотрено иное.

Это явилось новшеством в национальной системе внесудебного порядка урегулирования споров, т.е., если ранее посредством альтернативных способов регулирования споров разрешались только гражданские и экономические споры между субъектами предпринимательства, то отныне данным способом могут урегулироваться индивидуальные трудовые споры и споры, возникающие из семейных правоотношений.

Все указанное показывает на активное развитие способов альтернативного разрешения споров в Узбекистане, что направлено на создание благоприятной бизнес среды, удобных и быстрых способов разрешения споров, которые предоставляют сторонам спора выбор и достижение разрешения спора внесудебными средствами.

На сегодняшний день очень активно и широко развиваются методы альтернативного разрешения споров. Понятие «альтернативное разрешение споров» в самом широком смысле означает любое внесудебное разрешение споров. К методам альтернативного урегулирования споров обычно относят: третейский суд, переговоры, медиацию.

Наиболее простым и эффективным из разнообразных альтернативных способов разрешения конфликтов является медиация. В ходе данной процедуры, спорящие стороны самостоятельно вырабатывают приемлемое для них решение, а, соответственно, будут стремиться выполнять его. Именно поэтому медиация занимает особое место среди форм разрешения конфликтов.

Сама процедура медиации появилась в США в 20 – 30-е годы XX века. С 60-х годов в США была разработана концепция медиации в её сегодняшней форме.

В 70-е годы использование и распространение техники медиации возросло. Были организованы первые центры, которые предлагали бесплатные или не дорогие медиативные услуги. Они занимались спорами между арендаторами и нанимателями, супружескими и семейными конфликтами, проблемами с соседями и прочим. В настоящее время в США свыше 700 подобных центров медиации. Одни являются государственными, другие независимыми и рассматривают себя, как альтернативу принятой правовой системе. В США насчитывается свыше двух с половиной тысяч нормативных актов штатов, так или иначе связанных с регулированием процедуры посредничества. В этой стране обращения к медиатору происходят в 75 – 85% случаев конфликтных ситуаций и соглашения достигнутые в ходе медиации, выполняются 90-95% случаев.

Рассматривая историю становления медиации, как эффективную технологию урегулирования конфликта, можно дать ей следующее определение: медиация – это эффективный метод урегулирования конфликта с участием третьей (нейтральной) стороны, которая яв-

ляется заинтересованной только лишь в том, чтобы стороны разрешили свой спор (конфликт) максимально выгодно для них обеих.

Согласно Закону Республики Узбекистан «О медиации» медиация это – способ урегулирования возникшего спора при содействии медиатора на основе добровольного согласия сторон в целях достижения ими взаимоприемлемого решения.

Целями медиации являются: 1) достижение варианта разрешения спора (конфликта), устраивающего обе стороны медиации; 2) снижение уровня конфликтности сторон.

Понятие медиация, предусмотренное в Законе можно охарактеризовать как способ урегулирования конфликта с участием профессионального посредника (медиатора), помогающего участникам спора разобраться в конфликте и его решить.

В дословном переводе «медиация» означает посредничество. Так, понятие медиация происходит от латинского «mediare» - посредничать. Медиация – это переговоры с участием третьей, нейтральной стороны, которая является заинтересованной только лишь в том, чтобы стороны разрешили свой спор (конфликт) максимально выгодно для конфликтующих сторон.

Задача медиаторов не в том, чтобы вынести решение третейского суда или приговор. Скорее от самих сторон конфликта зависит выработка решения, оптимально соответствующего их интересам. В результате достигнутой договоренности должны выиграть все.

При этом следует отметить, что посредничество характеризуется шире, нежели медиация. Посредничество предполагает, что посредник может рекомендовать и склонять сторону к принятию того или иного решения, а в медиации это не допускается, а также медиация имеет свою процедуру, которая должна соблюдаться.

Медиация имеет особенности и преимущества по сравнению с другими способами разрешения споров.

Основной особенностью медиации является практичность и эффективность медиации, а также что она позволяет сохранить время и финансы на разрешение спора. Но главной особенностью является то, что в медиации стороны приходят к взаимному и согласованному решению, которое последующим исполняется добровольно.

Также можно отметить, что в различии от других способов альтернативного разрешения споров стороны в медиации совместно разрабатывают выход из сложившейся конфликтной ситуации и вырабатывают соглашение, которой устроит всех участников процедуры. Медиатор в ходе проведения процедуры, может провентилировать негативные эмоции сторон, что в дальнейшем приведет к разрешению спора и выработке совместного удовлетворительного для сторон соглашения. Также в медиации можно использовать консилиацию, которая позволяет индивидуально работать с каждой стороной в отдельности, в переговорах же такой способ не предусмотрен.

В литературе выделяются следующие преимущества медиации:

Психологические преимущества – гуманность процедуры, возможность восстановления и сохранения партнерских и дружеских отношений, профилактика возникновения конфликтов в будущем, учет интересов и мнений, активное участие сторон в принятии решений, конфиденциальность и взаимная выгода для сторон, повышения компетенций в разрешении споров.

Экономические преимущества выражаются в экономии сторонами времени, личностных ресурсов и финансовых средств, затрачиваемых на разрешение конфликта.

Следует рассмотреть основные преимущества медиации более подробно.

**Доступность и добровольность.** Медиатор может посредничать при разрешении любых споров, основываясь не только и не столько на требованиях закона, сколько на интересах сторон, нормах морали, нравственности и личного жизненного опыта. У сторон имеется возможность выхода из процесса, которая обеспечивается добровольностью участия. Если стороны считают продолжение диалога нецелесообразным, они вправе его остановить.

**Оперативность.** В отличие от судебного процесса медиация не связана с длительными процедурами, особенностями документооборота и сложными процессуальными нормами. В медиации стороны настроены на быстрое и взаимовыгодное разрешение конфликта и предпринимают все возможные усилия для скорейшего разрешения спора.

**Результативность.** Медиатор учитывает интересы всех оппонентов и решает вопрос таким образом, чтобы они остались довольны исходом конфликта. Медиатор ориентирован не столько на конфликт (выяснение, кто прав, а кто виноват) или на выигрыш, сколько на конструктивный поиск решений и достижение компромисса, взаимовыгодного, гармонично сочетающего интересы всех заинтересованных в споре лиц. Также в данном контексте выделяется участие сторон в выработке и принятии решения. Медиатор не принимает решение, он организует переговоры, на которых стороны сами ищут варианты. Это дает возможность сторонам контролировать ситуацию и процесс принятия вариантов разрешения спора. Стало быть, исключены неожиданности и «неподъемные» решения. Также особо отмечается согласие сторон с принятым решением, т.к. опирается на интересы, добровольность, объективную разумность и заинтересованность в исполнении;

**Экономичность.** Время и стоимость рассмотрения. Процедура медиации в среднем занимает около трех недель. Оплата работы медиатора осуществляется, как правило, по затраченным на переговоры часам, и осуществляется сторонами в равных долях. При этом, деятельность медиатора может осуществляться как на платной, так и на бесплатной основе. Кроме того, стороны существенно экономят на судебных расходах (в том числе, по оплате государственной пошлины, оплате услуг представителя, командировочных, транспортных и иных расходах). Использование процедуры медиации помогает сэкономить не только деньги, но время и эмоциональные силы участников спора, поскольку она проводится в свободное и удобное для сторон время, в подходящем месте. Отсутствие необходимых элементов процессуальной формы и судебной атрибутики создает психологический комфорт для участников спора, атмосферу доверия и сотрудничества.

**Управляемость (гибкость процесса).** Стороны сами определяют, когда встречаются, сколько времени длится переговоры, будут ли они совместные, или медиатор работает со сторонами индивидуально. Так, в процедуре медиации стороны добровольно заключают соглашение, самостоятельно выбирают медиатора и определяют порядок проведения медиации. Используя

примирительные процедуры, стороны самостоятельно приходят к устраивающему их результату примирения. Здесь особо выделяется свобода выбора посредника - стороны сами выбирают медиатора, это значит, что «контролируют его компетентность и как медиатора, и как специалиста в той сфере, где лежит конфликт. Перед тем, как выбрать медиатора, сторонам предоставляется информация об уровне его профессиональных знаний, образовании, опыте и т.п. Стороны также могут встретиться с медиатором и убедиться в его компетентности. Это обеспечивает доверие к посреднику и его авторитетность.

**Эффективность.** В силу своей гибкости и диспозитивности, альтернативные способы урегулирования споров позволяют выработать оптимальное решение возникшей проблемы, способствуют укреплению партнерских отношений, формированию культуры мирного конструктивного самостоятельного разрешения конфликтных ситуаций участниками гражданского оборота. Считается, что договоренности, достигнутые сторонами в процессе проведения примирительных процедур, исполняются гораздо чаще, чем судебные решения.

**Конфиденциальность** – возможность сохранения коммерческой информации и отсутствие репутационных рисков. В соответствии с законом медиатору запрещено разглашать информацию о медиации, следовательно, найти ее в интернете или иным образом невозможно. Это важно при участии в тендерах, например. Стороны также могут договориться о дополнительных гарантиях конфиденциальности.

**Нейтральность медиатора (отсутствие коррупционной составляющей).** Медиатор не заинтересован в разрешении конфликта в пользу какой-либо стороны, не заинтересован в предмете спора. В случае утраты нейтральности, медиатор отказывается от проведения медиации. Нейтральность обеспечивается также оплатой услуг медиатора обеими сторонами в равных долях.

При этом, следует отметить, что выделяется также основной недостаток медиации – необязательность исполнения решения и использование одной из сторон информации, полученной во время участия в медиации для дальнейшей эскалации конфликта. Данные «изъяны» могут быть устранены в том случае, если медиатор компетентен в своей работе и будет ответственно выполнять функцию «расширителя ресурсов», то есть заранее (юридически правильно) подготовит необходимый пакет документов для проведения процедуры или использует возможность предложить сторонам отправиться к компетентному юристу (или сразу нотариусу) по успешному завершению медиации для заверения подписанных документов.

#### Список литературы

1. Закон Республики Узбекистан «О медиации» // lex.uz
2. Маврин О. Технологии урегулирования конфликтов. –Казань, 2014.
3. Романова Н. Медиация: социально-психологические аспекты. –Саратов, 2014.
4. Летяев В. Ломакина О. Правовая медиация в разрешении конфликтов и споров. –Волгоград, 2010.

**Э.Ахунджвнов,**  
ТДЮУ Бизнес ҳуқуқи кафедраси  
катта ўқитувчиси

### ХАЛҚАРО ТИЖОРАТ АРБИТРАЖЛАРИДА НИЗОЛАРНИ КЎРИШДА АРБИТРАЖ КЕЛИШУВИНИНГ МОҲИЯТИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада халқаро тижорат арбитражида турли низоларни ҳал этишда қўлланиладиган арбитраж келишувларининг моҳияти, арбитраж келишуви тушунчаси ва унинг тузилиши таҳлил этилган, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** халқаро тижорат арбитражи, низо, арбитраж келишуви, ҳуқуқий табиат, шартлар.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы сущность арбитражных соглашений, применяемых в разрешении различных споров в международном коммерческом арбитраже, понятие арбитражного соглашения и его структура, разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** международный коммерческий арбитраж, спор, арбитражное соглашение, правовая природа, условия.

**Annotation:** This article analyzes the essence of arbitration agreements used in the resolution of various disputes in international commercial arbitration, the concept of arbitration agreement and its structure, developed proposals and recommendations.

**Key words:** international commercial arbitration, dispute, arbitration agreement, legal nature, terms.

Юридик моҳиятига кўра Халқаро тижорат арбитраж суди ҳакамлик суди ҳисобланади. Шу боис халқаро тижорат судининг ишни кўришга нисбатан ваколати пайдо бўлиш шарт, бу тарафлар ўртасида ишни мазкур арбитраж судида кўриш ҳақидаги шартнома – арбитраж келишув деб аталадиган битим тузилиши ҳисобланади. Аслида, бизнингча, бу борада “арбитраж шартномаси” атамасини қўллаш тўғрисида бўларди, боиси келишув – бу тарафларнинг шартнома тузиш ҳақида ўзаро розилиги, шартномани амалга ошириш нияти холос. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги миллий қонуннинг 7-моддасида арбитраж келишув легал атамаси берилган бўлиб, унга кўра тарафлар ўртасида муайян ҳуқуқий муносабатга боғлиқ ҳолда юзага келадиган низоларнинг барчасини ёки айримларини арбитражда кўриш ҳақида битим арбитраж келишув ҳисобланади. Арбитраж келишув шартномадаги арбитраж изоҳ ёки алоҳида шартнома шаклида тузилиши мумкин. Арбитраж келишувининг ушбу атамаси умумий жиҳатдан 1985 йилги ЮНСИТРАЛ намунавий қонунининг 7-моддасида берилган атамани такролайди [1].

Тарафлар ўртасидаги битимга асосан келиб чиққан низо арбитражга ўтказилиши учун асос ҳисобланадиган арбитраж келишуви иккиламчи – моддий-ҳуқуқий ва процессуал ҳуқуқий табиатга эга. Бу фикр В.В.Ярков томонидан ҳам айтилган. Унингча, арбитраж келишув ўзига хос юридик фактлар туркумига кириб, бир вақтнинг ўзида моддий-процессуал тусга эга дуалистик мазмун касб этади [2]. Айнан шу иккиламчилик арбитраж келишувининг ҳуқуқий табиати ҳақида турли назарияларни вужудга келтиради. Бироқ айрим ҳуқуқшунослар, жумладан, М.Л.Рожкова, арбитраж келишувлар ҳуқуқий табиати

таҳлилдан қатъий назар, улар ўзига хос сифатларга эга эканлигига шубҳа қилмайди [3]. Бизнингча, арбитраж келишув низоли халқаро тижорат арбитражда кўриб чиқиш сабабчиси бўлган ҳолда, ташқи иқтисодий битим иштирокчилари ўртасида тузилган, юз бериши эҳтимоли мавжуд низоларни ўзаро розилик асосида танланган нодавлат арбитраж муассаса ёки ad hoc арбитражга ўтказишга қаратилган ўзаро процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўрнатиш ҳақидаги фуқаролик ҳуқуқий шартномадир.

Ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, арбитраж келишуви, биринчидан ўзига хос мақомга эга фуқаролик ҳуқуқий шартнома шакли, иккинчидан, арбитраж келишув ташқи иқтисодий битимга нисбатан “шартнома ичидаги шартнома” деб тушунилиши лозим, шунинг учун ҳақиқий эмас деб топилган битим арбитраж келишув учун бирорта ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши мумкин эмас, зеро асосий шартнома билан арбитраж келишув ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд.

Айтиш лозимки, арбитраж келишувнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми арбитраж келишув процессуал хусусиятлари, жумладан, уни тузиш процессуал оқибатлари – арбитраж келишувнинг пророгациявий ва дерогациявий хусусиятлари билан изоҳланади.

Тузилган арбитраж келишувининг пророгациявий хусусияти шунда ифодаланадики, арбитраж келишув тарафлар ўртасида юзага келган ёхуд келиши мумкин бўлган низоли кўриб чиқиш бўйича арбитражнинг ваколат доирасини белгилайди. Ҳақиқий арбитраж келишуви тузилганидан сўнг ҳеч бир тараф ундан бир ёқлама воз кечиши мумкин эмас. Гарчи адабиётда арбитраж келишувнинг ҳар икки тарафи исталган пайтда ушбу келишувдан бир ёқлама воз кечиши мумкинлиги ҳақида фикрлар берилган [4]. Бу каби ёндашув билан рози бўлиш қийин, чунки арбитраж келишувни бир ёқлама бекор қилиш нафақат халқаро шартномаларда, миллий қонунчиликда кўзда тутилмаган, балки мажбуриятларни лозим даражада бажариш зарурлиги хусусидаги универсал фуқаролик-ҳуқуқий қоидага бевосита зид келади.

Арбитраж келишувининг дерогациявий хусусияти шундаки, унинг мавжудлиги низоли давлат судида ҳал этишни инкор этади. Нью-Йорк конвенцияси II моддаси 3-бандига мувофиқ унга арбитраж келишув тузилган масала юзасидан даъво ариза келиб тушган тақдирда қайд қилинган келишув ҳақиқий эмас деб топилган, кучини йўқотган ёки бажарилмиши мумкин бўлмаган деб топмаган тақдирда тарафлардан бирининг илтимосига асосан, уларни арбитражга юбориши шарт. Яъни Нью-Йорк конвенцияси умумий тарзда, давлат суди зиммасига арбитраж келишув тузилган низо юзасидан киритилган даъво аризасини мазмунан кўриб чиқмаслик мажбуриятини юклайди, боиси бу ҳолатда давлат судида ушбу низоли кўриб чиқишга ваколати йўқ.

Шундай қилиб, тузилган арбитраж келишув, биринчидан, тарафларни маълум ҳаракатларни содир этишга мажбурлайди, – низоли ҳал этиш учун арбитражга мурожаат қилиш (позитив оқибатлар), иккинчидан, тарафларни айрим хатти-ҳаракатларни содир этишдан тийиб туришга – давлат судига низоли ҳал этиш учун мурожаат қилмасликка (негатив оқибатлар) мажбурлайди.

Юридик адабиётда ҳакамлик шартномаси ва арбитраж келишув атамалари синонимлар сифатида қўлланилади. Назаримизда, шартнома тушунчасига нисбатан цивилистик доктрина сезиларли таъсир кўрсатади, боиси мазкур категория айнан унинг доирасида фаол ишланган ва юристлар томонидан тушунишга ўзига хос

жиҳатларни киритган. Мисол учун, В.А.Шенинг “ҳакамлик шартномаси ҳолатида сўз шартнома ҳақида боради” деб ёзган ҳамда ўз нуктаи назарини ҳеч бир шартнома учта таркибий қисмсиз бўлмаслиги билан изоҳлаган: 1) келишув субъектлари; 2) келишув объектлари; 3) унинг ташқи шакли. Хуллас, арбитраж келишувни мазкур тушунчанинг кенг қамровли эканлигига қарамасдан, ўз ичига цивилистик хусусиятларни киритмаслиги ҳолатини инкор этиб бўлмайди. Бу мулоҳаза, аввало, шунга асосланадиги, арбитраж келишув доимо қарор қабул қилишда учинчи шахс, шу жумладан давлатга боғлиқ бўлмаган хусусий субъектлар бўлган иккита мустақил ифода этган ирода натижаси ҳисобланади.

Қоида тариқасида, арбитраж муҳоама, тарафларнинг ўзаро келишган ихтиёрини ифодалаган ҳамда улар ўртасида юзага келган низоларни давлат судлари ваколатидан чиқариб, уларни арбитражга ўтказишга қаратилган арбитраж келишувиде асосланади. Демак, арбитраж келишув арбитраж процесснинг асосий бошланғич нуктаси ҳисобланади, у сиз муҳоама бошланиши мумкин эмас. Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси шундан келиб чиқадиги, арбитраж келишув манфаатдор тарафларнинг ўрталарида юзага келган низоларни халқаро тижорат арбитражга ўтказиш тўғрисидаги битим ҳисобланади.

Бир қарашда арбитраж келишув (айниқса, контрактга алоҳида кириштириб қўйилган арбитраж изоҳ) асосий контракт шартларидан бири ҳисобланади. Эҳтимол, айна шу ҳолат арбитраж келишувга нисбатан контрактга нисбатан татбиқ этиладиган ҳуқуққа бўйсунадиган, контрактнинг ажралмас таркибий қисми сифатида анъанавий қарашнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ушбу асосли нуктаи назарга кўра, контракт ҳақиқий эмас деб топилганда, шунингдек амал қилиш муддати ўтганида, арбитраж келишув ўз-ўзидан юридик кучни йўқотади. Масалан, асосий шартнома, қонунда белгиланган шаклига номувофиқлиги учун тузилган пайдан ҳақиқий эмас бўлиши мумкин (*ab initio*), ёхуд контракт бўйича тарафлардан бири мажбуриятларни бажармаслиги, уни бажариш имконияти йўқлиги, тузилган муддат ўтганлиги ва бошқа ҳолатларда юридик кучни йўқотиши мумкин. Ушбу нуктаи назар тарафдорлари фикрига кўра, барча ушбу ҳолатлар арбитраж келишув ҳақиқийлигига ҳам бевосита таъсир этади.

Арбитраж келишувнинг мураккаб табиати оқибатида, юристлар унинг квалификация қилиш борасида анча эҳтиёткорлик билан фикр юритади. Мисол учун, Е.В.Кудрявцева ёзишича «ҳакамлик келишуви ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, процессуал тусга эга ҳуқуқий битимлар туркумига киритилиши лозим» [5]. Айна шу ерда у қуйидаги хулосага келади: “демак, унинг устидан низоланув вақтида ФКнинг тегишли қоидалари қўлланиши мумкин: келишувнинг ёзма шаклига риоя этилмаган, у ваколатсиз шахс томонидан имзоланган, алдаш, зўрлик, қўрқитиш таъсири остида, лаёқатсиз тараф томонидан тузилган”.

Арбитраж келишуви тузиш натижасида вужудга келадиган мураккаб эффект, уни икки тарафдан баҳолаш зарурлигини келтириб чиқаради: биринчидан, битим (шартнома) сифатида; иккинчидан, фуқаролик-ҳуқуқий низони кўриб чиқишга тааллуқлигини ўзгаришини келтириб чиқарадиган юридик факт тариқасида.

Бу борада судловга тааллуқлилик ўзгаришига олиб келадиган пророгациявий келишувлар тузиш билан қиёслаш қизиқ уйғотади. Юридик адабиётда таъкидланишича, агар низо иштирокчилари ўзининг хатти-ҳаракатлари ёки арзлари билан мазкур ишни кўриб чиқишга

ваколатли бўлмаган судда кўриб чиқишга розилик билдирган бўлса, улар низони ушбу судда низони ҳал этишдан воз кечишга ҳақли эмас. Бунда шартноманинг ҳақиқийлиги икки тарафдан кўриб чиқилиши мумкин: ҳар қандай битим сифатида ҳамда қонунда белгиланган судловга тааллуқлиликни ўзгартирувчи юридик факт тариқасида [6]. Арбитраж келишув худди пророгациявий келишув каби иккиламчи табиат ва икки ёқлама ҳуқуқий натижага эга. Аммо пророгациявий келишувдан фарқли ўлароқ арбитраж келишуви низони ҳал қилишда давлат иштирокини мутлақо инкор этади.

Арбитраж келишувини хусусий-ҳуқуқий шартнома тариқасида тан олиш, фуқаролик қонунчилигининг шартномавий муносабатларни юзага келиши, бажарилиши ва тугалланишини тартибга соладиган турли хил нормаларини қўллаш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. Масалан, ҳакамлик келишувларини бирёқлама бекор қилиш ёки ўзгартиришнинг ўзига хос хусусиятларини тартибга солиш ҳақидаги фуқаролик қонунчилиги нормаларини татбиқ этиш мумкинми? Бу борада энг долзарб муаммолардан бири – арбитраж келишувга нисбатан вазиятнинг жиддий ўзгариши, яъни тарафлар буни олдиндан билган тақдирда, шартнома тузилмаслиги ёки анча бошқа шартларда тузилиши мумкин бўлган тақдирда, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши ҳақидаги ЎзР ФКнинг 384-моддасини қўллаш мумкинлиги масаласидир. Бизнингча, ЎзР ФКнинг тегишли моддаси арбитраж келишувини бекор қилишга нисбатан татбиқ этилиши мумкин, бунда унинг айнан фуқаролик-ҳуқуқий (хусусий-ҳуқуқий) битим моҳияти кўзда тутилади. Арбитраж келишувни фуқаролик қонунчилиги қоидалари асосида бекор қилишга нисбатан бу каби ёндашув, В.В.Ярковнинг ҳаққоний таъкидига кўра, арбитраж келишувининг мураккаб табиати билан изоҳланади, бу эса уни бекор қилишда оддий фуқаролик-ҳуқуқий битим сифатида ёндашишга имкон беради [7]. Арбитраж келишувини фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида тавсифлаш нуктаи назаридан унинг предмети ва объектини чегаралаш шарт. Арбитраж келишувнинг предмети – бу тарафларнинг низони халқаро тижорат арбитражи судига ўтказишга оид фаол ҳаракатлари. Амалда бу шуни англатадиги, агар тарафлар арбитраж келишувини тузишда унинг предмети, яъни низо ҳакамлик судида кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун ўтказилиши хусусида келишувга эришмаган бўлса, бундай келишув тузилмаган ҳисобланади. Бу борада В.Хвалейнинг фикрлари тўғри, унинг назарида агар тарафлар шартноманинг барча асосий бандлари бўйича келишувга эришмаган бўлса, шартнома (шу жумладан, ҳакамлик келишуви) ҳақиқий эмас деб топилади [8]. Бу вазиятда арбитраж келишув тузилмаган деб топилиши шарт.

Арбитраж келишув объекти остида тарафлар томонидан тузилган, мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ташқи иқтисодий битим тушунилиши лозим. Айна битим бўйича шартларни бажарилмаслиги арбитраж келишув учун ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради.

Аммо, назаримизда, арбитраж келишувни фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий битимлар алоҳида кўриниши тариқасида билиш ушбу ҳодисанинг ҳуқуқий табиатини тўлақонли акс этмайди. Низони арбитражга кўриб чиқиш учун ўтказиш ҳақидаги шартнома, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома белгиларига эга бўлсада, айна чоғда фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаришдан ўзга ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириб чиқаради.

Арбитраж келишув фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида амал қилиши тўғрисида, шартномалар



ҳақиқийлигига оид умумий асослар уларга ҳам тегишли. Аммо ушбу масаланинг халқаро тижорат арбитражга нисбатан муҳимлиги сабабли, бу масалага батафсил тўхташ лозим топилди. Арбитраж келишувида “чет эл элементи” иштироки, унинг юридик жиҳатдан ҳақиқийлигини тан олиш учун куйидаги ҳолатларга ғоят муҳимлик касб этади.

1. Ушбу келишув тарафлари ҳуқуқий субъектив лаёқати лозим даражада эканлиги ва ўз иродасини ихтиёрий равишда ифода этганлиги.

Арбитраж келишувида чет эл элементи кўпинча турли хил давлатларга оид тарафлар кўринишида намоён бўлиши туфайли тарафларнинг ҳуқуқий субъектив лаёқати мақбуллиги масаласи қўллаш учун тегишли миллий қонунлар билан тартибга солинади. Кенг тарқалган коллизиявий нормалар асосида жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати уларнинг шахсий қонуни (фуқаролик қонуни ёки турар жой қонуни) билан, юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати – юридик шахс қонуни (унинг инкорпорация жойи қонуни, бир жойда ишлаш қонуни ёки асосий ҳўжалик юритиш жой қонуни) билан аниқланади. Арбитраж келишув ҳақиқий деб топилши учун, уни тузган тарафлар, уларнинг шахсий мақомини тартибга соладиган ҳуқуққа асосан лозим даражада ҳуқуқий лаёқатли бўлиши шарт. Тарафлар иродаси ихтиёрийлиги уларнинг нияти алдаш, зўрлик, кўрқитиш таъсиридан ҳоли равишда ҳақиқий эканлигини назарда тутати. Фақат шу ҳолатда тарафларнинг арбитраж муҳокамасини уларнинг ўртасидаги низоларни ҳал қилиш воситаси сифатида танлинишига оид ихтиёрини ҳақиқатда шаклланган деб тан олиш мумкин. Шунга кўра, арбитраж келишув негизида тарафларнинг ўзаро келишилган ва ҳеч бир камчилик ва хатосиз иродаси ётади.

2. Низонинг арбитраж муҳокамаси предмети бўлиши мумкинлиги.

Турли давлат қонунчилигида айнан қайси низолар арбитраж муҳокамаси предмети бўлиши мумкинлиги, қайсилари эса фақат суд тартибида кўрилиши турлича белгиланган. Шунга мувофиқ, арбитраж келишув амал қилиши соҳаси аниқланади.

Айрим давлатлар қонунларида арбитражнинг предметли ваколатига нисбатан чекловлар кўзда тутилади, жумладан, арбитраж томонидан тижорий тусга эга бўлмаган низоларни ҳал қилиш (мисол учун, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ); оммавий тартибга оид низолар; короҳоналар банкротлиги ва тугалланиши билан боғлиқ низолар; давлат манфаатларига оид ва бошқа низоларни кўриб чиқиш ман қилинади. Миллий қонунчиликдан ташқари айрим халқаро конвенциялар ҳам алоҳида тоифадаги низоларни арбитраж предметли ваколати доирасидан чиқариб ташлайди. Масалан, 1929 йилдаги Халқаро ҳаво транспорти орқали ташишга оид қоидалар тўғрисидаги Варшава конвенцияси, халқаро ҳаво транспорти орқали юк, йўловчи ва бағажни ташишга оид шартномалардан келиб чиқадиган низоларни, юк ташувчи турар жойи ёхуд юк ташувчи корхона бош бошқарув органи жойлашган манзил, ёки юкни етказиб бериш жойидаги давлат судида ҳал қилишни кўзда тутати (28-м.).

Арбитраж предметли ваколати доирасини аниқлашнинг ғоят муҳимлиги, унинг арбитраж қарори тан олиниши ва ижро этилиши жараёнига таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Жумладан, 1961 йилги Европа конвенциясида назарда тутилишича, арбитраж келишувининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги

хусусидаги иш қўзғатилган суд, башарти унинг давлатидаги қонун бўйича низо арбитраж муҳокамаси предмети бўлиши мумкин этиб белгиланган бўлса, келишувни ҳақиқий эмас деб топиши мумкин (VI мод. 2-б.). 1958 йилги Нью-Йорк конвенциясига мувофиқ, Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат қонуни бўйича низо арбитраж муҳокамаси предмети бўлиши мумкин этиб белгиланган бўлса, ушбу давлат ҳудудида арбитраж келишувини тан олиш ва ҳақиқий деб топиш рад этилиши мумкин (V мод. 2-б.).

3. Арбитраж келишувнинг лозим шаклда эканлиги.

Арбитраж келишуви шакли масаласини ҳал этишда бу борадаги миллий қонунчилик императив нормаларини инобатга олиш зарур. Аксарият давлатлар арбитраж келишувнинг ёзма шаклини талаб қилади, айни чоғда айрим давлатлар уни оғзаки шаклда тузишга имкон беради (масалан, Дания, Швеция).

1958 йилги Нью-Йорк конвенцияси II мод. 1-бандига мувофиқ ҳар бир ахдлашаётган давлат, объекти арбитраж муҳокамаси предмети бўлиши мумкин конкрет шартномавий ёки бошқа ҳуқуқий муносабат юзасидан вужудга келган ёки келиши мумкин бўлган низо, тарафлар томонидан арбитражга берилиши хусусидаги ёзма келишувни тан олади. 1961 йилги Европа конвенциясида арбитраж келишув остида ёзма битим таркибидаги арбитраж изоҳ ёки тарафлар томонидан имзоланган, бирорта қонуни арбитраж келишувнинг ёзма шаклини талаб этмайдиган давлатлар ўртасидаги муносабатларда, мазкур қонунларда руҳсат этилган шаклда тузилган алоҳида келишув тушунилади (1-м. 2-б.). Бундан келиб чиқадикки, агар Конвенция иштирокчиси бўлган ҳеч бир аъзо давлат қонуни арбитраж келишувнинг ёзма шаклда тузилишини талаб этмаса, у оғзаки шаклда тузилиши мумкин. Шу билан бирга, Нью-Йорк ва Европа конвенцияларида арбитраж келишувларга доир талаблари бир-биридан фарқ қилиши туфайли, ҳар икки конвенцияда иштирок этаётган давлатлар учун маълум қийинчиликлар юзга келади. Уларни бартараф этиш учун ҳар ҳолда, барибир ёзма шаклни тавсия этган маъқул.

Арбитраж келишув мазмуни тарафлар ўртасидаги низонинг арбитраж муҳокамасининг турли жиҳатларига оид шартлардан иборат. Арбитраж келишуви шартларни аниқ, ҳуқуқий жиҳатдан асосли шакллантириш тарафларнинг юзга келган низоли арбитражда кўриб чиқишга оид ихтиёрини аниқ билиш, низоли кўриб чиқишга ваколатли арбитраж органини аниқ белгилаш, арбитраж ваколати устида низолашиш имконини истисно этиш ва арбитраж қарорни ижро этишда машаққатларни йўққа чиқаришга имкон яратади.

Арбитражда низоларни ҳал этишда юзга келадиган муҳим муаммолардан бири – бу арбитраж келишувини шарҳлашдир, бу тушунча остида келишувда аниқланган ноаниқ, мавҳум ҳолатларни бартараф этиш орқали унинг мазмуни (маъноси)ни билиш, англаш тушунилади. Арбитраж шартномани тўғри талқин этилиши, одатда, арбитраж суди таркиби конкрет низоли ҳал этишда ечиши зарур бўлган асосий процессуал вазифалардан бири ҳисобланади. Амалий жиҳатдан арбитраж шартномани талқин этиш қийинчилиги шундаки, тарафлар кўпинча унинг мазмунини турлича тушунади. Арбитраж келишувида манфаатдор бўлмаган жавобгар, арбитраж келишув мазмуни ноаниқлиги ёки мавҳумлиги туфайли баъзан арбитраж ваколати устидан низолашишга уринади, бунда жавобгарнинг вазифалари арбитраж келишуви

матнидаги айрим атамалар, тахририй ёки бошқа шунга ўхшаш камчиликларга асосланиши мумкин.

Халқаро тижорат арбитраж масалаларига бағишланган юридик адабиётда, ҳар доим арбитраж келишув шартларни аниқ шакллантириш зарурлигига эътибор қаратилади, тарафлар арбитраж шартномада келишиши мумкин бўлган масалалар доираси, инobatга олиш зарур бўлган мотивлар, арбитраж шартномаларга ҳуқуқий жиҳатдан мавҳум қоидалар киритилиши оқибатлари хусусида фикрлар айтилади. Бунда, назаримизда, тадқиқотчилар арбитраж шартнома тузилиши ва унинг ҳақиқийлиги тушунчаларини етарлича изчиллик билан фарқлашмайди [9].

Арбитраж келишув ҳақиқийлиги ёки ҳақиқий эмаслиги масаласи фақатгина тузиб бўлинган, яъни барча асосий шартларга эга арбитраж келишувига нисбатан кўриб чиқиши мумкин. ФКнинг 432-моддаси 1-қисмига асосан агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Муҳим шартлар деганда, келишиш лозим бўлган шартлар тушунилади, зотан уларнинг ҳатто биттаси бўйича келишувга эришилмаслик ҳолатида, шартнома тузилмаган, яъни мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигига асосан шартноманинг предмети тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олиниси зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Демак, арбитраж шартномада, биринчидан, муҳим шартларни фарқлаш лозим, улар йўқлигида арбитраж шартнома тузилмаган ҳисобланиб, юридик факт шаклида мавжуд бўлмайди, демакки, юридик оқибатни келтириб чиқармайди; иккинчидан, тарафлар келишувига кўра арбитраж шартномага киритилиши мумкин бўлган тасодифий шартларни фарқлаш зарур, уларнинг мавжуд эмаслиги шартноманинг юридик мазмунини бекор қилмайди.

Халқаро-ҳуқуқий шартномаларни арбитраж тўғрисидаги қонунлар, суд ва арбитраж амалиёти негизда таҳлил қилиш келишувнинг ҳам муҳим, ҳам тасодифий шартларини аниқлашга имкон беради.

Арбитраж келишувнинг муҳим шартларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- арбитражда низони кўриб чиқиш тартиби;
- низони кўриб чиқишга ваколатли аниқ арбитраж орган [10];
- арбитражда кўриб чиқиши лозим масалалар доираси [11];
- қўлланиладиган ҳуқуқ.

Арбитраж келишувнинг тасодифий шартлари куйидагилардан иборат

- арбитраж ўтказиш жойи;
- арбитраж муҳокама тили ҳақидаги шарт;
- арбитражлар сони;
- арбитраж муҳокама тартиби;
- арбитраж қарори устидан шикоят қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги.

Арбитраж келишув аниқ-равшан тилда ёзилган бўлиши, низо келиб чиқиши мумкин аниқ муносабатга боғлиқ бўлиши ҳамда икки хил талқин этилиши мумкин иборалардан ҳоли бўлиши шарт. Мавҳум шаклда ифодаланган арбитраж келишувнинг ҳақиқий эмас деб топилши эҳтимоли анча юқоридир. Шу каби салбий воқеаларни олдини олиш учун арбитраж институтлар ва ассоциациялар намунали арбитраж келишув шакллари тавсия этади. Жумладан, Халқаро савдо

палатаси куйидаги намунали арбитраж келишувдан фойдаланишни тавсия этади: ушбу контракт билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ҳар қандай низолар, Халқаро савдо палатаси Арбитраж регламентига асосан мазкур регламент асосида тайинладиган бир ёки бир неча арбитражлар томонидан узил-кесил ҳал этилиши шарт [12].

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Арбитраж келишув – бу тарафларнинг муайян ҳуқуқий муносабат юзасидан келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки маълум низоларни, унинг шартномавий тусга эга эканлиги ёки эга эмаслигидан қатъий назар, арбитражга ўтказиш тўғрисидаги келишувдир. Арбитраж келишув шартнома ичидаги арбитраж изоҳ ёки алоҳида келишув шаклида тузилиши мумкин.
2. Ярков В.В. Юридические факты в механизме реализации норм гражданского процессуального права. Екатеринбург, 2012. – С.24; Ярков В.В. Постатейный научно-практический комментарий к Федеральному закону «О третейских судах в Российской Федерации» // Третейский суд.2013. – № 4 (28). – С.21.
3. Рожкова М.А. Компетентный суд по соглашению сторон // Третейский суд. 2014. ½ 1 (31). – С.77.
4. Законодательство. – 2002. – №7. – С.4.
5. Кудрявцева Е.В. Оспаривание решений третейских судов // Заметки о современном гражданском и арбитражном процессуальном праве / Под ред. М.К.Треушников. – М.: Издательский дом «Городец», 2004. – С.173.
6. Рябов А.В., Хейфец Б.С. Подсудность споров в связи с морскими авариями. – М.: Юридическая литература. – М., 2003. – С.116
7. Ярков В.В. Постатейный научно-практический комментарий к Федеральному закону «О третейских судах в Российской Федерации» // Третейский суд. – 2013. – № 4 (28). – С.21.
8. Хвалей В. Как убит арбитражное соглашение // Третейский суд. – 2003. – №5 (29). – С.51.
9. Ануфриева Л.П. Международное частное право: В 3-х т. Том 3. – М.: Издательство «БЕК», 2011. – С.179.
10. Тарафлар бу орган сифатида муайян доимий фаолият юритадиган арбитраж судни (шартнома тарафи жойлашган конкрет давлатдаги ёки учинчи давлатда жойлашган) ёхуд ad hoc арбитраж судни танлаши мумкин.
11. Арбитраж келишув, шунингдек тарафлар арбитражда кўриб чиқиш учун ўтказишга келишиб олган низоларга кўрсатмани кўзда тутиши шарт. Буларга контрактдан келиб чиқаётган барча низолар ёки уларнинг бир қисми кириши мумкин. Арбитраж суд ваколати доирасини ўрнатувчи арбитраж келишувлар тузиш мумкин.
12. Международное регулирование внешнеэкономической деятельности / Д.П. Александров, А.В. Бобков, С.А. Васильевский и др.; Под ред. В.С. Каменкова. – М.: Изд-во деловой и учебн. лит-ры. – Мн.: Дикга, 2005. – С. 644.

**Sh.A.Khodjimurotov,**

Teacher at “International commercial law” Department of TSUL

### LEX SPORTIVA: A NEW CONCEPT IN SPORTS GOVERNANCE

**Abstract:** the article highlights the legal nature of the concept of *lex sportiva*, as well as an analysis of the practice of its use in the Court of Arbitration for Sport. The history of formation and the internal structure of *lex sportiva*, the origin of the concept of “*lex sportiva*” is considered. In addition, special attention is paid in the article to studying the role of the Court of Arbitration for Sport in the emergence of the concept under consideration. A comparative analysis of the normative complexes *lex sportiva* and *lex mercatoria* is carried out. Moreover, the author focuses on the trans-national character of *lex sportiva*, as well as the interaction and correlation of this concept with international sports law.

**Key words:** *lex sportiva*, court of arbitration of sport, sports disputes, *lex mercatoria*, precedent, transnational legal order.

**Аннотация:** в статье освещается правовая природа понятия *lex sportiva*, а также анализ практики его использования в Спортивном арбитражном суде. Рассматривается история становления и внутренней структуры *lex sportiva*, происхождение понятия «*lex sportiva*». Кроме того, в статье особое внимание уделяется изучению роли Спортивного арбитражного суда в возникновении рассматриваемой концепции. Проведен сравнительный анализ нормативных комплексов *lex sportiva* и *lex mercatoria*. Вместе с тем, автор акцентирует внимание на транснациональный характер *lex sportiva*, а также на взаимодействии и взаимосвязи этой концепции с международным спортивным правом.

**Ключевые слова:** *lex sportiva*, спортивный арбитражный суд, спортивные споры, *lex mercatoria*, прецедент, транснациональный правопорядок.

**Аннотация:** мақолада *lex sportiva* тушунчасининг ҳуқуқий табиати ёритилган бўлиб, шунингдек, унинг спорт арбитраж судида қўлланилиши ва амалиёти бўйича таҳлиллар олиб борилган. *Lex sportiva* тушунчасининг келиб чиқиши тарихи, унинг шаклланиши ва ички тузилиши масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, ушбу мақолада мазкур Концепциянинг пайдо бўлишида спорт арбитраж судининг роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган. *Lex sportiva* ва *lex mercatoria* норматив комплекслари бўйича қиёсий таҳлиллар олиб борилган.

Шунингдек, муаллиф томонидан *lex sportiva* концепциясининг трансмиллий характерига ҳамда унинг Халқаро спорт ҳуқуқи билан ўзаро таъсири ва алоқасига алоҳида урғу бериб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *lex sportiva*, спорт арбитраж суди, спортга оид тортитувлар, *lex mercatoria*, прецедент, трансмиллий ҳуқуқий тартибот.

In contrast to commercial arbitrations, specialized sports arbitration courts not only effectively resolve sports disputes, but also achieve a high degree of such efficiency by providing a case-law in their decisions. The role of precedent in resolving disputes was discussed in the UCI

v. Jogert [1], decision, in which the CAS noted that, although arbitration is not based on the principle of *stare decisis* (the prevailing power of precedent), the decisions of the CAS form a case law of sports and contribute to enhancing legal predictability in international sports law. And although previous CAS decisions are not binding, they can and should be taken into account by the CAS Arbitration Groups considering subsequent cases in order to establish the legality and protect the rights and interests of sports bodies and athletes. The practical application of an authoritative array of case law in the framework of the CAS and national sports arbitration has been greatly facilitated by the introduction of open public access to most arbitral awards.

In addition, the role of the CAS is not only to interpret the regulations of sports federations, but more to identify the most effective standards and create a harmonized unwritten set of rules that reflect the best practice of law-making and law enforcement in the field of sports. Thus, CAS develops standards for international sports federations.

The concept of *lex sportiva* is a neologism, which is increasingly used to denote the system of transnational sports norms. In the narrow sense, *lex sportiva* comes down to the decisions of CAS, which formulated a number of principles dictated by the rules and regulations of the adjacent legal order and the circumstances of the sports competitions and events themselves. These principles have been developed with the aim of ensuring the unity of the transnational law and order in the field of sports.

It is believed that for the first time the term *lex sportiva* was put into circulation on the initiative of the current CAS Secretary-General Matthew Reeb simultaneously with the publication of the first Digest of CAS awards 1986-1998. Already in the preface to the second Digest of CAS awards for 1998–2000, Mr. Reeb wrote that the first Digest testified the fact of the formation of *lex sportiva* in the process of considering CAS disputes. The neologism of *lex sportiva* cannot be considered Latinism, since the adjective “*sportiva*” is not Latin in origin. Therefore, it is believed that the term *lex sportiva* was created by analogy with the medieval term *lex mercatoria*.

*Lex sportiva* is an interesting example of global legal pluralism, is outside the framework of state regulation and is formed in the process of resolving international sports disputes between private actors. *Lex sportiva* is an autonomous regulatory system that includes the Olympic Charter [2], the World Anti-Doping Code [3], which is an example of public-private regulation of sporting legal relations, norms of international sports federations and national sports bodies that establish the rights and obligations of private actors within an international sports family. The source of their legality is a high degree of self-fulfillment of these norms, which is finally confirmed through an appeal to an external arbitration body, the competence of which is written directly in the contract between the parties.

The concept of *lex sportiva* is so new that, even in the recent 2005, CAS itself decided in its decision that the content and limits of this concept are too vague and ambiguous to be used to determine the specific rights and obligations of the sports association in relation to the athlete. In a later decision, the CAS already agrees with the existence of such a concept. The case concerned the legality of applying sanctions to the whole team when a positive doping test was detected only in one of the members of such a team. CAS decided that within the framework of *lex sportiva* there is no principle that would unequivocally

require disqualification of the team for the use of doping by one of the athletes during the competition. In this case, the CAS noted the priority of the general principles of *lex sportiva* over the contractual norms of international sports federations.

The validity of the allocation of *lex sportiva* was mentioned in another CAS decision: "Sports law has been developed and strengthened for many years, especially by settling disputes by arbitration courts, resulting in a number of unwritten legal principles - a kind of "lex mercatoria" for sports, which both national and international sports federations must comply, regardless of the presence or absence of such legal principles in their laws and regulations, as well as regardless of whether these principles are consistent with Applicable domestic law, provided that such principles do not violate the norms of public order in each particular case.

Nafziger notes that *lex sportiva*, based on the principle of *stare decisis*, contributes to the speed of arbitration, predictability and stability of decisions, the CAS sequence when considering similar cases. The precedent nature of the CAS decisions and the equivalence of these decisions contribute to the formation of a system of mutually agreed principles of *lex sportiva*.

Scientists around the world fill the term *lex sportiva* with a completely different meaning. Some reduce his understanding solely to the decisions of the CAS, while others believe that *lex sportiva* is nothing more than the aggregate of unwritten legal principles applied by the CAS when dealing with sports disputes. There are those who generally deny the existence of this unique legal phenomenon in the field of sports. A number of scientists are convinced that *lex sportiva* is a branch of international sports law, the specificity of which is to apply the principles of international law in the field of sports through an appeal to CAS.

Carter defines *lex sportiva* as a set of transnational arbitration principles, which are formed by transnational associations of private entities. Cassini, in turn, identifies the concept of global sports law and *lex sportiva*.

Ken Foster singles out, within the framework of the *lex sportiva* system, a set of general moral rules for sports competitions, defining it as an internal law of sports, which Foster calls *lex ludica*. This is a kind of author's interpretation of the fair play system ("fair play") [4].

Papaloukas's idea is completely valid, which notes that the concept of *lex sportiva* as an autonomous and independent legal order is not identical to international sports law, which by its very nature is intended to regulate relations between states. Therefore, the concept of *lex sportiva* covers the global, not the international sports system.

The history of sports has a rather long history. As noted by the famous French scientist, Professor Philip Gest, long before the emergence of laws on sports and, especially, the regulatory and systematic systematization in this area, people already ran a race and overcame obstacles, competing among themselves. And already then there were rules that determined the height of the jump, the length of the racetrack and the conditions of the competition.

Sports regulatory regulation as a form of regulation exists independently of legal regulation authorized by the state, and has a very long history. Already in the Ancient World, relations in the field of sports were regulated by communities and the first prototypes of sports organizations. However, the laws on sports began to appear only in

the late XIX-early XX centuries. Gradually, the process of implementation of *lex sportiva* in sports law began.

Sports activities for a long time remained outside the sphere of legal regulation. This can be explained by the free sports, and accordingly the lack of interest in it from the government.

*Lex sportiva* as a legal phenomenon governing international private sporting relations, is fairly new and little studied. In general, the prevailing opinion in foreign literature is that *lex sportiva* is an autonomous set of norms that are transnational in nature and regulate relations in the field of sports.

For the further effective use of *lex sportiva* in the settlement of disputes, it is necessary to codify the principles that are part of this regulatory system in a single document. It is logical that such a codification was carried out within the framework of the CAS, since it is he who plays the key role in the formation of unwritten legal principles. Such a document would allow structuring the principles that govern the CAS in resolving disputes by classifying into groups of sports affairs and a brief description of the approaches to solving each group of disputes. Such a set of rules could be something like the *Unidroit Principles* [5], which will be applied not only to CAS, but also to national sports arbitration. The creation of an organization similar in its functions to the International Institute for the Unification of Private Law (UNIDROIT) [6] could also be expedient. This organization could, in cooperation with CAS, work to unify the norms governing international private sports relations.

The rules, which are created by international sports bodies, largely resemble similar rules within the framework of *lex mercatoria*. Not without reason in scientific circles they speak about the similarity of the concepts of *lex sportiva* and *lex mercatoria*. These two sets of norms have a number of signs that allow speaking about the similarity of their legal nature. They are characterized by the same goal of functioning - increasing the efficiency of regulating a certain sphere of international private relations with the help of a special regulatory system. Both regulatory complexes were created outside the framework of the official legislative activity, directly by the subjects of the corresponding sphere of public relations. Both systems are autonomous legal systems that are not part of either the system of international law or any national legal system.

However, differences exist in the conditions of use of these systems. Thus, *lex mercatoria* can be applied only if there are conditions that are not required for the application of *lex sportiva*: first, by applying national law (if the parties have chosen this right or if it is applied by virtue of a corresponding reference) to which *lex mercatoria* has been incorporated; secondly, through the direct application of *lex mercatoria*, if the parties did not choose the applicable law, and the arbitrators found it possible to apply *lex mercatoria*. If you simulate a situation in which a national sports federation, an athlete or any other participant in international sports relations refuses to sign any document subordinating them to *lex sportiva*, this refusal will not mean the automatic subordination of the relevant subject to the national law and order. However, such a subject will be deprived of the right to participate in all Olympic competitions.

Both international trade and international sports are characterized by special dispute resolution procedures.

The main differences between *lex sportiva* and *lex mercatoria* are reduced to different sources of these regulatory systems and the presence of the element opinio

juris, i.e., a sign of legal obligation. The sources of *lex mercatoria* most often include international conventions, recommendations of international organizations, general principles of law, customs, usages, model contracts, codes of model rules and arbitral awards. The sources of the *lex sportiva* E.A. Vostrikova include all of the above with the following reservations:

- a small number of international treaties in the field of Olympic sports, such as the Nairobi Treaty on the Protection of the Olympic Symbol of 1981 [7], the UNESCO Convention Against Doping in Sport in 2005 [8] and other few solid law documents;

- such a structural element of the *lex mercatoria* as recommendations of international organizations in the case of *lex sportiva* is replaced by the rules of international sports organizations that are of solid law and have a common character, i.e. they are legally bound;

- the absence of any *lex sportiva* codifications and codes of model rules at the moment;

- a large variety of standard documents (contracts, forms, etc.). Athletes participating in the Olympic Games, for example, fill out a special application form, according to which they agree, including the CAS jurisdiction in the event of a dispute during the Olympic Games;

- according to the thought prevailing in foreign literature, the beginning of the formation of *lex sportiva* was laid by the decisions of CAS, which had a precedent character.

In the aspect of legal obligation, *lex mercatoria* is significantly inferior to *lex sportiva*. In particular, the UNIDROIT Principles [9] and the Principles of European Contract Law may be applied only with the consent of the parties to international agreements. These documents are advisory in nature and are related to soft law. In contrast, documents *lex sportiva*, in particular, the rules of the International Olympic Committee (hereinafter - the IOC) and sports federations, apply to participants of the competition, regardless of their consent.

*Lex sportiva* is a more advanced system compared to *lex mercatoria*, since it already has a clear hierarchy of norms, system integrity, the ability to regulate all types of international private sports relations, and the mandatory nature of the norms of international sports organizations.

From the very beginning of the emergence of this field of human activity, the regulation in the sphere of sports was private and transnational in nature. Sports organizations form an institutional structure that is transnational in nature. The urgent need to regulate international sports relations at the global level has contributed to the emergence of a transnational by nature law and order known to us today as *lex sportiva*, which has no absolute analogues in other branches of social relations.

Sport is a favorable starting point for the development of transnational private law. In 1956, the book of the famous American lawyer Philip Jessup, "Transnational Law" [10] was published. Jessup proposes to use the term "transnational law" to describe the rule of law, consisting of norms of international public and international private law, as well as norms that are not part of these two regulatory systems, and regulate legal relations and events that go beyond the borders of one state. The transnational law defined in this way is intended to accumulate all legal norms, regardless of their origin, that go beyond a particular legal order into a single system.

In the field of sport, the concept of transnational law developed by Jessup is particularly relevant. It allows you to include in this new rule of law rules of a private nature, developed by international sports federations and the IOC.

This also includes the few international legal norms contained in the UNESCO Convention Against Doping in Sport in 2005 [11], the Council of Europe Anti-doping Convention 1989 [12], the European Convention on Spectator Violence and Misbehaviour at Sports Events and in particular at Football Matches of 1985 [13], the 1985 International Convention against Apartheid in Sports. Another component of transnational sports law is the so-called soft law. We cannot ignore the norms of national law applicable to transnational sports relations, in particular, the Swiss Association Law, because the IOC and most international federations have their headquarters in Switzerland.

Jessup goes even further in his assumptions, noting that any judge (national or international, public or private) who has to resolve a transnational dispute may choose a transnational rule that he considers most appropriate because of his inner conviction and in the interests of justice.

Of course, such a position does not find support among the judges of state courts, who follow clear rules in determining the law they should follow when resolving a dispute. But the arbitrators of the CAS have enough opportunities for freedom of action in the designated area. As part of the appeal proceedings, in addition to the applicable rules and regulations chosen by the parties and the law of the country in which the federation, association or any other sports body that made the decision appealed, have a permanent seat, CAS may also apply the rules of law that it considers acceptable in each specific case. The practice of SED shows that his chambers interpret this position differently. The chamber of ordinary production, which deals with cases of first instance, applies the rules of the relevant sports bodies, sometimes refers to the national law, and may generally prefer the unwritten principles of sports law. At the same time, the Chamber ad hoc should resolve disputes in accordance with the Olympic Charter, relevant regulations, general principles of law and the rules of law that it considers appropriate.

Findings. Thus, *lex sportiva* can be defined as a private autonomous legal order, which is formed on the basis of CAS decisions and which includes the principles, customs and norms of international sports federations and organizations aimed at regulating legal relations arising in the field of sports. CAS activity is a vivid example of the existence of a transnational sphere of regulation of sport relations. Finally, the desire of sports bodies to self-regulation and autonomy found expression in the concept of *lex sportiva*, whose popularity is growing every year. In many ways, CAS creates not only *lex sportiva*, but also *lex specialis* for sports. This CAS fully takes into account the specifics of the sports sphere of legal relations, which are complicated in structure and expanding in space.

#### References and literature

1. <http://autobus.cyclingnews.com/results/1998/jan98/jan27a.html>
2. [https://stillmed.olympic.org/Documents/olympic\\_charter\\_en.pdf](https://stillmed.olympic.org/Documents/olympic_charter_en.pdf)
3. <https://www.wada-ama.org/sites/default/files/resources/files/wada-2015-world-anti-doping-code.pdf>
4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Fair\\_Play](https://en.wikipedia.org/wiki/Fair_Play)
5. <https://www.unidroit.org/instruments/commercial-contracts/unidroit-principles-2016>
6. <https://www.unidroit.org/>
7. <http://admin.theiguides.org/Media/Documents/WIP>

O%20Nairobi%20Treaty.pdf

8. <http://www.unesco.org/new/en/social-and-human-sciences/themes/anti-doping/international-convention-against-doping-in-sport/>

9. <https://www.unidroit.org/instruments/commercial-contracts/unidroit-principles-2016>

10. [https://www.academia.edu/31788344/Transnational\\_Law\\_in\\_Context\\_The\\_Relevance\\_of\\_Jessups\\_Analysis\\_for\\_the\\_Study\\_of\\_International\\_Arbitration](https://www.academia.edu/31788344/Transnational_Law_in_Context_The_Relevance_of_Jessups_Analysis_for_the_Study_of_International_Arbitration)

11. <http://www.unesco.org/new/en/social-and-human-sciences/themes/anti-doping/international-convention-against-doping-in-sport/>

12. <https://rm.coe.int/CoERMPublicCommonSearchServices/DisplayDCTMContent?documentId=090000168007b0e0>

13. <https://rm.coe.int/168007a086>